

2
-250.2

336

Ф-21



Ўзбекистон Республикаси
Модля вазирлиги



Uzbekistan

БЮДЖЕТНИ ЎРТА МУДДАТЛИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Тошкент 2010

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ТАРАҚИЁТ ДАСТУРИ
(БМТТД)**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎҚУВ МАРКАЗИ

**БЮДЖЕТНИ ЎРТА МУДДАТЛИ
РЕЖАЛАШТИРИШ**

**Ё.Ш. Файзуллаев
И.А. Азизова**

Тошкент – 2010
infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти

Тақризи:

Сидиков Ж. -- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджетни бош бошқармаси давлат бюджетини таҳлил қилиш бўлими бошлиғи ўринбосари.

Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш

/ Ё.Ш. Файзуллаев, И.А. Азизова. - Тошкент, 2010 - 152 б.



Uzbekistan

Барча ҳуқуқлар БМТ Тараққиёт Дастурига тегишли. Ушбу китобдан ҳар қандай кўчирмалар олиш ва улардан фойдаланиш фақат ёзма рухсатга мувофиқ манбани кўрсатиш билан амалга оширилиши мумкин. Китобни қайта нашр этиш, таржима қилиш ва сотиб олишга доир барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этинг: Тошкент шаҳри, 100029, Тарас Шевченко кўчаси, 4-уй.

© Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури, 2010 йил.
Ўзбекистон, 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 4-уй.
Тел: (+998 71) 120-34-50
Факс: (+998 71) 120-34-85
Интернет-сайт: www.unpdp.uz

© БМТД «Ўзбекистонда давлат молияси ислоҳоти» лойиҳаси, 2010 йил.
Ўзбекистон, 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55.
Тел: (+998 71) 259-21-52
Факс: (+998 71) 259-20-51
Интернет-сайт: www.publicfinance.uz

infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти

ISBN 9789943-320-30-7

МУНДАРИЖА

Кирриш	6
1-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ АСОСЛАРИ	8
1.1. Мавжуд бюджет тизими	8
1.2. Бюджет жараёнини ташкил этиш	10
1.3. Давлат бюджети тузилмаси	13
1.4. Бюджет жараёни босқичлари	15
1.5. Ўзбекистонда бюджет жараёнининг норматив-ҳуқуқий асоси	21
2-боб. ЎЗБЕКИСТОНДА БЮДЖЕТНИ ЎРТА МУДДАТЛИ РЕЖАЛАШТИРИШНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЗАРУРИЯТИ ВА ШАРТЛАРИ	25
2.1. Давлат бюджетини режалаштиришнинг мавжуд усуллари	25
2.2. Бюджет ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлиги	26
2.3. Ўзбекистонда БЎМРни жорий этиш шартлари	28
3-боб. БЮДЖЕТНИ ЎРТА МУДДАТЛИ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ	32
3.1. Мамлакат иқтисодиятида бюджетнинг ўрни ва аҳамияти	32
3.2. Ўрта муддатли ва келяжак бюджетини режалаштириш	36
3.3. БЎМР жараёнини бошқариш	43
3.4. Бюджетни режалаштириш ва унинг усуллари	46
3.5. Бюджет даромадлари ва харажатларини прогноз қилиш усуллари	57
3.6. Қонуқчилик асоси	61
4-боб. БЮДЖЕТНИ ЎРТА МУДДАТЛИ РЕЖАЛАШТИРИШ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ	67
4.1. Чет эл мамлакатларида БЎМРнинг хусусиятлари	67
4.2. Жаҳон амалиётида БЎМРни тайёрлашнинг институционал жиҳатлари	73
4.3. БЎМРни жорий этиш борасида тўпланган тажрибадан сабоқлар	78
5-боб. ЎРТА МУДДАТЛИ БЮДЖЕТ ЛОЙИҲАСИНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИ	84
5.1. Ўрта муддатли комплекс режалаштириш босқичлари	84
5.2. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ўрта муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш	87
5.3. Ўрта муддатли (перспектив) молиявий режани тайёрлаш	93
5.4. Давлат бюджетининг ўрта муддатли келяжак учун мўлжалланган кўрсаткичларини лойиҳалаш	95
5.5. Бюджет маблағларини тақсимловчилар учун бюджет харажатларининг лимитларини шакллантириш	99
5.6. Ўрта муддатли даврга мўлжалланган Давлат мақсадли (бюджет) дастурларини ишлаб чиқиш	101
5.7. Бюджет харажатларининг лимитларини мақсадли дастурларнинг кўрсаткичлари билан мувофиқлаштириш	109
6-боб. БЮДЖЕТНИ ЎРТА МУДДАТЛИ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ САМАРАДОРЛИК ДАРАЖАСИГА БАҲО БЕРИШ	112
6.1. БЎМРнинг самарадорлик даражасига баҳо беришга қўйиладиган асосий талаблар	112

6.2. БЎМРнинг самарадорлик даражасига баҳо беришнинг асосий турлари ва элементлари	115
6.3. Натижалар хақида ахборот	123
6.4. Ташкилот фаолияти натижаларига баҳо бериш	124
7-606. ЎЗБЕКИСТОНДА БЮДЖЕТНИ ЎРТА МУДДАТЛИ РЕЖАЛАШТИРИШНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАР	127
7.1. Платформалар усули	127
7.2. БЎМРни жорий этишнинг дастлабки шартлари.....	128
7.3. БЎМРни жорий этиш чора-тадбирларини амалга ошириш тартиби ва кетма-кетлиги	131
Хулосалар ва тавсиялар	144
Адабиётлар	147

ҚИСКАРТМАЛАР РЎЙХАТИ

МТЕҒ	Қатъий бюджет чеклашлари доирасида харажатларни ўрта муддатли комплекс режалаштириш (Medium-Term Expenditure Framework)
МАТ	Маълумотлар ахборот тизими
НЙБ	Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш
ЯИМ	Ялпи ички маҳсулот
ОМК	Олий молиявий Кенгаш
ИМД	Идоравий мақсадли дастурлар
БМБТ	Бюджет маблағларини бош тақсимловчилар
ФНАЙМ	Фаолият натижалари ва асосий йўналишлари ҳақида маърузалар
ЕИ	Европа Иттифоқи
ХВФ	Халқаро Валюта Фонди
МВ	Моллия вазирлиги
БАМА	Бюджетдан ажратиладиган маблағларни асослаш
ИЭҲО	Ижро этувчи ҳокимият органлари
ИХРТ	Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш бўйича ташкилот
БРП	Барқарорлик ва ривожланиш пакети (Европа Иттифоқи)
ПМР	Перспектив молиявий режа
ХМР	Харажатларга оид мажбуриятлар реестри
НЙЎМБ	Натижага йўналтирилган ўрта муддатли бюджетлаштириш
БЎМР	Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш
ЎМБС	Ўрта муддатли бюджет стратегияси
ЎММР	Ўрта муддатли молиявий режа

КИРИШ

Сўнги ўн йилликларда жамият давлатга, шу жумладан, у бажарётган функциялар сифатига янада талабчанлик билан ёндаша бошлади. Кўпгина мамлакатлар иктисодиётида давлатнинг иштироки ва таъсири кучайиб бормокда. Айни шу сабабли бундай таъсирнинг оқибатларига жамият томонидан баҳо бериш ва унинг мазмунини англаб етиш масалалари кўпгина мамлакатларни давлат тузилишининг муҳим элементларидан бири – давлат молия тизимининг фаолият кўрсатиш принциплари ва механизмларига нисбатан ўз муносабатларини ўзгартаришга мажбур этди. Бундан ташқари, давом этаётган жаҳон молиявий никирозининг кўпгина мамлакатлар иктисодиётига салбий таъсири кучайиши бюджет-солиқ сиёсатининг имкониятларига комплекс баҳо бериш, ижтимоий ресурслардан самарали фойдаланиш ва ўрта муддатли келажақда уларнинг самарадорлигига эришиш мақсадида бюджет даромадлари ҳамда харажатларини режалаштиришнинг ошқоралик, барқарорлик ва унумдорлик принципларига асосланган, халқро амалиётининг энг сара андозаларига мос келадиган ишончли усулларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш вазифаларини ҳал қилишни талаб этади.

Бу мақсадларга катъий бюджет чеклашлари доирасида харажатларни ўрта муддатли комплекс режалаштириш (“Medium-term Expenditure Framework” – МТЕФ)га босқичма-босқич ўтиш йўли билан эришилади. Мазкур усул бюджет ислохотига доир чет эл адабиётларида кенг тарқалган бўлиб, республикамизда нашр этилган адабиётларда бюджетни ўрта муддатли режалаштириш (БЎМР) ёки натижага йўналтирилган ўрта муддатли бюджетлаштириш (НЙЎМБ) сифатида тавсифланади.

Бюджетларни кўп йиллик асосда шакллантириш заруриятининг долзарблиги умум эътироф этилган. Ўз-ўзидан равшанки, давлат молияси соҳасида қўрилаётган қораларнинг ўрта муддатли оқибатларини ҳисобга олиш келажақда бекарорликка йўл қўймаслик имкониятини беради.

Ўзбекистонда бюджетни ўрта муддатли режалаштириш (БЎМР)га ўтиш зарурияти бир қанча омиллар, чунончи: бир йилдан кўпроқ муддатга мўлжалланган давлат дастурларининг амалга оширилиши (бу давлат дастурларини уларни бажариш учун зарур бўлган молия ресурслари билан боғлашни талаб этади), ички ва ташқи, шу жумладан, инвестицион ресурсларнинг жамланиши, давлат молия ресурсларини режалаштириш ва бошқариш тартиб-таомилларининг мувофиқлаштирилиши билан белгиланади. Хусусан, инвестиция харажатларини бўлгуси жорий харажатлар билан боғлаш, давлат харажатлари самарадорлигини ошириш, бюджет жараёнининг очик ва ошқоралигини таъминлаш имкониятлари яратилади.

Қуйидагилар Ўзбекистонда бюджетни ўрта муддатли режалаштиришга ўтиш шартлари ҳисобланади:

- барқарор иктисодий ўсими ва уни ўрта муддатли ва узоқ муддатли келажақда қувватлаш зарурияти;
- солиқ кодексини янги таҳрирда ҳамда ўрта муддатли келажақка мўлжалланган солиқ сиёсати концепциясини қабул қилиш доирасида солиқ тизимини барқарорлаштириш;
- аҳоли фаровонлигини оширишнинг ўрта муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш ва ўрта муддатли келажақка мўлжалланган бошқа миллий дастурларнинг мавжудлиги.

Ушбу ўқув қўлланмасининг мақсади бюджетни ўрта муддатли режалаштириш (БЎМР)нинг мазмуни, моҳияти ва аҳамиятини, уни тайёрлаш ва жорий этиш жараёнларини бюджет органларининг мутахассислари учун кенг ёритиб беришдир.

Ўқув қўлланмаси қуйидаги масалаларга бағишланган етти бобдан иборат: Ўзбекистонда мавжуд бюджетлаштириш тизимининг ҳолати ҳамда бюджетни ўрта муддатли режалаштиришни бюджет фаолияти амалиётига жорий этиш зарурияти ва шартлари; бюджетни ўрта муддатли режалаштиришни жорий этиш борасидаги халқаро тажрибанинг ижобий жиҳатлари ва чет мамлакатларда БЎМРнинг хусусиятлари;

бюджетни ўрта муддатли режалаштиришни бошқаришнинг назарий-услубий ва конунчилик асослари; ўрта муддатли бюджет лойиҳасини тайёрлаш жараёнини ташкил этиш, шу жумладан, ўрта муддатли режаларни ишлаб чиқиш босқичлари ва кетма-кетлиги; бюджетни ўрта муддатли режалаштиришнинг самарадорлик даражасига баҳо беришга нисбатан ёндашувлар; Ўзбекистонда бюджетни ўрта муддатли режалаштиришни жорий этиш тадбирлари мажмуи, шу жумладан, уларни амалга ошириш тартиби ва кетма-кетлиги.

Ўқув қўлланмасининг ҳар бир боби сўнггида назорат саволлари мавжуд. Ўқув қўлланмасининг охирида глоссарий ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати келтирилган.

Муаллифлар БМТТДнинг "Ўзбекистонда давлат молияси ислоҳоти" лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги раҳбариятига тегишли ўқув материалларини, шу жумладан, мазкур ўқув қўлланмасини тайёрлашга ишонч билдирганликлари учун ўз миннатдорчилиги ва чуқур эҳтиромини изҳор этадилар, шунингдек, тақризчиларга ўқув қўлланмасини ёзиш жараёнида берган қимматли маслаҳатлари ва тавсиялари учун алоҳида ташаккур билдирадилар.

1-606. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ АСОСЛАРИ

1.1. Мавжуд бюджет тизими

Давлат бюджетининг ташкил этилишини икτισодий нуктан назардан ҳам, ташкилий-ҳуқуқий нуктан назардан ҳам акс эттирувчи бюджет тизими давлат бюджетни ички бўлинмаларининг таркибий тузилишини, уларнинг ваколатлари ва вазифалари мажмуини, уларнинг ўзаро бўйсунуш ва ўзаро алоқа қилиш тартибини, шунингдек, бюджетни ташкил этишининг ҳуқуқий асослари ва тартиб-таомилларини ўз ичига олади.

Илмий адабиётларда бюджет тизими ташкилий-моллиявий категория сифатида ҳам қаралади – бу муайян принципларга мувофиқ ташкил этилган ва мамлакатнинг қонунчилиги ва ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан бошқариладиган бюджетлар ҳамда давлат бюджетдан ташқари жамғармалари тизими бўлиб, уларни даромадлар ва харажатлар бўйича шакллантириш, ижро этиш ва назорат қилиш бўйича бюджет-солиқ ҳуқуқи нормалари билан муस्ताҳкамланган муносабатларни ўзида ифодалайди.

2000 йил 14 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни:

- Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тузилиши ва уни бошқариш асосларини;

- Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини (бундан буён матнда Давлат бюджети деб юритилади) тузиш принциплари ва унинг тузилмасини;

- Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш тартибини;

- Давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш ва унинг харажатларини амалга ошириш принципларини;

- Давлат бюджети тузилмасига қирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни;

- Давлат бюджети маблағлари билан операцияларни амалга ошириш жараёнида ҳисобга олиш, ҳисобот ва назорат қилиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек, бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди.

Бюджет тизимининг **асосий принциплари** қуйидагилардан иборат:

- бюджет тасвифи тизими, ҳисоб-бюджет ҳужжатлари ва бюджет жараёни тузилишининг ягоналиги;

- бюджет тузилишининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилишига мувофиқлиги;

- турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги;

- Давлат бюджети баланслиги;

- давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва харажатларини йўналишлари (моддалари) бўйича режалаштириш;

- Давлат бюджети харажатларини бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағлар доирасида ва харажатлар сметаларида кўрсатилган мақсадларда амалга ошириш;

- барча даражадаги бюджетларнинг мустикаллиги.

Бундан ташқари, бюджет тизимининг фаолияти бюджетларнинг ягоналиги, тўлақлик, амалийлик, очлиқлик, ошқоралиқ, изчиллик, унумлилик, ворисийлик, асослиқлик, ўз вақтидалик, қассанинг ягоналиги ва бюджетларнинг мустикаллиги, самарадорлик, жавобгарлик, бюджет маблағларининг адреслилиги ва аниқ мақсадга қаратилганлиги каби принципларга асосланиши лозим.

Бюджет тизимининг бош бўғини Давлат бюджетидир.

Давлат бюджети – давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат максалли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ максаллар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади («Бюджет тизими тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-И сон Қонуни).

(«Бюджет» сўзга-сўз таржимлада «пул халтаси», пулни сақлаш учун мўлжалланган «чарм халта» деган маънони англатади.)

Б.М.Сабанти таклиф қилган таърифга кўра, «давлат бюджети императив шаклга эга бўлган, асосан жамиятнинг соф фойдаси ҳаракатини инфодалайдиган, давлат ўз вазифаларини бажариши учун унинг марказлаштирилган жамғармасини ҳосил қилиш ва ундан фойдаланишни назарда тутадиган пул муносабатлари тизимидир»¹.

Кенгрок маънода Давлат бюджети – давлатнинг вазифалари ва функцияларини молиявий таъминлаш учун мўлжалланган пул маблағлари жамғармасини ҳосил қилиш ҳамда тақсимлаш шакли. Иктисодий категория сифатида бюджет давлат, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли ўртасида яратилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг бир қисmini пул маблағларининг марказлаштирилган жамғармаларини ҳосил қилиш ҳамда улардан фойдаланиш йўли билан тақсимлаш борасидаги пул муносабатлари тизимини ўзида инфодалайди.

Давлат бюджетининг иктисодий вазифаси, унинг иктисодиётдаги ўрни ва роли, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худоудий бўлиниши, давлат ҳокимиятини бошқариш даражалари мамлакатнинг бюджет тузилиши учун замин яратади. Ўзбекистон Республикаси икки даражали бюджет тизимига эга. Ушбу тизим бир-бири билан ўзаро боғланган республика бюджети ва маҳаллий органларнинг бюджетларини ўз ичига олади. Бу бюджетлар ягона Давлат бюджетига жамланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети:

- Республика бюджетини;
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади.

Давлат бюджети таркибида давлат максалли жамғармалари жамланади.

Республика бюджети – Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирлари молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ максаллар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Маҳаллий бюджет – Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ максаллар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ҳамда миқдори назарда тутилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

Вилоятнинг бюджети вилоят бюджетини, вилоятга бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

Туманларга бўлинадиган шаҳарнинг бюджети шаҳар бюджетини ва шаҳар таркибига қирувчи туманлар бюджетларини ўз ичига олади.

Туманга бўйсунуадиган шаҳарлари бўлган туманнинг бюджети туман бюджетини ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

¹ Сабанти Б.М. Теория финансов: Учебное пособие. 2-е изд. – М.: Издательство «Менеджер», 2000. – 99-б.

Давлат бюджети маблагларини турли даражадаги бюджетлар ўртасида қайта тақсимлаш:

- қуйи турувчи бюджетларга юқори турувчи бюджетлардан бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари бериш;

- бюджетни ижро этиш жараёнида юзага келган ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблагларни юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга, шунингдек, қуйи турувчи бюджетдан юқори турувчи бюджетга йўналтириш;

- бюджет ссудалари ажратиш йўли билан амалга оширилади.

Бюджет дотацияси – ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солувчи бошқа маблаглар етишмаган тақдирда қуйи бюджетнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблаглари.

Бюджет ссудаси – юқори бюджетдан қуйи бюджетга ёхуд республика бюджетидан резидент-юримдик шахсга ёки чет эл давлатига қайтариш шарти билан ажратиладиган маблаг.

Бюджет субвенцияси – қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда муайян мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблаглари.

1.2. Бюджет жараёнини ташкил этиш

Давлат бюджети бюджет жараёни иштирокчиларининг мамлакат учун давлат функциялари ва вазифаларини бажариш имкониятини берувчи оптимал бюджетни шакллантиришга, шунингдек, марказлаштирилган пул маблаглари жамғармаларининг ҳосил қилиниши ва улардан фойдаланилиши устидан назорат олиб боришга қаратилган изчил ҳаракатлари воситасида шакллантирилади. Ушбу ҳаракатлар мажмун бюджет жараёни деб аталади.

Бюджет жараёни – Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, унинг ижросини назорат қилиш, ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш ҳамда тасдиқлаш, шунингдек, Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган жараёни.

Бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, бюджет маблагларини олувчи бошқа субъектлар, шунингдек, бюджет маблаглари билан айрим операцияларни амалга оширувчи кредит ташкилотлари ҳам бюджет жараёни иштирокчилари ҳисобланадилар.

Бюджет ташкилоти – зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун Давлат бюджетидан маблаг ажратиш назарда тутилган ва бу маблаг молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланадиган вазирлик, давлат қўмитаси, идора, давлат ташкилоти.

Ўқув ва илмий адабиётларда бюджет жараёнига давлат ҳокимияти, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари фаолиятида бюджетларнинг лойиҳаларини тайёрлаш, кўриб чиқиш, тасдиқлашда, шунингдек, уларни ижро этишда ишлар тартиби ҳамда кетма-кетлигини белгилувчи жараён сифатида алоҳида аҳамият берилади. Бюджет ҳисоботини тузиш ва тасдиқлашга, бюджет ҳисобини юритиш, бюджет ижросини сиртдан текшириш ҳамда назорат қилишни амалга оширишга қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилади.

Бунда бюджет жараёнининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- бюджет даромадлари ва харажатларининг макронтисодий прогнозларга мувофиқ амалиётга мумкин қадар яқинлаштирилган ҳисоб-китобини амалга ошириш ҳамда уларнинг баланслигини таъминлаш;

мамлакат иқтисодий-иктисодий ривожланишининг амалга ошириладиган иқтисодий дастури ва аниқ мақсадга қаратилган кўрсаткичлари билан бюджетларни мувофиқлаштириш;

даромадлар манбаларини турли даражадаги бюджетлар, иқтисодий тarmoқлари, иқтисодий минтакалар ва бошқалар ўртасида қайта тақсимлаш мақсадида бюджетни тартибга солишни амалга ошириш;

барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида мавжуд барча моддий ва молиявий имкониятларни мумкин қадар тўлиқ аниқлаш;

умумдавлат аҳамиятига эга тадбирларни молиялаштириш эҳтиёжидан келиб чиқиб, бюджет харажатларини аниқ ва мақсадли белгилаш;

бюджет маблағларидан фойдаланилиши устидан назорат олиб бориш.

Бюджет жараёни муайян принципларга мувофиқ амалга оширилади. Бюджет жараёни принциплари қаторига қуйидагилар кирди:

1. Бюджетнинг йиллик муддатлилиги принципи. Ушбу принцип бюджет (молиявий режа сифатида) ҳар йили (энг мақбули – режалаштириладиган йил бошлангунга қадар) ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини аниқлатади. Бюджет жараёнининг барча босқичлари йилдан-йилга айни бир тартибда ва кетма-кетликда тақдорланади; улар келгусида ҳам худди шу тартибда ва кетма-кетликда амалга оширилади.

Бюджетни режалаштириш амалиётида икки тушунча амал қилади: бюджет йили (ёки молия йили) ва бюджет даври (ёки бюджет цикли).

Бюджет йили – бюджет ижро этиладиган давр – давлатнинг асосий молиявий режаси. Қўпгина мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам бюджет йили календарь йили билан мувофиқ келади, яъни 1 январдан 31 декабргача (АҚШда 1 октябрдан 30 сентябргача, Японияда – 1 апрелдан 31 мартгача) давом этади.

Бюджет даври – бюджет жараёнининг барча босқичларини камраб олувчи давр. Бюджет даври бюджет лойиҳасини тузишга киришилган вақтдан эътиборан бошланади ва бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш билан якунланади.

2. Бюджет жараёнининг ошқоралиги принципи. Ушбу принцип тасдиқланган бюджет ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни оммавий ахборот воситаларида тўлиқ қилишнинг мажбурийлигини, шунингдек, давлат ҳокимияти қонунчилиги (вакиллик) органларининг қарорига мувофиқ бюджет ҳақидаги бошқа маълумотлар белгиланган тартиб доирасида ҳамма учун очиқ эканлигини аниқлатади.

3. Бюджет жараёнининг барча босқичларида ҳокимият ижро ва қонунчилик органлари ўртасида ваколатларнинг ажратилиши принципи. Бюджет лойиҳасини ишлаб чиқиш фақат давлат ҳокимиятининг ижро этувчи органи томонидан, бюджетни тасдиқлаш – фақат шу субъектнинг қонунчилиги (вакиллик) органи томонидан амалга оширилади, бюджетни ижро этиш ижро этувчи ҳокимият органига юклатилади, бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш қонунчилик органининг мутлақ ваколатлари жумласига кирди.

4. Бюджет жараёнининг барча босқичларини қонун йўли билан қатъий тартибга солиш принципи. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида» 2000 йил 14 декабрдаги 158-П сон Қонунида бюджет лойиҳасини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш тартиб-таомиллари ҳамда муддатлари тўлиқ ва аниқ белгиланган, бюджет жараёни иштирокчиларининг барча ҳуқуқлари ва бурчлари тартибга солинган.

5. Бюджетнинг тўғрилиги принципи. Бюджетнинг тўғрилиги принципи бюджет молиявий режа сифатида атрофлича ишлаб чиқилишида, бюджет ҳужжати кўрсаткичлари амалдаги иқтисодий ва иқтисодий кўрсаткичларга мумкин қадар яқинлигида, давлат ва жамиятнинг объектив эҳтиёжларини ифода этишида намоён бўлади. Бундан ташқари, у бюджетнинг барча даромадлари ва харажатлари солиқ ва бюджет қонунчилиги қондаларига мувофиқ бюджетда аниқ эътирилиши мажбурий эканлигини аниқлатади.

6. Бюджет кўрсаткичларининг ихтисошлашув принципи. Ушбу принцип мамлакат ривожланишининг устувор йўналишлари ҳар йили режалаштирилган бюджет харажатлари воситасида қўллаб-қувватланиши лозимлигини аниқлатади. Бюджетни тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва ижро этиш Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини ақс эттиришнинг ягона тартибни таъминловчи бюджет таснифига мувофиқ амалга оширилади. Бу бюджет кўрсаткичларининг тўлиқлиги, асослиги ва фақат илмий ишончлилигини эмас, балки бюджет тизими барча даражалари бюджетларининг қисқислигини ҳам таъминлайди. Ўз навбатида бу бюджет тизимининг заиф бўгинларини аниқлаш ва бюджетни режалаштиришни бюджет жараёни барча субъектлари бюджет кўрсаткичлари даражасини тенглаштиришга йўналтириш имкониятини беради.

Бюджет таснифи Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади ва республиканинг бутун ҳудудида қўлланилади. Бюджет таснифи Давлат бюджети таркибига кирувчи турли даражадаги бюджетлар учун бюджет ҳужжатларининг ягона шакллари белгилаш имкониятини беради.

Бюджет таснифи Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини моддаларини, шунингдек, унинг тақчиллигини молиялаштириш манбаларини тизимлаштирилган гуруҳлашдан иборатдир.

Бюджет таснифи Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини тизимга солиш учун фойдаланилади ва у бюджет маълумотлари халқаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан қисқислигини таъминлайди.

«Бюджет тизими тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-Н-сон Қонунига мувофиқ бюджет таснифи:

- Давлат бюджети даромадларининг таснифини;
- Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан, ташкилий ва иқтисодий таснифини;
- Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифини ўз ичига олади.

Давлат бюджети даромадларининг таснифи қонун ҳужжатларига мувофиқ уларни турлари ва манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади.

1. Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан таснифи давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек бошқа бюджет ташкилотлари томонидан ижро этиладиган асосий вазифалар бўйича харажатларини гуруҳлашдан иборат бўлади.

2. Давлат бюджети харажатларининг ташкилий таснифи бюджетдан ажратилмаган маблағлар уларни бевосита олувчилар ўртасида тақсимланишини ақс эттирувчи ҳужжатлар юритувчи субъектлар ва тадбирлар турлари бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборат бўлади.

3. Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи тўловларнинг иқтисодий вазифаси ва турлари бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборат бўлади.

4. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифи тақчилликни молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади.

5. Давлат бюджетининг газна ижросига ўтилиши муносабати билан жорий этилган Давлат бюджети бюджетларининг даражалари, маблағлар манбалари таснифи ҳамда Давлат бюджетининг ҳудудий таснифи мавжуд маблағлар манбаларини бюджет даражаларига қараб (Давлат бюджети маблағлари, Давлат мақсадли жамғармаларининг маблағлари ва бошқалар), шунингдек Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқ гуруҳлашдан иборат бўлади.

Бюджет таснифи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

1.3. Давлат бюджети тузилмаси

Давлат бюджети икки қисмдан иборат.

1. Бюджет даромадлари. Улар иқтисодий субъектларнинг турли хил тўловлари, хусусан солиқ ҳамда носолиқ тушумлари, трансфертлар, асосий капитални сотишдан келган тушумлар ва ҳоказолар йиғиндисидан таркиб топади. Ўз-ўзидан равшанки, энг салмоқли ҳиссани солиқ тушумлари қўшади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини тузиш жараёнида бюджет даромадларининг тушиш прогнозини уларнинг ҳосил бўлиш манбаларига кўра аниқлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти макроиқтисодий ривожланиш прогнози кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда харажатлар прогнозини белгилаш таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари:

- 1) қонуи ҳужжатларида белгиланган солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- 2) давлатнинг молиявий ва бошқа активларининг жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ҳамда сотилишидан олинган даромадлар;
- 3) қонуи ҳужжатларга мувофиқ мерос олиш, ҳаёда этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;
- 4) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет эл давлатларидан келган кайтарилмайдиган пул тушумлари;
- 5) резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини кайтариш ҳисобига тушадиган тўловлар;
- 6) қонуи ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобига шакллантирилади.

Солиқлар – юридик ва жисмоний шахсларнинг бюджетга йўналтирилмайдиган мажбурий пул тўловлари. Солиқ солиш – давлат билан бирга вужудга келган қадимги иқтисодий механизмлардан бири. Ўз ҳарбий қисмларига эга бўлмаган давлатлар мавжуд, лекин солиқларсиз давлатлар мавжуд эмас. Солиқлар тўғрисидаги масала жамият барча қатламларнинг манфаатларига дахлдор бўлгани туфайли қизгин баҳс-мунозаралар уйғотиб келади. Хусусан, солиқ солишининг умумий даражаси, турли хил солиқларнинг ўзаро нисбати, уларни йиғиш усуллари тўғрисидаги масалалар баҳсларга сабаб бўлади. Пировардида, жамиятнинг турли гуруҳлари манфаатлари ўртасида, шунингдек, бутун мамлакат ва унинг айрим минтақалари манфаатлари ўртасида муросан мадора воситаси ўларок, солиқ тизими яратилади.

Давлат мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бир қисминини солиқлар ёрдамида йиғди ва сўнгра уни давлат харажатлари воситасида қайта тақсимлайди. Яъни ички маҳсулот (ЯИМ) кўрсаткичи қанча баланд бўлса, бюджетнинг жамланishi мумкин бўлган даромадлари ва харажатлари шунча кўп бўлади. Шундай қилиб, яъни ички маҳсулот давлат бошқаруви барча даражалари бюджетларини шакллантириш учун асос ҳисобланади.

ЯИМ – давлат ҳудудида, маълум давр мобайнида иқтисодиётнинг барча тармоқларида, фойдаланилган ишлаб чиқариш омилларининг миллий мансублигидан қатъий назар, яқуний истеъмол, экспорт ва жамғариш учун ишлаб чиқарилган барча (яъни истеъмол учун мўлжалланган) товарлар ва хизматларнинг бозор қиймати.

Бюджет жараёнини ақс эттирувчи яна бир муҳим иқтисодий кўрсаткич мамлакат иқтисодиётига тушувчи **фискал юқдир**. Иқтисодиётга амалда тушувчи солиқ юқи деганда давлат фойдасига амалда тўланган мажбурий йиғимларнинг мамлакат яъни ички маҳсулотидаги улуши тушунилади, бошқача қилиб айтганда, бу солиқ йиғимларидан олинган давлат даромадлари миқдорининг яъни ички маҳсулот миқдorigа нисбатидир. Фискал юқ кўрсаткичи қанча баланд бўлса, даромад озлиги туфайли иқтисодиётга

инвестициялар қилишга рағбат шунча кам бўлади. Бошқа томондан, солиқ юки кўрсаткичининг пастлиги давлат лозим даражада кучли ижтимоий снбсат олиб боришга қолдир эмаслигини кўрсатиши мумкин.

Бюджет даромадлари таркибий тузилиши ўзгармас эмас, у мазкур мамлакат ривожланишининг конкрет иқтисодий шароитлари билан белгиланади. Бюджет даромадлари таркибий тузилишининг ўзгариши иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ ўзгаришларни акс эттиради. Масалан, солиқлар ва жалб қилинган маблағлар ўртасидаги ўзаро нисбат жалб қилинган маблағлар улушининг кўпайиши томонга ўзгарганлиги ишлаб чиқариш пасайганлигини, макрониктисодиёт даражасида истеъмол ва жамғариш ўртасидаги ўзаро нисбат ўзгарганлигини акс эттиради.

2. Бюджет харажатлари – давлат эҳтиёжларини молиялаштириш учун турли тадбирларга йўналтирилган пул маблағлари. Бунда давлат такрор ишлаб чиқариш жараёни барча иштирокчиларининг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олади, шу туфайли ҳам бюджет харажатлари бутун иқтисодиётни қамраб олади, чунки хўжалиқнинг айрим тармоқлари, ноиншлаб чиқариш соҳаси муассасалари, иқтисодий минтақалар (маъмурий ҳудудий тузилмалар), айрим хўжалиқ юритувчи субъектлар бюджетдан молиялаштиришга муҳтож бўладилар. Бюджет харажатларининг таркибий тузилиши бюджет даромадларининг таркибий тузилишидан ҳам ўзгарувчанроқдир. Масалан, ҳарбий ва ижтимоий эҳтиёжларга харажатлар ўртасидаги нисбат ҳарбий харажатлар фойдасига ўзгаргани иқтисодий ишлаб чиқариш пасайганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасида харажатлар назарда тутилган даромадлардан келиб чиқиб, тақчилликнинг энг юқори миқдорини ҳисобга олган ва уни қоплаш мабзаларини аниқлаш ҳолда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари тасдиқланган бюджетдан маблағ ажратиш лойиҳасида куйидагича амалга оширилади:

- 1) бюджет маблағлари олувчиларнинг жорий харажатлари шаклида;
- 2) жорий бюджет трансфертлари шаклида;
- 3) капитал харажатлар шаклида:
 - асосий фондлар ва воситаларини (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига қиради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга;
 - чет элда давлат эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк олишга;
 - давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олишга;
 - давлат захираларини вужудга келтиришга;
- 4) капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансфертлари шаклида;
- 5) резидент-юрдик шахсларга ва чет эл давлатларига бериладиган бюджет ссудалари шаклида;
- 6) давлат мақсадли жамғармаларига бериладиган бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари шаклида;
- 7) давлат қарзини қайтариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар шаклида;
- 8) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар шаклида.

Муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортиқ бўлган суммаси – тақчиллик фақат республика бюджети параметрларида назарда тутилиши мумкин. Ички ва хориждан жалб қилинган маблағлар, республика бюджети маблағларининг молия йили бошланишидаги қолдиқлари, шунингдек, қонунларга мувофиқ бошқа мабзалар бюджет тақчиллигини қоплаш мабзалари бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тақчиллиги:

- давлат томонидан ички ва хориждан маблағларни жалб қилиш;
- республика бюджети маблағларининг молия йили бошланишидаги қолдиқлари;
- қонуларга мувофиқ бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

Шундай қилиб, ҳар қандай давлат бюджетининг мазмун ва моҳиятини намоён этувчи бюджет даромадлари ҳамда харажатларининг таркибий тузилиши бюджетни тайёрлашда ўз аксини топади.

1.4. Бюджет жараёни босқичлари

Бюджет жараёни босқичлари ҳокимият органларининг давлат даромадлари ва харажатларини ишлаб чиқиш борасидаги ўзаро боғланган, нзчил харажатларидан иборатдир. Бюджет жараёнини тўрт босқичга ажратиш одат тусини олган:

1. бюджет лойиҳасини тузиш
2. бюджет лойиҳасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш
3. бюджетни ижро этиш (ва унга жорий тузатишлар киритиш)
4. бюджетнинг ижро этилишини назорат қилиш.

Бюджет жараёнининг мазкур тўрт босқичи мазмун жиҳатидан ўзаро боғланган ва бир-бирини тақозо этади. Айни шу сабабли бюджет жараёнининг узлуксизлиги тўғрисида сўз юритиш мумкин, чунки бюджетни тузиш ва тасдиқланган бюджетни ижро этиш босқичида ҳукумат ва унинг бюджет идораси даромадлари ва харажатларини узлуксиз бошқаради.

Бюджетларнинг лойиҳаларини тузиш. Келгуси молия йили учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет тизими тўғрисида"ги Қонунида белгиланган тартибда ва муддатларда тузилади.

Бюджетларнинг лойиҳаларини тузишдан олдин мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнозлари, мақсадли дастурлар, бюджет ва солиқ сисъатининг асосий йўналишлари устувор вазифаларини ечишни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Ушбу кўрсаткичларга мувофиқ ижро этувчи ҳокимият органлари бюджет даромадларини солиқларнинг турлари бўйича уларнинг солиқ солиш базасини ҳисобга олган ҳолда, харажатларни белгилашда чекловчи омил бўлиб хизмат қилувчи макрониктисодий прогноз параметрлари ва бошқа кўрсаткичларга қараб белгилайди. Шу билан бир вақтда, жамланма тасниф даражасида бюджет харажатларини моддама-модда белгилаш бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда келгуси молия йилига:

- тегишан бюджетлар ва давлат мақсадли жамғармалари лойиҳаларини тайёрлаш учун – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга;
- бюджетдан ажратиладиган маблағларни олишга буюртмалар тузиш учун – республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга бюджет сўрови юборади (1-расм).

Бюджет сўрови – бюджет таснифи бўйича тушуملарни шакллантириш ва бюджетдан маблағ ажратиш тўғрисидаги сўров.

Бюджетдан маблағ ажратиш – қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Давлат бюджетидан бюджет ташкилотларига ҳамда бошқа бюджет маблағлари олувчиларга ажратиладиган пул маблағлари.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бюджет сўрови олинганидан кейин уч қулик муддат ичида тегишли

бюджетлар лойиҳаларини тузиш, ушбу лойиҳаларни тайёрлаш тартибини ва муддатларни белгилаш юзасидан қарорлар қабул қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия органлари юқорида кўрсатилган қарорлар қабул қилинганидан кейин уч кунлик муддат ичида:

- тегишли бюджетлар лойиҳаларини тайёрлаш учун – туман ва шаҳар ҳокимларига;
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетни ва маҳаллий бюджетлардан бюджет маблағлари олишга буюртмалар тузиш учун – Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан молиялаштирилмаган бюджет маблағлари олувчиларга бюджет сўровлари юборади.

Вилоятга бўйсунмаган шаҳарларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманларнинг ҳамда шаҳарлар таркибига кирувчи туманларнинг ҳокимлари бюджет сўрови олинганидан кейин уч кунлик муддат ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш, бу лойиҳаларни тайёрлаш тартибини ва муддатларини белгилаш юзасидан қарорлар қабул қилади.

Туман ва шаҳар ҳокимликларининг молия органлари юқорида кўрсатилган қарорлар қабул қилинганидан кейин уч кунлик муддат ичида туманлар ва шаҳарларнинг бюджетларидан бюджет маблағлари олиш учун асосланган буюртмалар тузиш учун – шу туман ва шаҳар бюджетларидан молиялаштирилмаган бюджет маблағларини олувчиларга бюджет сўровлари юборади.

Республика бюджетидан молиялаштирилувчи бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг бош тақсимловчилари *буюртмаларни* ҳамда республика бюджетини тузиш учун зарур бўлган бошқа материалларни тайёрлайдилар ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этидилар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг лойиҳаларини тайёрлаш учун зарур бўлган буюртмалар тузилиши ва тегишли молия органларига тақдим этилиши учун зарур бўлган кўрсаткичлар ва материаллар қўйи турувчи тобе ташкилотларга ёзма равишда ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайдилар.

Бюджетдан ажратиладиган маблағлар олиш учун бериладиган буюртма шакли ва уни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Келгуси молия йилига бюджетдан ажратиладиган маблағлар олишга буюртмалар:

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардаги молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар томонидан – жорий йилнинг биринчи июнидан кечиктирмай тегишли молия органларига;

- республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар томонидан – жорий йилнинг биринчи июлидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

Келгуси молия йилига тегишли бюджетлар лойиҳалари:

- туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари молия органлари томонидан – маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари белгилаган тартибда ва муддатларда, бироқ жорий йилнинг йигирма бешинчи июнидан кечиктирмай юқори молия органларига;

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда, бироқ жорий йилнинг биринчи июлидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлайди, уни жорий йилнинг ўн бешинчи сентябригача Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига юборади ҳамда Давлат бюджети лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тегишли хулосаси билан бирга жорий йилнинг биринчи октябригача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети лойиҳасини бюджет маблағлари олувчилари тақдим этган буюртмаларга ва Давлат бюджетининг тузилмасига қирувчи бюджетлар лойиҳаларига мувофиқ тайёрлайди.

Келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси:

1) бюджет таснифига мувофиқ ақс эътириладиган Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини;

2) умумдавлат солиқларидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига ажратмалар нормативлари, шунингдек, мазкур бюджетларнинг даромадлари, шу жумладан, бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари ҳамда харажатлари миқдорларини;

3) Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг айланма касса маблағи меъёри миқдорларини;

4) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари захира жамғармаларининг назарда тутилмаган харажатларни қоплашга тегишли бюджет маблағлари йўналтирилиши мумкин бўлган донрадаги миқдорларини;

5) Давлат бюджети тақчиллигининг энг юқори миқдори ва уни молиялаштириш манбаларини;

6) давлат ички ва ташқи қарзларининг, давлат томонидан бериладиган кредитлар ҳамда кафолатли жамғарманинг энг юқори миқдорларини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вакил қилинган вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, шунингдек, тегишли ташкилотлар билан биргалликда қуйидагиларни ўз ичига олган бюджетнома лойиҳасини ишлаб чиқади ва биринчи октябрь кунигача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади:

1) мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўтган йилги асосий якунлари ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йилги якунларининг прогноз баҳоси;

2) ўтган йилги Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тегишли хулосаси билан ва жорий йилги Давлат бюджетининг кутилаётган ижроси баҳоси;

3) келгуси йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тузишда асос бўлган келгуси йилнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари;

4) мамлакат бюджет ва солиқ сисъатининг келгуси йилги асосий йўналишлари лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тегишли хулосаси билан;

5) мамлакат бюджет ва солиқ сисъатининг келгуси йилги асосий йўналишларига шарҳлар;

6) давлат ички ва ташқи қарзлари ҳамда улар бўйича харажатлар ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

7) келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тегишли хулосаси билан.

Бюджетнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг ўн бешинчи октябрь кунидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилади.

Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинади. Давлат бюджетига мувофиқ:

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари – Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин икки ҳафталик муддат ичида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимият вакиллик органлари томонидан;

- Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига қирувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетлари – Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар бюджетлари

қабул қилинганидан кейин бир ҳафталик муддат ичида туман, шаҳар ҳокимият вакиллик органлари томонидан;

- шаҳарлар таркибига кирувчи туманлар бюджетлари ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетлари белгиланган муддатларда маҳаллий ҳокимият юқори турувчи вакиллик органлари томонидан қабул қилинади.

Келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш жараёнини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади.

Бюджетни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш. Қонунчилик (вакиллик) органлари тегишли бюджетларни ва уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқадилар ва тасдиқлайдилар, тегишли бюджетларнинг ижро этилишини назорат қиладилар, тегишли бюджетларнинг ижро этилишини назорат қилувчи органларни шакллантирадилар ва уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилайдилар, Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунига ва бюджет қонунчилигининг бошқа ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширадилар.

Ривожланган мамлакатларда ҳуқуқат томонидан тайёрланадиган Давлат бюджети лойиҳасини товар ва молия бозорларининг таҳлилчилари, бизнес вакиллари ҳам синчковлик билан ўрганадилар. Уларни бюджетнинг муфассал, моддама-модда мазмуни эмас, балки энг муҳим умумий кўрсаткичлар, масалан, давлат харажатларининг умумий суммаси, солиқ квотаси, бюджет тақчиллиги ёки профицити, давлат қарзининг динамикаси кўпроқ кизиктиради. Молиявий таҳлилчиларнинг ҳулосалари, шу жумладан, банк фозилари, валюта курслари ва нархларнинг динамикасига таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, бу омиллар Давлат бюджетига ўз таъсирини кўрсатади. Шундай қилиб, бюджетни тузишда давлат харажатларига бўлган улкан эҳтиёжларни ҳам, ижтимоий-иқтисодий чеклашларни ҳам ҳисобга олиш талаб этилади.

Давлат бюджетининг қабул қилиниши. Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинади

Давлат бюджетига мувофиқ:

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари – Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин икки ҳафталик муддат ичида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимият вакиллик органлари томонидан;

- Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетлари – Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бюджетлари қабул қилинганидан кейин бир ҳафталик муддат ичида туман, шаҳар ҳокимият вакиллик органлари томонидан;

- шаҳарлар таркибига кирувчи туманлар бюджетлари ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетлари – белгиланган муддатларда маҳаллий ҳокимият юқори турувчи вакиллик органлари томонидан қабул қилинади.

Бюджетларни ижро этиш. Бюджетни ижро этиш Молия вазирлигининг ваколатига қиради. Бюджет жараёнининг ушбу босқичи бюджетларнинг даромадлар ва харажатлар қисмларини бажаришга қаратилади. Бюджетни ижро этиш жараёнининг муҳим вазифалари солиқлар ва тўловлар, шунингдек, даромадлар умуман ва ҳар бир манба бўйича тўлик ҳамда ўз вақтида тушишни таъминлаш, бутун молия йили мобайнида бюджет бўйича тасдиқланган лимитлар доирасида тадбирларни молиялаштиришдир.

Бюджетларни ижро этиш принциплари: бюджет даромадларини ўтказиш, уларни бюджетнинг ягона ҳисобварағига киритиш, даромадларнинг ортиқча тўланган суммаларини қайтариш, бюджет таснифига мувофиқ даромадлар ҳисобини юритиш.

Бюджетни ижро этишнинг асосий принципи қассанинг ягоналигидир. У тушувчи барча даромадларни ва жалб қилинган маблағларни ягона бюджет ҳисобварағига

ўтказишни, назарда тутилган барча харажатлар ва тўловларни ягона бюджет ҳисобварағида амалга оширишни назарда тутати.

Бюджет касса вадосини ташкил этишнинг уч тизими мавжуд: гозначилик тизими, банк тизими ва аралаш тизим. Гозначилик тизимида бюджетнинг касса ижроси Молия вазирлигининг махсус органларига (бириктирилган кассаларга), банк тизимида – банклар ва уларнинг муассасаларига, аралаш тизимда – гозначилик кассалари ва банкларга юклатилади.

Ўзбекистонда бюджетларнинг гозна ижроси тартиби белгиланган.

Бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлари бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида молия йили учун тасдиқланган харажатлар сметаси асосида тайинлаш сертификатини муайян даврга ва суммага расмийлаштириш орқали, шунингдек, бюджет маблағлари олувчининг товар етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) билан тузилган, Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган шартномаси асосида:

- республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Гозначилиги ёки унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан;
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ёки маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Гозначилигининг ҳудудий бўлинмалари томонидан тўланади.

Тайинлаш сертификатларини тайёрлаш, расмийлаштириш, бериш, ижро этиш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади. Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва барча даражадаги маҳаллий бюджетларнинг ягона гозна ҳисобварағидаги бюджет маблағлари қолдиқлари тасдиқланган миқдорда айланма касса маблағи меъёрини шакллантиришга йўналтирилади. Республика бюджети бюджет маблағлари қолдиқларининг айланма касса маблағи меъёрининг тасдиқланган миқдоридан ортик қисми қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сарфланади. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва барча даражадаги маҳаллий бюджетлар бюджет маблағлари қолдиқларининг айланма касса маблағи меъёрининг тасдиқланган миқдоридан ортик қисми Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Қенгашининг ҳамда тегишли ҳокимларнинг қарорига кўра кўшимча харажатларни амалга оширишга йўналтирилиши мумкин.

Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилоти томонидан тежаб қилинган бюджет маблағлари олиб қўйилмайди ва улар Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади, капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно. Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа молия органлари Давлат бюджети ва унинг тузилмасига кирувчи бюджетларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичлар доирасида бажарилиши учун жавобгардир. Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини бошқариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Агар йил мобайнида давлат даромадлари анча қисқарган ва Давлат бюджетининг олдидан белгиланган тақчиллиги қонун ҳужжатларида белгиланган чегара миқдоридан ошадиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг харажатларини алоҳида моддалар бўйича қисқартириш тўғрисида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақлиф киритади.

Тури даражадаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги вақтинчалик тафовутни тўғрилаш мақсадида молия йили мобайнида уларга тегишли бюджетлардан бюджет ссудалари ажратилиши мумкин. Бюджет ссудаларини беришнинг

энг кеч муддати ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Тулли даражадаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги вақтинчалик тафовутни молия йили мобайнида айланма касса маблаги меъёри ҳисобита уни молия йили охиригача тасдиқланган ҳажмга қадар тиклаган ҳолда, бюджет маблағларининг фойдаланилмаган қолдиқлари ҳисобига, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлатнинг қисқа муддатли қимматли қоғозларини чиқариш ҳисобига қоплаш мумкин.

Давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этиш, шунингдек, унинг давлат даромадлари ва харажатларини ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари Давлат бюджетининг касса ижросини таъминлайди. Банклар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг топширигига биноан Давлат бюджетининг касса ижроси операцияларини бажаради.

Бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлари уларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигида ёки унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган шахсий ҳисобварақларидаги бюджетдан ажратилган маблағлар қолдиқлари доирасида тўлов топшириқномалари бўйича амалга оширилади.

Бюджетнинг ижро этилиши устидан назорат бюджет ижросининг айрим масалаларини давлат ҳокимияти қонунчилик (ваҳиллик) органлари кўмиталари, комиссиялари, ишчи гуруҳларининг мажлисларида муҳокама қилиш, депутатлар тингловлари жараёнида ва депутатларнинг сўровлари муносабати билан амалга оширилади. Келгуси назорат бюджетларнинг ижро этилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш чоғида, шунингдек, ушбу ҳисоботларни давлат ҳокимияти қонунчилик органи томонидан кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнида амалга оширилади.

Бюджет жараёни соҳасида назоратнинг асосий вазифаси бюджет маблағларидан ғайриқонуний ёки самарасиз фойдаланилишининг олдини олишдир. Қонда тарқасида, бу вазифа бошланғич назорат босқичида ҳал қилинади.

Қонунибузарликлар ёки ҳисоб-китобдаги камчиликлар маблағларни сарфлаш босқичида аниқланса, бундан буён бюджетта зиён етказилишининг олдини олиш назорат жараёнининг вазифасига айланади. Бундай вазиятлар жорий назоратга ҳосидир.

Маблағларни ғайриқонуний ёки самарасиз сарфлаш содир этилгани аниқланганида, яъни келгуси назорат босқичидагина бундай салбий ҳодисалар келажақда содир этилишининг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш биринчи ўринга чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа молия органлари Давлат бюджети ижроси назорат қилинишини амалга ошириш чоғида:

- тулли даражадаги бюджетлар ижроси яқунларини кўриб чиқади;
- тулли даражадаги бюджетларга маблағлар тушуми тўғрисида солиқ ва божхона органларидан, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлардан ахборотлар олади;
- бюджет маблағлари олувчининг товар етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) билан тузилган шартномасини, шунингдек, буюртмачининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал хурилиш учун тузилган шартномасини Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет тизими тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ рўйхатдан ўтказди;
- товар етказиб берувчининг (иш бажарувчининг, хизмат кўрсатувчининг) бевосита ҳисобварағига бюджет маблағларини олувчилар номидан тўловларини амалга оширади.
- қонун ҳужжатларига мувофиқ банклардан бюджет маблағлари харақати тўғрисида маълумотлар олади;
- бюджет маблағлари олувчиларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини ўз вақолатлари доирасида тафтиш қилади ва текширувдан ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йилнинг ҳар чорагида Давлат бюджети ижросининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдим этадиган якунларини кўриб чиқади.

Республика бюджетдан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар бюджетдан ажратиладиган маблағлардан ҳисобот даврида фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига шу вазирлик белгиланган муддатларда тақдим этади. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ҳамда маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар бюджетдан ажратиладиган маблағлардан ҳисобот даврида фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли молия органларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгиланган муддатларда тақдим этади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгиланган муддатларда тузади ва ушбу ҳисоботни тегишлича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар молия органларига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботга доир хулосасини ҳисобот йилдан кейинги йилнинг ўнинчи майдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тегишли хулосаси билан бирга ҳисобот йилдан кейинги йилнинг ўн бешинчи май кундан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этади. Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

1.5. Ўзбекистонда бюджет жараёнининг норматив-ҳуқуқий асоси

Ҳозирги бюджет тизими 1991 йилдан ҳозирги кунгача бўлган даврни камраб олувчи ўз ривожланиш жараёнида ислохотларнинг уч босқичидан ўтди.

Бюджетни ислоҳ қилиш куйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилди:

- янги бюджет қонунчилигини ишлаб чиқишга;
- бюджет ташкилотлари тармоғини қисқартириш ва оптимлаштиришга;
- солиқ тизимини ислоҳ этиш ва Давлат бюджетининг даромадлар қисмини реструктуризация қилишга;
- Давлат бюджетининг харажатлар қисмини реструктуризация қилишга;
- бюджет даромадлари ва харажатларининг баланслилигини таъминлашга.

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тузилиши Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар йили қабул қилнадиган «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида»ги қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг асосий макрониктосодий кўрсаткичлари ҳамда Давлат бюджетни параметрлари тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар таснифи қабул қилиниши бюджет ислохотини амалга оширишнинг муҳим омилларидан бирига айланди.

Бюджет ислохоти ижтимоий соҳага ҳам фаол кириб келмоқда. Бюджет ташкилотларида бюджетни норматив молиялаштиришни жорий этиш жараёни ниҳоясига етди. Масалан, соғлиқни сақлаш тизимида бошланғич тиббий-санитария ёрдамини таъминлашга ажратиладиган бюджет маблағларидан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадида бошланғич тиббий-санитария ёрдами муассасаларини бюджетдан

молиялаштириш суммаларининг ҳисоб-китобида жон бошига молиялаштириш усули қўлланилмоқда.

Таълим тизмида айрим минтакаларнинг умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлари ва касб-хунар коллежларини бир нафар ўқувчига (тарбияланувчига) харажатларнинг базавий меъёрларидан келиб чиққан ҳолда молиялаштиришга ўтказиш жараёни яқунланди.

Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг «Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 апрелдаги 144-сон Қарори билан Давлат бюджетини ижро этишнинг газначилик тизimini тайёрлаш ва ташкил этиш билан боғлиқ йўналишларни ишлаб чиқишга асос солинди.

2004 йил 26 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори билан «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 664-П сон Қонуни қабул қилинди. Давлат бюджетининг газна ижросига доир қонунийлик базасининг негизи ҳисобланадиган мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг (шу жумладан, Давлат мақсадли жамғармаларининг) ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг газна ижроси соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Газначиликнинг асосий вазифаси Давлат молия ресурсларини оптимал бошқаришга қўмақлашидир.

Давлат бюджетининг газна ижроси тизими кенг жорий этилди. Ушбу тизим бошланғич назоратни амалга ошириш – газначилик бўлимларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда жорий назоратни амалга ошириш – бюджетдан маблағ олувчилар харажатларининг тўловини харажатлар сметалари ва рўйхатдан ўтказилган шартномалар доирасида назорат қилишни кўзда tutади.

Кўрилган чоралар бюджет интизомини мустахкамлашга, бюджет ташкилотлари бюджет маблағларида мақсадли фойдаланишлари устидан назоратни таъминлашга, пул маблағлари бюджет ташкилотларининг ҳисобварақларида асоссиз қолиб қетишининг ва маблағларни товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларнинг ҳисобварақларига ўтказиш кечиктирилишининг олдини олиш ҳисобига пул маблағлари оборотини жадаллаштиришга, бюджет ташкилотларининг асоссиз дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартиришга қаратилган.

Бюджет маблағлари мақсадли ва самарали ишлатилиши, шунингдек, Давлат бюджети харажатларининг тўлови ўз вақтида амалга оширилиши устидан газначилик бўлимларининг бошланғич ва жорий назоратини амалга оширишнинг янада замонавийроқ усулларини қўллаш зарурияти энг аввало шу билан белгиланадики, республиканинг мустақиллиги йилларида Давлат бюджети иктисодий ислохотларни амалга ошириш, аҳолининг фаровонлик даражасини ошириш, инфратузилмани, транспортни ва мамлакат иктисодиётининг бошқа тармоқларини ривожлантиришнинг муҳим воситасига айланди.

Ҳозирги вақтда газначилик бўлимлари банк муассасалари билан ҳамкорликда амалга ошираётган Давлат бюджетини ижро этиш жараёнини тубдан яхшилаш, бюджет маблағларини сарфлаш устидан бошланғич ва жорий назоратни янада кучайтириш, молия ҳамда газначилик органлари, банк муассасалари, шунингдек, бюджет ташкилотларининг вазифалари ва функцияларини қайта тақсимлаш учун Давлат бюджетини ижро этиш тизimini ислоҳ қилишни давом эттириш зарур.

Давлат бюджетининг газна ижроси механизми ва уни амалга ошириш учун ташкил этиладиган органлар молия тизимининг таркибий элементлари сифатида бюджет харажатлари устидан бошланғич ва жорий назоратни амалга оширишда, даромадлар ҳисоби юртилиши Давлат бюджети харажатлари амалга оширилишини таъминлашда, шунингдек унинг пул ресурсларини бошқаришда асосий ролни ўйнашлари лозим.

Халқаро тажриба Газначилик давлат молиясини бошқариш билан боғлиқ турли вазифаларни бажаришини кўрсатади. Газначиликнинг бош вазифаси давлатнинг пул

маблағларини мумкин қадар тўлиқ жамлаш ва давлат ресурсларидан мақсадли фойдаланилиши устидан таъсирчан жорий ва оператив назоратни таъминлашдир.

Ғазначилик тизими мамлакатнинг марказий ҳукуматига асосий молиявий хизматлар кўрсатилишини таъминлайди, шу жумладан, Давлат бюджетининг касса ижросини, Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга оширади, Давлат бюджети маблағларини бошқаради, ягона ғазна ҳисобварағини ҳамда ҳудудий ғазна ҳисобварақларини юритади, Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги молиявий ҳисоботни кенг қамровли ва марказлаштирилган асосда шакллантиради. Ривожланган мамлакатлар Молия вазирлигининг Давлат бюджети касса ижросини амалга оширувчи органлари ҳамда ижро жараёнида иштирок этувчи тармоқ вазирликлари учун Давлат бюджетини ижро этиш ва давлат молия ресурсларини назорат қилиш функцияларини бажариш билан боғлиқ ахборот тизимларини яратадилар ҳамда уларни муттасил такомиллаштириб борадилар. Мазкур бирлаштирилган тизимлар барча даражадаги бюджетларни ишлаб чиқиш, қарзни бошқаришни оптималлаштириш, бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш ва жамлаш учун ихтисослашган компьютер ахборот дастурларини, маҳаллий молия органлари учун айрим махсус кичик дастурларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.


Давлат бюджетининг ижро этишнинг ғазначилик тизимига ўтиш бюджет жараёнини амалга оширишнинг бюджет таснифи, Давлат бюджети ғазна ижроси бухгалтерия ҳисоби счётларининг ягона режаси каби қўлланиладиган воситаларини сифат жиҳатидан қайта ишлаш, уларни Давлат секторига қўлланиладиган халқаро стандартларнинг талаблари билан мувофиқ ҳолатга келтириш ва шу тарика, бюджет жараёни иштирокчиларининг фаолиятини сифат жиҳатидан янада юксакроқ даражага кўтариш, Давлат бюджетининг ғазна ижроси жараёнида уларнинг ҳаракатларини тизимлаштириш ҳамда тартибга солиш учун шароит яратишни талаб этади.

1-расм. Давлат бюджетини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш

1. Бюджет сўрови




2. Бюджет буюртмаси



3. Тегшли бюджетларнинг лойиҳалари



4. Давлат бюджети лойиҳаси



2-боб. ЎЗБЕКИСТОНДА БЮДЖЕТНИ ЎРТА МУДДАТЛИ РЕЖАЛАШТИРИШНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЗАРУРИЯТИ ВА ШАРТЛАРИ

2.1. Давлат бюджетини режалаштиришнинг мавжуд усуллари

Бюджет сисъатининг амалга оширилиши ва унинг самарадорлиги асосан бюджетни режалаштириш, бюджетнинг ижроси ҳамда унинг ижро этилишини назорат қилишни ўз ичига олувчи бюджет жараёнининг ташкил этилиши билан белгиланади. Ўзбекистонда бу соҳада энг муҳим ўзгаришлар «Бюджет тизими тўғрисида» қонунининг қабул қилиниши, *ғазначилик институтининг босқичма-босқич жорий этилиши, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида жон бошига молиялаштириш методологияси ва механизмлари ишлаб чиқилиши билан боғлиқ.* Сўнгги икки йил ичида бюджет таснифини ва бухгалтерия ҳисоби тизимини такомиллаштириш борасида ишлар янада фаоллаштирилди, давлат молиясини бошқариш ахборот тизимини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишга киришилди.

Аммо қайд этилган жараёнлар асосан бюджетни ижро этиш тартиб-таомилларига тааллуқли бўлиб, уни режалаштириш тартиб-таомиллари ва методикасига жиддий ўзгартиришлар киритиш йўқ. Бюджет харажатлари прогнозни қонун йўли билан белгиланган нормативлар ва ўтган йил учун ҳақиқий харажатлар асосида амалга оширишга қаратилган базавий усул (сметали режалаштириш) бюджетни режалаштиришнинг асосий усули бўлиб қолаётир.

Идоралар (бюджетдан маблағ олувчилар)нинг бюджетлари ўтган йилларда бюджетдан ажратилган маблағларни бюджет таснифи моддалари бўйича индексация қилиш йўли билан шакллантирилади. Бюджетни ижро этиш жараёнида маблағларни қайта тақсимлаш жуда қийин ва бюджетдан маблағ олувчилар келгуси йилда молиялаштириш хажмлари кискартрилишига йўл қўймаслик учун ажратилган маблағларни «ўзлаштириш»га ҳаракат қиладилар. Ушбу усул барча бюджет муассасаларини ягона ёндашувга мувофиқ молиялаштиришни таъминлайди, аммо бунда бюджет маблағларини тақсимловчилар ва олувчилар бюджет тармоғини оптималлаштиришдан манфаатдор бўлмайдилар (1-критма).

1-критма. Стационар тиббий муассасаларни молиялаштириш амалиёти

Стационар тиббий муассасаларни молиялаштириш учун асосий кўрсаткичлар беморлар шифохонада ўтказган кунлар ва бу ерда банд этган жойлар сони (жой-кун) ҳисобланади. Шифохона асосий ходимларининг штаб бирликларини белгилаш меъёрлари сифатида жойлар сони амал қилади, беморлар шифохонада ўтказган кунлар сони эса оққатланиш, дори-дармонлар ва юмшоқ инвентарь билан таъминлаш харажатларини аниқлаш учун асосий кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. Шту сабабли бюджетдан молиялаштиришни жорий йил даражасида олиш (сақлаб қолиш) учун шифохона жойлар сонини ва беморлар шифохонада ўтказган кунлар сонининг кўрсаткичини сақлаб қолиши лозим. Ҳозирги вақтда норматив молиялаштириш унсурларини ўзлаштириш йўлида илк кадамлар ташланмоқда. Хусусан, бошланғич соғлиқни сақлаш муассасаларни доирасида жон бошига молиялаштириш усулини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш амалга оширилмоқда. Бу усул бюджет маблағлари тақсимотини яхшилаш имкониятини беради, лекин кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш муаммосини тўла ҳал қилмайди.

Бюджет чеклашларига қатъий риоя этилган ҳолда, бюджетни режалаштиришнинг жорий амалиёти прогноз кўрсаткичлари бажарилишини ва бюджетнинг баланслилигига эришилишини таъминлайди.

Шу билан бир вақтда, давлат бюджетини режалаштириш жорий методологиясида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш имкониятларини чекловчи бир қатор камчиликлар мавжуд:

1. Жорий сметали режалаштириш молиялаштириш натижаларини аниқлаш муаммосини амалда четлаб ўтади. Бошқача қилиб айтганда, харажатларнинг ўзи

натижалар сифатида амал қилади. Мазкур ёндашув бюджетдан молиялаштиришнинг самарадорлигини аниқлаш имкониятини бермайди. У фақат маблағлар мақсадли сарфланишини таъминлаш, молиялаштиришнинг режалаштирилган ва амалдаги суммасини таккослаш имкониятини беради. Натижада бутун бюджет жараёни – харажатларни режалаштиришдан бошлаб уларнинг бажарилишини назорат қилишгача – «харажатларни бошқариш»га қараб мўлжал олади.

2. Бюджетни режалаштириш бир йил билан чегараланади ва бу бюджет сиёсатини ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг жорий йил доирасидан четга чиқувчи устувор вазифалари ва мақсадларига эришишга йўналтириш имкониятини бермайди. Натижада ўрта ва узоқ муддатли келажақда амалга оширишни мўлжаллаб қабул қилинадиган миллий ва тармок дастурлари аксарият ҳолларда бюджет имкониятлари билан боғланмайди. Бу эса уларни бажариш муддатлари кўп қарра қайта кўрилишига ва дастур талбирларига ўзгартиришлар киритилишига олиб келади.

3. Ўрта муддатли келажақда амалга оширишни мўлжаллаб қабул қилинган миллий ва тармок дастурлари аксарият ҳолларда бюджет имкониятлари билан боғланмаган. Бу ҳол уларни бажариш муддатлари кўп қарра қайта кўрилишига ва дастур талбирларига ўзгартиришлар киритилишига олиб келади.

4. Жорий (амалдаги) бюджет инвестиция дастури билан лозим даражада боғланмаган. Инвестиция дастури доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар (яниг қувватларни яратиш, амалдаги объектларни асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш) ишга туширилганидан сўнг уларни жорий таъминлашга харажатларни талаб қилади. Аммо, янги объектларнинг ишга туширилиши бюджет прогнози билан боғланмаган, яъни унда мазкур объектларни жорий таъмирлаш харажатлари ҳисобга олинмаган ҳоллар ҳам учрайди. Натижада молия йили мобайнида мазкур объектларни таъминлашга қўшимча маблағларни топиш (шу жумладан режага мувофиқ ажратилган маблағларни қайта тақсимлаш йўли билан) тўғрисида қарорлар қабул қилилади. Давлат харажатлари ва қабул қилинаётган (амалга оширилаётган) дастурларнинг мувофиқлаштирилмаганлиги муаммолари бюджетни режалаштириш асосан жорий вазифаларни ҳал қилишга қаратилганлигини кўрсатади. Бунда қиска, ўрта ва узоқ муддатли даврларда режалаштирилган бюджет харажатлари билан эришилиши лозим бўлган ижтимоий-иқтисодий натижалар ҳисобга олинмайди.

2.2. Бюджет ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлиги

Жамият иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига даромадлари солиқлар ва бошқа мажбурий йиғимлар орқали шакллантириладиган давлат бюджети таъсирининг самарадорлиги алоҳида ўрганишни талаб этувчи муаммодир. Шу маънода давлат бюджетининг самарадорлиги деганда, энг аввало, мазкур бюджет харажатларининг самарадорлик даражасини тушуниш ўринли бўлади.

Бюджет ресурслари оқилона ва самарали сарфланишини ташкил этиш ҳозирги вақтда ҳар қандай жамиятда зарур, чунки у иқтисодиёт фаолиятининг оптимал параметрларига эришишга ва давлат олдида турган устувор вазифаларни ҳал қилишга сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Назарий жиҳатдан олиб қараганда ҳар қандай жамият ўз ресурсларидан мумкин қадар самарали фойдаланишга ҳаракат қилади. Бинобарин, бюджет маблағларини сарфлашнинг унумдорлик ва самарадорлик даражаларига баҳо бериш зарурияти жамият талаблари билан белгиланади.

Бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини аниқлаш назорат органларининг вазифасидир. Мазкур органлар олдида текширув жараёнида бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланилиши, бюджет, фуқаролик ва меҳнат қонуқчилигининг бузилишини аниқлашгина эмас, балки бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлик даражасига баҳо бериш вазифаси ҳам қўйилади.

Шу билан бир вақтда мавжуд бюджет жараёнида молиявий назорат доирасида бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва молиявий менежментнинг сифати масалаларига кам эътибор берилди, унинг натижаларидан бюджетларни шакллантириш ва бошқарув қарорлари қабул қилишда деярли фойдаланилмайди.

Қоғунчилик мукамал эмаслиги, аниқ белгиланган ҳуқуқий нормалар ва механизмлар йўқлиги, шунингдек бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлик даражасига баҳо бериш бўйича методик кўрсатмалар ишлаб чиқилмаганлиги туфайли кўпинча самарадорлик кўрсаткичини бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш принципи билан алмаштириш юз беради.

Давлат бюджети самарадорлигининг юқорида зикр этилган макроиктисодий кўрсаткичларига қараб унинг иктисодиёт ва ижтимоий соҳани давлат томонидан тартибга солиш воситаси сифатидаги роли ҳақида гапириш мумкин. Аммо турли макроқўрсаткичларнинг динамикаси бир хил эмас. Бу бюджет харажатларининг самарадорлик даражасини ўлчашда муайян нозиклик юзага келишини аниқлатади. Бунинг устига умумий макроқўрсаткичлар асосан информатив ва тахлиллий хусусият касб этади, уларни муайян шахсларнинг харакатлари, кимнингдир шахсий жавобгарлиги билан боғлаш мумкин эмас, ҳатто бирон-бир битта давлат муассасаси фаолияти билан боғлаш ҳам мушқул иш.

Айни вақтда давлат бюджети амалда давлат маблағларидан конкрет фойдаланиш молиявий режаси сифатида амал қилади. Айни шу режани амалга оширишда бюджет харажатларининг самарадорлик даражасини аниқлаш зарурияти туғилади ва у қуйндаги саволларга жавоб топишни талаб этади: давлат маблағлари пировард натижада нимага сарфланган, бу харажатлар қандай натижа берган, пировард натижалар ва амалга оширилган харажатларнинг ўзаро нисбати қандай? Бу ерда бюджет маблағларини сарфлаш учун шахсий ва институционал жавобгарлик муаммоларини ечиш биринчи даражали аҳамият касб этади.

Гап шундаки, ҳозиргача мавжуд бўлган, ўтган йил учун бюджетнинг харажатлар моддаларига доир ҳисобот маълумотларига асосланганидан бюджет харажатларини “сметали режалаштириш” усули молиялаштириш натижаларини аниқлаш муаммосини амалда четлаб ўтади. Аниқроқ айтганда, харажатларнинг ўзи натижа сифатида амал қилади ва бундай шароитда бюджет харажатларини молиялаштиришнинг самарадорлигини аниқлаш мумкин эмас. Бюджет харажатларини режалаштиришнинг сметали тартиби маблағлар мақсадли сарфланишини таъминлаш ва молиялаштиришнинг режада белгиланган ва амалдаги суммаларини таққослаш имкониятини беради. Бу фактлар режалаштириш ва молиялаштиришнинг ҳозирги тизими доирасида, албатта, фойдали, лекин бюджет харажатларининг самарадорлик даражасини аниқлаш имкониятини бермайди. Бундай ёндашувда ҳисобот сметаси ўз-ўзидан режали сметани вужудга келтиради ва бундай ўрин алмашиш чексиз давом этиши мумкин. Шу туфайли ҳам Ўзбекистон Республикасида бюджетни режалаштириш доирасини сезиларли даражада кенгайтириш талаб этилади.

Шундай қилиб, йиллик бюджет доирасида бюджет харажатларининг самарадорлик даражасини аниқлаш амалда мумкин эмас, чунки муҳим иктисодий ва ижтимоий жараёнларнинг деярли барчаси узокрок муддатда юз беради.

Давлат бюджети ва бюджет харажатларининг самарадорлиги масалалари давлат молиявий назорати билан бевосита боғлиқ. Айни шу назорат бюджет маблағларидан фойдаланилишининг ҳақиқий натижаларини режада белгиланган натижалар билан солиштириш, бюджет харажатларини молиялаштириш соҳасида мавжуд камчиликлар ва ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш йўллари билан белгилаш имкониятини беради. Бозор муносабатлари шароитида давлат молиявий назоратнинг роли янада кучаяди, у ҳар қандай давлатнинг муҳим бошқарув функциясига, мамлакат иктисодиёти ва молия тизими нормал фаолият кўрсатишининг муқаррар шартига айланади. Бюджет маблағларидан фойдаланилиши

устидан муттасил давлат молиявий назоратини амалга ошириш, уни янада кучайтириш – бюджет харажатларининг самарадорлигини ошириш, мамлакат иктисодиёти ва молия тизими фаол ривожланишининг гаровидир.

Давлат молиявий назорати ягона концепциясини яратиш қўлгина тушунчалар ва категорияларга қонун йўли билан таъриф бериш, назорат субъектларининг функцияларини аниқ белгилаш учун имконият яратади. Буларнинг барчаси давлат назорат органларининг ишини сезиларли даражада яхшилайти ва улар амалга ошираётган тадбирларнинг самарадорлик даражасини пасайтиради. Бинобарин, қонунчиликни такомиллаштирмасдан, давлат молиявий назоратини ташкил этишга доир ҳуқуқий норматив ҳужжатларни қабул қилмасдан, энг муҳими – улар сўзсиз ижро этилишига эришмасдан иктисодий жиғоятларга қарши қуралиши, давлат бюджетни ва бюджет харажатларининг самарадорлигини ошириш ишида муваффақиятларга амалда эришиш мумкин эмас.

Айни шу сабабли бюджет харажатларини молиялаштиришнинг аниқ натижаларини белгилашга нисбатан ёндашуви ишлаб чиқилган бюджетни режалаштириш жараёнида жиддий ўзгаришлар ясашни тақозо этади. Шу туфайли ҳам мамлакатда амалга оширилаётган бюджет ислохоти бюджет харажатларининг унумдорлик даражасига баҳо бериш тартиб-таомилларини шакллантириш ва уларни бюджет жараёнига киритишни, бюджет харажатларини сметали режалаштириш ва молиялаштиришдан ижтимоий муҳим ва ўлчаш мумкин бўлган пировард натижаларга эришишга қаратилган бюджетни режалаштириш (бюджетлаштириш)га бошқичма-бошқич ўтишни назарда тутди.

Шундай қилиб, давлат бюджетни ва бюджет харажатларининг самарадорлиги муаммоси жуда серқирра ва у илимий-назарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, услубий ва амалий хусусиятга эга бўлмаган масалаларнинг кенг доирасини қамраб олади. Мазкур муаммо энг аввало бюджетни режалаштириш ва молиялаштиришнинг янги шакллари ва усуллари (бюджетлаштириш, бюджетни ўрта муддатли режалаштириш, бюджет харажатларини режалаштиришнинг дастурий-максадли усулини қўллаш ва б.)дан фойдаланиш, бюджет маблагларини сарфлашнинг унумдорлик кўрсаткичларини аниқлаш бўйича услубий кўрсатмалар, ҳуқуқий нормалар ва механизмларни яратиш, шунингдек давлат молиявий назоратини янада кучайтириш ҳисобига ҳал қилиниши лозим.

2.3. Ўзбекистонда БЎМРни жорий этиш шартлари

Ўрта муддатли келажакда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши давлат ресурсларини тақсимлаш ва улардан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш билан бевосита боғлиқ. Бунда Давлат бюджетни айни вақтда прогнозларнинг бир қисми сифатида шакллантирилиши лозим. Бунда мазкур бюджет доирасида қўйилган мақсадларга эришиш учун бюджет имкониятларини мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнозлари билан яқинлаштириш йўллари аниқланади.

Сўнгги ўн йилликлар мобайнида ривожланган мамлакатларнинг аксариятида бюджетни ўрта муддатли режалаштиришга ўтиш соҳасида ижобий тажриба тўпланди. Бу мамлакатлар ўрта муддатли, яъни 5-7 йилга мўлжалланган бюджетни режалаштиришда яхши натижаларга эришдилар. Ўзбекистонда уч йиллик муддатга мўлжалланган бюджетни ишлаб чиқиш бўйича қўрилган чораларга қарамай, мазкур ишланмалар ҳали бошланғич даражадан нарига ўтгани йўқ.

Бунда мамлакат ижро этувчи ҳокимият органларининг самарали фаолияти уларнинг ишини мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўрта муддатли келажакка мўлжалланган энг муҳим стратегик вазифаларини амалга оширишга йўналтиришни таъминлаш билан боғлиқ. Бу ўз навбатида, бюджетни ўрта муддатли режалаштириш усулларини дастурий-максадли методдан фойдаланиш негизинда “натижаларга қўра бошқариш” принципига мувофиқ амалга жорий этишни талаб қилади.

Ушбу принцип ижтимоий аҳамиятга молик ва ўлчаш мумкин бўлган ўрта муддатли мақсадларни аниқ режалаштиришни ва уларга эришиш учун зарур бўлган (шу жумладан молиявий) ресурсларни ажратнишни назарда тутлади. Асосий назорат бюджет маблағларини “ўзлаштириш” жараёни устидан эмас, балки мақсадларга эришилиши устидан амалга оширилади.

Ҳозирги вақтда етакчилик қилаётган сметали бюджетлаштиришдан фарқи ўларок, бюджет харажатларини режалаштиришнинг дастурий-мақсадли усулидан фойдаланиш давлат пулларини бюджет маблағларини бошқарувчилар (бош тақсимловчилар, тақсимловчилар ва олувчилар) фаолиятининг ижтимоий аҳамиятга молик ва одатда, микдор жиҳатидан ўлчаш мумкин бўлган натижаларига йўналтириш ва шу билан бир вақтда белгиланган мақсадлар ҳамда натижаларга эришилганининг мониторингини амалга ошириш заруриятидан келиб чиқади. Бюджет харажатларини режалаштиришнинг мазкур усулидан фойдаланиш бюджетни режалаштириш (бюджетлаштириш) ва молиявий менежментнинг идоравий таомиллари сифатини таъминлашни ҳам назарда тутлади.

Давлат секторига бюджетни ўрта муддатли режалаштиришни жорий этиш эҳтиёжлари куйидаги омиллар билан белгиланади:

- мамлакатнинг яқин йиллардаги молиявий имкониятларини («бюджет чеклашлари») аниқлаш зарурияти билан. Ўрта муддатли молиявий режа ҳар йили қабул қилинадиган бюджетда мавжуд бўлмаган параметрларни ўз ичига олади (масалан, қарздорлик даражаси ва унга хизмат кўрсатиш графиги). Бу маълумотлар ривожланишнинг бўлғуси имкониятлари (инвестиция жараёнлари кўлами)га ҳам, бюджет сисёатини шакллантириш ва амалга ошириш шароитлари (аҳолининг жорий эҳтиёжларини қондириш)га ҳам кучли таъсир кўрсатади;

- режа билан камраб олинган ҳар бир йил учун бўш маблағларнинг ялли қийматини (режалаштирилган даромадларнинг умумий суммаси ва жорий харажатларнинг умумий суммаси ўртасидаги фарқи) аниқлаш зарурияти билан. Ушбу қиймат инвестиция сисёатини амалга ошириш ва қарзга хизмат кўрсатишнинг умумий имкониятини намойиш этади;

- узок муддатли капитал қўйилмалар дастурларини амалга ошириш вазифалари билан. Улар аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун зарур шароитларни яратувчи инфратузилмани ривожлантириш имкониятларини белгилайди;

- қарздорлик даражасини мамлакатнинг молиявий имкониятлари билан мувофиқ ҳолатга келтириш бўйича перспектив қарорларнинг кучайиб бораётган роли билан;

- жорий бюджетларни мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўрта муддатли молиявий режаларда акс эттириладиган стратегик мақсадларига йўналтиришнинг аҳамияти кучайганлиги билан.

Ўзбекистонда бюджетни ўрта муддатли режалаштиришни (БЎМР) жорий этиш шартлари сифатида куйидагилар белгиланди:

- Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш жараёнини ташкил этишнинг бош шартли миллий даражада макроиктисодий барқарорликка эришишдир.

- Иқтисодий ўсиш давлат томонидан изчил иқтисодий сисёат олиб бориш йўли билан рағбатлантирилиши лозимлигини тушуниш ва у инсонни ривожлантириш мақсадларига қараб мўлжал олишини таъминлаш. Шу нуқтан назардан, бюджет-солик сисёати иқтисодий ўсиш натижаларини бюджет йили доirasидан ташқарисида эришилиши мумкин бўлган қўйилган аниқ мақсадларга эришишга йўналтиришнинг муҳим воситаларидан бири сифатида қаралади.

- Иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг юқори даражадаги суръатларини таъминлаш учун ҳукумат реал сектор ва ижтимоий соҳани ривожлантириш соҳасида бир қанча мақсадли дастурлар ишлаб чиққан ва улар амалга оширилишда. Бу дастурлар ўзаро боғлиқ ва ҳар йили Давлат бюджетини шакллантириш ва тақсимлаш параметрлари билан мувофиқлаштирилади. Аммо, бюджетни ҳар йиллик асосда шакллантириш қўйилган мақсадларга эришиш учун бюджет ресурсларини тақсимлаш

динамикаси ва тенденцияларини олдиндан кўриш имкониятини бермайди. Бу энг аввало бир йил мобайнида олиб бориладиган бюджет-солик сиёсатининг торлиги билан боғлиқ. Мазкур сиёсат бюджетнинг бир йил доирасидан ташқаридаги имкониятларига баҳо бериш имконини бермайди, бу эса бюджет истикболда аниқ мўлжал олишига монелик қилиши мумкин.

- БМТТД лойиҳаси доирасида 2007–2009 йилларда давлат молиясини бошқаришни ислох қилиш стратегияси ургунли харажатларни бошқаришдан натижаларни бошқаришга кўчиришни назарда tutади. Ушбу лойиҳа доирасида Молия вазирлиги 2008–2010 йилларга мўлжалланган бошланғич экспериментал ўрта муддатли бюджет стратегиясидан фойдаланди. Мазкур стратегия Молия вазирлигига бўлгуси даврлар учун фискал сиёсат чораларининг оқибатларини ва харажатларнинг базавий даражаларига сиёсат янги чораларининг таъсирини аниқлашга ёрдам берди. Ўрта муддатли бюджет стратегиясидан фойдаланиш борасидаги ишлардан кейинги бюджетларни тайёрлаш жараёнида фойдаланиш ва уни тўлақонли лойиҳа даражасига етказиш назарда тутилди. Бундан кўзланган мақсад – барқарор йиллик бюджетни таъминлаш, бюджетнинг капитал ва жорий харажатлари ҳисобини юритишни яхшилаш, йиллик бюджетни тузиш бўйича таклифлар учун молиявий харажатларнинг лимитларини белгиланидан иборат.

Бунда тармок вазирликлари ўрта муддатли бюджет стратегиясини кейинги йилларга мўлжалланган бюджетни тайёрлашга юқоридан қуйиға тушириладиган экспериментал дастурлар асосида киритадилар. Бу иш Молия вазирлиги ва танланган тармок вазирликларида амалга оширилган бошланғич экспериментал лойиҳа натижаларига асосланиши лозим. Бунда бюджет таклифларида сиёсат чораларининг мақсадлари, устувор йўналишлари ва натижаларига кўпроқ эътибор берилмоғи, харажатлар меъёрларидан фойдаланишнинг аҳамияти пасайтирилмоғи даркор. Дастурий бюджетлаштириш тўлиқ экспериментал лойиҳа самарали амалга оширилганидан, ахборот тизимини ўз ичига олган бюджетни ижро этиш газначилик тизимини тўлиқ жорий этиш яқунланганидан (ҳозирги вақтда режаларда 2011 йил 1 январга белгиланган) кейингина режалаштирилиши мумкин.

- Ўзбекистон Мингйиллик Ривожланиш Мақсадлари (МРМ)га эришиш бўйича мажбуриятлар олган, чунки МРМ Ҳукумат аҳоли фаровонлигини ошириш масалаларини ечиш доирасида ислохотларнинг дастлабки давридаёқ ўз олдига қўйган ва Бюджет стратегиясини ишлаб чиқишда ҳисобга олган ривожланиш мақсад ва вазифалари билан муштарақдир. Бунда Бюджет стратегиясини амалга ошириш МРМга эришишда 2010 йилгача жиддий юксалиш юз беришига ва 2015 йилга бориб Мақсадларнинг аксариятига эришилишига кўмаклашиши лозим. Бу давлат бюджетни харажатлари ўлчаш мумкин бўлган аниқ натижаларга боғлаб уч йил муддатга режалаштирилиши лозимлигини аниқлатади. Бюджет сиёсати ва иқтисодий сиёсатнинг амалга оширилиши бюджет соҳаси ходимлари ва пенсионерларнинг реал даромадлари ўсишига, шунингдек соғлиқни сақлаш ва таълимнинг сифати ошишига олиб келиши лозим.

- Ўзбекистонда 2007 йилдан бошлаб БМТТДнинг «Давлат молияси ислохоти» лойиҳаси доирасида давлат молия тизимини такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Лойиҳа доирасида Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилга ва ўрта муддатли келажакка мўлжалланган бюджет стратегиясининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилди, шунингдек бюджетни режалаштиришда янгича ёндашувларни қўллашнинг Концептуал ва методологик жиҳатлари тайёрланди. Ушбу тадқиқотларнинг мақсади сифатида 2008 йилга ва ўрта муддатли келажакка (2009–2010 йилларга) мўлжалланган бюджет стратегияси йўналишларини ва жамланган бюджет прогнозини ишлаб чиқиш белгиланди.

Шундай қилиб, бюджетни ўрта муддатли режалаштиришни амалга жорий этишга:

- Ҳукумат иқтисодий сиёсатининг ўрта муддатли устувор вазифаларидан келиб чиқиб бюджет маблағларини сарфлаш стратегиясини ишлаб чиқиш;

– бюджет маблагларини сарфлашнинг унумдорлик даражасини ошириш (барча даражадаги бюджетларнинг харажатлари пировард натижага энг самарали йўл билан эришишга қаратилиши лозим);

– бош тақсимловчиларнинг мустақиллиги ва жавобгарлигини кучайтириш (идоравий даражада молиявий менежмент сифатига баҳо бериш усуллари ва тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, бюджет дастурларини ишлаб чиқиш, ички аудитни ривожлантириш, молиявий интизомни мустаҳкамлаш) йўли билан эришиш назарда тутилган.

3-боб. БЮДЖЕТНИ ЎРТА МУДДАТЛИ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ

3.1. Мамлакат иқтисодиётида бюджетнинг ўрни ва ахамияти

Молия назарияси нуктаи назаридан бюджет харажатлари тақсимлаш (кайта тақсимлаш)га доир муносабатлардир², бюджет жамғармасидан тўланадиган пул маблағлари эса уларнинг моддий ифодаси ҳисобланади. Иқтисодий категория сифатидаги бюджет харажатларининг хусусиятидан фойдаланиб, ижтимоий ишлаб чиқаришга миқдор ва сифат жиҳатидан таъсир кўрсатиш, яъни бюджет харажатларидан иқтисодий восита сифатида фойдаланиш мумкин.

Бугунги кунда кўпгина дарсликлар ва амалий нашрларда бюджет харажатлари ва бюджетдан маблағ ажратиш тушунчалари синонимлар сифатида талкин қилинади: уларга фақат бюджет доирасида – давлат вазифалари ва функцияларини таъминлаш учун ишлатиладиган пул маблағлари нуктаи назардан ёндашилади. Мазкур ёндашув иқтисодиёт ва ижтимоий соҳага бюджет харажатларининг миқдор жиҳатидан таъсирини ўзида акс эттиради.

Бюджет маблағларидан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларга сифат жиҳатидан таъсирини тавсифлаш учун бюджет харажатлари тушунчасининг ўзи кифоя қилмайди. Бу бюджет маблағларидан фойдаланиш йўналишлари ва шаклларини белгилаш асосини ташкил этадиган «харажатларга оид мажбурият» тушунчаси вужудга келишини амалда белгилайди.

Харажатларга оид мажбурият бюджетни шакллантиришнинг ҳуқуқий асосига айланади, ижтимоий-иқтисодий муносабатларга бюджет харажатлари орқали таъсир кўрсатиш ҳуқуқий механизмини яратди. Ваҳоланки, бюджет харажатлари тушунчасининг ўзи бундай ҳуқуқий мазмунга эга эмас. Бюджет маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорларни харажатларга оид мажбуриятларни қабул қилиш йўли билан расмийлаштириш олиб борилаётган бюджет сиёсатининг барқарорлиги ва изчиллигини таъминлайди. Харажатларга оид мажбуриятларни қабул қилиш давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига бириктирилган ваколатлар ва функцияларга мувофиқ амалга оширилади.

Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун бюджет маблағларидан турли ҳажмларда фойдаланилиши, шу йўл билан иқтисодиёт ва ижтимоий соҳага миқдор жиҳатидан таъсир кўрсатилиши мумкин. Бюджетда харажатларга оид мажбуриятларни бажариш учун назарда тутиладиган бюджет маблағларини сарфлаш ҳажмининг энг кўп миқдори *бюджетдан маблағ ажратилиши* билан белгиланади.

Шундай қилиб, иқтисодий восита сифатидаги бюджет харажатларининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири харажатларга оид мажбуриятлар ва бюджетдан маблағ ажратиш билан белгиланади. Бюджет харажатларининг бундай таъсир кўрсатиш имкониятлари уларни режалаштириш жараёнида белгиланади.

Бюджет харажатларини режалаштиришнинг мазмуни улар ҳал қилувчи вазифалар орқали намоён бўлади. Бу вазифалар мазмуни иқтисодиёт хўжалик юртиининг маъмурий-буйруқбозлик усулларидан бозор муносабатларига асосланган усулларига ўтишига қараб ўзгаради.

Харажатларга оид мажбуриятларни режалаштириш жараёнида бюджет маблағларидан давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида фойдаланиш йўналишлари ва шакллари белгиланади. Бунда:

² Бюджет харажатлари – бу давлат пул маблағлари фондининг тақсимлиниши ва ундан тармоқ вазифаларини, аниқ мақсадларни бажариш ва ҳудудий эҳтиёжларни қондириш учун фойдаланиши муносабати билан юзата келадиган иқтисодий муносабатлар. Қараг: Финанси. Под ред. В.М. Родионовой. М.: Финансы и статистика, 1995. – 393-б.

- бюджет харажатларини режалаштириш давлат бошқаруви тизимининг элементи сифатида амал қилади;

- иқтисодий восита сифатидаги бюджет харажатлари режалаштириш объекти ҳисобланади;

- молия органларига эмас, балки давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъул бўлган ҳокимият органлари ҳам режалаштириш субъектларига айланади.

Бюджет мажбуриятларини режалаштириш қуйидагиларни назарда тутати:

- давлат ривожланишининг танланган устувор йўналишларини молиялаштиришга бўлган эҳтиёжларга баҳо беришни;

- ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларини ҳал қилишга бюджет тегишли харажатларининг ҳиссасига баҳо беришни;

- давлатнинг (ҳокимият ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг) қабул қилинган қарорларни (харажатларга оид мажбуриятларни) етарли миқдорда барқарор молиялаштиришни таъминлаш имкониятларини таҳлил қилишни;

- бюджет харажатларини молиялаштиришнинг муайян шароитларга мувофиқ келадиган шаклларини таплашни.

Мазкур вазифаларни бюджет харажатларини режалаштириш жараёнида ҳал қилиш унинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашдаги ва бошқарув қарорлари қабул қилишдаги ролинини белгилайди.

Бюджетдан маблағ ажратишни режалаштириш режа даврида ҳокимият органлари томонидан қабул қилинган қарорларни бажариш учун зарур бўлган бюджет маблағлари ҳажмининг ҳисоб-китобини назарда тутати. Айни ҳолда:

- бюджетдан маблағ ажратишни режалаштириш бюджетни бошқариш тизимининг функционал элементи ҳисобланади;

- режалаштириш объекти сифатида бюджет маблағлари амал қилади;

- бюджет маблағларини бош тақсимловчилар, тақсимловчилар ва олувчилар ҳамда тегишли молия органлари режалаштириш субъектлари ҳисобланади.

Бюджетдан маблағ ажратишни режалаштиришнинг натижаси бюджет жараёнини амалга ошириш доирасида бюджет (молиявий режа) параметрларини белгилашдир. Давлат сиёсатини ишлаб чиқишда бюджет харажатларини режалаштиришнинг роли ва вазифаларини ўрганиш жараёнида ҳозирги шароитларда бюджет харажатларини режалаштириш бюджет маблағларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳал қилинаётган вазифалари ўртасида тақсимлашнинг оптимал вариантини танлаш ва бюджет харажатларининг самарадорлигини ошириш учун замин яратишга қараб мўлжал олиши аниқланган.

Иқтисодчилар орасида бюджет харажатларининг самарадорлигини ишлатилган ресурслар ва уларнинг ёрдамида эришилган пировард натижанинг ўзаро нисбати сифатида тушуниш кенг тарқалган. Бундай баҳо хаддан ташқари номуайян, «муҳал»дир. Бюджетни бошқаришнинг асосий вазифаси давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тегишли органларининг улarga юклатилган ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишга қаратилган фаолиятини молиявий таъминлашдан иборат бўлгани туфайли, бюджет харажатларининг самарадорлик даражасига давлат сиёсатини амалга ошириш натижалари орқали баҳо бериш мумкин. Бу амалга оширилган харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги ва ривожланиш мақсадларига эришилгани ёки эришилмагани ҳақида маълум даражада ишонч билан гапириш имкониятини беради.

Бюджет харажатларининг самарадорлик даражасига баҳо бериш учун бирламчи мезон сифатида *давлат сиёсатининг унутқорлиги мезонидан* фойдаланиш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланишнинг муҳим омили сифатида ривожланишнинг устувор йўналишлари, яъни кўрсатиладиган бюджет хизматларининг тури ва ҳажмлари (бюджет маблағларидан фойдаланиш ҳажмлари, шакллари ва йўналишлари) қай даражада тўғри танланганлигини олиш тақлиф қилинади.

Бюджет харажатларини режалаштириш методологиясининг тегишли элементлари йўқлиги ва (ёки) уларнинг камчиликлари, уларга риоя этмаслик, ҳаголиклар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ва бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлигини таъминлашда бюджет харажатларини режалаштиришнинг роли пасайишига олиб келади.

Маълумки, ривожланишнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистонда бюджет харажатларини режалаштиришнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллашга асосланган бюджетни ўрта муددатли режалаштиришни такомиллаштириш вазифаси кун тартибига кўйилган.

Ўтказилган тадқиқот натижасида бюджет харажатларини режалаштириш воситалари сифатида бюджетни режалаштириш жараёнида тузиладиган, бюджет сиёсатининг миқдор кўрсаткичларини ақс эттирадиган ва бошқарув қарорларини қабул қилишда фойдаланиладиган хужжатлар амал қилиши аниқланди. Бюджет харажатларини режалаштиришнинг асосий воситаларига ўрта муددатли (узок муددатли) молиявий режа ва бюджет дастурлари киряди.

Реалистик давлат бюджети ижтимоий-иқтисодий ривожланишни ва давлат бюджети билан миллий иқтисодиёт ўртасидаги ўзаро алоқаларни ҳисобга олиши лозим. Бу ўзаро алоқаларни ҳисобга олиш учун миллий иқтисодиёт ва бюджетнинг ривожланишини аниқ моделлаштиришга қодир бўлган анча мураккаб эконометрик моделлардан фойдаланиш талаб этилади.


Тўғри, прогнозлар ишончли восита эмас, улар камдан-кам ҳолда тўлиқ амалга оинади ва статистик баҳоларда камчиликлар доимо топиледи. Аммо тегишли тарзда шакллантирилган моделдан фойдаланишнинг афзал жиҳатлари анчагина, чунки давлат бюджети турли қисмларнинг ҳисоб-китоби мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёни ва стратегиясига доир тахминларга асосланади. Бу давлат бюджетининг ички мутаносиблигига ҳам, иқтисодиётнинг ривожланиши нуктаи назаридан унинг мувофиқлаштирилганлигига ҳам эришиш имкониятини беради.

Шунга қарамай бюджет устида ишнинг бошида иқтисодий моделлардан бир қарра фойдаланиш кифоя қилмайди. Бюджет жараёни мобайнида олинган янги статистик маълумотларни, прогнозлаштирилаётган янги қийматларни ва янги бюджет рақамларини киритиш орқали такрорий прогнозларни тузиш, давлат бюджетининг лойиҳаси доим мумкин қадар ишончли прогнозга асосланишига эришиш талаб этилади.

Макроиктисодий назарияга мувофиқ, давлатнинг реал ресурсларга бўлган талаби жамиятда ишлаб чиқариш даражасига таъсир кўрсатади. Давлат солиқлар ва трансфертлар орқали айрим шахслар даромадларининг таркибий тузилишига ва шу орқали хусусий истеъмол ҳажмига таъсир кўрсатади. Ижтимоий ва хусусий истеъмол жамулжам ҳолда одатда ЯИМнинг тахминан 75 фоизини ташкил этади (қолган улушлар – инвестициялар ва экспорт билан импорт ўртасидаги фарк).

Айни шу сабабли давлат бюджети атрофидаги сиёсий қарорлар жамиятдаги жами талабнинг динамикасига ҳам бевоқифа, ҳам билвосита таъсир кўрсатади. Айни вақтда шу нарса аниқ ва равшанки, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳам давлат даромадлари ва харажатларига таъсир кўрсатади. Агар бандлик даражаси ўсса, айрим шахсларнинг даромадлари ҳам ўсади. Бу шунга олиб келадикки, улар кўпроқ миқдорда даромад солиғи тўлайдилар, шунингдек, кўпроқ истеъмол қиладилар ва тегишли равишда, истеъмол учун ҚҚС ва бошқа солиқлар сифатида кўпроқ пул тўлайдилар. Бу ерда қорхоналарнинг даромадлари ўсишини тахмин қилиш ҳам мураккаб ўринли бўлади. Шу боисдан улар кўпроқ солиқлар тўлайдилар. Шу тарика бандлик даражасининг ўсиши давлат даромадларининг ўсишига олиб келади. Бандлик даражасининг пасайиши эса бутунлай тесқари самара беради. Бюджетнинг даромад қисмига таъсир кўрсатишдан ташқари, бандлик даражасидаги ўзгаришлар ижтимоий харажатлар даражасига ҳам таъсир этади. Ишсизликнинг ўсиши давлатнинг ишсизлик бўйича нафақаларга ва иш ўринлари ташкил этиш чораларига харажатлари ўсишига олиб келади.

2-расм. Давлат бюджети – ривожланишнинг асосий бўғини



Нархлар ва иш ҳақи динамикаси ҳам улкан аҳамиятга эгадир. Нархлар ўсган тақдирда давлат истеъмол учун солиқлардан оладиган даромадлар ҳам ўсади. Аммо, шу билан бир вақтда, давлатнинг харажатлари ҳам ўсиб боради, чунки у ўзи харид қилувчи товарлар ва хизматларга кўпроқ ҳақ тўлашига тўғри келади. Иш ҳақининг ўсиши даромад солиғи ва ижтимоий жамғармаларга ажратмалар сифатида кўпроқ даромадлар беради, лекин давлат харажатлари ҳам ўсади, чунки у ўз ходимлариغا юксакроқ даражада маош тўлашига тўғри келади. Бундан ташқари, иш ҳақи даражасига боғланган трансфертларга харажатлар ҳам кўпаяди.

Айрим шахслар ва корхоналарнинг хулқ-атвори ҳам ўз аҳамиятига эга. Истеъмолнинг ўсиши ва ҳалқ хўжалигида жамғармаларнинг қисқариши давлатнинг ҚҚС ва бошқа эгри солиқлардан олинадиган даромадларини кўпайтиради. Агар корхоналар ўз инвестициялари ёки экспортини кўпайтирсалар, қисқа муддатли келажақда солиқ тушумлари қисқаради.

Банк фойз ставкасининг ўзгариши ҳам давлат бюджетининг бир қанча моддаларига, энг аввало – давлат қарзи бўйича фойзга таъсир кўрсатади. Ставканинг пасайиши давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатларини камайтиради. Хуллас, давлат бюджетини шакллантиришнинг кенг макрониксодий прогнозга мувофиқ амалга оширишни талаб этадиган кўп сонли кучли ва кучсиз ўзаро алоқалар мавжуд. Бюджетнинг деярли ҳар бир сатри ижтимоий-иктисодий ўзгарувчилар қандай ўзгариши билан белгиланади. Ва ақсича – давлат бюджетининг деярли ҳар бир сатри миллий иктисодиётга у ёки бу даражада таъсир кўрсатади.

Албатта, миллий иктисодиётнинг ривожланиш йўлини олдиндан белгилаш, сўнгра ЯИМ, нархлар ва бандлик даражаси каби муҳим ўзгарувчиларни танлаш ва уларни бюджетнинг мазкур омиллардаги ўзгаришларга айланиб таъсирчан бўлган моддаларининг ҳисоб-китоби учун қўллаш биринчи қадам, ҳолос, лекин унинг ўзи кифоя қилмайди. Ушбу ёндашувда бюджет билан миллий иктисодиётнинг ривожланиши ўртасидаги динамик ўзаро алоқалар эътибордан четда қолади. Бундан ташқари, ўзгаришларнинг натижалари ақин йил мобайнида доим ҳам тўлиқ намоён бўлавермайди, қўпичча самара бир неча

йилга ортга сурилади (айни шу сабабли ишни бир неча йиллик мўлжаллардан келиб чикиб ташкил этиш талаб этилади).

3.2. Ўртача муддатли ва келажак бюджетни режалаштириш

Барча мамлакатлар – айрим истисноларни эътибордан соқит этганда – бир йиллик бюджетни қабул қиладилар. Тўғри, бу ҳол бюджетни айна шу қисқа муддатли келажак учун тайёрлаш ва шакллантириш лозим деган маънони аңглатмайди. Аксинча, бюджет даромадлари ва харажатларнинг узокрок муддатли келажак учун мўлжалланган тахмин зарур. ИХРТга аъзо мамлакатлар таърибаси келатган бюджет йили плус ундан кейинги икки ёки уч йилли камраб олувчи давр энг мақбул ва мақсадга мувофиқ жанлигини кўрсатади. Қоида тарикасида, бюджет уч йиллик истикболдан келиб чикиб шакллантирилади. Ушбу заруриятни белгилувчи бир неча сабаблар мавжуд.

Биринчидан, бюджет даромадлари ва харажатларига таъсир этувчи қарорлар илгари қабул қилинган. Бюджет устида ишлаш жараёнида солиқлар ҳамда харажатлар дастурлари тўғрисида янги қарорлар қабул қилинади ва улар биринчи бюджет йилига кам таъсир кўрсатади ёки умуман таъсир кўрсатмайди, лекин орадан бир ёки бир неча йил ўтгач, давлат бюджетига жуда кучли таъсир кўрсатади. Бундай ортга сурилан эффеқтлар бюджет жараёнида ҳисобга олиниши лозим.

Иккинчидан, вақт ўтиши билан ижтимоий-иқтисодий шароитлар ўзгаради. Бандлик даражаси ва нархлар динамикаси йилдан-йилга ўзгариб боради, бу эса давлат бюджетининг даромадлари ва харажатларига таъсир кўрсатмай қолмайди. Бюджет ишида ушбу омилларни ҳисобга олиб муҳимдир.

Учинчидан, келажакда воқеаларнинг кўнгилсиз ривожланиши олдиндан тахмин қилинаётган бўлса, бу қийинчиликларни четлаб ўтиш учун тегишли қоралар кўрилиши мумкин. Давлат харажатларини ва солиқ тушумларининг ўсишини пасайтириш тарзидаги чеклашларни тез жорий этиш сиёсий нуктаи назардан ҳам, техник нуктаи назардан ҳам осон иш эмас. Давлат даромадларини тез пасайтириш ва унинг харажатларини кўпайтириш эса сиёсий нуктаи назардан жуда осон иш. Бюджетнинг ривожланишини назорат қилиш имкониятига эга бўлиш учун ҳукумат бюджет қандай ривожланишини илгари қабул қилинган қарорлардан келиб чикиб ва балки ислохотнинг ҳали белгиланмаган устувор йўналишларига бўлғуси харажатларни ҳисобга олган ҳолда аниқ тасаввур қилиши лозим.

Бир неча йилга мўлжалланган бюджет билан ишлашнинг афзаллиги шундан иборатки, ҳукумат кўпчиликка мақбул бўлмаган, лекин устувор вазифаларни фақат энг яқин бюджет йилининг чекланган ресурсларидан келиб чикиб ҳал қилиши шарт эмас. Бир йиллик истикболда харажатларнинг ўсишини аңглатувчи таклифни қабул қилиш ёки рад этиш муқобиллигина мавжуд бўлади. Кўп йиллик истикболда эса таклифни энг яқин бюджет йили дастуридан чиқариш ва уни амалга оширишни кечга суриш имконияти мавжуд. Унинг камчилиги шундаки, бўлғуси бюджет доираси дастлабки босқичдаёқ аниқ белгилаб қўйилади, бу эса ижтимоий-иқтисодий ривожланишда фавқулодда ҳолатлар юз берган ва қутилмаган эҳтиёжларни қондириш талаб этилган ҳолларда ҳукуматнинг харақат эркинлигини қисқартиради.

Ғарбий Европанинг Европа Иттифоқи таркибига кирувчи барча мамлакатлари ўртача муддатли келажакка мўлжалланган бюджет билан ишлайди. Бу бюджет сиёсати умумий талабларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида уни ўз вақтида мослаштириш учун зарур. Бундан ташқари, улар ҳар йили Европа Комиссиясига барқарорлик ва ўсишнинг уч йиллик дастурини тақдим этишлари лозим.

Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш – бир неча йилга (қоида тарикасида 3-5 йилга) мўлжалланган давлат бюджетини тайёрлаш жараёни. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

➤ давлат харажатларини амалга ошириш учун мавжуд бўлган жами ресурсларни ҳисоблашнинг макроиктисодий сиёсат шартларини каноатлантирувчи иерархиявий тузилган режасини;

➤ мавжуд ва янги устувор стратегик вазибаларни бажариш қийматининг ("юқоридан пастга қараб" усули билан амалга ошириладиган) ҳисоб-китобини;

➤ келгусида харажатларга оид маълумотларни мавжуд жами ресурслар билан солиштириш имкониятини берувчи механизмини.

Айни шу сабабли ўртача муддатли (перспектив) бюджет режаси бюджетнинг даромадларни сафарбар қилиш, қонунга мувофиқ рухсат этилган маблағларни жалб қилиш ва бюджетнинг ўрта муддатли келажакка мўлжалланган асосий харажатларини модиялаштириш имкониятлари ҳақидаги прогноз кўрсаткичларни ўз ичига олган ҳужжат сифатида қаралиши лозим.

Халқаро амалиёт (4-бобга қаранг) бюджетларни ўртача муддатли асосда шакллантириш зарурияти кўпгина мамлакатларда умум эътироф этилганлигини кўрсатади. Бу мамлакатларда бюджет ислохотининг бош йўналишларидан бири – бюджет харажатларини режалаштиришнинг давлатнинг ўрта ва узоқ муддатли иқтисодий мақсадлари, маблағларни тақсимлаш ва улардан белгиланган мақсадларга мувофиқ фойдаланиш натижалари ўртасида тўғридан-тўғри ўзаро алоқани таъминловчи дастурий-мақсадли усулларига ўтиш. Бундай ўзаро алоқани бир йиллик бюджетни режалаштириш доирасида ўрнатиш мумкин эмас.

Бюджетни ўрта муддатли режалаштиришни жорий этиш зарурияти қуйидагилар билан белгиланади:

- биринчи – жорий бюджетларни мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг стратегик мақсадларига йўналтиришнинг аҳамияти ошгани ва мамлакатнинг яқин йиллардаги молиявий имкониятларини («бюджет чеклашлари»ни) аниқлаш зарурияти билан. Ўрта муддатли молиявий режа ҳар йили қабул қилинадиган бюджетда мавжуд бўлмаган параметрларни ўз ичига олади (масалан, қарздорлик даражаси ва унга хизмат кўрсатиш графиги). Бу маълумотлар ривожланишнинг бўлгуси имкониятлари, инвестиция жараёнлари қўламага ҳам, бюджет сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш шароитлари, аҳолининг жорий эҳтиёжларини қондиришга ҳам кучли таъсир кўрсатади;

- иккинчи – узоқ муддатли капитал қўйилмалар дастурларини амалга ошириш вазибалари билан. Улар аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун зарур шароитларни яратувчи инфратузилмани ривожлантириш имкониятларини белгилайди. Бунда режа билан қамраб олинган ҳар бир йил учун бўш маблағларнинг ялпи қийматини (режалаштирилган даромадларнинг умумий суммаси ва жорий харажатларнинг умумий суммаси ўртасидаги фарқни) аниқлаш талаб этилади. Ушбу қиймат инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва қарзга хизмат кўрсатишнинг умумий имкониятини намоён ш этади.

Бюджетни ўрта муддатли режалаштиришнинг асосий мақсадлари ўртача муддатли келажакда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва бюджет сиёсатини мувофиқлаштириш; стратегик қарорларнинг асослилиқ даражасини ошириш; бюджетлар жорий ва капитал харажатларининг самарадорлигини макроиктисодий мувозанатга эришиш, тармоқлар доирасида ва улардан ташқарида ресурслар тақсимотини яхшилаш, тармоқ идоралари ва вазириликлар учун бюджетнинг янада аниқлигини таъминлаш, шунингдек давлат маблағларидан янада самаралироқ фойдаланиш орқали оширишдир (Жаҳон банки, 1998а).

Макроиктисодий мувозанатни, шу жумладан фискал интизомни таъминлашга мавжуд жами ресурсларни прогнозлаштириш йўли билан эришиш мумкин. Ушбу ресурслардан бюджетларни тузишда, ресурсларга белгиланган чеклашлар доирасида фойдаланилади. Амалда ижро этиш мумкин бўлган бюджетни фақат иқтисодий ўсиш ва ресурслар мавжудлигининг аниқ прогнозларига мувофиқ тайёрлаш мумкин. Даромадларнинг ўта оптимистик лойиҳалари тармоқ вазириликлари учун жиддий

муаммолар тугдиреди, чунки ё бюджет йилининг ўртасида молиялаштириш кискартирилишига, ё қарзлар йиғилиб қолишига олиб келиши мумкин.

Тармоқлар доирасида ва улардан ташқарида ресурсларни тақсимлашнинг самарадорлигини ошириш барча харажатлар бўйича устуворликларни (давлат ижтимоий-иқтисодий дастурларига мувофиқ) белгилаш ҳисобига амалга оширилади, бунда ресурслар фақат энг муҳим йўналишларга ажратилади.

Ресурсларни сифатли режалаштириш институционал тизим мавжудлигини назарда тутеди. Ушбу тизим:

- ўртача муддатли давр учун ресурсларга доир реал чеклашлар доирасида сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнини интизомга солади;

- молиялаштириш учун қурашда дастурлар ўртасида рақобатни таъминлайди, маблағлар ажратиш тўғрисидаги сиёсий қарорларни қутилаётган натижалар ва уларга эришиш учун ўртача муддатли давр мобайнида қилинадиган харажатларнинг ҳисоб-китоби билан асослашни талаб этади;

- узок муддатли келажакка мўъжалланган энг муҳим стратегик вазифаларни асослантирилган дастурларга айлантиради.

Бюджетни ўрта муддатли режалаштиришнинг кейинги мақсади – бюджетнинг янада аниқ ва муайянлигини таъминлашга бюджетни режалаштириш субъектининг фаолиятини катъий бюджет чеклашлари доирасида йўлга солиш орқали эришилши лозим.

Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш жорий этишнинг самарадорлигини белгилловчи **асосий принциплар ва омиллар** қуйидагилардир:

- Сиёсат элементларини ҳаётга татбиқ этиш натижаларини олдиндан айтиш мумкинлиги. Бу принцип – энг муҳим сиёсий қарорлар қабул қилишнинг бош омилдир, чунки у рискларни камайтиришнинг таъминлайди ва олдини олиш чораларини қўриш имкониятини беради.

- Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинганлиги. Бу давлат ресурсларини ишлатиш учун сиёсий (юримдик) ҳисобдорлиқнинг асосий таъминлайди.

- Давлат ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлиги. Ушбу принцип вазирликлар ва идораларга ўз маблағларини бошқаришда катъий бюджет чеклашлари доирасида ва олдиндан белгиланган дастурларга мувофиқ вазиятга мослашни учун кенгрок имкониятлар яратади. Бунда тармоқ вазирликлари бюджет лойиҳасини тайёрлашда Молия вазирлиги билан тенг даражада иштирок этишлари ва энг муҳими – бюджет лойиҳасини тайёрлаш жараёнида улар фаол ўзаро ҳамкорлик қилишлари лозим.

- Ўрта муддатли бюджетлаштириш жорий этишга рағбатлантирувчи омиллар тизимини ривожлантириш. Масалан, тармоқ вазирликлари учун бундай омиллар бюджет ресурслари билан таъминлаш қарорлари ва улардан фойдаланишда вақтда ҳам, уларни айрим дастурлар ўртасида қайта тақсимлашда ҳам қатта эркинлик берилишидир.

- Бюджет таснифи, ҳисоботи ва кўрсаткичларининг тизимлиги, улар жамоат молиясини жамлаш, бюджет интизомини мустаҳкамлашни таъминлаши.

- Бюджетни режалаштириш жараёнининг узлуксизлиги, зеро харажатларни ўрта муддатли режалаштириш йиллик бюджетни тайёрлаш билан узвий ҳолда амалга оширилиши лозим, бунинг акси дарҳол гоёнинг ўзини обрўсизлантириши мумкин.

- Бюджетни ўрта муддатли режалаштиришнинг самарадорлиги қўшни соҳалардаги ислохотлар жараёнига боғлиқлиги. Бу жамиятни бошқаришнинг бошқа органларида ислохотларни янада қучайтиришни талаб этади.

Қуйидагилар бюджетни ўрта муддатли режалаштиришнинг **асосий стратегик вазифалари** ҳисобланади:

- ўрта муддатли молиявий стратегияни ишлаб чиқиш;

- даромадлар ва харажатлар бўйича кўп йиллик баҳолаш (прогноз)ни тайёрлаш;

- амалдаги ва қабул қилинаётган мажбуриятлар бўйича харажатлар таркибий тузилишининг баланслиягини таъминлаш, бунда бюджет даромадлар ва харажатлар қисмининг баланслигига риоя этиш;

- жорий ва ўртача муддатли хусусиятга эга бўлган режаларнинг мувофиқлаштирилганлигини таъминлаш;

- бюджетни режалаштириш минтакавий субъектларини минтака бюджетини молиялаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш учун зарур ахборот билан таъминлаш;

- бюджетни ўрта муддатли режалаштиришнинг асосий ҳужжати – перспектив молиявий режа (ПМР)ни шакллантириш ва қабул қилиш жараёнида қонунчилик органларининг ролни белгилаш;

- ўрта муддатли молиявий режа кўрсаткичларини бюджет кўрсаткичларига татбиқ этиш.

Давлат бошқаруви тизимининг пировард ижтимоий муҳим натижага йўналтирилган элементларини жорий этиш учун давлат даражасида қуйидаги вазибаларни ҳал қилиш тақлиф этилади:

- Давлат бошқарувининг давлат даражасидаги ижтимоий муҳим натижалари мазмунини белгилаш. Давлат ҳокимиятининг фаолияти айнан қайси натижаларга эришишга қаратилгани лозимлиги, шунингдек ушбу натижаларга эришиш даражасига баҳо бериш ва уни ўлчаш усуллари ҳақидаги масалалар ҳал қилиниши лозим.

- Бошқарувнинг барча даражаларини қамраб олувчи мақсадлар тизимини шакллантириш зарур. Натижаларга кўра бошқариш замирида ҳокимият органлари фаолиятининг кенг қамровли мақсадлари ётиши лозим бўлса-да, муайян ҳокимият органлари фаолияти аниқ натижаларга эришишга йўналтирилгани даркор.

- Натижаларга кўра бюджетлаштириш усулларини, шу жумладан давлат хизматлари ва муниципал хизматлар кўрсатишни бюджетлаштириш ва давлат хизмати фаолияти билан боғлиқ бюджетлаштиришни жорий этиш. Бюджетни режалаштиришга нисбатан ягона методологик ёндашуви таъминлаш учун “давлат хизмати” тушунчасининг мазмунига аниқ таъриф бериш, давлат хизматлари стандартлари ва рўйхатини тасдиқлаш талаб этилади.

- Ҳокимият органларининг янги ташкилий тузиламасини жавобгарлик марказларини белгилаш нуқтаи назаридан яратиш.

- Қўйилган вазибаларни амалга ошириш ва ҳал қилиш устидан мониторинг ва назорат тизимини, шунингдек тизим элементларини мотивлаштириш механизмини яратиш.

Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш пировард натижада қуйидаги оралик натижаларга эришиш имкониятини беради: бюджетнинг ўрта муддатли ва узок муддатли барқарорлиги; бюджет натижаларининг аниқлиги; стратегик сиёсий қарорлар қабул қилишнинг самаралилиги ва тезқорлиги; ижтимоий-иқтисодий ва тармоқ дастурларининг асослилиги; ижтимоий-иқтисодий ва тармоқ сиёсатининг унумдорлиги. Ўз навбатида мазкур натижалар бюджет харажатларини стратегик бошқариш ва уларнинг натижалари учун макродаражада ва тармоқ даражасида жавобгарлик маданиятининг ривожланишига таъсир кўрсатмай қолмайди.

Бюджетни ўрта муддатли режалаштиришнинг бош хусусиятлари қуйидагилардир:

1. *Бюджетнинг келажак учун мўлжалланган даромадлари ва харажатларини прогноз қилиш.* Бу шунда ўз ифодасини топадики, бюджетни ўрта муддатли режалаштириш кўрсаткичлари жорий солиқ сиёсати ва бюджет харажатлари сиёсати келгусида ўзгарган ёки сақланиб қолган ҳолда давлат молиясининг бўлғуси ҳолатини ақс эттириши мумкин. Шу маънода ўрта муддатли бюджет режаси кўрсаткичлари ўртача муддатли молиявий стратегияни амалга оширишда юз бериши мумкин бўлган оқишлар, номувофиқликлар ва номуносибликларни барвақт аниқлаш тизими бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундан ташқари, бюджет даромадлари ва харажатларининг прогноз

кўрсаткичлари муайян мақсадларга эришилишини таъминлайдиган қилиб, масалан, бюджет такчиллити муайян даражадан ошмайдиган ёки солиқ юки муайян юкори чегарадан ошмайдиган қилиб белгиланиши мумкин. Шунингдек, бюджетни ўрта муддатли режалаштириш доирасида даромадлар ва харажатларнинг прогноз баҳоларидан бюджет ресурсларини тақсимлаш жараёнининг очкилиги ва самаралилигини кучайтириш имкониятини берувчи сифатида фойдаланилиши мумкин.

2. *Бюджет жараёнига барқарорлик ва ворисийлик тусини бериш.* Бунда келгуси йил учун бюджетни шакллантириш жараёни бошланадиган таянч нуктаси бўлиб ўтган йилги прогнозлар (ёки фактик кўрсаткичлар) хизмат қилади. Бюджетни режалаштиришнинг илгари олинган прогноз баҳоларидан келгуси йил бюджетни шакллантириш учун сифатида фойдаланувчи мазкур усулнинг кўпинча «сирланувчи бюджет» деб атайдилар, чунки ўтган йилги прогноз навбатдаги йил бюджетини тайёрлаш жараёнида гўё бир йил олдинга сурилади.

Бюджетни ўрта муддатли режалаштиришнинг **афзалликлари** қуйидагиларда намоён бўлади:

- *бюджет харажатларининг самарадорлигини сезиларли даражада оширишида.* У ёки бу ижтимоий-иқтисодий муаммоларни айнан ўртача муддатли даврда **давлат мақсадли дастурларини** ишлаб чиқиш ва кенг амалга ошириш йўли билан ечиш мумкин. Аниқ мақсадларга эришиш учун тузилган ҳар қандай дастур бюджетни молиялаштириш дастурига айланади. Бундай дастурлар тузилганда бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш ва молиялаштириш натижаларининг номуайянлиги муаммолари ўз-ўзидан йўқолади;

- *бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағларини тасарруф этиш борасидаги мустақиллигини ошириш ва шунинг ўлчами мумкин бўлган аниқ натижалари учун уларнинг жавобгарлигини кучайтириш имкониятини беришида.* Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш жорий этилиши билан бюджет жараёни ўртача муддатли макрониктисодий доирага тушириладигани, бу вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, бюджет маблағларини олувчиларни ўз сиёсатининг устувор вазифаларини янада аниқроқ таърифлашга ва бу вазифалар бир-бирига зид бўлмаслиги ҳақида қайтуришга мажбур этади;

- *бюджетни ўрта муддатли режалаштиришнинг бир йиллик кўрсаткичларидан бюджетни режалаштириш жараёнини келгуси йилларда давом эттириш учун фойдаланишида.* Бундан мақсад – бюджетнинг барқарорлиги ва ворисийлигини таъминлаш, унинг очкилиги ва асосланганлик даражасини ошириш;

- *бюджетдан маблағ ажратиш асоси равишида, давлат сиёсатининг устувор вазифаларига, ишлаб чиқилган бюджет дастурларига мувофиқ, уларнинг унуздорлик даражасига баҳо бериш асосида белгиланишини таъминлашида;*

- *бюджет кўрсаткичларини таснифлаш ягона тизимдан фойдаланиш принципларини, уларни давлат бошқарувиининг барча даражаларида ҳисоб-китоб қилиш ва ҳисобот бериш методологиясини белгилашида.* Бу бюджетнинг очки ва ошқоралигини сезиларли даражада оширади, фискал интизомни таъминлаш механизмларини белгилайди, давлат бошқаруви марказий ва маҳаллий органлари ўртасида бюджет мустақиллигини назарда тутаяди, ички ва ташқи аудит, давлат молиявий назоратининг асосий принципларини мустаҳкамлайди.

Шу билан бир вақтда, ўртача муддатли бюджет айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Биринчидан, бирлаштирилган кўп йиллик бюджетни тузиш – шу жумладан маъмурий нуқтаи назардан ҳам анча мушкул вазифа. Уни ечиш молия органи мазкур мақсадларга ажратишга тайёр бўлган ҳажмдан кўпроқ ресурсларни талаб қилиши мумкин. Иккинчидан, кўп йиллик тўлақонли бюджетдан фойдаланиш юксак даражада сиёсий ва ижтимоий келишув мавжудлигини назарда тутаяди. Учинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кўп йиллик бюджет айниқса ҳукумат томонидан амалга оширилаётган

иктисодий ва молиявий сисёатга, шунингдек бюджетларро муносабатлардаги ўзгаришларга кучли боғлиқ бўлган минтақалар учун хаддан ташқари каттик восита бўлиши мумкин.

Бюджетни ўрта муддатли режалаштиришнинг бевосита натижалари:

1. *Ҳукуматга тақдим этилмаган ахборот сифатининг яхшиланиши.* Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш стратегик муҳим қарорлар қабул қилиш учун асос бўлувчи ахборот сифатини сезиларли даражада ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Масалан, бюджетни ўрта муддатли режалаштириш ҳукуматга тақдим этувчи ахборот иктисодий сисёат турли йўналишларининг харажатлари ва натижаларига баҳо бериш, муқобил дастурлар орасидан энг самаралисини жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб ва бюджет чеклашлари доирасидан четга чиқмасдан танлаш имкониятини беради.

2. *Бюджетни тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш.* Дастурлар ва кичик дастурларни қиссий таҳлил қилиш бюджетни тайёрлашнинг мавжуд таркибий тузилишини қайта кўришни назарда тутди. Бундан мақсад – турли даражадаги бюджетларнинг харажатларини ва бюджет маблағларини сарфлаш натижаларини аниқ ўлчаш имкониятини таъминлаш.

3. *Молия вазирлигининг таҳлилий имкониятларини кенгайтириш.* Бюджетни ўрта муддатли режалаштиришга ўтиш Молия вазирлигининг тармоқ бошқармалари ва худудий бўлиmlарига қуйидагиларни амалга ошириш имкониятини яратиши лозим:

- давлат сисёатининг ўзгарувчиларини янада самаралироқ моделлаштириш ва мақзур сисёат вазибаларини молиявий режаларга айлантириш;

- бюджет харажатлари самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичлари мониторингини амалга ошириш;

- ҳозирги замон молиявий менежменти кўникмаларига эга бўлган кадрларни жалб қилиш;

- бюджет харажатларини стратегик бошқариш ва уларнинг натижалари учун макродаражада ва тармоқ даражасида жавобгарлик маданиятини ривожлантириш.


Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш (БЎМР) ва натижага йўналтирилган бюджетлаштириш (НЙБ)нинг ўзаро алоқаси.

Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш (НЙБ) бюджет жараёни ва давлат бошқарувини ташкиллаштириш тизими бўлиб, бунда харажатларни режалаштириш эришилаётган натижаларга бевосита боғлиқ ҳолда амалга оширилади. НЙБ асосий эътиборни ресурслардан (масалан, иш хақи, коммунал тўловлар каби харажатлар моддаларидан) тadbирлар ва эришилган натижаларга ўтказди ва бюджетлаштиришнинг бошқа усулларидан айни шу жиҳатларига кўра фарқ қилади. Бунда шуни ҳисобга олиш муҳимки, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш бюджет ресурсларини устувор йўналишлар ўртасида тақсимлаш масаласини ўз-ўзидан ечмайди, у фақат бунинг учун қулай шароит яратади. Бунга у бюджетни муҳокама қилиш мезонларини ўзгартириш, ургунли "ресурсларни бўлашиш" дeн бу ресурслар қайси пировард максалдарга эришиш учун мўлжалланган бўлса, шу пировард максалдарга эришишга кўчириш йўли билан эришади. Натижага йўналтирилган бюджетлаштиришни амалга жорий этиш натижасида Молия вазирлиги назорат функцияларини тармоқ вазирликларига ўтказиш ва давлат сисёати масалаларига ва бюджет харажатларининг самарадорлигини таҳлил қилишга кўпроқ эътибор бериш, уларни давлат сисёатининг устувор йўналишлари билан боғлаш имкониятини қўлга киритади.

Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш давлат харажатларини бошқариш соҳасидаги ислохотларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Мақзур ислохотлар, шу жумладан, бюджетни ўрта муддатли режалаштириш ва стратегик режалаштиришни такомиллаштиришни, тармоқ вазирликлари фаолиятининг самарадорлигини оширишни, бюджетни иккoрo этишга дахлдoр бўлган таомиллар, чунончи: ҳисoб юритиш, пулли операцияларни назорат қилиш ва тартибга солишни ўзгартиришни назарда тутди.

фаолияти қўлланилаётган бюджетни бошқариш усуллари билан белгиланади, ички ва ташқи омилларга боғлиқ бўлади.

4-расм. БЎМРни бошқариш тизими



Бюджет механизми таркибида куйидаги элементлар ажратилади: бюджетни режалаштириш (прогноз қилиш); бюджет жараёнини ташкил этиш; бюджетни тартибга солиш; бюджет назорати.

Бюджет механизми бюджет цикли босқичларини бажаришни таъминловчи элементлар (блоклар)дан таркиб топади. Бюджет механизmidан, масалан, ўз вазифаси, тузилиши ва усулларига эга бўлган бюджетни режалаштириш механизмини ажратиш мумкин. Бюджет механизми кўпинча ҳал қилинаётган вазифалар гуруҳларига мувофиқ бўгинларга ажратилади (даромадларни шакллантириш, харажатларни амалга ошириш, ресурсларни бюджетлар ўртасида тақсимлаш). Бюджет механизми бюджет тизимининг турли даражалари ўртасида тақсимланган.

Бюджет механизми бюджет аппарати бўлимлари ўртасидаги алоқалар билан, яъни бюджет аппарати бўлимлари ўртасида ва ушбу бўлимлар доирасида юзага келган ўзаро алоқа усуллари, мавжуд жавобгарлик соҳалари ва ишларни бажариш муддатларини белгилловчи иш регламентлари билан белгиланади. Бюджет механизми фаолиятининг самарадорлиги ички ва ташқи омилларнинг ҳолати билан белгиланади. Ушбу омиллар орасида бюджет аппарати ходимларининг малакаси, қўлланилувчи воситалар (масалан, ахборот тизими), молиявий интизом, давлат молия сиёсатининг барқарорлигини қайд этиш мумкин.

Бюджет сиёсати. Бюджет механизми фаолияти бюджет сиёсатининг максалларига эришиш учун фойдаланиш руҳсат ва (ёки) талаб этиладиган бюджетни бошқариш усуллари тўпламини белгилайди.

Бюджет сисёати – давлат мақсадларига эришиш йўлида бюджетни бошқариш борасидаги органлар фаолиятини ифодалайди, бунинг натижасида давлат ижтимоий-иқтисодий сисёатининг таркибий қисми, шунингдек, молия сисёатининг муҳим йўналиши ҳисобланган бюджет сисёатини ўзида акс эттиради.

Ушбу фаолият йўналишлари:

биринчи – чекланган пул маблағларини сарфлашнинг энг оқилона усулларини муқобиллик принципига мувофиқ танлаш, бунда танлашнинг объектив тартиб-таомилларини қўллаш, унинг пировард натижаси мамлакат ривожланишининг устувор йўналишларини молиялаштиришга ҳам, жамият ривожланишининг барқарорлигини сақлашга ҳам қаратилишига эришиш;

иккинчи – ҳокимият ижро этувчи ва қонунчилик органларининг, профессионал даражада тайёрланган мутахассислари-вакиллари, шунингдек, самарали қарорлар қабул қилиш тартиб-таомиллари мавжудлигини таъминлаш;

ўчинчи – бюджет сисёатини монополияга қарши, банк, валюта, божхона, сугурта ва жамғариш сисёати билан келишилган ҳолда, шунингдек, пировард натижага таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ташқи омилларни (масалан, жамоатчилик фикрини) ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш.

Бюджет сисёати қонунчилик (вакиллик) ва ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинувчи қарорлар мажмун воситасида амалга оширилади. Ушбу органлар бюджетга доир муносабатлар ривожланишининг асосий йўналишларини *белгиләйдилар* ва улардан давлатнинг белгиланган мақсадларига эришиш учун фойдаланишнинг аниқ йўллари нишлаб чиқадилар.

Бюджет сисёатини шакллантириш ва амалга ошириш замирида давлат фаолиятининг даромадларни йиғиш ва тартибга солиш (солиқлар жорий этиш, фоиғ ставкаларини белгилаш ва бошқалар), жамиятга хизматлар кўрсатиш (неъматлар ишлаб чиқариш) ва уларни мутаносиб равишда тақсимлаш, ижтимоий-иқтисодий барқарорлаштириш (иқтисодий ривожланиш бир текис кечишини таъминлаш)га доир устувор вазифалари ётади.

Бюджет сисёатининг бош мақсади аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини **оширишдир**. Давлат аҳолининг реал даромадлари ва уни иш билан таъминлаш даражаси ошишига, фуқароларнинг омонатлари ва мол-мулки кўлайишига, турар жой бозорининг ривожланишига кўмаклашиши лозим. У фуқароларнинг сифатли ва арзон турар жойга, таълим, соғлиқни сақлаш хизматларига, маданий ва маънавий барқарорлик қамол топишга, ахборотга, дам олишга бўлган эҳтиёжларини қондириш, қонун йўли билан белгиланган барча ижтимоий қароғатларни сўзсиз бажариш, шу жумладан, пенсия ва ижтимоий таъминот, давлат ёрдамига муҳтож бўлган фуқароларни ижтимоий химоя қилиш учун бевосита жавобгардир.

Ижтимоий муаммоларни ечиш учун асос — **барқарор иқтисодий ўсишнинг юксак даражадаги сурьатлари**, улар янги иш жойлари ташқил этилишини, иқтисодиёт иш ҳақининг ўсишини, давлатнинг молиявий имкониятлари қенгайишини таъминлаши ҳисобланади. Бунга эришиш учун энг аввало молиявий барқарорликни (инфляциянинг паст даражасини ва миляий валютанинг барқарорлигини) сақлаш зарур, зеро у одамларнинг молия тизимига бўлган ишончини белгилайди. Иқтисодиётга тушувчи солиқ юқини пасайтириш ва маъмурий тўсикларни қамайтириш, мулкдорлик ҳуқуқларини химоя қилиш, иқтисодий эркинликни ва тенг рақобат учун шароғтларни таъминлаш ҳам жуда муҳимдир. Давлат транспорт, коммуникация ва энергетика инфратузилмаси, интеллектуал хизматлар соҳаси ҳамда иқтисодиётнинг бошқа стратегик тармоқлари ривожланишини қўллаб-қувватлаши лозим.

Мудоғаб қобилияти ва ҳавфсизликни таъминлаш — мамлакат ривожланишининг зарурий шарт. Фуқаролари ҳарбий можаролар, терроризм, жиноятчилик, табиий оғатлардан жабр кўраётган мамлакатда ижтимоий юқсалишга

эришиш мумкин эмас. Куч ишлатиш, табиий ва техноген ҳалокатларнинг вайронкор салохияти тинимсиз ўсиб бораётир. Фуқароларни бу таҳдидлардан муҳофаза этиш учун мавжуд барча чораларни кўриш давлатнинг бурчидир. Қуrolли Кучларнинг юксак даражадаги жанговар шайлигини таъминлаш, уларни техник қайта жиҳозлаш, профессионал, мобил армияни яратиш, терроризмга ва оммавий қиргин қуролининг тарқатилишига қарши курашиш, ички низоларнинг олдини олиш, фавқулодда вазиятлар ва табиий офатларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш бюджет харажатларининг энг муҳим моддалари қаторига киради.

Бўлгуси ривожланиш учун шарт-шароитлар яратиш — ижтимоий масъул давлатнинг энг муҳим миссияси. Одамлар эртанги кунга ишонишлари, ўз фарзандлари ва набиралари мамлакатнинг, демак ҳар бир оиланинг бўлгуси равнаки учун замин яратган аждодлардан миннатдор бўлишларига уларнинг ишончи қомил бўлиши лозим. Табиий ва илмий имкониятлари, рақобатбардош таълим тизimini ривожлантириш, инновацион муҳитни шакллантириш, илғор технологияларни қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, демократия ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлатнинг ўзини самарали ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш – ушбу мақсадга эришишнинг зарурий шартларидир. Унга эришишга демография муаммосининг комплекс ҳал қилиниши бевосита ҳисса қўшниши лозим.

Юқорида зикр этилган мақсадларнинг аксариятига эришиш уларни молиявий таъминлаш билангина эмас, балки ҳуқуқий тартибга солишнинг самаралилиги, давлатнинг адолатли қонунлар қабул қилиш ва улар ижро этилишига эришиш қобилияти билан ҳам белгиланади. Қонун йўли билан белгиланган ваколатлар ва жавобгарлик доирасида давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари салмоқли ҳисса қўшадилар. Бир қанча оммавий мажбуриятлар давлат бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан бажарилади.

3.4. Бюджетни режалаштириш ва унинг усуллари

Бюджетни (бюджет механизмини) бошқариш усулларидадан бири бюджетни режалаштириш бўлиб, унинг вазифаси прогноз қилинаётган маълумотларга асосланган ҳолда ва бюджет сисъати мақсадларига мувофиқ бюджет режасини тузишдан иборат (5-расм).

Бюджетни режалаштириш – бюджет режасини шакллантириш ва тасдиқлаш, бюджет сисъати мақсадларига эришиш учун бюджетни режалаштириш аппаратининг бюджет тизимига (бюджетга доир муносабатлар мажмуи) изчил таъсирини бюджетни режалаштириш механизмининг фаолияти орқали таъминловчи тизим.

Бюджетни режалаштириш механизми – бюджет сисъати мақсадларига мувофиқ бюджетни режалаштириш аппаратининг воситаси. У бюджет режасини тузиш ва тасдиқлашнинг таъминловчи кичик тизимлардан иборат. Бюджетни режалаштириш механизми харажатларни шакллантириш, уларни амалга ошириш, ресурсларни бюджетлар ўртасида тақсимлаш вазифаларининг бажарилишини таъминлайди ва бюджетни режалаштириш аппарати бўлинмалари ўртасидаги бошқарув алоқалари билан тавсифланади.

Бюджетни режалаштириш механизмининг фаолияти қўлланилаётган бюджетни режалаштириш усуллари билан белгиланади ҳамда ички ва ташқи омилларга боғлиқ бўлади. Бюджетни режалаштириш тизimini бошқаришнинг пировард мақсади бюджет сисъати мақсадларига мувофиқ ўртача муддатли бюджет режасини тайёрлашдир.

5-расм. Бюджетни режалаштириш тизими

Бюджетни режалаштириш тизими			
Бошқарув объекти	Бошқарув субъекти	Бошқарув воситаси	Пировард мақсад
Бюджет тизими	Бюджетни режалаштириш аппарати	Бюджетни режалаштириш механизми	Бюджет сиёсати мақсадларига мувофиқ бюджет режаси
Давлат бюджети, минтакаларнинг бюджетлари, маҳаллий бюджетлар (бюджет тизими даражаларининг сонига қараб)	Қонунчилик органлари, Хукумат ва унинг ҳудудий органлари, Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари	Бюджет аппарати бўлимлари ўртасидаги алоқалар; бюджетни бошқариш усуллари тўплами	Бюджет сиёсатининг устувор йўналишлари: солиқ ставкалари, даромадларни йиғиш, коллектив хизматлар кўрсатиш, ижтимоий иқтисодий барқарорлаштиришга мувофиқ келувчи бюджет режаси

Ўртача муддатли режалаштиришнинг (шу жумладан қўп йиллик молиявий режалар ва бюджетлардан фойдаланишнинг) ўзига хос хусусияти шу билан белгиланадигки, у келгуси йилларга мўлжалланган режани улар яқинлашишига қараб қайта кўриш (унга тузатиш киритиш) имкониятини беради.

Бюджетни пировард натижаларга йўналтириш нуктан назаридан ҳар йили бир йил олдинга “суриладиган” ресурсларнинг уч йиллик даврга мўлжалланган бюджетни режалаштириш субъектлари ўртасида тақсимланишини ўртача муддатли бюджет режасига киритилиши биринчи даражали аҳамият касб этади.


Бу идоралараро ва тармоқ бюджет дастурларини режалаштириш доирасини кенгайтиради, бюджет харажатларини оптималлаштиришга рағбатлантиради, маблағлар сарфланишининг унумдорлик кўрсаткичлари тизимини шакллантиришга кўмаклашади, вазирликлар фаолиятига баҳо беришнинг объективлик даражасини оширади. Бюджет лойиҳасини тайёрлаш жараёнини жадаллаштиради ва унинг сифатини оширади. Ушбу баҳоларнинг ишончлик даражасини ошириш мақсадида бюджетдан ажратилган маблағларни бюджетни режалаштириш субъектлари ўртасида тақсимлаш фақат ўртача муддатли режа тасдиқланган санада амалда бўлган мажбуриятлар бўйича, шунингдек асосан нисбий (“амалдаги” мажбуриятлар бюджетининг умумий ҳажмига нисбатан фойз ҳисобидаги) кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Теглишли равишда, энг мақбул амалиёт ўртача муддатли “сирпанувчан” бюджетни режалаштиришни бюджет жараёнига тўлиқ татбиқ этишни назарда тутади (ҳеч бўлмаса макродаражада ва тармоқлар даражасида). Бюджет даромадлари ва харажатларининг

асослантирилган лойиҳалари уч йил олдинга белгиланади. Йиллик бюджет лойиҳаси уч йиллик даврнинг биринчи йилига мувофиқ келади. Бу бюджет лойиҳаларининг барқарорлигини ва натижаларини олдиндан айтиш имкониятини таъминлайди, рискларни бошқариш, ўзгарган шaroитларга харажатларнинг таркибий тuzилишини ўзгартириб тезда мослашиш учун имконият яратadi. Муфассал ишлаб чиқилган методикалар бюджет дарамадларининг ўртача муддатли прогнозини макрониктисодий ривожланиш сценарийлари билан боғлашни, ижтимоий-иктисодий прогнознинг базавий сценарийсини танлашни, макрониктисодий кўрсаткичлар ўзгарганида бюджетнинг прогноз қилинувчи дарамадларининг барқарорлик даражасига баҳо беришни осонлаштиради.

Уч йиллик режалаштириш жараёнини мисол учун кўриб чиқамиз. У 6-расмда схема тарзида кўрсатилган.

Вертикал ўқ тарихий (физик, календарь) давр мобайнида бир-бирининг ўрнига келувчи режалаштириш моментларини белгилайди. Горизонтал ўқ режалаштириш моментларига нисбатан бўлгуси даврни режалаштирувчи субъект (давлат, фирма, айрим инсон ва ҳ.к.) нуқтан назаридан тавсифлайди. Уч йиллик режалар 6-расмда қалнин узлуксиз кесмалар билан ифодаланган. 1-режа уч режа даври: {1-2}, {2-3}, {3-4} ни, бошқача қилиб айтганда, {1-4} давр муддатини қамраб олади. Кейинги уч йиллик режаларни тавсифловчи кесмалар биринчи режани диагональ бўйлаб пастга силжитиш йўли билан олинади. Бу ҳол шу билан белгиланадиги, режалаштириш моменти навбатдаги йил тутаганидан сўнг битта бирликка пастга силжийди; бунда ўтган йил ўзининг режа даври сифатидаги аҳамиятини йўқотади, лекин ўнг томонда (узук келажакда) яна бир режа даври қўшилади. Узукрок (иккинчи ва учинчи) режа даврларига мўлжалланган режаларни қайта кўриш борасидаги харажатлар ингичка узлуксиз миқдор билан, яқин (биринчи) режа даврига мўлжалланган режанинг бажарилиши (масалан, бюджетнинг ижро этилиши) эса пунктир миқдор билан ифодаланган. Шундай қилиб, дастлабки икки режа даври ({1-2} ва {2-3})дан ташқари, қолган барча режа даврларига мансуб бўлган режалар икки марта қайта кўрилади.



6-расмда тасвирланган схема тегишли режа даврлари яқинлашишига қараб режаларни қайта кўриш жараёни қай даражада муҳим роль ўйнашини намойиш этади. Айнан тузатиш қиритиш кўп йиллик режалаштириш жараёнига вақтда боғланишли ва изчил тус беради. Қайта кўриш тартиб-таомиллари ўта ранг-баранг бўлиши мумкин. Бунда икки қарама-қарши ҳолат: режаларга тузатиш қиритишдан бутунлай воз кечиш ёки режалаштиришнинг барча даврлари учун режаларни ҳар бир янги даврда тўлиқ қайта кўриш кузатилиши мумкин. Амалда кўп йиллик молиявий режалаштириш турли тизимларида қўлланиладиган тузатиш қиритиш тартиб-таомиллари, қонда тарққасида, шу икки қарама-қарши ҳолатлар ўртасида оралик ўринни эгаллайди.

Бир йиллик бюджетлар каби, кўп йиллик бюджетлар ҳам уларни қабул қилувчи субъект (орган) билан уларнинг ижро этилишини назорат қилувчи субъектлар (органлар) ўртасида иерархиявий муносабатларни юзага келтириши лозим. Аммо кўп йиллик бюджетлар билан боғлиқ ҳолда бу муносабатлар мураккаблашади, чунки бир йиллик бюджет жараёнида мавжуд бўлган институционал-иерархиявий муносабатлардан ташқари, муносабатларнинг янги икки типни юзага келади:

- муваққат иерархия – бюджет қабул қилувчи орган режалаштиришнинг ўтган даврларида қабул қилган қарорларнинг айни шу орган режалаштиришнинг жорий даврида қабул қилаётган қарорлар учун оқибатлари (яъни бу ерда гап бюджет қабул қилувчи органнинг олдинги қарорлари унинг кейинги қарорларини қай даражада чеклаши ҳақида боради);

- институционал-муваққат иерархия – бюджет қабул қилувчи орган режалаштиришнинг ўтган даврларида қабул қилган қарорларнинг бюджетни ижро этувчи органнинг навбатдаги режа давридаги ҳаракатлари учун оқибатлари (бошқача қилиб айтганда, бу ерда гап бюджетни ижро этувчи орган қайси ҳолларда бюджет қабул қилувчи органнинг ўтган йиллардаги кўп йиллик режалаштириш жараёнида қабул қилган қарорларига амал қилиши ҳақида боради).

Бюджетни режалаштириш усуллари. Ўқув қўлланмасининг ушбу қисмида бюджетни режалаштиришнинг бу борадаги чет эл тажрибасига бағишланган шарҳларда тавсифланган машҳур усуллари келтирилган ва уларни таққослаш амалга оширилган.

Молиявий режалаштириш кичик ўзгаришлар назарияси (incremental theory) нуқтаи назаридан бюджетнинг таркибий тuzилишида принципиал ўзгаришлар юз бериши мумкин эмас ва снэсатчилар амалга оширилаётган стратегиянинг чуқур таҳлилини амалга оширишга, одатда, қодир эмаслар, деган фаразга асосланади. Шу туфайли ҳам ишлаб чиқилаётган бюджет асосан ўтган йилги бюджет, яъни илгари қабул қилинган қарорлар билан белгиланади. Бюджетнинг аксарият қисми назорат қилинмайди ва йилдан-йилга такрорланаверади. Бюджетга қиритилган ўзгарттиришлар аҳамиятсиз бўлади ва айрим ташқи омиллар таъсирида вужудга келади.

А.Вилдавский [21] таърифлаган кичик ўзгаришлар назарияси бюджетни ишлаб чиқиш жараёнини тавсифловчи умумий назариялардан биридир. У меъёрий хусусиятга эга эмас ва ўзининг дастлабки кўринишида молиявий режалаштириш қандай бўлиши лозимлиги ҳақидаги тавсияларни ҳам ўз ичига олмаган. Ушбу назарияга мувофиқ бюджетни ишлаб чиқиш жараёнида ижро этувчи ҳокимият органлари ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Вақиллик ҳокимияти аъзолари бюджет масалаларига етарлича вақт ажрата олмайдилар, шунингдек зарурий кўникмаларга ҳам эга эмаслар ва бу уларга бюджетга мутлақо онгли таъсир кўрсатишни амалга ошириш имкониятини бермайди.

Бюджетни ишлаб чиқишнинг биринчи босқичида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга мансуб бўлган турли-туман идоралардан “бюджетга доир ҳоҳиш-истаклар” оммавий тарзда олинishi табиий бир ҳолат. Маҳаллий маъмурият раҳбарияти ва маҳаллий газначилик буида “бюджет қоровулари” ролини ўйнайди. Роллариниг бундай тақсимланиши ўта барқарор – маҳаллий маъмурият бўлимлари ва бошқа таъсир гуруҳлари харажатларни жуда кўп миқдорда ошириши талаб қилишлари мумкин, чунки улар маъмур талабларни мумкин қадар қамайтиришга ҳаракат қилувчи “қоровуллар” борлигини билдирди. Бюджетнинг узил-кесил шакли учун жавоб берувчилар харажатларни ошириш талабларини чеклашга ҳаракат қилиб, ўз навбатида, бюджет маблағларига доир талабларнинг барчаси асосий равишда ошириб кўрсатилган ва шу боис уларни ишга зийн етказмасдан қисқартириш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Қелишишлар иш тартибидида амалга оширилади. Баҳс-мунозара жараёнида аввалги харажатлар даражаси асосий далиллардан бири ҳисобланади ва натижада янги йилнинг узил-кесил қабул қилинган бюджети ўтган йилги бюджетга жуда ўхшаш бўлади.

Назарияга мувофиқ бюджет маблағларини олувчилар молиялаштиришнинг ўтган йилги даражасини ҳимоя қилиш учун қуйидаги чораларни кўрадилар: олинаётган

маблағлардан наф кўрадиган шахсларнинг мададидан фойдаланиш; режаларни тузишга таъсир кўрсатувчи сиёсатчилар билан яхши муносабатлар ўрнатиш; харажатлар бирон-бир тарзда кискартрилиши амалга ошириладиган дастурлар бутунлай тўхтаб қолишига оғиб келади. деган фикрни илгари суриш; идорага йўналтирилувчи маблағларни кискарттириш юзасидан қарорлар қабул қилишдан бош торттиш.

А. Вилдавский бюджетдан ажратилмайдиган маблағларни (ҳозирги даража билан таққослаганда) кўпайтириш учун қурашишнинг одатдаги усулларини ҳам кўрсатади: янги вазибалар олдинги вазибаларнинг давомидан бошқа нарса эмас, деган фикрни илгари суриш; режалаштирилган харажатларни ўсиш томонига қараб яхлитлаш; бюджетни ҳозирги даражада сақлаш ва айни вақтда харажатлар моддалари сонини камайтириш; унча катта бўлмаган дастурларни амалга жорий этиш ва сўнгра ушбу дастурлар бўйича молиялаштириш хажмларини кўпайтириш; жорий этиладиган дастурларнинг вақтинчалик мақомига кейинчалик уларга доимий тус берилади деган умидда рози бўлиш; янги дастур вақти келиб ўзини ўзи молиялаштира бошлайди, деган фикрни илгари суриш.

Назария муаллифи – А. Вилдавский кичик ўзгаришлар назариясига мувофиқ (муниципалитет учун) режалаштириш жараёнининг боришига кўмаклашиши ёки монелик қилиши мумкин бўлган қуйидаги омилларни қайд этади: ўзига тўқлик – шаҳар қанча бой бўлса, бюджетни иқир-чиқирларингача ишлаб чиқишдан чекиниш эҳтимоли шунча катта бўлади; прогноз қилиш имконияти (ишончсизлик даражаси) – прогноз қилиш имконияти унча катта бўлмаса, ҳеч нарсани ўзгарттириш керак эмас, деб ҳисоблашга мойиллик пайдо бўлади; катта бюджетга эга бўлган йирик муниципалитетларда ишончли тахлилчи амалга ошириш қийинроқ, молиявий режалаштириш эса кўпроқ маъмурий тартиб-таомилларга асосланади; молиявий режалаштириш билан боғлиқ сиёсий тартиб-таомилларнинг мураккаблиги; маҳаллий сиёсий маданият.

Бюджет харажатларини режалаштиришга нисбатан норматив ёндашув харажатларнинг нормативлари тушунчасини муомалга киритишга асосланади. Мазкур ёндашув харажатларни нормативларни миқдор кўрсаткичларига (масалан, турли тоифадаги аҳоли сони, муассасалар таркибининг тармоғи ва ҳ.к.)га кўпайтириш йўли билан ҳисоблаш имкониятини беради. Бюджет харажатларини режалаштиришга нисбатан норматив ёндашув доирасида фойдаланиладиган метрлар ва нормативлар қуйидагича таснифланиши мумкин:

- нифола этиш шаклига кўра: натурал, мутлак, нисбий, қийматга оид;
- муфассаллаштириш даражасига кўра: индивидуал, аралаш, яхлитланган;
- қўлланиш даражасига кўра: халқ хўжалигига оид, тармоққа оид;
- ўрнатилиш усулларига кўра: давлат, муниципал;
- эҳтиёжларни қондириш даражасига кўра: минимал, оптимал.

Хизматлар кўрсатиш учун бюджет билан таъминланганликнинг **минимал** даражасини ҳисоблашга татбиқан норматив ёндашувнинг қуйидаги “конкрет усуллари” келтирилади:

- тўғридан-тўғри ҳисоблаш усули;
- таркибий қисмларга ажратиш усули (ижтимоий кўрсаткич харажатларининг таркибий қисмлари);
- таркибий қисмларга ажратиш усули (ижтимоий кўрсаткиччи молиялаштиришнинг таркибий қисмлари).

Минтакаларда норматив ёндашувни қўллаш доирасида маҳаллий бюджетларнинг минимал харажатларини режалаштиришнинг бюджет хизматларидан фойдаланувчиларни жон бошига молиялаштириш нормативларига асосланган ёндашувларидан фойдаланилади. Аммо муаммо шундан иборатки, ушбу нормативнинг ўзи “эршиялган патижа”дан келиб чиқиб, яъни харажат усули билан ҳисобланади ва зарурий молиявий харажатларга объектив баҳо бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас. Кўпинча бюджет хизматлари кўрсатиш тизимини қайта ташкил этишга уринишлар маҳаллий ўзини ўзи

бошқариш органлари томонидан бюджет муассасалари тармоғини молиявий чеклашлар доирасида ислох қилиш сифатида қаралади.

МДХ мамлакатларида харажатларни ҳисоблашга нисбатан норматив ёндашув кўп жиҳатдан миқтакалар ижтимоий харажатларини молиялаштиришнинг минимал даражасини белгиловчи давлат минимал ижтимоий стандартлари тизимининг мавжудлиги билан белгиланади. Ижтимоий стандартлар тизими амалда қўлланиши нуқта назаридан, ижтимоий стандартлар тизими кўрсаткичларини бюджетни режалаштириш субъектларининг бюджетларидан молиялаштириш нормативларини ҳисоблаш бўйича методик тавсияларни ишлаб чиқиш талаб этилади.

Шунга қарамай, сўнгги йилларда бюджет харажатларининг ҳисоб-китобида норматив ёндашувдан ва давлат минимал ижтимоий стандартлари тизимидан фойдаланиш жиддий танқид тиги остига олинмоқда. Жаҳон амалиётида МДХ мамлакатларини ҳисобга олмаганда натурал нормативлардан бюджетларни шакллантириш учун фойдаланадиган мамлакатлар сони бармоқ билан саналғидир, чунки мазкур ёндашув жуда қиммат туради ва кўп меҳнат сарфини талаб қилади. Ҳозирги вақтда амалга оширилаётган бюджет тизими ислохоти, айниқса натижага йўналтирилган бюджетлаштиришнинг жорий этилиши давлат минимал ижтимоий стандартлари тизимидан воз кечишга мажбур қилиши муқаррар. Шунга қарамай, харажатларни норматив ёндашув ёрдамида ҳисоблаш соҳасида яратилган ишланмалар пировард натижаларга эришишга қаратилган дастурларни амалга ошириш харажатларини ҳисоблашда фойдали бўлиши мумкин (шу жумладан ижтимоий соҳада ҳам).

Дастурий-мақсадли усул. Давлат бюджетлаштиришнинг янги усулларини жорий этар экан, мавжуд молия ресурслари чекланган шароитда улардан фойдаланишдан мумкин қадар кўпроқ самарага эришишга ҳаракат қилади. Бу ерда давлат фаолиятининг асл мақсадлари ва давлат уларга эришишни қандай таъминлашни ҳам аниқлашди. Айни ҳолда дастурий-мақсадли бюджетнинг асосини молия ресурслари (давлат харажатлари) ва давлат фаолияти натижаларининг ўзаро нисбати ташкил этади.

Бюджетни режалаштириш борасидаги миллий ва хорижий тажриба таҳлили ўрточа муддатли молиявий режани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш (бажариш) давлат сийсати мақсадларини шакллантиришга ва ривожланиш омилларини таҳлил қилишга нисбатан тизимли ёндашувни қўллашни тақозо этишини кўрсатади. Ривожланишнинг аниқ таърифланган ва миқдор жиҳатидан ўлчаш мумкин бўлган комплекс мўлжаллари мавжуд бўлмаган ҳолда шу жумладан тармоқлар ва ҳудудларнинг ривожланиш режаларини мувофиқлаштириш, давлат бошқаруви жараёнининг ягоналигини таъминлаш, давлат сийсати ва уни амалга оширувчи ҳокимият органлари (маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари)нинг самарадорлиги ва таъсирчанлик даражасига баҳо бериш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида ва ижтимоий соҳада қўрилган натижаларга эришиш ва мавжуд муаммоларни ҳал қилиш борасида ечиш мушкул бўлган кўп сонли муаммолар тугилади.

Бу бюджетни режалаштириш субъектлари (бюджет маблағларини бош тақсимловчилар, тақсимловчилар ва олувчилар) даражасида бюджет харажатларини режалаштиришнинг дастурий воситаларини қўллаш заруриятини белгилайди. Бюджет харажатларини режалаштиришнинг дастурий принцили чет мамлакатларда кенг тарқалган. Дастурий-мақсадли режалаштиришнинг жорий этиш борасида энг юқсак натижаларга Швеция ва Канадада эришилган. Бу ерда, шунингдек, Янги Зеландияда мазкур ёндашувнинг айрим жиҳатлари бюджетни режалаштиришда 1960-йиллардан бери қўлланилади. Бюджет харажатларини режалаштиришга нисбатан дастурий ёндашув АКШ, Буюк Британия ва Австрияда ҳам қўлланилади; дастурий режалаштиришга ўтишни назарда тутувчи бюджет ислохоти Францияда ҳам амалга оширилмоқда³.

Ўзбекистонда режалаштиришга нисбатан дастурий ёндашув бюджетни "эришилган натижадан келиб чиқиб" тузиш ўрнини эгалламоқда ва асосан бюджет харажатларини

³ Франция миллий бюджети 2006 йилдан бошлаб янгича форматда тақдим этилади: у 34 миссия, 132 дастур ва 614 турдаги фаолиятга ажратилган.

режалаштириш методлари – харажатларга онд мажбуриятларни бажариш учун бюджетдан ажратилиши лозим бўлган маблағлар ҳажмини ҳисоблаш усуллари билан ажралиб туради.

Бюджет харажатларини режалаштиришга нисбатан дастурий ёндашув қабул қилинган қарорни (бюджет дастурини) амалга ошириш учун зарур молия ресурсларига баҳо беришда бюджетни режалаштиришнинг мўлжалланаётган харажатлар ҳусусияти билан белгиланган турли усуллари, чунончи: норматив, индексли, иктисодий-математик усуллар, иктисодий таҳлил методини қўллаш имкониятини беради. Бу бюджетдан ажратиладиган маблағларни ҳисоблашда бюджетлар харажатларининг асосланганлик ва самарадорлик даражасини оширади. Давлат сиёсати вазифаларини амалга оширишга нисбатан дастурий ёндашув шароитларида тегишли (дастурий харажатлар бўйича) маблағларни ҳисоблашда иктисодий таҳлилнинг роли айниқса кучаяди. У ҳокимият органлари ўзларига юклатилган вазифаларни амалга оширишлари жараёнида юзага келувчи харажатларни ҳисоблашда тегишли харажатларни камайтириш ва давлат сиёсати тадбирларининг унумдорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш имконини беради ва шу тарика бюджет харажатларининг самарадорлик даражасини атрофлича ва чуқур таҳлил қилиш учун имконият яратади.

Бюджет жараёнини ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши давлат сиёсатининг белгиланган устувор йўналишларига мувофиқ бюджет ресурсларини тақсимлаш ва улардан фойдаланишнинг амалдаги ёки режалаштирилган натижалари ўртасида бевосита алокани таъминловчи дастурий-мақсадли бюджетни режалаштириш усулларига ўтиш ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда етакчилик қилаётган “сметали” (илгари шакланган харажатлари бюджет таснифининг касрли позициялари бўйича индексация қилишга асосланган) бюджетлаштиришдан фарқи ўларок, НИБлан фойдаланиш давлат пулларини бюджет маблағларини бошқарувчилар фаолиятининг ижтимоий аҳамиятга молик ва одатда, миқдор жиҳатидан ўлчаш мумкин бўлган натижаларига йўналтириш ва шу билан бир вақтда белгиланган мақсадлар ва натижаларга эришилиши, шунингдек бюджетни режалаштириш ҳамда молиявий менежмент ички тартиб-таомиллари сифатининг мониторингини амалга ошириш заруриятидан келиб чиқади. Бюджетни режалаштиришнинг дастурий-мақсадли усулларини қўллаш доирасини кенгайтириш ва улар сифатини оширишни қўйидаги йўллар билан амалга ошириш назарда тутилган:

- бюджетни режалаштириш субъектларининг фаолият натижалари ва асосий йўналишлари тўғрисидаги йиллик маърузаларини тақдим этиш йўли билан;

- давлат мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш методологиясини такомиллаштириш йўли билан;

- бюджет амалиётига идоровий мақсадли дастурларни жорий этиш йўли билан;

- бюджетнинг “қабул қилинаётган мажбуриятлар” қисмини амалдаги ва қабул қилиш тақлиф этилаётган бюджет дастурларига баҳо бериш натижаларига кўра рақобат асосида тақсимлаш йўли билан;

- бюджетни ижро этиш жараёнида бюджет дастурлари маъмурларининг ваколатларини кенгайтириш йўли билан.

Бюджетни ноҳдан бошлаб тузиш усули. Бюджетни ноҳдан бошлаб тузиш бюджет харажатларини режалаштиришнинг ўзига ҳос усули ҳисобланади. Назарияда бу усулдан фойдаланиш шу билан тавсифланадики, маъмуриятнинг ҳар бир бўлими ўз фаолиятини молиялаштиришга бўлган эҳтиёжни ҳар йили янгидан (“ноҳдан бошлаб”) асослайди. Бюджетни ноҳдан бошлаб тузиш усулининг афзаллиги шундаки, у маъмурият бўлиmlарини ўз фаолиятига баҳо беришга янада танқидийроқ ёндашишга, фаолиятнинг устувор йўналишларини белгилашга, ўз иши мақсад ва усулларининг муқобил вариантларини излашга рағбатлантиради.

Бюджетни ноҳдан бошлаб тузиш усули ҳар йили верификация қилишни ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари амалга ошираётган барча дастурларни ҳимоя қилишни назарда тутган. Режалаштириш жараёни маҳаллий маъмурият бўлиmlарининг

рахбарлари томонидан тайёрланган “қарорлар пакети”ни тавсифлашдан бошланади. Ушбу тавсиф айрим топширикларнинг муҳимлик даражасига кўра таснифни, молиялаштириш ҳажмини, амалга оширилаётган фаолият тавсифини, амалга оширилаётган ҳаракатларнинг ташкилот мақсадлари билан алоқасини асослашни ўз ичига олади. Шунингдек у фаолиятнинг айрим турларини амалга оширишдан бош тортишининг эҳтимол тутилган оқибатлари таҳлилни ҳам қамраб олади. Бўлимларнинг раҳбарлари муҳимлик даражасига кўра таснифланган фаолият турларининг тавсифларини тўплайдилар, уларни тақрорий даражалаштиришни амалга оширадилар ва зарурий ахборотни бюджетни тайёрлаш учун масъул шахсларга тақдим этадилар. Ушбу усул маҳаллий маъмурият ташкилий тузилмасининг ҳар бир даражасида устувор вазифалар иерархиясини аниқ таърифлашга мажбур этади; агар у изчил амалга оширилса, бюджет ташкилий иерархиянинг юқори поғонасидан куйи поғонасига қараб эмас, балки “қуйидан юқорига қараб” принципига мувофиқ тузилади.

Ушбу усулнинг камчилиги шундаки, у қўллашганида қоғозбозлик кучаяди; бундан ташқари, маъмурият бўлимлари фаолиятининг устувор йўналишларини ҳар йили қайта кўриш доим ҳам ўзини оқлайвермайди.

Самарадорлик кўрсаткичларига асосланган бюджет («Мақсадлар ва самарадорлик бюджети») – бу маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органининг шундай бир усулда тайёрланган молиявий режасини, унга ҳаражатлар киритилишидан олдин маъмурият дастур натижалари тўғрисида декларация ва хизматлар кўрсатиш режасини тайёрлаш талаб этилади. Ушбу ҳужжатларда мақсадлар, уларга эришиш йўллари, режа ва амалга ошириш жараёнига баҳо бериш учун имконият яратувчи объектив кўрсаткичлар акс эттирилади. Бу усул бюджетнинг бажарилишини таъсирловчи асосий кўрсаткич берилган ўлчанувчан параметрларга эришиш даражаси ҳисобланишини назарда тутди. Шундай қилиб, бюджет маблаглар ҳамда мақсадларни таърифлаш (самарадорлик кўрсаткичлари) манбаи вазифасини бажаради ва бу нисбатан арзон нархларда хизматлар сифатининг ошишига олиб келиши лозим. Ушбу усул “вазифаларга кўра бошқариш” (management by objectives) деб аталадиган бошқарув усули билан боғлиқ.

Вазифаларга асосланган бюджет – бу маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органининг шундай бир усулда тайёрланган молиявий режасини, унга ҳаражатлар киритилгунга қадар маъмурият бюджет маблагларини олувчилар қайси тадбирларни амалга оширишлари лозимлигининг муфассал (молиявий ва натура ҳолатидаги) режаларини бюджет вазифалари сифатида тайёрлаш талаб этилади. Вазифаларга асосланган бюджет шакли ҳаражатларни уларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи қўйган мақсадларга эришилишига қўшган ҳиссаси нукта назаридан тавсифлаш имкониятини беради. Бюджетни тузишда асосий ургу бюджет маблагларини ўзлаштиришга эмас, балки эришилиши лозим бўлган натижаларга берилди. Ҳақиқат мақсадлар сари элтувчи дастурлар бундай бюджетда ёнма-ён жойлашган ва бюджет маблагларини олиш учун қурашда рақобат амалда мавжуд муқобилларни таҳлил қилишга имконият яратади. Айрим дастурларни амалга ошириш кўпинча бир йилдан кўпроқ муддатни талаб этади, шу туфайли ҳам режалаштириш бир йилдан узоқроқ истиқболга мўлжаллаб амалга оширилиши лозим.

Барча кўриб чиқилган усулларнинг камчилиги – уларнинг лозим даражада мослашувчан эмаслиги. Бу камчиликни қуйидаги тадбирлар мажмуи ёрдамида бартараф этиш мумкин:

- вазият фавқулодда ёмонлашган тақдирда фойдаланиш учун барқарорлаштириш фондини ташкил этиш, ушбу фонд маблагларини шакллантиришни перспектив режалаштириш;

- бўлғуси даврлар яқинлашишга қараб перспектив режаларнинг кўрсаткичларини қайта кўриш имконияти (хусусан, “сирпанувчан” режалар ва бюджетларни тузиш).

Шундай қилиб, *бюджетни ўрта муддатчи режалаштириш* молиявий режалаштириш техникаси ҳисобланади. У режалаштириш доирасини бир неча йилга

кенгайтиради ва режалаштириладиган бюджетни давлатнинг стратегик ва тактик максаллари билан мувофиқлаштириш имкониятини беради. Кўп йиллик молиявий режалаштириш ва (ёки) бюджетлаштириш молиявий ва иқтисодий барқарорлаштиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади, шунингдек, бошқа вазифаларни ҳам ҳал қилиш имкониятини беради. Бундай вазифалар орасида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

- ҳукумат ва қонунчилик органи қарорларини давлатнинг ўрта муддатли ва узоқ муддатли молиявий стратегиясига мувофиқлик нуктаи назаридан текшириш;
- бюджет жараёнининг ворисийлигини таъминлаш ва фискал интизомни қучайтириш;
- бюджет жараёнининг очиқлиги ва самарадорлигини ошириш;
- бюджетлар лойиҳаларини тузишга сарфланувчи вақт ва бошқа ресурсларни тежаш.

1-жадвал. Режалаштириш ва бюджетлаштириш турли усулларининг таҳлили

Режалаштириш усули	Афзалликлари	Камчиликлари	Чеклашлар
Кичик ўзгаришлар назариясига мувофиқ режалаштириш, бир йиллик бюджет.	Бюджетни ишлаб чиқишнинг назарий жиҳатдан соддалиги.	Бюджет маблағларини олувчилар қандай натижаларга эришиши лозимлигини эмас, балки уларни молиялаштиришигига назарда тутлади. Бир неча йил мобайнида амалга ошириш талаб этиладиган харажатлар ҳисобга одинмайди. Қўйилган максалларга эришишнинг турли усуллари таҳлил қилинмайди. Дастурлар доирасидаги харажатлар уларнинг реал қиймати билан қиёсланмайди. Устувор вазифаларни амалга ошириш учун ёки макронқиёсий шароитларни лозим даражада таъминлаш учун харажатлар миқдорини ўзгартриш имконияти назарда тутилмаган.	Аниқлангани йўқ.
Бюджет харажатларини режалаштиришга нисбатан норматив ёнлашув.	Усул идораларнинг ўзларига ажратилган маблағларни сарфлаш бўйича манъеврлар қилиш имкониятини чеклаш, айниқса, муҳим бўлганда молиялаштиришнинг минимал ҳажминини	Ресурслар (харажатлар)ни натижалардан ажратмайди. Нормативни бажариш натижага эришиш мезонига айланади, амалда унинг бажарилиши ҳатто бюджет секторининг у ёки бу тармоғи хизматлари сифатининг пасллтигидан далолат бериши мумкин.	Аниқлангани йўқ.

	<p>белгилашда яхши самара беради.</p>	<p>Масалан, амбулатория-поликлиника муассасаларига ташрифларнинг норматив даражасига етмаган сони тиббий хизматлар сифати юксак даражада эканлигидан дарак бериши мумкин. У ёки бу ҳудудда, муайян муассаса томонидан хизматлар кўрсатишнинг алоҳида ҳолатларини ҳисобга олишга қодир эмас. Аммо минтакавий нормативлар ҳам (агар улар бўлса) шундай камчиликка эга. Бундан ташқари, бюджет муассасаси раҳбари барча нормативларга риоя этмаса, бу муассаса манёвр қилиш имкониятидан маҳрум бўлади. Юз бераётган ўзгаришларга мослашувчан эмас. Бундай тартибга солиш соғлиқни сақлаш соҳасига, айниқса, жиддий зиён етказди. Усул қўл маблаг ва меҳнат сарфини талаб этди.</p>	
<p>Қўп йиллик (ўрта муддатли) режалаштириш.</p>	<p>Қўп йиллик бюджетлар бўлгуси фискал қарорлар ёки фискал сиёсатнинг ўта аниқлигини таъминлайди, минтака ривожланишининг ўртача муддатли стратегиясига мувофиқ келади. Молия сиёсати анча пухта ишлаб чиқилади.</p>	<p>Қўп йиллик бюджетни тузиш жараёни маъмурий нуқтан назардан, жуда мушкул иш. Қўп миқдорда ресурслар талаб этилиши мумкин. Жамиятда сиёсий ва ижтимоий ҳамжихатлик юксак даражада бўлиши керак. Қўп йиллик режалаштириш бюджет сиёсати ва бюджетлараро муносабатлардаги ўзгаришларга ўта таъсирчан.</p>	<p>Аниқлангани йўқ.</p>
<p>Самарадорлик кўрсаткичларига асосланган бюджет ("Мақсадлар ва самарадорлик бюджети")</p>	<p>Дастурларни (вазифаларни) бажаришнинг самарадорлигига аниқ баҳо бериш имкониятини беради.</p>	<p>Дастурни бажариш ўринли ёки ўринсиз эканлигига баҳо бериш имкониятини бермайди.</p>	<p>Режалаштириш бир неча йил олдинга амалга оширилиши лозим.</p>

	Режалаштиришнинг маҳаллий маъмурият бўлимлари таркибий тузилишига ва бюджетни бюджет маблағларининг асосий олувчиларига кўра режалаштиришга асосланган олатдаги тузилишида ўзгаришларни талаб этмайди.		
Вазифаларга асосланган бюджет.	Харажатларни уларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари қўйган максалларга эришишга қўшган ҳиссаси нуктаи назаридан тавсифлаш имкониятини беради. Дастурларнинг натижаларига ва мавжуд муқобилларга баҳо бериш имкониятини беради.	Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш фаолиятининг таснифини ўзгартришни талаб қилади (бир вазифани бажариш учун турли бўлимларнинг ходимлари жавобгар бўлишлари ва аксинча – бир бўлим доирасида бир неча вазифалар бажарилиши мумкин).	Режалаштириш бир неча йил олдинга амалга оширилиши лозим.
Бюджетни нолдан бошлаб тузиш (zero-base budgeting, ZBB).	Усул маҳаллий маъмурият ташкилий тузилмасининг ҳар бир даражасида устувор вазифалар иерархиясини аниқ таърифлаш имкониятини беради. Режалаштиришнинг маҳаллий маъмурият бўлимлари таркибий тузилишига ва бюджетни бюджет маблағларининг асосий олувчиларига кўра режалаштиришга асосланган олатдаги тузилишида ўзгаришларни талаб этмайди.	Кўп вақт ва ресурслар сарфини талаб қилади, чунки бюджетнинг барча параметрларини нолдан бошлаб ҳисоблаш талаб этилади.	Режалаштириш бир неча йил олдинга амалга оширилиши лозим.

Харажатлар ва натижаларни таҳлил қилиш усули (cost benefit analysis).	Лойиҳани амалга ошириш харажатларини олиш кутилаётган фойда билан солиштириш имкониятини беради.	Усул иккиламчи хусусиятга эга, чунки лойиҳани амалга оширишдан қўриладиган наф сиёсий қарорлар қабул қилиш учун фойдали ахборотдан бошқа нарса эмас.	
Жорий ва инвестицион бюджетларни изчил ажратиш.	Жорий харажатлар ва даромадлар ўртасида алоқа кузатилади. Жорий харажатларни кузатиш шароитлари яхшиланади. Инвестицион дастурлар янада аниқроқ тус олади. Узоқ муддатли (энг аввало инвестицион) молиявий режалаштириш ва инвестицион дастурларни амалга ошириш устидан назорат енгиллашади.	Режалаштиришнинг мослашувчанлигини маълум даражада пасайтиради.	Ушбу усулда қарздорлик фақат капитал қўйилмаларни молиялаштириш билан боғлиқ бўлиши мумкин ("балансли бюджетнинг олтин конадаси").

3.5. Бюджет даромадлари ва харажатларини прогноз қилиш усуллари

Кўп йиллик молиявий режа билан камраб олинган давр муддатига даромадлар ва харажатларни прогноз қилиш кўникмаси кўп йиллик бюджетни режалаштириш жараёнининг муҳим элементи ҳисобланади. Прогноз давлат молия сиёсатининг ўртача муддатли вазибалари бўйича харажатларни амалга ошириш имконияти ҳақида хулоса чиқариш имконини берувчи бошланғич ахборотни тақдим этади. Кўп йиллик прогнозлар даромадларнинг бўлгуси тақчиллигини барвақт аниқлаш тизими бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин, шу сабабли стратегияларни ўз вақтида қайта қўриш ва солиқ солиш тизимини ислох қилиш учун прогнозларга эга бўлиш жуда муҳимдир.

Бюджет даромадлари ва харажатларини ўрта муддатли прогнозлаштиришнинг тўрт асосий усули мавжуд. Булар: экспертлар прогнози, детерминистик прогнозлар, вақт каторларининг таҳлилига асосланган прогнозлаштириш, эконометрик прогнозлаштириш (7-расм). Экспертлар прогнози – бу даромад тушумлари қийматларининг мазкур даромадлар манбаи билан яхши таниш бўлган мутахассис томонидан қилинган башорати. Детерминистик прогнозлаштириш – даромад тушумлари суммаларини даромадлар оқимини бевосита белгиловчи муайян ижтимоий, иқтисодий ёки ўзга хил ўзгарувчидаги фоиғ ўзгаришига мувофиқ башорат қилиш. Вақт каторларининг таҳлилига асосланган прогнозлаштириш – даромаднинг унинг ўтмишдаги динамикасида келиб чиқиб башорат қилиш. Ниҳоят, эконометрик прогнозлаштириш – даромадларни предикторлар (прогноз омиллари) сифатида амал қилувчи бир ёки бир неча иқтисодий ўзгарувчилар мавжуд бўлганида статистик баҳоланган коэффицентларга мувофиқ башорат қилиш.

Бу усуллар мураккаблик, зарур бошлангич маълумотлар сони, вақт ва воситалар сарфи, олинаётган ахборотнинг сисёат турли вариантларини танилаш учун фойдалилиги жиҳатидан бир-бирдан фарк қилади. Прогнозлаштиришнинг у ёки бу усулини танлашда молиявий муаммолар миқёси ва уларнинг мураккаблик даражасидан келиб чиқиб лозим.

Экспертлар прогнози усулининг самарадорлиги прогнозлар тузишга жалб қилинувчи экспертнинг малакаси билан белгиланади. Бундай прогнозлаштириш кўп харажат талаб қилмайди ва анча аниқ бўлиши мумкин, лекин экспертлар берган баҳолар субъектив хусусият касб этади, экспертнинг "сезгилари ва билими"га боғлиқ бўлади ва ҳар доим ҳам оқилона тушунтириш имкониятини бермайди.

Вақт каторлари усули (Тренд усули) даромадлар ва харажатлар айрим гуруҳларининг вақтагина боғлиқлигини назарда тутлади. У ўзгаришларнинг ўзгармас суръатларидан (ўсишнинг ўзгармас суръати) ёки ўзгармас мутлақ ўзгаришлардан (чизикли вақт тренди) келиб чиқади. Унинг жиддий камчилиги иктисодий ва демографик шартларни эътиборга олмаслигидир.

Детерминистик усулдан кўпинча харажатларни прогноз қилиш учун фойдаланилади. Фақат бир ўзгарувчи – вақтнинг назарда тутадиган тренд усулидан фарқли ўларок, детерминистик прогноз бошқа ўзгарувчиларни ҳам ҳисобга олади. Даромадлар ва харажатларни прогноз қилиш учун кўпинча олдидан ишлаб чиқилган формула ишлатилади. Харажатлар прогнози харажатлар ҳажмини (масалан, ишланган соатларни ёки сарфланган электроэнергиянинг кВт/соат билан ўлчанадиган миқдорини) ушбу харажатларнинг нарх бирлигига (тегишли равишда иш вақти соатига тўланадиган ҳақ миқдорига ёки бир кВт/соат электроэнергия нархиға) кўпайтириш йўли билан олинади.

Эконометрик прогнозлаштириш иктисодий назария ва статистика принципларига асосланади. Концептуал жиҳатдан юқорида зикр этилган усуллардан мураккаброк бўлган эконометрик прогнозлаштириш берадиган ахборот ҳам нисбатан қимматлироқдир. Кўпинча статистик регрессия таҳлил техникаси қўлланилади. Эконометрик прогнозлаштиришдан даромадларни прогноз қилишда тобора фаол фойдаланилмоқда. Ундан иктисодий шароитларнинг ўзгаришларига таъсирчан бўлган харажатларни прогнозлаштириш учун фойдаланилиши ҳам мумкин.

Эконометрик усулнинг афзаллиги унинг мустаҳкам назарий асоси, турли ўзгарувчилар ўртасидаги ўзаро нисбатларнинг статистик аҳамиятини аниқлаш имконияти, бир неча мустақил ўзгарувчилардан бирваракай фойдаланилиши билан белгиланади. Ушбу усулнинг энг катта камчилиги – уни амалга ошириш харажатларининг қимматлиги.

Ўрта муддатли прогнозларнинг асоси сифатида аниқ бошлангич маълумотлар амал қилади. Бу маълумотларга анча каттиқ талаблар қўйилади, чунки ўрта муддатли моделлар тескари алоқа эффектларини, бошқача қилиб айтганда, ҳукумат қабул қилаётган қарорлар билан иктисодий турли тармоқларнинг динамикаси ўртасидаги ўзаро таъсирларни башорат қилиш имкониятини бериши лозим. Шунингдек таркибий иктисодий боғланишлар ўртача муддатли келажакда ўзгариши мумкинлигини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Барча турдаги даромадлар ва харажатларни прогноз қилишга тенг даражада мос келадиган ўртача муддатли прогнозлаштириш усули мавжуд эмас, шу сабабли турли усулларнинг бирикмаларидан фойдаланиш айниқса яқин самара бериши мумкин.

Кўриб чиқилган мамлакатларда қисқа муддатли ва ўрта муддатли прогнозлаштириш усулларининг бир нечтаси қўлланилади. Масалан, Австрия Молия вазирлиги нисбатан майда даромад манбалари (пиво, тамаки маҳсулотлари ва автомобилларга акциз солиқлари)дан келувчи тушумларни оддий вақт тренди ёрдамида прогноз қилади. Корхоналар даромади ёки фойдаси каби иктисодий кўрсаткичларга ўхшаш ўзгарувчиларга боғлиқ бўлган солиқлар учун Австрияда детерминистик ёндашув қўлланилади. Муайян солиқлар бўйича тушумларнинг (мусбат ёки манфий белгилли) фойза ҳисобидаги ўсишлари жамланган солиқ базасини ушбу база бўйича тегишли солиқнинг

эластиклигига кўпайтириш йўли билан прогноз қилинади. Солиқ тушумларининг эластиклиги солиқ базасининг ўзгаришига жавобан тегишли манбадан олинган даромадлар окимида илгари юз берган ўзгаришлар ҳақидаги маълумотларга мувофиқ аниқланади.

7-расм. Даромадлар ва харажатларни прогноз қилиш усуллари



Бюджет тушумларининг ўрта муддатли прогнозларини тузиш учун кўриб чиқилган мамлакатларнинг аксарияти эконометрик моделлардан фойдаланади. Масалан, Канада Молия департаменти даромадларни прогнозлаштиришни беш юздан ортиқ тенгламадан иборат “Канада иқтисодий-фискал модели” ёрдамида амалга оширади. Бу тенгламаларнинг таркибий тузилиши назарий мулоҳазалардан, шунингдек маъмурий амалиёт асосида келтириб чиқарилади (масалан, солиқлар тузилишини тавсифловчи тенгламалар шу тарзда тузилади). Канада ҳукумати учун прогнозларни тузишда микроимитацион моделлар, экспертлар прогнози ва регрессион таҳлил қўлланилади.

Янги Зеландия бюджет тушумларининг ўртача муддатли прогнозларини тузиш учун йилгирма уч макроиқтисодий кўрсаткич прогнозларидан фойдаланилади. Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг прогнозларидан 22 турдаги асосий солиқлардан келадиган бюджет тушумларининг прогнозларини олиш учун бир ёки бир нечта тенгламалардан тузилган эконометрик моделларда фойдаланилади.

Даромадларни прогноз қилиш моделларига қўйиладиган энг муҳим талаб улар киска ва ўрта муддатли келажакка мўлжалланган аниқ ва ишончли прогнозларни беришларини назарда тутати.

Масалан, АҚШда XX асрнинг 70-йиллари – 80-йиллари бошида маҳаллий молияга беш омил: миллий иқтисодиёт ҳолати, минтақавий иқтисодий ўзгаришлар, демографик ўзгаришлар, маҳаллий солиқ солишининг ўсишига турли штатларда қонун йўли билан қабул қилинаётган чеклашлар, маҳаллий ҳукуматларга оид федерал снэсат кучли таъсир кўрсатди (80-йилларнинг бошидан эътиборан штатлар ва маҳаллий ҳокимият органларига федерал субсидияларнинг камайирилиши улар бюджетларининг даромад қисмида салбий ақс этди).

Узоги билан бир йилга мўлжалланган прогнозлар одатда қисқа муддатли прогнозлар деб аталади. Айни шу сабабли қисқа муддатли прогнозлаштиришда қўлланиладиган моделларнинг вақт каторларида мавжуд юқори частотали ахборотни аниқлаш қобилияти кучли бўлиши керак. Даромадларни жамлаш жараёнини белгиловчи таркибий параметрларга қисқа муддатли прогнозлаштиришда, одатда, камроқ эътибор қаратилади.

Россияда бюджетни режалаштиришни таҳлил қилиш амалиёти бозор иқтисодиётига ўттиш шароитида иқтисодий ўзгарувчиларнинг вақт каторлари бозор иқтисодий шароитларга тобора кучлироқ таъсир кўрсатишига қараб ўзини янада бекарорроқ тутишини, иқтисодиётда давлат бошқарувининг роли эса, аксинча, камайишини кўрсатади. Бундай бекарорлик шароитида экспертлар прогнози ва детерминистик ёндашув статистик таҳлилга қараганда аниқроқ натижалар бериши мумкин. Бироқ, шунга қарамай, мазкур усулларнинг қўлланилиши аниқ баҳолаб олиншини кафолатламайди, чунки бундай прогнозлар уларни мақбул миқдорий мақсадлар билан мувофиқ ҳолатга келтиришга қаратилган ташқи босимдан муҳофаза қилинмаган.

Прогнозлаштиришнинг статистик жиҳатдан изчил моделларини ишлаб чиқиш зарурияти асосан шу билан белгиланадики, иқтисодиёт режалаштиришнинг эски марказлаштирилган тизимидан бозор тизимига ўтишига қараб, экспертлар таҳлили ва детерминистик прогнозларнинг кучи камайиб боради.

Нархлар, ресурслар сарфлари ва натижалар олдиндан маълум бўлган эски иқтисодий тизимдан фарқли ўларок, янги бозор иқтисодиётида бу иқтисодий параметрларнинг бирортаси ҳам олдиндан маълум эмас. Бюджет тушумлари билан иқтисодий фаоллик даражаси ҳамда талаб ва таклифнинг мураккаб ўзаро таъсири ўртасидаги алоқа қанча аниқ бўлса, бюджет даромадларини жамлаш жараёнини параметрлаштириш қобилияти шунча пасаяди. Айни вақтда статистик усулларнинг имкониятлари ва қўлланиш доираси кенгайиб боради.

Ҳар қандай эмпирик таҳлил замирида бошланғич маълумотларнинг аниқлиги ётади. Шунинг ҳисобига олиб, статистик моделларни тузишда турли манбалар бўйича даромадларга оид тушумларнинг ойлик маълумотларидан фойдаланиш ўринли бўлади. Ойлик бюджет тушумларига доир маълумотларни ҳар қандай молия органи бухгалтериясидан тайёр ҳолда олиш мумкин ва бу маълумотлар бошқа статистик маълумотларга қараганда ишончлироқ. Қисқа муддатли прогнозлаштириш методологияси ўзининг дастлабки вариантда асосан моделларнинг икки туркумига: вақт каторлари моделлари ва эконометрик прогноз моделларига таянади. Бу туркумларнинг иккаласи ҳам "регрессион таҳлил" деган ном билан машҳур бўлган статистик усулдан фойдаланишига асосланади.

Вақт каторларини таҳлил қилиш (бир омили моделлар) методологияси моделлаштириладиган ўзгарувчининг бўлгуси қийматларини прогноз қилиш учун унинг ўтмишдаги қийматларидан фойдаланади. Масалан, вақт катори модели даромад солиғи тушумининг ўтган даврдаги ойлик маълумотларидан фойдаланиши ва мазкур ўзгарувчининг ҳулқ-атворидаги эски қонуниятларга асосланиб айни шу манбадан тушумларнинг бўлгуси қийматларини башорат қилиши мумкин. Шундай қилиб, вақт каторлари моделларидан фойдаланиш учун прогнозлаштириладиган ўзгарувчининг ўтган даврдаги қийматларигагина эга бўлиш талаб этилади.

Ўз-ўзидан равшанки, ўзгарувчининг ўтган даврдаги ҳулқ-атвори қонуниятлари келажакда у ўзини қандай тутиши ҳақида анча кўп маълумот бериши мумкин. Вақт каторлари таҳлили бундай қонуниятларни аниқлаш ва уларга асосланиб ўзгарувчининг бўлгуси ҳулқ-атворини прогнозлаштириш имкониятини беради. Вақт каторлари динамикасида солиқнинг таркибий тузилишидаги (солиқ қонуничилигидаги) ўзгариш ёки бошқа муайян йирик ислохотлар таъсирида юз берган ўзгаришлар моделда махсус статистик усул – "сохта" ўзгарувчи ёрдамида ҳисобга олинishi мумкин. Ўзгарувчининг ўтмишдаги динамикасига қараб прогнозлаштиришнинг мазмунини қуйидагича таърифлаш мумкин. Бюджет тушумларининг (ҳозирги ёки бўлгуси даврдаги) қиймати

айни шу тушумларнинг ўтган даврлардаги қийматларига у ёки бу тарзда боғлиқ. Бундай боғланганини аниқлаб, уни таркибий қисмларга ажратиш баъзан жуда аниқ прогнозлар олиш имкониятини беради.

Бюджет даромадларини прогнозлаштиришга регрессион таҳлилни қўллашнинг иккинчи йўли эконометрик моделларга баҳо беришдан иборат. Эконометрик прогнозлаштириш боғлиқ ўзгарувчи (айни ҳолда – бюджет тушумлари қиймати) динамикасини башорат қилиш учун бир ёки бир нечта тушунтирувчи ўзгарувчилардан (улар “мустақил ўзгарувчилар” деб аталади) фойдаланишни назарда тутадн. Солиқ базаси билан боғлиқ ўзгарувчилар динамикасини билиш солиқ тушумлари динамикасини прогноз қилиш учун имконият яратади (масалан, гап корхоналар фойдасидан олинган солиқ ҳақида бораётган бўлса, солиқ базаси билан боғлиқ ўзгарувчилар сифатида иш ҳақи, даромад, фоиғ ставкасидан фойдаланилиши мумкин). Солиқ тушумларини эконометрик прогнозлаштиришда баъзан олдинга тушунтирувчи ўзгарувчиларни статистик усуллар ёрдамида прогноз қилиш ва шундан кейингина солиқ тушумларининг прогнозига ўтишга тўғри келади. Аини шу мақсадда бошқа (ташки) ташкилотлар томонидан тузилган тушунтирувчи ўзгарувчиларнинг прогнозларидан ҳам фойдаланилиши мумкин.

Эконометрик моделлаштириш усулларини вақт каторлари таҳлили билан бириктириш аксарият ҳолларда аниқ прогнозлар олиш имкониятини беради. Бундай аралаш моделларда тушунтирувчи иктисодий ўзгарувчилар боғлиқ (моделлаштирилаётган) ўзгарувчига солиқ базасидаги ўзгаришларнинг таъсирини кўрсатади, вақт катори таҳлилидан олинган ўзгарувчилар эса, ушбу вақт каторида бошқа инновациялар таъсирини ҳисобга олиш имкониятини беради. Бундай аралаш моделларда ҳам одатда солиқ тизимининг йирик таркибий ислохотлари таъсирини ҳисобга олувчи сохта ўзгарувчилардан фойдаланилади.

Ўртача муддатли прогнозлаштириш моделлари киска муддатли моделлардан сезиларли даражада фарқ қилади, чунки ўрта муддатли моделлар ўртача муддатли келажақдаги молия сиёсати (молиявий қарорлар) ва макроиқтисодий шаронлар ўртасидаги ўзаро алоқани башорат қилишга қаратилади. Даромадларни прогнозлаштиришнинг ўрта муддатли (2-4 йил олдинга мўлжалланган) моделлари раҳбариятга мавжуд молиявий ресурслар ҳақида стратегик ахборот беради. Бундай прогнозлар – ҳокимият органларининг ўрта муддатли мақсадларига эришиш учун зарур бўлган асосли қарорларни ишлаб чиқиш инфратузилмасини яратиш йўлидаги биринчи жиддий кадамлари ҳисобланади.

Ўрта муддатли прогнозлаштириш маълумотларга қўядиган талаблар киска муддатли прогнозлаштириш талабларидан ҳам каттиқроқдир.

Маълумотларга қўйиладиган муайян талаблар моделнинг мураккаблиғи ва унга юклатилган дезагрегация даражаси билан белгиланади.

Прогнозлаштиришнинг ҳар қандай ўрта муддатли методологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этишда бажарилиши лозим бўлган муҳим талаблардан бири мазкур методология ворисийликни таъминлашини, бинобарин, уни мунтазам равишда алмаштиришга тўғри келмаслигини назарда тутати.

3.6. Қонуңчилик асоси

Бюджет ижросини тартибга солувчи қонуңчилик базаси қўпинча мураккаб бўлади ва бир неча даражадан ташкил топади. Айрим мамлакатларда миллий конституцияда бюджет ижросининг баъзи бир жиҳатларини тартибга солувчи қондалар белгиланиши мумкин. Масалан, АКШ Конституциясида қонун билан тасдиқланган бюджетдан ортиқча маблағларни сарфлашни тақиқловчи қонда мавжуд (1-модда, 9-бўлим). Австралия Конституциясига мувофиқ барча даромадлар ягона жамғармага жамланади (83-бўлим, 81-модда). Бундай конституциявий қондаларга қўшимча равишда давлат маблағларини бошқариш ва сарфлаш масалаларини тартибга солувчи қонунлар қабул қилиш ҳам одат тусини олган.

Бюджет тўғрисидаги асосий қонун. Давлат маблағлари билан ишлашни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари орасида энг муҳими Бюджет тўғрисидаги асосий қонулдир. Ушбу қонун юрисдикцияга қараб бошқача ном билан аталиши ҳам мумкин, лекин шахслардан давлат маблағлари билан ишлашда муайян тартиб-таомиллар бажарилишини талаб қилувчи махсус қонун деярли ҳар доим мавжуд бўлади. Бу қонунда кенг масалалар, шу жумладан, бюджетни тайёрлаш тартиб-таомиллари ва графиги, шунингдек, ҳисоб юритиш ва ҳисобот ҳамда аудит масалалари тартибга солиниши мумкин. Бюджет тўғрисидаги асосий қонун ёки у билан тенг даражадаги қонун ҳужжати, шунингдек, молияни тартибга солиш масалаларига доир ҳар қандай ёрдамчи қонуности ҳужжатлари давлат маблағларини сарфлашга рухсат беришда бажариш талаб этиладиган тартиб-таомилларни белгилаши лозим. Чунки:

- бирон-бир вазирлик ўз бюджет маблағларини сарфлашга киришишдан олдин молия вазирининг рухсатини олиши талаб этилади (бюджетдан ажратилган маблағларнинг тақсимланиши баъзан шундай рухсат сифатида қаралади);
- харажатлар йиғилган даромадлардан ортиқ бўлган ҳолда бажарилиши лозим бўлган тартиб-таомиллар (секвестр);
- бюджет ижроси муносабати билан газначиликнинг ваколатларини белгиловчи қондалар;
- молия вазирининг ёки газначилик учун маъсул бўлган вазирнинг қонун кучига эга бўлган, тармок вазирликларида бюджет харажатлари ҳамда даромадларни йиғиш муносабати билан амалга оширилиши талаб этиладиган тартиб-таомилларни бошқарадиган низомлар ва йўриқномалар қабул қилиш ҳуқуқи.

Идеал ҳолатда бундай қонун маблағларнинг сарфланиши, даромадлар ва қарзлар тўғрисида ойлик ҳисоботлар тақдим этишни ҳам талаб қилиши лозим. Бу ҳуқуматга бюджетнинг ижро этилиши жараёнини кузатиб бориш ва тузатиш киритиш хусусиятига эга бўлган ҳар қандай зарурий чораларни тайёрлаш имкониятини беради.

Ҳар йили қабул қилинадиган бюджет тўғрисидаги қонун. Парламент ҳуқумат тайёрлаган бюджетни муайян йил учун бюджет тўғрисидаги қонунни қабул қилиши йўли билан амалга қиритади. Ушбу қонунда бюджетдан ажратилган маблағлар тақсимланади. У ижро этувчи ҳокимият органларига давлат маблағларини сарфлашни белгиланган чегарада, аниқ мақсадларда ва вақт доирасида амалга ошириш ҳуқуқини беради. Бюджет йили тугаганидан сўнг ушбу қонун-қондалари ўз аҳамиятиги йўқотади. Мазкур қонунда харажатларнинг лимитлари белгиланиши ва бюджет йили мобайнида бажарилиши лозим бўлган махсус тартиб-таомиллар назарда тутилиши ҳам мумкин.

Ёрдамчи хусусиятга эга бўлган қонун ҳужжатлари. Қонуности ҳужжатлари – қонун кучига эга бўлган низомлар ва йўриқномалардан давлат маблағлари билан ишлайдиган барча шахслар томондан бажарилиши мажбурий бўлган тартиб-таомилларни ўрнатиш учун фойдаланилади. Қонун ости ҳужжатлари аниқ таърифланган, талаблар тўлиқ белгиланган бўлиши жуда муҳимдир, чунки бюджетни ижро этиш жараёни билан боғлиқ барча расмий шахслар улар билан таниш бўлишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари лозим. Бюджетни ижро этиш тизимларининг аксарияти ёрдамчи хусусиятли бўлиб, қонун ҳужжатлари йўқлиги ёки мукамал бўлмаганлиги туфайли барбод бўлган, чунки кўпинча бундай ҳужжатларга алоҳида аҳамиятга эга эмас деб қаралади.

Бюджетни режалаштириш методологияларидаги ўзгаришларни қонунчилик базасида ақс эттириши. Бюджетни режалаштириш усулларининг ўзгариш жараёни кўйидаги босқичлардан таркиб топади (8-расм): бюджетни режалаштиришнинг мавжуд усулларига кўшимча тарзда янги усуллар ишлаб чиқилади (1); ижро этувчи ҳокимият органлари муҳокама жараёнида ва муайян мезонларга мувофиқ усулларнинг муайян тўпلامини танлайди ва улар ишлаб чиқилганидан, методик тавсиялар, қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар қабул қилинганидан сўнг амалга жорий этилади (2); минтақанинг молия органида ушбу янги усуллар ёрдамида бошқарувни қайта ташкил этиш амалга

оширилади (3); янги усуллар амалда қўлланилганидан сўнг уларга баҳо бериш амалга оширилади (4); баҳолаш натижаларига кўра, биринчидан, энг мақбул амалиёт кодекслари бошқа минтакаларда қўллаш учун ишлаб чиқилади (агар бу минтака тажрибаси самарали деб топилган бўлса) (5), иккинчидан, амалга оширилган баҳолашлар асосида усулларни қўллашдаги камчиликлар таҳлил қилинади ва бу ўз-ўзидан янги усуллар ишлаб чиқишига (ёки масалан, улар бошқа мамлакатлар тажрибасидан ўзлаштирилишига) туртки беради.

8-расм. Бюджетни режалаштириш методологияларининг ўзгариш жараёни



Шуни кайд этиш лозимки, бюджетни режалаштириш методологиялари ўзгариш жараёни боскичларининг баён этилган кетма-кетлиги асосан қўлланилаётган усулларнинг ўзгарувчанлигини акс эттиради. Буни бюджет тизимини ислоҳ қилиш жараёнлари муттасил давом этаётган турли мамлакатлар амалиёти ҳам тасдиқлайди.

Бюджетни режалаштириш методологиялари ўзгариш жараёнининг ҳар бир боскичида яратиладиган ва қўлланиладиган объектларни батафсилроқ кўриб чиқамиз (9-расм).

9-расм. Бюджетни режалаштириш методологиялари ўзгариш жараёнининг ҳар бир боскичида яратиладиган ва қўлланиладиган объектлар



Бюджетни режалаштириш усуллари ҳисоб-китоб методикалари, жараёнлар (регламентлар), бюджет форматига чеклашлар, назария қондалари ва ҳоказоларни ўз ичига олиш мумкин. Бюджетни режалаштириш усуллари бюджет жараёни контекстиде куйидаги:

- молиявий режалаштириш усуллари: молиявий режалаштириш кичик ўзгаришлар назарияси (incremental theory) нуқтан назаридан; натурал нормативлар ёрдамида режалаштириш; кўп йиллик (ўртача муддатли) режалаштириш; самаралорлик кўрсаткичларига асосланган бюджет («Максадлар ва самаралорлик бюджети»); вазибаларга асосланган бюджет; бюджетни ялдан бошлаб тузиш (zero-base budgeting, ZBB); харажатлар ва натижаларни тахлил килиш усули (cost benefit analysis); жорий ва инвестицион бюджетларни изчил ажратишни;

- молиявий прогнозлаштириш усуллари: экспертлар прогнози; детерминистик прогнозлаштириш; вақт қаторлари тахлилига асосланган прогнозлаштириш; эконометрик прогнозлаштиришни;

- ҳокимият даражаларининг ваколатларини белгилаш усулларини;

- ушбу қўлланма мавзусидан четта чиқадиган бошқа усулларни (масалан, харажатларнинг унумдорлиги устидан мониторинг, давлат хизматларининг аутсорсинг технологиясини)ни ўз ичига олади.

Қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар, шунингдек, бюджетни режалаштириш усуллари бўйича услубий тавсияларнинг ишлаб чиқилиши ҳокимият ижро этувчи органларнинг қонунчилик органлари билан ҳамкорликдаги иши махсулидир. Бу ерда молия соҳаси доирасидан ташқарида этувчи кўп сонли муаммоларни қайд этиш мумкин.

Баҳолаш (ёки баҳо бериш) усуллари ғарб мамлакатларида узок йиллардан бери қўлланилади ва илмий жиҳатдан бу мавзу анча муфассал ишлаб чиқилган. Умуман олганда, баҳо бериш ички ва ташқи бўлиши мумкин. Ички баҳо бериш дастурни амалга ошираётган давлат ҳокимияти органи ёки унинг махсус бўлими ёки худ дастурни амалга оширувчи бўлинманнинг ўзи томондан амалга оширилади. Ички баҳо бериш давлат ҳокимияти органларида давлат ҳокимияти органи дастурларининг амалга оширилиши (харажатлари) ички аудити сифатида ҳам маълум. Баҳо бериш субъектлари сифатида Парламент, Ҳисоб палатаси ва бошқа органлар ҳам амал қилади. Ички баҳо бериш тартиб-таомиллари, одагда, ўзгараётган вазият ҳақида мунтазам равишда, ахборот олиш талаб этилган жойда ёки ташқи баҳо бериш анча қимматга тушадиган жойда қўлланилади. Масалан, идоравий мақсадли дастурлар амалга оширилишининг жорий мониторинги ички баҳо беришнинг типик усулидир.

Ташқи баҳо бериш мустақил экспертлар (университет марказларининг олимлари, контракт бўйича ёлланган ташқи консултантлар) томонидан амалга оширилади. Мазкур усул ишларнинг қатта ҳажмини, шунингдек, натижаларнинг ўта объективлигини назарда тутлади. Ташқи баҳо бериш кўпинча буюртмачига сирдан маслаҳат бериш (масалан, муайян стратегияни ривожлантириш ёки сиёсатга тузатиш киритиш масалалари бўйича) таомилнинг бир қисми ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда ғарб олимлари баҳо беришнинг куйидаги йўналишларини (assessment frameworks) ажратдилар: натижа баҳо бериш (outcomes view), жараёнга баҳо бериш (process view), кузатувчи баҳо бериш (monitoring view) ва сигнал баҳо бериш (signaling view).

Энг мақбул амалиёт кодексларини ишлаб чиқиш ғарб мамлакатлари амалиётида кенг тарқалган. Турли мамлакатларда ишлаб чиқилган ва бюджетни режалаштиришга бағишланган бўлимларни ўз ичига олган кўп сонли кодекслар ҳамда шунга ўхшаш ҳужжатлар бор. Чунанчи: GFOA Recommended Practices for State and Local Governments; Local Government Finance Concepts and Practices; A new framework of financial reporting and accountability in local government (CIPFA); Managing Public Expenditure: a reference book for transition countries (OECD); Public Expenditure Management Handbook by World Bank; Various documents collected by US Council of Mayors; Governance of the Public Sector: A

governing body respective. International Public Sector Study (IFAC); Code Général des Collectivités Territoriales (France) Local government code.

Бюджетни бошқариш турли амалиётларини жорий этиш усуллари нисбатан кам ўрғанилган. Бюджетни режалаштиришнинг турли усулларини (хусусан, минтакавий бюджетни режалаштиришни) жорий этиш соҳасида минтака молия органи ходимларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш, бюджетни режалаштириш ва тахлил қилиш учун бюджетга доир тарқок маълумотлардан фойдаланиш, мамлакат бюджет тизими ислохотлари жараёнида режалаштиришнинг янги усулларига зарарсиз ўтилишини таъминлаш муаммолари мавжуд.

Ўрта муддатли молиявий режалаштиришда қонунчилик (вакиллик) ҳокимиятининг роли. Бюджет тизимининг янги шароитларда фаолият кўрсатиш тажрибаси, шунингдек, жаҳон амалиёти қуйидаги янги вазифаларни қун тартибига қўйди: мақсадли дастурлар асосида бюджетни тузиш ва ижро этишга ўтиш, бюджет таснифини халқаро стандартлар билан мувофик ҳолатга келтириш, сметали молиялаштиришдан ижтимоий муҳим хизматларни танлов ва контракт асосида давлат томонидан харид қилишга аста-секин ўтиш, расмий ишсизлик тизимини яхшилаш.

Бюджетга доир муносабатлар фақат ҳуқуқий муносабатлар доирасида мавжуд бўлгани боис, бюджет қонунчилигини такомиллаштиришга эҳтиёж туғилади. Ўз навбатида, қонунчилик бюджетни норматив тартибга солишга нисбатан аниқ таърифланган илимий ёндашувлар ва доктринал талаблар мавжуд бўлган шароитда нормал ривожлана олмайд.

Бюджет жараёнини ҳуқуқий тартибга солиш бюджет ҳуқуқининг умумий принципларига (бюджетларнинг мустақиллиги, тўлиқлик ва ишончлилик) ҳам, бюджет жараёнининг махсус принципларига (бюджетнинг баланслилигини таъминлаш, бюджет жараёнининг ошқоралиги, бюджет маблағларининг адреслилиги ва аниқ мақсадга қаратилганлиги, бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самаралилиги) ҳам мувофик келиши лозим. Жаҳон амалиётида тан олинган ошқоралик принципи алоҳида аҳамият касб этади.

Қонун лойиҳалари минтакавий ва маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет мустақиллигини кенгайтиришни назарда тутувчи бюджетлараро муносабатлар ислохотини амалга ошириш учун молиявий замин яратди. Қонун лойиҳаларида бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш бўйича кенг ваколатлар ижро этувчи ҳокимият органларига берилиши лозим. Турли даражадаги вакиллик муассасаларининг бюджетлараро трансфертлар маблағларини шакллантириш ва тақсимлаш жараёнига таъсирини сусайтириш зарур.

Бюджет фаолияти муаммоларини ва у билан боғлиқ муносабатларни ўрғанишга нисбатан асосий концептуал ёндашувлар бир нечта назарий қондаларга асосланиши лозим. Бу қондаларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир:

- бюджет фаолияти муносабатларининг серкирралиги ва комплекслилигини тан олиш;
- бюджет фаолиятининг ролини фискал функция билан ижтимоий ва иқтисодий тартибга солиш функциясининг ўзаро алоқаси сифатида тушуниш;
- бюджет фаолиятининг регионал хусусиятини ва ижтимоий йўналтирилганлигини тан олиш;
- бюджет фаолиятининг ҳуқуқий шакли.

Бу муҳим жиҳатларни тўғри тушуниш ва ҳуқуқий мустаҳкамлаш бюджет тизими барча даражаларининг фаолияти ва ўзаро муносабатларини белгиловчи мамлакат бюджет қонунчилигининг мувофиқлаштирилган тизимига мустаҳкам замин яратиш имкониятини беради.

Ҳокимиятнинг қонунчилик (вакиллик) органлари мавжуд қонунларга мувофик давлат бюджети лойиҳасини тузиш ва кўриб чиқиш, уни тасдиқлаш ҳамда ижро этиш, унинг ижроси нозоратни амалга ошириш тартибини белгилаш ваколатига эга

бўладилар. Бюджетга доир ҳуқуқ ижодкорлиги ваколатларини уйғунлаштирувчи бу модель конуннинг муайян манфаатлар ифодачиси сифатидаги ижтимоий-сиёсий аҳамиятини, айти ҳолда бюджет қонунчилигининг бюджетга доир муносабатлар субъектларининг молиявий ва сиёсий-ҳуқуқий манфаатлари ифодачиси сифатидаги ролини амалда намойиш этади. Ушбу манфаатларнинг оптимал нисбати нафақат ижтимоий барқарорликни, балки бюджет тизимининг барча даражаларида бюджет фаолиятининг келишилганлиги ва самарадорлигини ҳам таъминлаш омили ҳисобланади.

Кўпинча ҳукуматлар ўз бюджет лойиҳаларини парламентга кўп йиллик бюджетни шакллантириш жараёни тугалланганидан кейингина тақдим этади. Одатда, даромадлар ва харajatларнинг кўп йиллик баҳолари парламентга йиллик бюджет лойиҳасига кўшиб тақдим этилади. Биз кўриб чиққан мамлакатларнинг бирортасида ҳам қонунчилик мажлислари кўп йиллик баҳоларни тасдиқламайди (перспектив бюджет донм фақат маълумот учун тақдим этилади).

Биз кўриб чиққан мамлакатларда бюджет циклининг давомийлиги ҳар хил бўлса-да, таркибий жиҳатдан уларнинг бюджет календарлари жуда ўқшаш. Аммо кўп йиллик режалаштиришни бюджет циклига татбиқ этиш турли мамлакатларда ҳар хил амалга оширилган. Масалан, Австрияда кўп йиллик молиявий режа июнь ойингача тайёрланади, аммо тайёр бюджет парламент муҳокамасига октябрь ойидагина киритилади, бунда молиявий режа бошқа янгиланмайди. Қолган мамлакатларнинг барчасида кўп йиллик молиявий режа кўрсаткичлари парламентга тақдим этилаётган кўп йиллик бюджет охири маълумотларга асосланиши учун йиллик бюджетни шакллантириш чоғида албатта янгиланади. Янги Зеландия ва Австралияга келсак, бу ерда кўп йиллик бюджет узлуксиз янгилаб турилади.

Кўп йиллик молиявий режани тайёрлаш жараёнида эълон қилинадиган ҳужжатлар сопи ҳам турли мамлакатларда ҳар хил. Австралияда қўлланиладиган ёндашувнинг соддалиги шунда намойиш бўладики, кўп йиллик молиявий режа кўрсаткичлари бюджет цикли мобайнида эълон қилинадиган ҳужжатларнинг биттасидагина пайдо бўлади. Бошқа мамлакатларнинг кўпчилигида кўп йиллик молиявий режага доир ҳужжатлар бир нечта бўлиши мумкин, лекин уларнинг барчаси парламентга йиллик бюджет лойиҳасига кўшиб тақдим этилади.

Янги Зеландия ва Австралияда ҳисобот тақдим этишга алоҳида талаблар қўйилади. Хусусан, бу мамлакатларнинг ҳукуматлари ҳар йили бюджет циклининг бошида молиявий стратегия ҳамда иқтисодий ва молиявий прогнозга доир алоҳида ҳужжатларни эълон қиладилар, бюджет лойиҳасини парламентга кўриб чиқиш учун тақдим этиладиган вақтга келиб, бу давр мобайнида юз берган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда аниқлик киритилган прогнозлар эълон қилинади. Ҳукумат молиявий стратегиясини баён этувчи ҳужжат ва молиявий прогнознинг эълон қилиниши асосланган қарорлар қабул қилинишининг қафолати бўлиб хизмат қилади, бюджет жараёнининг ворисийлигини кучайтиради, шунингдек, бюджетни шакллантириш жараёнининг очиклик даражасини оширади.

4-БОБ. БЮДЖЕТНИ ЎРТА МУДДАТЛИ РЕЖАЛАШТИРИШ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ

4.1. Чег эл мамлакатларида БЎМРнинг хусусиятлари

Сўнги 15 йил мобайнида кўпгина ривожланган мамлакатларда давлат молияси соҳасида давлат молия тизимининг унумдорлик ва очиқлик даражасини оширишга қаратилган бир қанча ислохотлар амалга оширилди. Бу даврда иктисодиётнинг турли тармоқларида қабул қилинган қарорлар ва кўрилган чоралар учун ҳокимият органларининг жавобгарлиги кучайтирилди. Бюджет таомилларига молиялаштириш учун давлат дастурларини тавлашда тортишув ва уларнинг самарадорлигига баҳо беришда муस्ताқиллик унсурлари киритилдики, бу баҳоларда субъективизмни камайитириш ҳамда бюджетни режалаштиришнинг сифатини ошириш имкониятини берди.

Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш олдинги усуллариининг камчиликлари:

- Айрим мамлакатларнинг Ҳукуматлари ўз иктисодиётлари ривожланишининг беш йиллик режасини тайёрлаганлар, лекин режалаштириш ва бюджетлаштириш жараёни алоҳида-алоҳида амалга оширилган, режаларда белгиланган тадбирлар камдан-кам ҳолда бюджетларда акс эттирилган. Шу сабабли ҳукуматларнинг режалари реалистик бўлмаган ва амалда самарасиз қўлланилган.
- Жорий мажбуриятлар ва капитал харажатларнинг бюджетлари алоҳида-алоҳида тайёрланган. Лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида юзга келувчи жорий харажатлар кўпинча режалдан ташқари бўлган, чунки жорий харажатлардан кўра капитал харажатларга кўпроқ эътибор қаратилган.
- Жорий харажатлар бюджетни ўтган йилги рақамга ўсиш фонзини кўшиш йўли билан тайёрланган (масалан, канцелярия товарлари учун харажатларнинг 5 фонзли ўсиши). Бюджет муассасаларининг асосий фаолияти жорий харажатлар бюджетни ҳисобидан молиялаштирилишига қарамай, жорий харажатларнинг элементлари атрофлича ўрганилмаган.
- Бюджетни тузишда асосий ургу натижаларга эмас, балки ишлатиладиган ресурсларга – мазкур ресурслар ҳисобига ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатилган хизматларга берилган. Вазирликлар фаолиятининг, яъни улар бюджет ресурсларидан фойдаланиб, нималар ишлаб чиқараётганлигининг мониторингини амалга ошириш кийин бўлган.
- Бюджет фақат бир йилга тузилган. Бу вазирликларни тегишли тадбирларни ўрта муддатан давр мобайнида тақсимлашдан кўра, йил мобайнида амалга оширишга даъват этган.
- Донорларнинг маблағлари бир неча лойиҳалар орқали тақсимланган. Донорларнинг маблағлари режалаштирилмаган ва ҳукумат ҳамда идоралар ишлаб чиққан вазифалар ва стратегияларни бажаришга кўмаклашиши мумкин бўлган кетма-кетликда тақсимланган.
- Вазирликларга бериладиган маблағларнинг умумий суммаси вазирликларнинг ўзлари билан келишиямаган. Тегишли равишда, вазирликлар сўраган бюджетлар Молия вазирлиги ўрнатган лимитлардан ортиқ бўлган ва бу кўпинча вазирликларнинг фаолият туридан катъий назар, бюджетлар кесиб ташланишига олиб келган.
- Бухгалтерия ходимлари жорий харажатлар бюджетини доимий ўсиш асосида тузиш учун жавобгар бўлганлар, режалаштириш бўйича ходимлар эса капитал харажатлар ёки лойиҳа харажатлари бюджетини тузганлар.
 - Йиллик бюджетни тасдиқлашнинг кечикиш ҳоллари юз берган.
 - Бюджет жараёнининг барча босқичларида бюджет даромадлари ва харажатларининг балансли эмаслиги кузатишган.
 - Бюджет жараёни бюджет харажатлари конкрет дастурларининг афзалликлари ёки кучли томонларини таҳлил қилишга етарли вақт қолдирмайди.

▪ Қонунчилик ва ижроия ҳокимияти йиллик бюджетга узоқ муддатли мақсадлар контекстида баҳо бериш, шунингдек, қабул қилинаётган бюджет қарорларининг оқибатларига баҳо бериш имкониятига эга эмас.

Кези келганда яна шуни ҳам қайд этиш муҳимки, ислохотлар беш йил, баъзан ҳатто ўн йил олдин бошланганига қарамай, бюджетни режалаштиришнинг янги усулларини жорий этиш кўпгина мамлакатларда хали яқунланганча йўқ. Даромадларнинг прогноз баҳолари бюджетни режалаштиришнинг ажралмас қисми ҳисобланади, лекин баҳолашларнинг роли ҳам, уларни амалга ошириш методологиялари ҳам турли мамлакатларда ҳар хил бўлиб кўлмоқда.

Халқаро амалиёт давлат бюджет сисъатининг унумдорлигини оширишга нисбатан икки асосий ёндашув ИХРТнинг бир қанча мамлакатларида яхши самара берганлигини кўрсатади. Чунанчи:

- асосий ургун натижаларга берувчи биринчи ёндашув «натижага йўналтирилган бюджетлаштириш» деган ном билан машҳур;

- иккинчи ёндашув ўрта муддатли келажакка қаратилган ва тармок вазирикларини молиялаштиришни олдиндан белгилаш имкониятини назарда тутди. Бу ёндашув пировард натижада сисъатни ҳам олдиндан белгилаш учун имконият яратади. У «катъий бюджет чеклашларни доирасида харажатларни ўрта муддатли комплекс режалаштириш (МТЕФ)» деган ном билан машҳур. Айрим мамлакатларда бюджет жараёнига иккала ёндашув ҳам жорий этилган.

Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш кўпгина ривожланган мамлакатларда бюджет сисъати билан устувор вазибалари бир бюджет йили доирасига сиғмайдиган ижтимоий-иқтисодий сисъатни бир-бири билан боғлашга нисбатан асосий ёндашув ҳисобланади. Бундай боғлаш бюджет харажатларини иқтисодиётнинг асосий йўналишларида жамлаб, уларнинг самардорлигини ошириш ва шу билан бир вақтда, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ўрта муддатли дастурини, шунингдек, айрим секторлар ва тармоқларнинг ривожланиш режалари ҳамда дастурларини бюджет ресурсларининг чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш имкониятини беради.

Шу сабабли халқаро тажриба шарҳининг асосий мақсади Ўзбекистонда бюджет амалиётини такомиллаштиришга қўмаклашиши мумкин бўлган мамлакатларда бюджетни режалаштиришга нисбатан ёндашувларнинг хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Австралия, Буюк Британия, Канада, Янги Зеландия, АҚШ ва бошқа мамлакатларнинг бюджет жараёнини такомиллаштириш борасидаги тажрибаси бюджетни ўрта муддатли режалаштириш ва НЙБни келишилган ҳолда, иқтисодиёт ўрта муддатли ривожланишининг балансланган прогноз кўрсаткичлари тизимлари ёрдамида жорий этишга давлат секторининг ишнини тубдан яхшилаш, бюджет маблағлардан самарали фойдаланиш муаммосини ечишда ижобий натижаларга эришиш имкониятини бериши мумкинлигини тасдиқлайди.

Бюджет тизимининг барча даражаларини ўрта муддатли молиявий режалаштиришга ўтиш амалда бюджетлар "сирланувчан уч йиллик" режимда тайёрланиши ва қабул қилиниши, бунда ҳар йили ўзгартиришлар қиритиш таомили амал қилиши лозимлигини аниқлатади. Давлат бюджетни субъектларига келсак, улар ўрта муддатли келажакка молиявий режаларни шакллантиришга ўтиш имкониятини аста-секин қўлга қиритадилар. Бугунги кунда жаҳоннинг бир қанча мамлакатларида қабул қилинган ушбу ёндашувнинг мазмуни шу билан белгиланадими, у йил доирасидан четта чиқади? Йирик лойиҳаларни режалаштиришдан ташқари, харажатларни режалаштиришнинг амалдаги ва қабул қилинаётган мажбуриятларни ажратиш асосида амалга ошириш имкониятини беради.

Аввал давлат бюджетларнинг харажатлар қисмини илгари ўз зиммасига олган мажбуриятлардан келиб чиқиб белгилайди. Уч йиллик цикл доирасида олға силжишга қараб, ҳар бир даврда пайдо бўладиган ва давлат янги қабул қилинаётган мажбуриятларга

мувофиқ сарфлаши мумкин бўлган маблағларнинг қўшимча ҳажми ҳам белгиланади. Бу маблағлар айлан нимага сарфланиши давлатнинг харажатларга оид ваколатлари ва мажбуриятларини белгилловчи қонунчиликнинг кейинги ривожланишига боғлиқ бўлади. Айни шу қонунчилик бюджетни ишлаб чиқиш учун базага айланиши лозим.

Ушбу ислохот йўналишларидан бири кўп йиллик молиявий режага ўтишдир⁴. Ҳозирги вақтда бу амалиёт бутун жаҳонда анча кенг тарқалган ва жамоат молиясини бошқариш соҳасида умум эътироф этилган стандартга айланган. ГАРБИЙ Европа мамлакатлари – Германия, Англия, Австрияда, Британия Ҳамдўстлиги мамлакатларида, АКШда кўп йиллик бюджетни режалаштириш борасида бой тажриба тўплаган. Сўнгги вақтда бу амалиётни жорий этиш йўлига кўпгина ривожланаётган мамлакатлар, шу жумладан, Шарқий Европа мамлакатлари, хусусан, Венгрия ва Чехия ҳам кирди.

Бюджет аввалгидек бир йилга тузилса-да, унга бу мамлакатларда кенгрок контекстда ёндашилади. Бу ерда бюджет ҳужжатларида марказий ҳукуматнинг давлат молияси соҳасидаги максаллар билан, шунингдек, тақчиллик ва қарзнинг узокрок муддатга мўлжалланган максалди кўрсаткичлари билан мувофиқлаштирилган йиллик бюджетни акс эттирилади. Айни вақтда, ўрта муддатли молиявий режани жорий этиш асослари ва ундан фойдаланиш йўналишлари турли мамлакатларда ўз хусусиятларига эга.

Масалан, *Австрияда* молиявий режа кўрсаткичлари йиллик бюджетни тайёрлаш жараёни доирасидан ташқарида, алоҳида белгиланади. 1994 йилгача ўрта муддатли бюджет баҳолари бу мамлакатда жорий фискал қарорлар бир неча йилдан сўнг қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини прогност қилиш учун берилган бўлса, эндиликда маъмур баҳолар стратегик молиявий режага айланди. Йиллик бюджет цикли мобайнида тузиладиган даромадларнинг прогност баҳоларидан ташқари, Австрия молия вазирлиги даромадларнинг бир қанча ўрта муддатли баҳоларини тайёрлайди. Бу баҳолар ҳар йили янгиланади ва Австриянинг ўрта муддатли молиявий режаси таркибида эълон қилинади. Шундай қилиб, Австрияда қабул қилинган ёндашув жорий фискал қарорларнинг кўнгилсиз оқибатларини эрта аниқлаш тизимини назарда тутуди ва айни вақтда давлатнинг ўрта муддатли фискал стратегияси учун мўлжаллар тизимини беради.

Германия бюджетни бирлаштирилган ўрта муддатли молиявий режа контекстида тузди. Бунда у фискал сиёсатнинг муайян стратегик максалларга эришишга ҳаракат қилади. Айни ҳолда ўрта муддатли бюджет кўрсаткичларидан сирпанувчи бюджет учун асос сифатида ҳам, барвақт аниқлаш тизими сифатида ҳам фойдаланилади. Германияда даромадларнинг ўрта муддатли прогност баҳолари ўхшаш максалларга хизмат қилади, лекин Молия вазирлиги уларни ҳар чоракда янгилайди.

Германияда бюджетни режалаштиришга нисбатан қабул қилинган ёндашув ўз илдизлари билан «кооператив федерализм» тизимига бориб тақалади. XX асрнинг 60-йиллари охирида Германияда конституция ва бюджет ислохотлари мажмун амалга оширилди. Улар ҳар бир даражада нархларни барқарорлаштириш, иқтисодий ўсишга изчил тус бериш, ташқи савдони баланслаш ва ишсизлик даражасини пасайтириш вазифаларига мувофиқ келадиган фискал сиёсатни олиб бориш масалалари бўйича федерал ҳукумат ҳамда субфедерал ҳокимият органлари ўртасида ўзаро алоқалар – “кооперация”нинг расмий принципларини белгилаб берди. Бу вазифаларни ечиш учун махсус давлат дастури қабул қилинади ва унда фискал сиёсатнинг аниқ максалда қаратилган мўлжаллари, масалан, давлат харажатлари ўсиш суръатларининг муайян чегараси ёки бюджет тақчиллигининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдори белгиланади. Бюджет ислохотларининг умумий контекстида “Иқтисодий барқарорлик ва ўсишни таъминлаш тўғрисида” федерал қонун (1967 йил) қабул қилинган бўлиб, у федерал ҳукумат, минтакалар ва маҳаллий ҳокимият органларига ўз бюджетларини миллий иқтисодий сиёсат максалларига мувофиқ ишлаб чиқиш мажбуриятини юклайди. Келгуси

⁴ Давлат кўп йиллик молиявий режалаштириш жараёнини тавсифловчи асосий назария ва амалиётда ҳали қабул қилинганча йўқ, «прогноزلаштириш», «узок муддатли режалаштириш», «ўрта муддатли режалаштириш», «перспектив режалаштириш», «молиявий режа-прогност» тушунчалари қўлланилади.

молия йилига йиллик бюджетларни тайёрлаш билан бир вақтда ҳокимиятнинг бу даражалари навбатдаги бюджет йилдан кейинги уч йилли камраб олувчи ўз молиявий режаларини ҳам шакллантиришлари лозим.

Германияда бюджет жараёни куйидагича ташкил этилган. Тармоқ вазирликлари бўлгуси молия йилида молиялаштириш тўғрисида ўз талабларини ва ўз бюджетлари бўйича келгуси уч йилга мўлжалланган прогнозларни тайёрлайдилар. Ушбу бюджет талаблари ва прогнозларни тайёрлаш Молия вазирлиги олдидан тайёрлайдиган ва тармоқ вазирликларига юборадиган йўриқномаларга мувофиқ амалга оширилади. Бу йўриқномаларда бюджет миқдорининг юқори чегараси – барча тармоқ вазирликларни бўйича молиялаштириш лимитлари кўрсатилади. Мазкур лимитлар ўтган йилги молиявий режага аниқлик киритиш йўли билан ва харажатлар бўйича таянч режаларни иктисодий сиёсатнинг устувор вазифаларидаги ўзгаришларни ҳамда давлатнинг фискал стратегиясига киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда янгиланган йўли билан белгиланади. Бундан ташқари, вазирликларнинг бюджетлари таркибдаги харажатларнинг муайян топқалари бўйича бюджет лимитлари ҳам белгиланади. Молиялаштириш тўғрисидаги талабларни (бюджет буюртмаларини) йиғиб олгач, Молия вазирлиги “юқоридан” бериладиган бюджет лимитларини “куйдан” берилган молиялаштириш тўғрисидаги талаблар билан мувофиқлаштиришга киришади. Ўрта муддатли даврга келсак, Молия вазирлиги келгуси йилига бюджетдан маблағ ажратиш лойиҳасидан келиб чиқиб харажатлар баҳоларининг дастлабки вариантини тайёрлайди. Кейинги босқичда харажатларнинг ушбу баҳолари уч йиллик молиявий режа билан солиштирилади, сўнгра уларнинг бир-бирига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида харажатларга ҳам, ўрта муддатли молиявий режага ҳам тузатишлар киритилади.

Австралия, Канада, Янги Зеландия ва Буюк Британияда ўрта муддатли молиявий режадан асосан бюджет ресурслари тақсимланишининг очиқлиги ва самарадорлигини кучайтириш воситаси сифатида фойдаланилади, лекин ушбу мамлакатлар қўлайлидан ёндашувлар ўрта муддатли фискал сиёсатни олиб бориш, бюджет жараёнининг барқарорлиги ва ворисийлигини таъминлаш имкониятини ҳам беради. Австралия ва Янги Зеландияда даромадларнинг кўп йиллик прогнозлари харажатларнинг кўп йиллик баҳолари билан солиштирилади ва бу келажакда даромад тушумлари тақчиллиги хавфини олдидан аниқлаш имконини беради.

Буюк Британияда, худди Германиядаги каби давлат харажатларининг ўрта муддатли режаси шакллантирилади. Аммо Германиядан фарқли ўлароқ, даромадлар бўйича режа факат бир йилни камраб олади, даромад тушумларининг прогноз баҳолари ушбу мамлакатда ўрта муддатли бюджет доирасини ташкил этувчи тўрт йиллик даврга тузилади. Ўрта муддатли иктисодий прогноз ва давлат фискал стратегиясига мувофиқ Буюк Британия Ғазначилиги харажатларининг ўрта муддатли даврга (келгуси йил плюс уч йилга) мўлжалланган жамланган лимитларини ва айни шу давр учун вазирликлар бўйича ажратилган лимитларини белгилайди. Мазкур лимитлар доирасида тармоқ вазирликлари ўз харажатлар режаларини ишлаб чиқалилар. Бу режалар “сирланувчи” бўлади – орадан бир йил ўтгач, улардан келгуси йил учун бюджетни тайёрлаш жараёнида таянч нуқта сифатида фойдаланилади, яъни уларнинг асосида келгуси йилнинг бюджет жараёнидаги харажатларнинг лимитлари ишлаб чиқилади.

Кўп йиллик бюджет даври учун даромад тушумларининг прогнози Ғазначилик кўп йиллик бюджет жараёни мобайнида белгилайдиган харажатлар бўйича кўп йиллик лимитларини ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Швецияда ўтган аср 90-йилларининг ўрталаридан бошлаб, “юқоридан пастга” қараб ҳаракат унсурларини ўзида мужассамлаштирган бюджет жараёни қўлланилади. Швеция ҳукумати ва парламенти бир неча йилга мўлжаллаб ҳисобланган ва молиявий иктисодга (*сильдо*) ҳам, давлатнинг жами харажатларига ҳам тегишли бўлган чеклашларга амал қилади. Ушбу чеклашлардан келиб чиқиб, давлат харажатлари аввал харажатларнинг 27 соҳасига, сўнгра 525 моддага ажратилади.

Ислох қилинган бюджет жараёни 90-йилларнинг биринчи ярмидаги иккироздан сўнг давлат молиясини соғломлаштиришга ёрдам берди. У миллий иқтисодиёт жуда яхши ривожланган. давлат даромадлари бюджетни жадал суръатларда тўлдирган даврда давлат харажатларини оқилона доирада сақлашга ҳам кўмаклашди.

Канадада қабул қилинган ёндашув Англияда қўлланиладиган ёндашувга жуда ўхшаш. Канада ҳукумати қўллайдиган “Харажатларни бошқариш тизими” фискал интизомни мустаҳкамлашга кўмаклашадиган ва федерал ҳукуматга фискал сиёсат мақсадларига эришишга ёрдам беради. Канадада амал қилувчи ёндашувга мувофиқ фискал стратегиянинг ўрта муддатли мақсадларини, шунингдек, вазирликларнинг кўп йиллик даврга мўлжалланган харажатлари бўйича лимитларни Ғазначилик кенгаши белгилайди. Ушбу лимитлар доирасида тармоқ вазирликлари уч йиллик даврни камраб олувчи “ўрта муддатли бизнес-режалар” ишлаб чиқади. Вазирликларнинг бизнес-режаларида тегишли вазирлик ёки идоранинг бўлғуси давр учун мўлжалланган стратегияси, тадбирлар ва харажатлар белгиланади. Улар вазирлик у ёки бу дастурларнинг натижаларини ва уларнинг самарадорлик даражасини ўлчашда фойдаланадиган кўрсаткичларни ҳам ўз ичига олади. Ғазначилик кенгаши белгиланган чеклашлар доирасида вазирликлар ўз фаолиятининг устувор йўналишларини ўзлари белгилайдилар ва ресурсларни энг муҳим дастурлар молиялаштирилишини таъминлайдиган тарзда тақсимлайдилар. Вазирликларнинг бизнес-режалари федерал бюджет ҳужжати таркибига киритилади.

Австралия кўп йиллик бюджетни режалаштиришга нисбатан ўзига хос ёндашувни намойиш этади. Бу ёндашув Британия Ҳамдўстлиги мамлакатларига шу маънода хоски, унда фискал интизомни рағбатлантириш учун бюджетни режалаштиришга нисбатан ўсувчи ёндашув қўлланилади, бунда фискал ташаббусларни (маблагларни сарфлаш бўйича таклифлари) ишлаб чиқиш учун жавобгарлик тармоқ вазирликларига юклатилади. Аммо харажатлар бўйича лимитлар белгиланадиган ва харажатларнинг ўрта муддатли режалари ишлаб чиқилмайдиган Англия ва Канададан фаркли ўлароқ, Австралияда “харажатларнинг энг катта ҳажми” келгуси йил учун ўсувчи бюджет таклифларини ишлаб чиқишга асос бўлади. Бўлғуси йилдан кейинги йилларга келсак, харажатларнинг ўрта муддатли баҳолари Австралияда келгуси йил бюджетига киритилган барча қарорлар ўзгарисиз қолади, деган тахминга асосланган бўлғуси харажатларни акс эттиради. Австралияда бюджет жараёни иштирокчилари ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши Британия Ҳамдўстлигининг бошқа мамлакатлари амалиётидан фарк қилади. Австралияда харажатларнинг баҳоларини тармоқ вазирликлари эмас, балки Молия вазирлиги тайёрлайди ва бу баҳоларга бюджет жараёни мобайнида вақти-вақти билан аниқлик киритиб борилади.

Янги Зеландия бир неча йилдан бери бюджет ислохотларининг яловбардори ҳисобланади. 1994 йилда фискал интизомни мустаҳкамлаш ва қабул қилинмаётган бюджетнинг очиклигини кучайтириш мақсадида бу мамлакатда “Фискал жавобгарлик тўғрисида” қонун қабул қилинди. Ушбу қонуннинг хусусияти шу билан белгиланадики, унда марказий ҳукумат фискал жиҳатдан масъул бюджет амалиётинга риоя этишини назарда тутди. Аммо бунда бирон-бир конкрет фискал ёки бюджет мақсадлари (мақсадли кўрсаткичлар) белгиланмаган. Шунга қарамай, қонунда ҳисоботга (маълумотлар беришга) ўта қаттиқ талаблар қўйилган. Келгуси йил учун бюджетни шакллантириш жараёни бошлангунга қадар Янги Зеландия ҳукумати “Бюджет сиёсати тўғрисида”ги низомни парламент муҳокамасига киритади. Бу ҳужжат ҳукуматнинг келгуси йил учун фискал режасини, шунингдек, ўрта муддатли фискал стратегия вазифаларини ўз ичига олади. Парламентга бюджет расмий тақдим этилиши билан бир вақтда, яна бир ҳужжат – “Фискал стратегия тўғрисида”ги низом ҳам эълон қилинади. Бу ҳужжатда даромадлар ва харажатларнинг янгилашган (аниқлаштирилган) ўрта муддатли баҳолари келтирилади ҳамда бюджет лойиҳаси билан “Бюджет сиёсати тўғрисида”ги низомда таърифланган вазифалар ва стратегиялар ўртасидаги тафовутларнинг (агар улар бўлса) сабаблари

тушунтирилади. Янги Зеландияда вақти-вақти билан ҳукуматнинг ўрта муддатли фискал ва иктисодий прогнозлари ҳам ишлаб чиқилади. Улар мустақил (нодавлат) агентликлар томонидан тузилган шундай прогнозлар билан солиштирилади. Мазкур ёндашув бюджет жараёнининг ўта очиклигига эришиш имкониятини беради, унда қабул қилинаётган қарорларни асослашга қатъа эътибор берилди ва бюджет ресурслари ўта самарали тақсимлангани таъминланади.

АҚШда бюджет жараёни мобайнида тузиладиган ўрта муддатли бюджет баҳолари у ёки бу қарорлар давлатнинг фискал стратегияси билан мувофиқ эмаслигини (масалан, бюджет тақчиллигини пайсатириш вазифасига мувофиқ келмаслигини) эрта аниқлаш тизими бўлиб хизмат қилади.

АҚШда федерал бюджет бир йил олдинга тузилади, лекин у бир қанча элементларни ўз ичига олади. Уларнинг энг муҳими – капитал қўйилмаларнинг баъзи бир лойиҳалари бўйича бюджетдан ўрта муддатли ажратмалар. Бундан ташқари, федерал бюджетга бўлган бюджет йили плюс яна тўрт йил учун даромадлар ва харажатлар баҳолаётганини икки гуруҳи киритилади. Уларнинг бири ҳукумат сибсати ўзгаришсиз қолади деган тахминдан келиб чиқиб, кутилаётган даромадлар ва харажатларни бир неча йил олдин ақс эттиради, иккинчиси – ҳукумат таклиф қилинган қарорларни қабул қилган ҳолда кутилаётган даромадлар ва харажатларни ақс эттиради. Федерал ҳукуматдан ташқари, ўрта муддатли бюджетни режалаштириш билан қўпгина штатлар ҳам шугулланади, масалан, икки йиллик бюджетларни ишлаб чиқади ва қабул қилади. Бюджет жараёни мобайнида маъмурий тайёрлаган, бюджет лойиҳасида ифодаланган даромад тушумларини таъминлаш бўйича таклифлар амалга оширилган тақдирда йилгилиши мумкин бўлган даромадларнинг суммалари прогноз қилинади. АҚШда “солиқ харажатлари”га алоҳида эътибор қаратилади. Бунда у ёки бу моддалар солиқ солишдан озод қилиниши муносабати билан даромад тушумларининг қисқариши тушунтирилади. Шундай қилиб, АҚШ Конгресси ўрта муддатли контекста муайян харажатлар моддаларининг қийматинингиз эмас, балки айни шу даврдаги “солиқ харажатлари” қийматини ҳам қўриб чиқади.

“Ўрта муддатли НЙБ”ни бюджет лойиҳасини тайёрлаш жараёнига жорий этиш бўйича стратегия ва ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишда бу йўлни босиб ўтган мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олиш лозим. Ривожланган мамлакатларнинг аксариятида секторлар бўйича қатъий бюджет чеклашлари доирасида харажатларни ўрта муддатли режалаштириш (МТЭФ) элементларини жорий этиш бир неча ўн йилликлар мобайнида натижага йўналтирилган бюджетлаштириш (НЙБ) ва бюджет жараёни комплекс ислохотининг бошқа элементларини жорий этиш билан уйғунликда, шунингдек, маъмурий ислохот, институционал ислохот, ишлаб чиқиётган ҳамда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий дастурларни ислох қилиш билан узвий алоқада амалга оширилган.

Ўрта муддатли бюджетлаштириш унсурларини кенг миқёсда ва нисбатан жadal суръатларда (5-10 йил) жорий этишга уринишлар сўнгги ўн йилликда бир қанча ривожланаётган мамлакатларда, асосан *Жаҳон банки* ва бошқа донорлар мадади асосида бюджет ислохотининг бошқа йўналишлари билан параллел тарзда ёки улардан илдамроқ амалга оширилди. Бу жараён ҳали ҳеч қаерда тугаллангани йўқ.

Айрим собиқ кттифок мамлакатларида, масалан, *Болтиқбўйи ва ҳозирги МДХ* мамлакатларида МТЭФни жорий этишга сўнгги уч йил ичиде киришилди. Бу ерда сабоқлар олиш учун етарли тажриба ҳали тўпланганича йўқ.

Бутунги кунда *Россияда* секторлар бўйича қатъий бюджет чеклашлари доирасида харажатларни ўрта муддатли режалаштириш комплекс тизимининг биринчи босқичи элементларини мавжуд: секторларга бўлинмаган ўрта муддатли жамланган молиявий режа ишлаб чиқилган. Бу режанинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш ўрта муддатли дастури билан алоқаси, шунингдек, навбатдаги йил учун бюджетнинг ўрта муддатли

молиявий режа билан алоқаси қонун йўли билан тартибга солинмаган ва амалда қузатилмайдди.

Шунга қарамай, Россияда макроиктисодий ва молиявий барқарорлашувга эришилди, федерал мақсадли дастурларни ишлаб чиқишнинг қонунчилик базаси яратилди ва амалиёти йўлга қўйилди, 2004 йилги бюджет циклида НИБни жорий этиш йўлида илк қадамлар ташланди. Россияда бюджет ислохоти маъмурий ислохот ва давлат хизмати ислохоти билан бир вақтда амалга оширилмоқда.

1998 йилдан бошлаб, федерал бюджет лойиҳасини асосий молиявий кўрсаткичларнинг ўрта муддатли прогнози асосида ишлаб чиқиш мўлжалланди. Ҳукумат олдида 1998 йил учун бюджетни ўрта муддатли бюджетни режалаштириш билан боғлаш, тузиладиган ва ҳар йили тузатишлар киритиладиган уч йиллик молиявий режага тузатишлар киритиб бориш вазифаси қўйилди. Бу даврда РФ Бюджет кодекси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Унинг таркибига “кўп йиллик бюджетлаштириш элементлари” деб номлаш мумкин бўлган бир ханча нормалар киритилди. Аммо кўп йиллик режалаштириш ва бюджетлаштиришни жорий этиш йўлида биринчи уриниш муваффақиятсиз тугади. Бунга асосан 1998 йилги иктисодий инкироз, шунингдек, 1998-1999 йиллардаги давомли сиёсий бекарорлик сабаб бўлди.

Кўп йиллик бюджетлаштиришга ўтиш йўлида иккинчи уриниш ҳозирги вақтда амалга оширилмоқда. Россия Федерацияси ҳукумати янги принципларга мувофиқ бюджетни шакллантириш усулларини жорий этишни давом эттиришга қарор қилди. Секторлар бўйича катъий бюджет чеклашлари доирасида харажатларни ўрта муддатли режалаштиришга келсак, Россия Молия вазирлиги буни НИБ форматада, яъни шакллар, йўриқномалар ва методик тавсияларни тегишли тарзда тўлдирish ҳамда маромига етказиш йўли билан амалга оширишни таклиф қилди.

Ўрта муддатли бюджетни режалаштиришга нисбатан НХРТ ва Жаҳон банкининг қуйидаги ёндашувларини ўз ичига олади:

- бюджетни режалаштиришнинг ўрта муддатли цикли “юқоридан пастрга” йўналтириладиган, макроиктисодий барқарорликни таъминлаш вазифалари ва аниқ стратегик мўлжаллар билан боғланган ресурслар мажмуини ўзида акс эттиради;
- амалдаги ёки бўлгуси устувор вазифаларни амалга ошириш учун жорий ва ўрта муддатли харажатларнинг баҳолари ва ҳисоб-китоблари “пастан юқорига” юборилади;
- кўп қаррали қарорлар қабул қилиш жараёни ҳисоб-китоб қилинган харажатларни мавжуд (прогнозлаштирилаётган) ресурслар билан боғлашни таъминлайди.

Шундай қилиб, ўрта муддатли бюджетлаштириш борасида хориж тажрибаси ўрта муддатли молиявий режани шакллантириш жараёнига қуйидаги тўрт элемент ҳос эканлигини кўрсатади.

- Биринчидан, кўп йиллик ёки ўрта муддатли молиявий стратегия ишлаб чиқилади.
- Иккинчидан, бюджет жараёни мобайнида даромадлар ва харажатлар бўйича кўп йиллик баҳолар (прогнозлар)ни тайёрлаш талаб этилади.
- Учинчидан, кўп йиллик молиявий режа кўрсаткичларини бир йилдан сўнг олдинга “сиджитиш” ёки “ўтказиш” методологиясини ишлаб чиқиш зарур.
- Тўртинчидан, кўп йиллик бюджетни шакллантириш ва қабул қилиш жараёнида қонунчилик органларининг ролини белгилаш талаб этилади.

4.2. Жаҳон амалиётида БҰМРни тайёрлашнинг институционал жиҳатлари

Перспектив молиявий режаларни ишлаб чиқиш ва умумий вазифаларни ҳал қилишнинг умумий принциплари доирасида уларни амалга ошириш турли мамлакатларда ўз хусусиятларига эга.

Кўп йиллик бюджет баҳоларини ишлаб чиқиш бўйича вазифаларнинг тақсимланиши ҳам бир хил эмас. Айрим мамлакатларда бунинг учун бюджет

департаменти (ёки унинг эквиваленти) жавоб беради (Австралия, Австрия, Германия, АҚШ). Баҳоларни ишлаб чиқиш билан бюджет департаменти шуғулланишни назарда тутувчи ташкилий ечим бир қанча афзалликларга эга. Масалан, кўп йиллик бюджет баҳоларининг барчаси айни бир орган томонидан тайёрланса, бошланғич маълумотларнинг киёсийлиги муаммосини ечиш анча осонлашади. Бундан ташқари, бу тартиб барча ҳисоб-китоблар айни бир методологияга мувофиқ амалга оширилишни кафолатлайди. Бюджет департаменти тайёрлаган баҳоларнинг вазирликларнинг баҳоларидан объективроқ бўлади деб ҳисоблаш учун ҳам асослар йўқ эмас. Кўп йиллик баҳоларни бюджет департаментининг ўзи ҳисоб-китоб қилиши унга бутун бюджет жараёнини назорат қилишда кўпроқ эркинлик беради.

Бошқа томондан, ушбу ёндашувнинг камчилиги шундаки, кўп йиллик кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилиш жараёнидан тармоқ вазирликларининг чиқарилиши улар ва Молия вазирлиги ўртасида қелишмовчиликлар чиқошига имконият яратлади. Бунинг устига, барча ҳисоб-китобларни бюджет департаменти мустақил бажаришига тўғри келиши туфайли, унга тушадиган иш юки янада оғирлашади.

Британия Ҳамдўстлиги мамлакатларида бюджет мажбуриятларининг асосий улуши, шу жумладан, кўп йиллик бюджет баҳоларининг ҳисоб-китоби ҳам, одатда, тармоқ вазирликлари зиммасига тушади. Австралиядан ташқари, Ҳамдўстликнинг барча мамлакатларида кўп йиллик бюджетнинг барча даврлари учун харажатларнинг баҳоларини ҳисоб-китоб қилиш вазифаси тармоқ вазирликларига юклатилади. Бу баҳолар сўнгра Молия вазирлигига (ғазначиликка) тушади. Мазкур орган уларни кўриб чиқади, тасдиқлайди ва тизимлаштиради. Ушбу ёндашувнинг афзаллиги шундаки, у тармоқ вазирликларига ўз сиёсатининг устувор йўналишларини танлаш ва маблагларни тежаш йўллари излашда кўпроқ эркинлик беради. Мазкур ёндашувнинг потенциал камчилиги шундаки, бюджет жараёни устида Молия вазирлигининг назорат даражаси пасаяди. Бундан ташқари, тармоқ вазирликларида қелгусида молиялаштиришга бўлган ўз эҳтиёжларини ошириб, кўрсаткиш йўли билан ўзига кўпроқ ҳажмда ресурслар ажратилишини таъминлаш нияти пайдо бўлиши мумкин.

Икки мамлакат – Германия ва Францияда танланган бюджетни прогнозлаштиришга нисбатан ёндашувларга батафсилроқ тўхталамиз.

Германияда бюджет жараёни марказлаштиришдан чиқарилган ва макрокэкономик прогнозлаштиришни ҳукумат четдан экспертларни жалб қилиш йўли билан амалга оширади. Францияда эса бутун бюджет жараёни, шу жумладан, прогнозлаштириш вазифалари билан Молия вазирлиги шуғулланади. Бундан ташқари, ЕИ билан тузилган битимларга (Маастрихт шартномаси ва у билан боғлиқ бўлган Баркарорлик ва ривожланиш пакти (БРП)га) мувофиқ, Европа Иттифоқининг бу икки аъзоси умумий давлат бошқаруви сектори учун белгиланган фискал параметрларга риоя қилиши лозим. Йиллик тақчиллик учун чеклаш ЯИМнинг 3 фоизи даражасида ва умумий қарзнинг энг кўп миқдори учун чеклаш ЯИМнинг 60 фоизи даражасида белгиланган. БРПга мувофиқ, давлат балансланган бюджетга интилиши, баркарорлик ва ўсишни таъминлашнинг ушбу мақсадли кўрсаткичларга эришиш даражасини акс эттирувчи йиллик дастурларини ишлаб чиқиши лозим.

Харажатларни кўп йиллик дастурлаштириш солиқ-бюджет мақсадли кўрсаткичлари билан боғланган макрокэкономик прогнозларнинг ишончлилигини таъминтади.

Ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб, иктисодий цикллари статистик каторлари-мувофиқ тавсифлаш ва прогнозлаштириш борасидаги харажатлар айрим мамлакатларни ёқ ҳукумат статистика муассасаларининг функцияларини кенгайтиришга, ёки қисқа муддатда иктисодий таҳлил билан шуғулланиш учун янги институтларни яратишга олиб келди.

Бу вазифаларни ҳал қилиш усуллари ҳам кўп сонли баҳс-мунозаралар остида ривожланди. Ҳозирги вақтда қўлланилаётган шундай усулларнинг учтаси бир-бирига

истисно этмайди, лекин ҳар бир мамлакатда улар кўпинча бир-бирига қарима-қарши қўйилади.

(1) Биринчи усул – қисқа муддатли иктисодий таҳлил. У йил доирасида ойлик кўрсаткичларни ўрганишга асосланади. Ўтган аср 50-йиллардан бошлаб бу усул корхоналар раҳбарларининг ўзига бўлган ишонч даражасини ўрганиш билан тўлдирилди. Ушбу ёндашувнинг ишончлиги “сифатли” ҳисобланади ва бухгалтерия баланслари билан ҳам, иктисодий моделлаштириш билан ҳам тўлдирилмайди.

(2) Иккинчи усул – “миллий сўётлар” усули. У йиллик миллий сўётларни юритишни назарда тутди. Бу сўётлар кейинчалик жорий ва келгуси йилга “иктисодий бюджетлар”ни ёки ўртача муддатли прогнозларни тузиш учун татбиқ этилади (“французча” режалаштириш). Улар миллий сўётлар доирасида ифодаланган (кўпинча экспертлар баҳосига асосланган) йиллик оқимларнинг прогнозларидан иборат бўлиб, изчил ва унверсал деб ҳисобланади.

(3) Голландиялик иктисодчи Ян Тилберген (Jan Tinbergen) исми билан боғлиқ бўлган учинчи усул ўтмишда қўзатишган барқарор тенденцияларни эконометрик моделлаштиришга асосланади. Ушбу усул 1936 йил Нидерландияда пайдо бўлган ва динамик режалаштириш учун қўлланилади. У ўтган аср 60-йилларнинг охиригача қўлланилган французча режалаштиришдан бутунлай фарқ қилади.

Германия солиқлар ва бюджетни режалаштиришда юксак даражада очиклик ва ошқораликка эришди. Солиқ-бюджет бошқаруви кенг камровли ва аниқ бажариладиган қонунлар ҳамда ҳуқуқий нормалар мажмуига мувофиқ амалга оширилади. Фискал тизими Германияда марказлаштиришдан чиқарилган ва давлатнинг турли даражалари кенг даражада мустақилликка эга бўлса-да, ягона ҳуқуқий асослар доирасида роллар ҳамда жавобгарлик аниқ белгиланган.

Бюджетлаштириш, ҳисоб юритиш ва ҳисоботнинг оқилона стандартлари давлат бошқарувининг барча даражаларига татбиқ этилади. Узоқ муддатли бюджетни тайёрлаш эса жараяннинг ажралмас қисми ҳисобланади. Айни вақтда, солиқ-бюджет ҳисоботларида шартли мажбуриятлар, қафолатлар, солиқ харажатлари ва капиталдаги улуш акс эттирилади.

Конституция ҳам, Барқарорлик ва ўсишга қўмаклашиш тўғрисидаги қонун ҳам давлат бошқарувининг барча даражаларига аниқ мақсадга қаратилган макроиктисодий кўрсаткичларга эришиш учун масъулиятни юклайди.

Федерал марказ ва федерал ерлар ўз бюджетларини тайёрлашда умумий иктисодий мувозанатга эришиш мақсадини ҳисобга олишлари лозим (Германия Конституциясининг 109-моддаси). Маънаф жалб қилишни федерал марказ инвестиция бюджети суммаси билан чегаралаган (“олтин қоида”) ва федерал ерларнинг аксариятида ҳам шунга ўхшаш нормалар амал қилади. Бошқа ҳолларда маънаф жалб қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилишда федерал марказ ва ерлар мустақилдирлар.

Умумий ҳукумат доирасида бюджетни ишлаб чиқиш Молиявий кенгаш томонидан мувофиқлаштирилади, лекин федерал марказ, ерлар ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари бюджетни белгилашда мустақил бўлганлари боис, уларнинг ўртасида тузиладиган битимлар соф сийсий хусусият касб этади. Ҳукумат прогнозлаштириш учун бирон-бир моделга амал қилмайди, у кўпроқ экспертлар фикрига таянади. Прогноз йилда уч марта: йил бошида Йиллик иктисодий ҳисоботни тузиш учун, сўнгга баҳор ва кузда Солиқ ҳисоб-китоблари бўйича ишчи гуруҳ учун тузилади. Барқарорлик ва ўсишга қўмаклашиш тўғрисидаги қонунда назарда тутилган ҳукуматнинг Йиллик иктисодий ҳисоботи талаб ва тақлифнинг батафсил прогнозларини, шунингдек, ҳукумат прогнозларининг атрофлича таҳлилини ўз ичига олади.

Макроиктисодий прогноз Солиқ ҳисоб-китоблари бўйича ишчи гуруҳ бюджетнинг даромадлар қисмига баҳо беришга замин яратади. Бу гуруҳ даромадларнинг муайян моддаларни бўйича ҳукумат расмий прогнозларини тайёрлаш учун жавоб беради. Шу билан бир вақтда, бюджет учун макроиктисодий кўрсаткичларни ишлаб чиқишининг

хужжатлаштирилган тартиб-таомиллари ҳам мавжуд. Бюджет хужжатларида бюджет прогнозлари ёритилади ва барча макроиктисодий тахминлар жамоатчилик эътиборига ҳавола этилади. Умумий давлат бошқаруви сектори ("умумий ҳукумат") учун туркумларга ажратилган прогнозлар турли манбаларда эълон қилинади.

Узил-кесил қарорни ҳукумат: Канцлер, Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги ва Иктисодиёт вазирлиги қабул қилади. Прогноз устида иш маъбуғда расмий баёнот бериш билан яқунланади ва оммавий ахборот воситаларида, шуниингдек, парламентда бюджет жараёни доирасида муҳокама қилинади.

Франция Молия вазирлиги бюджетни тайёрлаш чоғида, олатда, Иктисодиёт вазирлиги билан бир гуруҳга бирлашади.

Фискал қонунчилик департаменти солиқ-бюджет сиёсатини ишлаб чиқиш учун жавобгар бўлади. Солиқларни йиғиш функцияси Солиқлар бўйича бош директорат ва Акцизлар бўйича бош директорат ўртасида тақсимланган.

Давлат бюджети Бюджет директорати томонидан тайёрланади ва бошқарилади. Бунда ҳисоб юритиш ва бюджетнинг молиявий ижросини Давлат ҳисоб директорати амалга оширади. Ушбу директорат ҳисоб юритиш ҳамда маҳаллий бошқарув органларининг газначилиги учун жавоб беради.

Прогнозлаштириш директорати прогноз қилиш учун асосий иктисодий тенденциялар ва ички ресурсларни ўрганади. У қуйидаги беш кичик директоратни ўз ичига олади:

- Макроиктисодий прогнозлар кичик директоратини. Прогнозлаштириш ва мониторинг юритиш вазифалари юклатилган ушбу кичик директорат уч бўлим: моделга мувофиқ миллий прогнозлар, халқаро алоқалар ва мониторинг бўлимларидан иборат;

- Макроиктисодий сиёсат кичик директоратини. Унинг вазифаси Европадаги интеграция ва глобаллашув жараёналари контекстида макроиктисодий сиёсатнинг таъсиринга баҳо беришдан иборат;

- Тармоққа оид сиёсат кичик директоратини. У тармоқ таҳлили орқали иктисодий сиёсатга диагноз қўяди;

- Пенсия тизими кичик директоратини.

Бундан ташқари, Директорат Миллий иктисодий комиссиянинг иши ҳамда "Иктисодиёт ва прогнозлаштириш" ахборотномасини чиқариш учун жавоб беради. Миллий иктисодий комиссия диагностика ва прогнозлаштиришда илмий ва ишбилармонлик давралари вакилларининг иштирокини таъминлаш механизми ҳисобланади.

Давлат бюджетини Бюджет директорати Молия вазирлиги раҳбарлигида тузади. Бюджет директорати бюджетни тайёрлаш ва ижро этиш тартиб-таомилларида асосий ролни ўйнайди. Ҳар йили 31 декабрғача амалга ошириладиган парламентда овоз бериш ҳукумат таклифларига, айниқса, харажатларга доир таклифларга тузатишлар киритади.

Конституциявий кенгаш (ҳукумат қарорларининг конституциявийлиги устидан берилган шикоятларни кўрувчи мустақил орган) текширувдан ўтганидан сўнг бюджет ҳар бир вазирлик томонидан ижро этилади. Тегинли вазирлик ушбу мақсадларда марказий ва маҳаллий бюджетларни тақсимловчиларни тайинлайди.

Бюджетни режалаштириш соҳасида энг мақбул амалиётларга мисоллар
(Standard&Poor's рейтинг агентлигининг ҳисоботи асосида)

Австралия. Молиявий менежмент сиёсатини ва қўлланиладиган амалиётларни танлашда барча штатлар эркин, лекин инфорацион очикликни кучайтириш ҳамда энг мақбул молиявий амалиётлар қўлланилишини таъминлашга таъсир этиши мумкин бўлган сиёсий маданият мамлакатда ҳақиқатан шакланганича йўқ. Ҳозирги вақтда барча штатларнинг маъмуриятлари ўрта муддатли молиявий сиёсатдан фойдаланади. Ушбу сиёсат ўрта муддатли даврга мўлжалланган молиявий менежмент вазифалари ва мақсадларини белгилайди. Бу принципларнинг айримлари қонун йўли билан мустаҳкамланган ва ҳокимият органлари фаолиятнинг молиявий натижалари ҳақидаги ахборотни ҳар йили

эълон килишга мажбур. Турли штатлар ҳар хил мақсад ва вазифаларни қўядилар, лекин бюджет баланси ёки профитига риоя этиш, қарзларга ўз вақтида хизмат кўрсатиш ва уларни қайтариш, солиқ юқининг ортинга қаршилик кўрсатиш, харажатларнинг ўсишини назорат қилиш, рискларни бошқариш, одатда, барча штатлар учун умумийдир. Фискал сиёсатга келсак, маъмуриятлар солиқларнинг ставкаларини исталган даражада чеклашларсиз белгилашлари мумкин. Бирок сиёсий чеклашлар белгиланишига таъсир кўрсатувчи асосий омил турли штатлардаги ҳар хил солиқларнинг солиштирилишидир. Сўнги йилларда хизматлардан фойдаланувчилардан ҳақ олиш ҳолларининг кўпайиши қузатилмоқда. Айни вақтда коммунал корхоналарнинг хизматлари учун тарифларнинг ўсиши рақобат мавжудлиги билан, шунингдек, улар мустақил ташкилотлар томонидан тартибга солиниши билан чекланган.

Янги Зеландия. Маҳаллий ҳокимият органларига анча кенг мустақиллик берилган бўлса-да, улар мавжуд қонунчилик доирасида қуйидаги талабларга риоя этишлари лозим:

- Ҳар уч йилга мўлжалланган молиявий стратегия лойиҳасини тузиш. Бу ҳужжат танланган стратегия ҳақида батафсил ахборотни ва 10 йил муддатга мўлжалланган молиявий прогнозни ўзида ақс эттиради. Бунда йиллик бюджетлар танланган стратегияга мувофиқ бўлиши талаб этилади.

- Фаолиятнинг ҳар бир тури учун аниқ мақсадлар ва эҳтимол тутилаган натижаларни белгилаш, кейинги уч йил мобайнида риоя этилиши лозим бўлган тегишли сиёсатни танлаш, муайян кўрсаткичларга эришиш учун зарур бўлган ишлар ҳажмини муштаҳамлаш.

- Қўйилган мақсадларни ҳисобга олиб, фаолият натижаларига баҳо бериш.

- Келгуси 5-10 йилга мўлжалланган активларни бошқариш сиёсатини шакллантириш. Активларни бошқариш режаси қуйидаги принципларга мувофиқ келиши лозим:

- активларни (асосан ижтимоий инфратузилма объектлари, масалан, йўлларни) жонз ҳолатда сақлашда ҳокимият органларига ёрдам кўрсатиш;

- инфратузилма объектларини сақлашга кўпроқ миқдорда харажатлар талаб этилиши мумкин бўлган даврларга махсус кичик режаларни назарда тутиш;

- маҳаллий ҳокимият органларининг мавжуд сиёсатини қайта қуришга ҳаракат қилиш – эски инфратузилма объектларини қувватлаш ўрнига янгиларини яратиш;

- маҳаллий ҳокимият органлари томонидан кўрсатиладиган барча хизматлар рўйхатини белгилаш ва уларни икки гуруҳга ажратиш:

- биринчи навбатда, молиялаштирилиши лозим бўлган “реал ижтимоий неъматлар”;

- истеъмолчига шахсий наф кўриш имкониятини берадиган ва истеъмолчиларнинг тўловлари ҳисобидан молиялаштирилиши лозим бўлган хизматлар.

Хизматлар рўйхатини тақдим этиш мажбурий бўлса-да, уларни молиялаштириш усули қонун йўли билан муштаҳамланмаган, бинобарин, маҳаллий ҳокимият органлари манёвр қилиш имкониятига эга. Бу ерда гап молиялаштириш масалаларига очик ва ошқора тус бериш, уларни ечишни сайлаб қўйиладиган ҳокимият органига баъриктиришдан иборат.

Франция. Францияда бюджет жараёни бир қанча хусусиятларга эга. Йиллик бюджетни тайёрлаш ва тасдиқлаш босқичлари қонун йўли билан аниқ белгиланган:

- ҳокимият вакиллик органида (ассамблеяда) дастлабки тарзда муҳокама қилиш. Бунда келгуси йил учун бюджетнинг асосий параметрлари белгиланади. Ушбу босқичда ҳеч қандай қарорлар қабул қилинмайди;

- муниципал газначи асосий молиявий параметрларни ассамблеяга тақдим этади;

- ассамблея солиқларнинг мақбул ставкаларини тасдиқлайди. Сўнгра бюджет қабул қилинади. Минтакаларга нисбатан қуйидаги қонунчилик тартиб-таомиллари амал қилади: агар бюджет минтакавий ассамблеяга тақдим этилганидан сўнг беш кун мобайнида қабул қилинмаса ва муҳолифат айни шу давр мобайнида бюджетнинг муқобил вариантини тақдим этмаса, минтака бошлиғи бюджетнинг тақдим этилган вариантини тасдиқлайди.

Италия. Минтакавий ҳокимият органлари қуйидаги талабларни бажаришлари лозим:

- Йиллик ҳисоботлар келгуси йилнинг 30 июнигача тасдиқланади. Бюджетга оид ва бошқа маҳаллий меъёрлар сайлаб қўйиладиган муниципал маслаҳатчилар томонидан белгиланади.

- Муниципалитетлар ва провинциялар жорий бюджетнинг баланслиғи талабини ҳисобга олган ҳолда кўп йиллик (уч йиллик) бюджетларни тайёрлашлари лозим. Кўп йиллик бюджетларни тузиш зарурияти минтакавий ҳокимият органларини шу жумладан, қарзни бошқариш соҳасида узоқ муддатли сиёсатни ишлаб чиқишга мажбур қилади. Масалаи, инвестицион лойиҳа, уни лойиҳанинг бутун муддати мобайнида молиялаштириш манбалари маълум бўлган ҳолдагина амалга оширила бошлайди.

- Маъмурий ва сиёсий функциялар қонунга мувофиқ ажратилган. Сайлаб қўйиладиган расмий шахслар алмашганида менежерлар ўз лавозимларини доим ҳам тарқ этавермайдилар.

4.3. БЎМРни жорий этиш бораида тўпланган тажрибадан сабоқлар

Қуйида баён этилган сабоқлар асосан БЎМРни жорий этиш сўнгги 5-10 йил мобайнида бюджет ислохотининг бошқа йўналишлари билан параллел ёки улардан илдамроқ амалга оширилган мамлакатларга тааллуқли. БЎМРни жорий этиш асосан Жаҳон банки ва бошқа донорлар малади билан амалга оширилган.

Айни вақтда, ривожланган мамлакатларнинг аксариятида БЎМР элементларини жорий этиш бир неча ўн йилликлар мобайнида натижага йўналтирилган бюджетлаштириш (НИБ) ва бюджет жараёни комплекс ислохотининг бошқа элементларини жорий этиш билан уйғунликда, шунингдек маъмурий ислохот, институционал ислохот, ишлаб чиқилаётган ва амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий дастурларни ислох қилиш билан узвий алоқада амалга оширилган. БЎМР ва НИБни жорий этишнинг "яловбардори" ҳисобланувчи мамлакатларнинг кўпчилигида айни бир вазирлик ижтимоий-иқтисодий ва солиқ-бюджет сиёсати учун жавоб беради.

Айрим собик социалистик мамлакатларда, масалан, Болтиққўйи ва МДХ мамлакатларида БЎМРни жорий этишга сўнгги уч йил ичида киришилди. Бу ерда сабоқлар олиш учун етарли тажриба хали тўпланганича йўқ. Унинг таҳлили Ўзбекистондаги вазиятни илгари иқтисодий ва институционал тизимлари ўхшаш бўлган ушбу мамлакатларда БЎМРни ва бюджет ислохотининг бошқа йўналишларини жорий этиш бораида эришилган тараққиёт билан солиштириш имкониятини беради.

1. БЎМРнинг муваффақияти бюджет ислохотининг бошқа йўналишларида эришилган тараққиёт даражаси билан белгиланади.

МТЕФ бюджет ислохотининг бошқа йўналишлари билан уйғунликда амалга оширилиши лозим

- МТЕФга ўтишга киришишдан олдин давлат харажатларини бошқариш соҳасида энг муҳим муаммоларни комплекс таҳлил қилиш, бунда шу жумладан, кўпгина мамлакатларда Жаҳон банки ташаббуси билан ўтказилган секторлар бўйича бюджет харажатларининг шарҳлари натижаларидан фойдаланиш лозим.

- Бундай таҳлил асосида бюджет таснифи, бюджет ижроси, назорат ва аудит ислохотларини тайёрлаш ва амалга оширишга киришиш, шунингдек, бюджет жараёнининг очик ва ошкоралигини таъминлаш зарур.

- Ҳар қандай ҳолатда МТЕҒни жорий этиш шакллари ва босқичлари мамлакатда мавжуд бўлган давлат харажатларини бошқариш хусусиятлари ва уни ислох қилиш учун мавжуд шароитлар билан боғлиқлиги лозим.

Бюджет харажатларини бошқариш тизими лозим даражада самарали бўлмаган мамлакатларда харажатлар қатъий чекланган бюджет сиёсатининг ўрта муқаддатли цикли тўлақонли амалга оширилиши мумкин эмас. Бу ерда аввал асосий эътиборни бюджет ислохотининг бошқа йўналишига қаратиш, шу билан бир вақтда БЎМРнинг асосий элементларини, энг аввало – реалистик уч йиллик макрон்கисодий ва бюджет прогнозлари ишлаб чиқишни босқичма-босқич жорий этишга киришиш зарур.

Амалиёт сифатли, реалистик макрон்கисодий прогнозлар БЎМРнинг мувафқиятини таъминловчи муҳим элементлардан бири ҳисобланишини кўрсатади.

БЎМРни жорий этиш “мустаҳкам” йиллик бюджетга асосланиши лозим, яъни бюджетнинг ижроси қабул қилинган бюджет тўғрисидаги қонунга мувофиқ келиши даркор. Қабул қилинган бюджет ва унинг амалдаги ижроси ўртасидаги мувофиқлик унинг очик ва ошқоралигини, тегишли тузилмалар ҳамда шахсларнинг жавобгарлигини таъминлашининг зарурий шarti ҳисобланади. Бюджетнинг реал ижроси (яъни фактик харажатлар) парламент қабул қилган бюджетга (яъни тармоқлар, функциялар ва дастурлар бўйича маблағларни сарфлаш режаларига) фақат тахминан мувофиқ келган мамлакатларда БЎМР тармоқ вазириликлари томонидан ҳам, парламент аъзолари томонидан ҳам, фуқаролик жамияти институтлари томонидан ҳам жиддий қабул қилинмаган. Амалда бюджетдан маблағлар ажратилиши қафолатланмаган бир шароитда тармоқ вазириликларини тармоқ стратегияларини ишлаб чиқиш ва харажатларнинг перспектив режаларини тайёрлашга вақт ва маблағ сарфлаш ўринли бўлишига ишонтириш жуда қийин бўлган.

БЎМРнинг мувафқиятини таъминлашда бюджетнинг комплекслиги ёки кенг қамровлиги, яъни бюджетда *давлатнинг барча маблағлари*, шу жумладан донорлар ёрдами, бюджетдан ташқари турли жамғармалар қай даражада ҳисобга олинishi ҳам улкан аҳамиятга эгадир. Давлат ресурслари ва тегишли равишда харажатларнинг қаттагина қисми бюджетдан ташқарида қолган бўлса, БЎМРнинг аҳамияти кескин пасайган.

Айрим мамлакатлар тажрибаси бир қанча асосий ислохотларни БЎМРга ўтишдан олдин, ё унга ўтиш жараёнида амалга ошириш қай даражада муҳим эканлигини кўрсатди. Капитал ва жорий харажатлар бюджетларини бирлаштириш, дастурларни таснифлаш, шунингдек, сифатли газначилик тизими зарурий ислохотларга мисол бўлиши мумкин. Агар БЎМРни жорий этиш бошқа ислохотлардан анча илдамроқ амалга оширилса, у яхши самара бермайди.

2. БЎМРни “вертикал” ва “горизонтал” жорий этиш.

Ислохотни қуйидаги имкониятларга мўслагштириш:

- МТЕҒ ўз моҳиятига кўра иктисодийнинг барча секторларини ва бюджет тизимининг барча даражаларини қамраб олишни назарда тутати, лекин
- уларнинг иштирок этиш даражаси ислохотта тайёрлик даражасига қараб ҳар хил бўлиши мумкин.

Ислохотнинг бошида икки асосий масала: БЎМРни синов тариқасида жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги ва бундай тажриба кўлами тўғрисидаги, шунингдек, мавжуд шароит ва чеклашларни ҳисобга олган ҳолда унинг айрим элементларини жорий этиш кетма-кетлиги тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш талаб этилади.

Ислохотни бир неча тармоқлардагина амалга ошириш БЎМРнинг асосий принципи – комплексликининг бузилишига олиб келади. Шунга қарамай, амалиёт ислохот кенг миқёсда амалга оширила бошланган жойда ҳам охири-оқибатда тажриба айланганини, чунки айрим тармоқлар сифатсиз стратегик режалар ва харажатларнинг асосномаларини

тақдим этиб, ислохотда иштирок этишга қодир эмасликларини намоён қилганларини кўрсатади. Одатда, бюджет ислохотининг дастлабки босқичи кетаётган мамлакатларда кенг қўламли ислохотга техник, молиявий ва ташкилий имкониятлар етишмайди. Шунга қарамай, ҳатто бу ерда ҳам БҰМР элементларини барча тармоқларда, ҳеч бўлмаса примитив даражада жорий этиш (масалан, барча тармоқ вазирликлари учун давлат снбсатининг устувор вазифаларини белгилаш ва шу асосда бюджет ресурсларидан фойдаланиш лимитларини ўрнатиш) тавсия қилинади.

Ислохотга барча тармоқларни, лекин турли даражада жалб қилиш оптимал стратегия бўлур эди, чунки кадрлар малакасини ошириш, тармоқ (вазирлик) ички дастурларини ишлаб чиқиш, бюджет буюртмаларига қўйиладиган янги талабларни қўллаш бўйича тренинглр ўтказиш борасида барча тармоқ вазирликлари ва идораларни лозим даражада қўллаб-қувватлаш имконияти кўпинча мавжуд эмас. Тармоқларни уларнинг муҳимлик даражасига кўра бир неча тоифаларга ажратиш ва ҳар бир тоифага турли талабларни қўйиш мумкин. Масалан:

- 1-тоифа – биринчи даражали аҳамиятга молик тармоқлар – стратегик режалар ишлаб чиқилиши, мақсадлар ва натижалар таърифланиши, дастурлар таснифи амалга оширилиши ва уларнинг ҳар бири учун харажатлар ҳисоб-китоб қилиниши лозим;
- 2-тоифа – ўртача аҳамиятга молик тармоқлар – мақсадлар ва стратегия ишлаб чиқилади, уни амалга ошириш харажатларига тахминий баҳо берилади;
- 3-тоифа – иккинчи даражали аҳамиятга молик тармоқлар – бу ерда дастлабки даврда вазирликлар ва идоралар тегишли департаментлари ходимларининг тренинги билан кифояланиш мумкин.

“Вертикал”, яъни макродаражада, тармоқ даражасида ва бюджет ташкилотлари даражасида жорий этишга келсак, дастлабки икки даража дарҳол камраб олинмиш лозим. БҰМРни жорий этишга киришар, лекин бунда прогноزلантиришни тақомиллаштириш билан кифояланар экан, мамлакат ислохотни техник жиҳатдан ўта мураккаблаштириб ва бошқа муҳим йўналишларни эътибордан четда қолдириб, ислохотни амалга оширишга сарфланган бор куч ва маблағларни йўққа чиқариши мумкин. Бунинг устига, макронектисодий прогнозлар сифати БҰМРни самарали амалга оширишнинг муҳим омилли саналса-да, бундай прогнозлар дастлабки босқичда ҳаддан ташқари мураккаб бўлмаслиги керак. Прогноزلантириш тизимига керагидан ортик даражада эътибор берилганида БҰМРнинг конкретлиги ва баланслилиги йўқолиши хавфи тутилади.

3. Ислохотни бошқаришнинг энг муҳим масалалари.

МТЕФни йиллик бюджет жараёнига жорий этиш

- МТЕФ параллел тақорловчи тизим сифатида амал қилмаслиги керак. МТЕФни мавжуд бюджет жараёни доирасидан ташқарида (унга параллел тарзда) жорий этишга уринишлар кўп сонли хатолар ва кийинчиликларга олиб келди.
- МТЕФнинг энг муҳим элементлари мавжуд бюджет жараёнига аввал-бошданок жорий этилиши лозим. Бунда мазкур жараён доирасида келгуси йилга тасдиқланган бюджет МТЕФнинг биринчи йили ҳисобланади.
- МТЕФ доирасида бюджет йилдан ташқаридаги прогнозлар ҳам Молия вазирлиги томонидан тайёрланиши ва ҳукуматга бюджетга доир ҳужжатларнинг бир қисми сифатида тақдим этилиши лозим.

БҰМР таркибий қисмлари ишлаб чиқилишига қараб, улар бюджет жараёнига *аввал-бошданок* киритилиши лозим; бюджет ва БҰМР тартиб-таомиллари *параллел мавжуд бўлмаслиги* керак. Шундай қилиб, керакли кетма-кетликни пухта ишлаб чиқиш масаласи янада муҳимроқ аҳамият касб этади ва ислохотнинг энг мураккаб жиҳатларидан бирига айланади. Шу туфайли ҳам БҰМРни жорий этишнинг биринчи йили, айниқса, муҳимдир. Режалаштиришдаги хатолар, реалистик бўлмаган муддатлар ислохотни унинг бошидаёқ *обрусилаштириш* мумкин.

БЎМРни тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёни, яъни тартиб-таомиллари ҳам жуда муҳимдир. БЎМР бўйича иш йиллик бюджетни кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёнининг таркибий қисмига айланса, тартиб-таомиллар масаласи ўз-ўзидан ҳал бўлади. Акс ҳолда БЎМРни тасдиқлаш махсус тартиб-таомиллари ишлаб чиқиши лозим. Ҳар қандай ҳолатда БЎМРни жорий этиш ўрта муддатли бюджетни техник хусусиятга эга ички ҳужжатдан сиёсий асосланган оммавий ҳужжатга айлантириш билан бирга амалга оширилишига ҳаракат қилмоқ даркор. Бундай натижага эришиш учун БЎМР бюджет жараёнининг бошиданок бутун ҳукуматнинг фаол иштирокида тайёрланиши, энг юқсак сиёсий даражада тасдиқланиши ва ноҳукумат органлари, барча манфаатдор институтлар ва кенг жамоатчилик томонидан муҳокама қилиш учун очик бўлиши керак. Ушбу ёндашувни таъминлашнинг самарали усулларидан бири – БЎМРни йиллик бюджет ҳужжатлари таркибига киритиш ва уни бюджетномада бюджетнинг ажралмас қисми сифатида ифодалаш ҳисобланади. Бундан ташқари, бюджет ва БЎМРни кўриб чиқиш ва шарҳлаш жараёнига фуқаролик жамиятининг турли институтлари вакиллари ҳам киритиш тартиб-таомилларнинг муҳим унсۇрига айланиши лозим.

МТЕҒ ислохотини яхлит бирлаштирувчи жараён сифатида бошқаринг

- МТЕҒ жараёнида тармоқлар Молия вазирлиги тармоқ департаментларининг тенг ҳуқуқли ҳамкорлари сифатида муҳим роль ўйнашлари лозим.
- МТЕҒ учун жавобгарлик одатда тўлагичча Молия вазирлигига юклатилса-да, МТЕҒни жорий этиш бир-бирини тўлдирувчи бир қанча ташкилий тузилмалар томонидан амалга оширилиши, уларнинг айримлари МТЕҒни жорий этиш учун махсус ташкил этилган бўлиши лозим.

Тажриба бюджет бошқармаси бундай комплекс ислохотга раҳбарликни ёлғиз амалга оширишга қодир эмаслигини кўрсатади. Одатда, бу вазифани бажариш билан бир қанча ташкилий тузилмалар шугулланади. Молия вазирлигидан ташқари Иқтисодиёт вазирлиги, Режалаштириш бўйича давлат кўмитаси ёки бошқа шунга ўхшаш органлар ҳам бўлган мамлакатларда улар БЎМРни жорий этишда фаол иштирок этадилар. Аксарият мамлакатлар мавжуд, махсус ташкил этилган бошқарув бирликлари (ишчи гуруҳлари, келишув комиссиялари ва бошқалар)нинг бирикмаларидан ҳам фойдаланади.

Тармоқ вазирликларига келсак, юқорида баён этилганлар ислохотда уларнинг фаол иштироки ҳал қилувчи роль ўйнашини кўрсатади. Бундай иштироксиз БЎМРнинг бюджет ялли даромадлари ва харажатлари прогнозлаштириладиган биринчи босқичинигина амалга ошириш мумкин.

Тармоқ даражасида МТЕҒни жорий этиш жараёнини стандартлаштириш лозим

Тармоқ харажатлар режалари

- Марказлаштирилган тартибда қабул қилинган стандартларга мувофиқ ишлаб чиқиши лозим.
- Очик танишиш учун эълон қилиниши керак.
- Жорий этишнинг реалистик графигига эга бўлмоғи даркор.

БЎМР элементлари ва таркибий қисмларини стандартлаштириш (айниқса тармоқ доирасида) улкан аҳамиятга эгадир. БЎМРни таърифлаш жараёни ташкилий тузилма нуктаи назаридангина эмас, балки барча тармоқларнинг иш натижалари нуктаи назаридан ҳам стандартлаштирилиши лозим. Мазкур ёндашувнинг афзаллиги шундаки, вазирликлар турли методикаларни кашф этишга мустақил ҳаракат қилмасликлари керак, бу ишни Молия вазирлиги ўз зиммасига олиши лозим.

Албатта, бу тармоқлардан фақат стандарт методикаларга риоя қилиш талаб этилади, деган маънони аңлатмайди. Аммо уларнинг мавжудлиги ҳар бир тармоқ вазирлиги ва идоранинг белгиланган стандартларга мувофиқлигини таъминлаш учун жавобгарлигини кучайтиради. Методикаларни ишлаб чиқишда дастурларнинг

ишланмаларини такомиллаштиришга ва бюджет маблағларини сарфлашнинг бевосита натижаларига, яъни кўрсатилаётган хизматларнинг сони ва сифатига ҳамда бюджетдан маблағ олувчиларнинг тегишли мақсадли турухларига уларни кўрсатишнинг ижтимоий-иқтисодий пировард натижаларига тааллуқли бўлган иккиламчи (номолнявий) ахборот сифатини яхшилашга алоҳида урғу берилиши лозим.

4. Ислохотнинг сиёсий ва институционал элементлари.

Сиёсатчилар ва амалдорлар рағбати ислохотнинг муваффақияти учун улкан аҳамиятга эга

• МТЕҒ концепциясини илгари суриш ва уни амалга жорий этишда сиёсий арбоблар ва давлат хизмати ходимлари иштирокини рағбатлантириш бўйича махсус чоралар назарда тутилиши лозим. Амалга оширилаётган ислохотта ишончви кучайтиришга алоҳида чора-тадбирлар мажмуи қаратилиши даркор. Конкрет чоралар ислохотни амалга ошириш контекстига қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Аммо, ҳар қандай ҳолатда ҳам ислохотчилар ислохотга уни амалга ошириш иштирокчилари учун ижобий стимулларни кирита оلسалар, қатта муваффақиятга эришадилар. Ислохотлар сиёсатчилар ва амалдорлар томонидан қўллаб-қувватланиши (шунингдек фаол ёки пассив қаршилиги) улкан аҳамиятга эга эканлигини ислохотларга киришишдан олдин назарда тутиш керак.

БЎМРни жорий этиш амадиёти уни самарали ишга тушириш учун юксак даражада ҳам, вазирликлар ва идоралар ҳамда уларга тобе ташкилотларнинг ходимлари даражасида ҳам сиёсий рағбат ва ислохотларни қўллаб-қувватлаш қай даражада зарур эканлигини кўрсатди. Кўпгина мамлакатларда БЎМРга ўтишда асосий эътибор ислохотнинг сиёсий ёки институционал жиҳатларига эмас, балки унинг техник томонини таъминлашга қаратилди ва бу кўпинча ислохотга тўққинлик қилувчи омилга айланди. Комплекс ислохотнинг, даалат ҳаражатларини ва уларнинг натижаларини бошқариш тизимининг таркибий қисми бўлган БЎМР, одатда, “голиблар” ва “мағлублар”ни, бинобарин, қўллаб-қувватловчиларни ҳам, қаршилиқ кўрсатувчиларни ҳам яратади. Шу туфайли ҳам БЎМРнинг жорий этилишидан манфаатдорликни таъминлаш бўйича фаол иш олиб бориш, яъни ислохотнинг барча асосий иштирокчилари учун стимуллар тизимини яратиш улкан аҳамиятга эгадир.

Тажриба сиёсатчилар бу ислохотни динм ҳам қўллаб-қувватламасликларини кўрсатди. Бу табиий бир ҳолдир. Зеро ислохот уларни кўпгина ҳокимият ваколатлари ва дастакларидан маҳрум этади. БЎМР тайёрланиб қабул қилингандан сўнг ресурсларни тақсимлашни вақти-вақти билан қайта кўриш имкониятлари йўққа чиқади. Бирок, БЎМРни ишлаб чиқиш сиёсий маслаҳатлар ва келишувлар кенг жараёни шаклида амалга оширилган, бундай режалаштириш натижалари аввал-бошдан фойдали ва қонуний деб қаралган бўлса, жамоатчилик фикри қонунбузарликлар ва БЎМРдан огишлар йўлида зарурий гов-тўсиқ ўрнатилишини таъминлашга ёрдам бериши мумкин.

Сиёсий омил ислохотнинг “техник” томонига ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди. Сиёсатчиларнинг турли фикр-мулоҳазалари ва манфаатларини қозғошда ҳисобга олишдан осони йўқ. Масалан, сиёсатчиларда бўлгуси даромадларни қайта баҳолашга рағбат уйғотувчи қудратли омиллар мавжуд. Бюджет тақчиллиги шароитида уларда бюджет ҳаражатларини қисқартириш бўйича оммага мақбул бўлмаган оғир қарорлар қабул қилишни кечга суриш, бундай қарорларни бюджетни тайёрлаш ва муҳокама қилиш босқичидан уни ижро этиш босқичига кўчириш имконияти пайдо бўлади. Бундай чоралар макроекonomie интизомни минимал даражада таъминласа-да, улар бюджет ресурсларини ва улардан фойдаланиш натижаларини бошқаришнинг очкилиги, иқтисодий ва ижтимоий самаралилиги нуқтан назаридан мутлақо шикастли бўлиб, БЎМРга ҳам, бюджет жараёнига ҳам жиддий таҳдид солади.

БЎМРни амалга оширишда конструктив иштирок этишдан амалдорларнинг манфаатдорлигини таъминловчи омиллар ҳам муҳим роль ўйнайди. Молия вазирлиги ва тармок вазирликлари учун рағбатлантириш тизимини яратишда турли ёндашувлар

қўлланиши лозим. Амалиёт тармоқ вазирликлари БЎМРни қўллаб-қувватлашга ҳарор килиши улар мазкур ислохотни ўтказишга ўз ҳаражатлари ва ундан кўрилиши мумкин бўлган фойдага қиёсий баҳо беришга кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини кўрсатади. БЎМРга ўтишнинг ижобий томонлари устувор йўналишларга кўп миқдорда ресурслар ажратишни, бир неча йил олдинга ажратиладиган ресурсларнинг ҳажмларини аниқлаш имкониятини ўз ичига олади. Қўтилаётган фойда ислохотни амалга ошириш ҳаражатлари, энг аввало вазирликларнинг ходимларига тушадиган иш юқининг кўпайиши билан таққосланиши лозим. Кўпгина мамлакатларда тўпланган тажрибага кўра, тармоқ вазирликларининг аксарияти БЎМРнинг ваъда қилинган афзалликларига ишончсизлик билан қараганлар. Бунда улар ислохот иш ҳажми ҳам, унинг оғирлик даражаси ҳам ортишга олиб келишига, одатда, шубҳа қилмаганлар. БЎМРга тўлиқ ўтишда тармоқ вазирликларининг барчаси ҳам иштирок этмаганини айни шу ҳол билан изохлаш мумкин бўлса керак.

Ислохотларнинг ижобий натижасини муайян шароитларда кучайтириш мумкин.

Биринчидан, ҳукумат БЎМР режага мувофиқ қабул қилиниши ва ижро этилишини тармоқларга қаролатлаш орқали муҳим роль ўйнаши мумкин. Бу ерда тармоқ вазирликлари ҳам, Молия вазирлиги ҳам бюджетни прогноз қилиш имкониятини ва унинг барқарорлик даражасини оширишдан амалда манфаатдор бўлишлари лозимлиги назарда тутилади.

Иккинчидан, тармоқ вазирликларида ислохотда ўз иштирокининг сифатидан ўта манфаатдорликларини бюджет маблағлари ёки донорлар ёрдами ҳисобидан ислохотни рағбатлантириш жамғармасини ташкил этиш йўли билан вужудга келтириш мумкин. Ушбу жамғарма маблағлари энг асослантирилган дастурларни тақдим этган ва уларни самарали бажарётган вазирликлар ўртасида тақсимланади. Бу янги шароитда Молия вазирлигининг родини кучайтиради ва айни вақтда унинг олий раҳбарияти ҳамда ходимларида БЎМРни жорий этишда фаол иштирок этишга рағбат уйғотиши мумкин.

5-боб. ЎРТА МУДДАТЛИ БЮДЖЕТ ЛОЙИҲАСИНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИ

5.1. Ўрта муддатли комплекс режалаштириш bosқичлари

Ривожланган мамлакатларнинг аксариятида сўнги ўн йилликлар мобайнида ўтказилган бюджет ислохотларининг асосий элементларидан бири бюджетни ўрта муддатли режалаштиришга ўтишдир. БЎМР доирасида бюджет цикли ўтган бюджет циклида маъқулланган тегишли йил учун ўрта муддатли молиявий режанинг асосий параметрларини кўриб чиқиш, ташки омиллар ва шароитларнинг ўзгаришларини таҳлил қилиш, режалаштириладиган йилнинг асосий бюджет кўрсаткичларига киритиладиган ўзгартiriшларни асослаш, шунингдек прогноз даврининг келгуси йилларга мўлжалланган бюджет лойиҳаларига тузатишлар киритиш ёки уларни ишлаб чиқишдан бошланади.

Шундай қилиб, навбатдаги молия йилига мўлжалланган бюджет ҳар йил янгиланадиган ва бир йил олдинга суриладиган кўп йиллик (қонда тарикасида, уч йиллик) молиявий ҳужжатнинг таркибий қисми ҳисобланади. Бу, бир томондан, давлат снёсатининг ворисийлигини ва бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг тақсимланишини олдиндан белгилаш имкониятини таъминлайди, бошқа томондан эса, уларга давлат снёсатининг мақсадлари ва уларга эришиш шартларига мувофиқ йиллик тузатишларни аниқ белгиланган очик ва ошқора тартиб-таомилларга биноан киритиш имкониятини беради.

Халқаро амалиётда БЎМРни тайёрлаш бюджет жараёнига бир нечта bosқичларни киритиш назарда тутилган.

2-жадвал. Ўрта муддатли комплекс режалаштириш bosқичлари

	Бosқичлар	Мақсадлар	Тадбирлар
1.	Мамлакат иқтисодий-иқтисодий ривожланиши ўрта муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш.	<ul style="list-style-type: none"> • Макрониктисодий прогнозларни тайёрлаш. • Макрониктисодий снёсатнинг устувор йўналишларини белгилаш. • Иқтисодиёт тармоқлари, секторлари ва соҳалари ривожланишининг устувор йўналишлари ва мўлжалларини белгилаш. 	<ul style="list-style-type: none"> • Ўрта муддатли келажакда даромадлар ва харажатларни лойиҳалаш учун иқтисодиётнинг макрониктисодий чегаралари ва устувор йўналишларини белгилаш мақсадида Иқтисодиёт вазирлиги стратегияни ишлаб чиқиш бўйича ташкилий таҳлилий ва прогноз ишини амалга оширади.
2.	Ўрта муддатли (перспектив) молиявий режани тайёрлаш.	<ul style="list-style-type: none"> • Бюджет даромадларини ҳосил қилиш ва тақсимлашда ўрта муддатли тенденцияларни иқтисодиёт ривожланишининг устувор йўналишлари, макрониктисодий прогнозлар ва иқтисодий снёсатни ҳисобга олган ҳолда белгилаш. • Ўрта муддатли келажакка мўлжалланган Давлат бюджетини ишлаб чиқиш учун замин яратиш. • Қонунчилик (вакиллик) органларига иқтисодиёт ва 	<ul style="list-style-type: none"> • Молия вазирлиги навбатдаги молия йили учун мўлжалланган бюджет лойиҳасини тайёрлаш билан бир вақтда ўрта муддатли молиявий режани ишлаб чиқиш бўйича ташкилий иш олиб боради.

		<p>ижтимоий соҳа ривожланишининг эҳтимол тутилаётган ўрта муддатли тенденциялари; ишлаб чиқиладиган ислохотлар, дастурлар ва қонунларнинг молиявий оқибатларини комплекс прогнозлаштириш ҳақида ахборот бериш.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Молиявий сиёсат соҳасида чора-тадбирларни амалга ошириш; узок муддатли салбий тенденцияларни кузатиш ва тегишли чораларни ўз вақтида кўриш зарурияти ва имкониятини аниқлаш. 	
3.	<p>Ўрта муддатли келажак учун мўлжалланган Давлат бюджетини лойиҳалаш.</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Янги ўрта муддатли давр учун бюджетнинг умумий кўрсаткичларини макрониксодий прогнозлар ва устувор вазифаларни ҳисобга олган ҳолда белгилаш. 	<p>Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги иштирокида:</p> <ul style="list-style-type: none"> - бюджет сиёсатининг ўртача муддатли мақсадларини бюджет сиёсати вазифалари билан мувофиқлаштириш бўйича иш олиб боради; - янги ўрта муддатли давр учун мўлжалланган ўрта муддатли бюджет кўрсаткичлари (даромадлар, харажатлар, тақчиллик/профицит) лойиҳаларини шакллантиради; - ресурсларни тармоқлар ўртасида тақсимлаш йўналишларини белгилайди; - тармоқларнинг ўрта муддатли бюджетлари учун лимитларни белгилайди.
4.	<p>Бюджет маблағларини тақсимловчилар учун бюджет харажатлари лимитларини шакллантириш.</p>	<p>Ўрта муддатли даврга мўлжалланган бюджет харажатларининг лимитларини белгилаш.</p>	<p>Молия вазирлиги:</p> <ul style="list-style-type: none"> - бюджет маблағларини мақсадли тақсимлаш борасидаги ишни таъминлайди; - ўрта муддатли бюджет режаси лойиҳасига ва ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларига мувофиқ бюджет харажатларининг лимитларини белгилайди; - бюджетга доир лимитларга асосланган ўрта муддатли мақсадли дастурларни тайёрлашни амалга оширади.

5.	<p>Ўрта муддатли даврга мўлжалланган давлат мақсадли (бюджет) дастурларини ишлаб чиқиш.</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Ўрта муддатли келажакда эришилши лозим бўлган мақсадли параметрларни белгилаш. • Дастурни шу жумладан, бюджет ҳисобидан молиялаштириш манбалари ҳақида маълумотларни (йиллар бўйича) тайёрлаш. 	<p>Бюджет маблағларини бош тақсимловчилар бўлган манфаатдор вазирликлар ва идоралар Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда:</p> <ul style="list-style-type: none"> - мақсадли дастур параметрларини тармоқларнинг ўрта муддатли келажакда ривожланиш мақсадлари, вазифалари, натижалари ва йўналишларининг мувофиқлаштирилганлигини, дастурни амалга оширишнинг кутилаётган ижтимоий-иқтисодий натижалари (самарадорлиги) баҳосини ҳисобга олган ҳолда техник-иқтисодий асослашни; - бюджетни молиялаштириш ҳажмларига қўйиладиган асосланган талабларни тайёрлашни амалга оширади.
6.	<p>Бюджет харажатлари лимитларини мақсадли дастурларнинг параметрлари билан мувофиқлаштириш.</p>	<p>Бюджет маблағларини бош тақсимловчилар тақлиф қилган мақсадли дастурларни амалга ошириш харажатлари ва “нодастурий” харажатларнинг бюджет харажатларининг илгари белгиланган лимитлари доирасида мувофиқлаштирилганлигини таъминлаш.</p>	<p>Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги билан ҳамкорликда бюджет харажатларини бюджет маблағларини бош тақсимловчиларнинг дастурлари билан мувофиқлаштиришни амалга оширади.</p>
7.	<p>Бюджетнинг якуний лойиҳасини тайёрлаш ва сиёсий маъқуллаш.</p>	<p>Келгуси йил учун ва ўрта муддатли келажакка мўлжалланган бюджет лойиҳасини тайёрлаш.</p>	<p>Лойиҳа бюджетини Ҳукумат ва Парламентга тақдим этиш.</p>

10-расм. Макропараметрлар прогнози ва БЎМРни тайёрлаш блокларининг кетма-кетлиги ва ўзаро алоқаси



5.2. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ўрта муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўрта муддатли стратегияси (матнда кейинги ўринларда Стратегия деб юритилади) – иқтисодиётни ривожлантириш мақсад ва мўлжаллари ҳамда уларга эришишнинг давлат томонидан режалаштирилаётган самарали йўллари ва воситаларининг комплекс тизими. Мамлакат ҳукумати қуйидагиларни ўз ичига олувчи Стратегия ишлаб чиқилишини таъминлаш лозим:

- макронктисодий вазиятнинг миқдор кўрсаткичлари ва сифат тавсифини, ўтган даврларда иктисодиёт тармоқлари ва соҳалари ривожланишнинг яқини натижаларини;
- макронктисодий, таркибий ва ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларини;
- мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланиш прогнозларини, шу жумладан, макронктисодий прогнозларини;
- иктисодиётдаги ижобий таркибий ўзгаришлар, илмий-техника салоҳияти, таълим иктисодий фаолият ривожланиш, ишлаб чиқариш ва истеъмол динамикаси, турмуш даражаси ва сифатининг ўсиши, ижтимоий инфратузилма тармоқлари: таълим, соғлиқни сақлаш, экология, санитария ва аҳолини ижтимоий таъминлашнинг прогноз баҳоларини;
- иктисодиёт тармоқлари, секторлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, мақсад ва мўлжалларини;
- устувор вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари ва механизмлари мажмуини.

Мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг ўрта муддатли келажакка мўлжалланган прогнози уч йилдан беш йилгача муддатга ишлаб чиқилади ва ҳар йили унга тузатишлар киритилади.

Иктисодий сиёсат стратегияси. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Ҳукумати ички сиёсатининг эълон қилинган бош мақсадларидан бири ижтимоий, сиёсий ва иктисодий барқарорликка эришиш ва уни сақлашдир. XX аср 90-йилларининг ўрталарида бу мақсад асосан молиявий барқарорликка эришиш сифатида тушунилган бўлса, ҳозирги вақтда гап бутун ижтимоий-сиёсий тизимнинг барқарорлиги ҳақида ва барқарор иктисодий ўсиш ҳақида бораётир.

Ижтимоий-иктисодий ва сиёсий барқарорликка эришиш барча иктисодий субъектлар – корхоналар, молия ташкилотлари, давлат идоралари, уй хўжаликлари учун ўз фаолиятини анча узок муддатга олдиндан режалаштириш имкониятини аниқлатади. Давлат идоралари, хусусан республика ҳокимият органлари учун кўп йиллик режаларни шу жумладан молиявий режалар ва бюджетларни тузиш ҳамда бажариш имконияти ушбу сиёсий мақсадга эришишнинг табиий мезони ҳисобланади.

Аммо имкониятдан ташқари кўп йиллик молиявий режалар ва (ёки) бюджетларни барқарорликка ва иктисодий сиёсатнинг бошқа мақсадларига эришиш воситаси сифатида қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масала ҳам ўз-ўзидан юзага келади. Бу ерда давлат қаршисида қуйидаги муаммо кўндаланг бўлади. Бошқарув объектини барқарорлаштириш вазифаси юклатилган бошқарув субъекти ихтиёрида икки стратегия мавжуд.

Биринчи бошқарув стратегияси – объектнинг ҳолатига мувофиқ равишда таъсир ўтказиш. Бошқарув субъекти объект муҳим кўрсаткичларининг муайян тўпламини кузатади ва мақсадли қийматлар тўпламидан оғиш юз берган ҳолда бошқарувчи параметрларга таъсир кўрсатиб, тизимни мақсадли ҳолатга қайтаради. Бундай ёндашув ўз моҳиятига кўра узок муддатли режалаштиришни истисно этади, чунки бошқарув субъекти исталган вақтда ўзгарган вазиятга тезкорлик билан таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлиши лозим ва шу бос. у илгари тузилган режалар билан боғланмаслиги керак.

Макронктисодий сиёсатда бундай стратегияга мисол бўлиб “нозик ростлаш” (“fine tuning”), яъни инфляция даражаси паст бўлган шароитда тўлиқ бандликни қувватлаш мақсадида макронктисодий тартибга солиш воситаларидан фойдаланиш хизмат қилиши мумкин. XX аср мобайнида кең микёсда амал қилган сўзининг тор маъносидagi “фискал сиёсат” объектнинг ҳолатига мувофиқ равишда, таъсир ўтказиш стратегиясини давлат бюджетининг таркибий қисмларга ажратилган кўрсаткичлари ёрдамида амалга оширишдан бошқа нарса эмас. Иктисодий тушқунлик даврида давлат харажатларини ошириш ва бюджет тақчиллигини кучайтириш, шуниингдек, соликлари пасаитириш тавсия этилади; бандлик юқори даражада бўлган шароитда нарх-навоининг ўсиши жадаллашганида бунга карама-қарши тавсиялар берилади. Бунда юқорида зикр этилган ҳолатлар асосан иктисодий сиёсатдан сиртдаги омиллар таъсирида юзага келиши, ҳукумат ўз ҳаракатлари билан уларнинг таъсирини пасаитиришга ҳаракат қилиши қайд этилади.

Маъмур стратегиянинг афзаллиги унинг мослашувчанлигида намойён бўлади. Айни вақтда, у баъзи бир камчиликлардан ҳам холи эмас. “Нозик ростлаш” стратегиясини турли мамлакатларда фискал ва кредит сиёсати ёрдамида қўллаш тажрибаси ушбу ёндашувга ижтимоий-иқтисодий барқарорликка эришиш омили сифатида қилинган умидлар умуман олганда ўзини оқламаганини кўрсатади. Бунинг айрим сабаблари:

а) техник тизимлардан фарқли ўларок, иқтисодиётга ва умуман жамиятга ўта номуайянлик хос. Шу туфайли ҳам у ёки бу бошқарувчи таъсирларнинг оқибатларини олдиндан айтиш жуда қийин;

б) бюджет сиёсати иқтисодий вазиятга анча кечкиби таъсир кўрсатади (вақт лаги); айни шу сабабли у ёки бу чора-тадбирлар таъсири амалда сезилгунга қадар иқтисодиётдаги ва жамиятдаги вазият кўпинча сезиларли даражада ўзгаради;

с) техник тизимларнинг элементларидан фарқли ўларок, иқтисодий жараёнларнинг иштирокчилари ақл ва ироғага эга бўладилар; улар ўз режаларини давлат ҳаракатларини ҳисобга ола бошлайдилар ва шу тарикка, уларнинг таъсирини нейтраллаштиришлари мумкин. Бу омил сўнгги йилларда глобаллашув ҳамда молия бозорларининг мослашувчанлик даражаси ошиши билан айниқса кучайди;

д) “нозик ростлаш” таркибий қисмларга ажратилган кўрсаткичлар билан чекланади. Шу сабабли ҳатто молиявий ёки макроиқтисодий барқарорликка эришилганида ҳам кенгрок маънодаги ижтимоий-иқтисодий барқарорлик мавжуд бўлмаслиги мумкин, зеро у, ўз навбатида, кўпинча давлат бюджетининг янада муфассалроқ қисмларга бўлинган даромадлар ва харажатлар тузилмасига сезиларли даражада боғлиқ бўлади.

Шу билан бир вақтда, “нозик ростлаш”ни кўп сонли кўрсаткичлар жиҳатидан амалга ошириш мумкин эмас.

Иккинчи бошқарув стратегияси – бошқарувчи параметрларни барқарорлаштириш ва узоқ муддатли режалаштириш. Бошқарув субъекти бошқарувчи параметрларнинг муайян тўпланими қайд этади ёки уларни олдиндан белгиланган тарзда ўзгартиради. Бошқарув объекти маълум давр мобайнида тебранишлар ёки жиддий оғишлардан сўнг максалди ҳолатга қайтади ёки белгиланган траекторияга чиқади. У ёки бу мамлакат иқтисодиётига таъкидланган ушбу ёндашув объектнинг ҳолатига мувофиқ равишда таъсир ўтказиш сиёсатидан иқтисодий ўсишни таъминлашнинг ўрта ва узоқ муддатли дастурларини қабул қилиш фойдасига воз кечишни аниқлатади. Кўп йиллик молиявий режалар ва (ёки) бюджетлардан фойдаланиш зикр этилган стратегияларнинг иккинчиси – бошқарувчи параметрларни барқарорлаштиришга мувофиқ келади.

Ўрта муддатли (кўп йиллик) бюджетлаштириш нафақат молиявий ва иқтисодий барқарорлаштиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади, балки бошқа вазифаларни ҳам ҳал қилиш имкониятини беради. Чунинчи:

- ҳукумат ва қонунчилик органи қарорларига давлатнинг ўрта ва узоқ муддатли молиявий стратегиясига мувофиқлик нуқтан назаридан баҳо бериш;
- бюджет жараёнининг вориёилигини таъминлаш ва фискал интизомни кучайтириш;
- бюджет жараёнининг очкилик ва самаралорлик даражасини ошириш;
- бюджет лойиҳаларини тузишга сарфланадиган вақт ва бошқа ресурслар сарфини тежаш.

Бу вазифаларнинг барчаси Ўзбекистонда амалга оширилаётган бюджет ислохотларининг ҳозирги босқичида мамлакат учун ўта долзарб аҳамият касб этади.

Макроиқтисодий прогнозлар мазмуни. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ўрта муддатли келажак учун мўлжалланган прогнози уч йилдан беш йилгача бўлган даврни қамраб олади. У ижтимоий-иқтисодий сиёсат максалларини ва уларга эришиш йўлларини белгилашга, шунингдек, ушбу максалларга мувофиқ ҳукумат томонидан ишлаб чиқиладиган ўрта муддатли келажакка мўлжалланган ривожланиш дастурига асос бўлади. Маъмур дастурда давлат иқтисодий сиёсатининг институционал ўзгаришлар, ташқи

иктисодий фаолият, инвестицион дастурлар, экология каби йўналишлари бўйича асосий параметрлари аниқланади. Ўрта муддатли прогнозга ҳар йили аниқлик ва тузатишлар киритилади, у қисқа муддатли прогнозни тузиш учун мўлжал бўлиб хизмат қилади. Уни ишлаб чиқиш тартибни ҳукумат белгилайди.

Ушбу прогнознинг асосий қондалари, ривожланишнинг вариантлигини ҳисобга олиб, қисқа муддатли прогнозни тузишда эътиборга олинishi лозим. Қисқа муддатли прогноз ҳукумат иктисодий сиёсатининг жорий тадбирларини шакллантиришда биринчи даражали аҳамият касб этади. У ҳар йили тузилади, бир йилдан икки йилгача бўлган даврни камраб олади ва Парламентга бюджет лойиҳасига қўшиб тақдим этилади.

Навбатдаги молия йили бошланишидан кечи билан 10 ой олдин ижро этувчи ҳокимиятнинг ваколатли органи навбатдаги молия йили учун ривожланишнинг дастлабки прогнозини тузади ва ижтимоий-иктисодий ривожланиш ўрта муддатли прогнози параметрларига аниқлик киритади.

Молия вазирлиги олинган ахборот (энг аввало ЯИМ ҳажми ва динамикаси ҳамда инфляциянинг қутилаётган суръатлари ҳақидаги маълумотлар) асосида келгуси йил ва ўрта муддатли келажак учун давлат бюджети асосий кўрсаткичларининг бошланғич баҳоларини ишлаб чиқишни ташкиллаштиради. Ушбу босқичда ҳукумат тақдим этилган вариантлар орасидан иктисодиёт ривожланишининг прогноз режасини тавлаши лозим. Мазкур режа Молия вазирлиги томонидан тузиладиган бюджетнинг асосий кўрсаткичлари ва уни харажатларнинг вазифа жиҳатидан таснифига мувофиқ тақсимлаш тартибига асос бўлади. Биринчи босқич охирида Ҳукумат давлат бюджетининг асосий кўрсаткичларини қабул қилади. Шундан сўнг Молия вазирлиги ижро этувчи ҳокимият органларига бюджет маблағларини муайян олувчилар ўртасида тақсимлаш учун бюджет лойиҳаларини юборади.

Бюджет лойиҳасини шакллантиришнинг иккинчи босқичида ижро этувчи ҳокимият органлари таклиф қилинган молиялаштириш ҳажмлари доирасида бюджет харажатларининг олувчилар бўйича, вазифа жиҳатидан ва иктисодий тасниф бўйича таркибий тузилишини шакллантирадилар. Шу билан бир вақтда мақсадли дастурларни молиялаштириш параметрлари, зарурий таркибий ўзгаришлар белгиланади ва келишмовчиликлар юзга келган тақдирда бюджет режаларини бажариш учун қабул қилиш талаб этиладиган қонун лойиҳалари шакллантирилади.

Макроиктисодий прогнозлар, биринчидан, мунтазам ва номунтазам, иккинчидан, расмий мақомга ёки ёрдамчи (ишчи) ички ҳужжатлар мақомига эга бўлади. Мунтазам расмий прогнозларга ҳар йили ишлаб чиқиладиган қуйидаги прогнозлар киради:

- ижтимоий-иктисодий ривожланиш прогнози. У реал сектор ва турмуш даражасининг ривожланиш параметрларини ўз ичига олади;

- бюджет даромадлари ва харажатлари прогнози;

- “Давлат пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари” таркибига кирувчи, тўлон баланси кўрсаткичларининг қийматларини, пул таклифининг ўзгариш орилигини ва пул базасининг таркибий тузилишини ўзида акс эттирувчи прогнозлар.

Ушбу прогноз кўрсаткичларидан бюджет кўрсаткичларининг ҳисоб-китоби учун асос сифатида фойдаланилади.

Прогнозлар қуйидаги макроиктисодий кўрсаткичларнинг қутилаётган қийматларини акс эттиради:

- аҳоли, ишчи кучи, иш билан таъминланганлар сонни ва аҳолининг бошқа демографик кўрсаткичлари;

- ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш;

- инфляция ва нарх-навонинг ўзгариши (истеъмол нархлари ва ишлаб чиқарувчиларнинг нархлари индекси);

- иктисодиётнинг асосий тармоқлари (сановат, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар) бўйича ишлаб чиқариш;

• асосий капиталга инвестициялар, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар;

• ташқи иқтисодий фаолият кўрсаткичлари (товарлар экспорти ва импорти ҳажми, жорий операцияларнинг счёти ва бошқалар);

• чакана савдо обороти;

• ишлаб чиқариш омилларининг кўрсаткичлари (иш ҳақи, даромад);

• ижтимоий соҳа кўрсаткичлари, чунончи: аҳоли даромадлари ва харажатларининг таркибий тузилиши, ўрта мактаб ўқувчилари ва касб-хунар коллежи талабаларининг сони, тутилиш коэффициентлари, аҳолининг шифокорлар, ўрта тиббий персонал, шифохона ўрнлари, поликлиникалар ва ижтимоий соҳанинг бошқа объектлари билан таъминланганлик даражаси.

Шундай қилиб, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг прогнозлари, бир томондан, бюджетга тушумларни аниқлаш учун солиқ солиш базасининг прогнозини ҳисоблаш имкониятини беради, бошқа томондан эса – давлат харажатларини режалаштириш учун асос яратди.

Прогнозларни тайёрлаш бўйича асосий ишни Иқтисодиёт вазирлиги бошқа иқтисодий органлар билан ҳамкорликда амалга бажаради.

Макроиқтисодий прогнозлар бўлғуси молия ресурслари жамланмасига баҳо бериш учун асос бўлиши, бошқача айтганда – реалистик перспектив бюджетни режалаштириш учун база бўлиб хизмат қилиши лозим.

Давлат асосан давлат бюджети ва мамлакатнинг бюджет тизими орқали моддий ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасида яратилган ЯИМ ва миллий даромад қийматини тақсимлайди ҳамда қайта тақсимлайди, ўз пул маблағлари жамғармасини (бюджет жамғармасини) ҳосил қилади ва унинг ҳисобидан иқтисодиётнинг айрим тармоқларига молиявий мадад кўрсатади, ижтимоий соҳа, фан, муҳофаза соҳаси ҳамда жамиятнинг бошқа эҳтиёжларини қондириш учун харажатларни молиялаштиришни амалга оширади. Айни шу сабабли молиявий (бюджетни) режалаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни режалаштириш жараёнлари ўртасида узвий алоқа мавжуд.

Бюджет жараёнини, шу жумладан, унинг базавий элементи – бюджет ҳисобини юритишни ислоҳ қилиш жараёни XXI аср бошида жаҳоннинг барча мамлакатларини қамраб олди. Бу ҳол шу билан белгиланадиги, давлат секторида лозим даражада бошқариш макроиқтисодий барқарорликка эришишда ва миллий иқтисодиётларнинг барқарор ўсишини таъминлашда биринчи даражали роль ўйнайди. Лозим даражада бошқаришнинг муҳим жиҳатларидан бири бюджет-солиқ соҳасида очкилик ва ошқоралиқдир. У бюджет-солиқ сисъатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун жавобгар шахсларнинг ҳисобдорлигини кучайтиришни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режалари, бюджетлар ва уларни ижро этиш тўғрисидаги ҳисоботлар, бюджет ҳисобини юритиш ҳамда ҳисоботнинг очиқлигини таъминлашни назарда тутди.

Ўз молиясининг барқарорлигини, ўрта муддатли келажақда функциялар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилишини таъминлашга ҳаракат қилувчи ҳар қандай давлат ўз харажатлари даражасини реалистик макроиқтисодий прогнозлар негизида ҳисоблаши лозим. Бундай прогнозлар давлат харажатлари прогнозларини ва амалдаги харажатларга оид мажбуриятларни бажариш учун харажатларни, шунингдек, даромад оқимлари билан боғлиқ тахминий рисклар баҳосини ўз ичига олиши лозим. Макроиқтисодий прогнозлар ҳуқуматга ўз сисъатини янада барқарорлаштириш имкониятини беради, чуқики янги мажбуриятларни олишга асосли чеклашлар ўрнатиш ҳисобига молия ресурслари билан таъминланмаган харажатлар вужудга келишининг олдини олиш имконияти пайдо бўлади.

Кўп йиллик бюджетлаштиришга ўтиш муаммосини ўрганишда макроиқтисодий прогнозда ҳатога йўл қўйилиши мумкинлигини ҳисобга олиш лозим. Бу, масалан, жаҳон

иктисодиётининг ривожланишидаги номуайяблик билан белгиланиши мумкин. Бунга хом-ашё ва энергия ресурсларига жаҳон нархларининг таҳлили мисол бўлиши мумкин. Нахта, рағли металллар ва газ нархлари макроиктисодий динамика ва бюджет даромадларини белгиловчи ягона омил эмас. Бундан ташқари, энергия ресурслари нархларининг ўзгариши мамлакатга валюта тушумлари ҳажмларига таъсир кўрсатади. Бу валюта бозорининг ҳолатига, халқаро захиралар ва пул базасининг динамикасига ва шу орқали давлатнинг пул-кредит сиёсатига ўз таъсирини кўрсатади.

Охир-оқибатда муҳим макроиктисодий кўрсаткичлар бу ва бошқа турдаги хом ашё ресурсларига ташқи нархлар даражасига боғлиқ бўлиб қолади. Бунинг оқибатлари аксарият макрокўрсаткичларга, чунончи: ЯИМнинг ўсиши, унинг номинал ҳажми, инфляция, валюта айирбошлаш курсига ўз таъсирини кўрсатади. Тегишли равишда, бюджет даромадлари (солиқ базаси ҳисобига ҳам, солиқ ставкалари ҳисобига ҳам) ва айрим харажатлар сезиларли даражада ўзгариши мумкин (масалан, валюта курсининг ўзгариши дарҳол ташқи қарз бўйича тўловларга таъсир кўрсатади).

Бу ерда бюджет ва монетар сиёсатнинг келишилган вариантларини яратиш: харажатлар ва қарзларнинг юзага келаётган шароитларда мўлжалланган монетар кўрсаткичларга эришиш имкониятини берувчи қийматларини белгилаш вазифаси юзага келади. Бунда қабул қилинаётган қарорларнинг ўрта муддатли оқибатларини ҳисобга олиш муҳимдир.

Ўзбекистон иктисодиётининг ривожланишига жаҳон молия ва товар бозорлари таъсирининг бошқа механизмлари ҳам мавжуд. Бу чет эл инвестициялари келиши билан ҳам, ташқи қарзни қайта молиялаштириш имкониятини билан ҳам боғлиқ. Назарий жиҳатдан олиб қараганда, бу ҳолатларни ҳар қандай прогноз ҳисобга олиши лозим. Аммо жаҳон иктисодиёти ривожланишининг зарурий кўрсаткичларини аниқ прогноз қилиш имконияти анча чекланган. Пировадиди макроиктисодий прогнозда ҳаттоликлар эҳтимолли кучаяди.

Бунинг учун бюджет даромадларини ўрта муддатли прогноزلлаштиришни сценарий тарзида белгиланган макроиктисодий шароитлар билан боғлаш методологиясини аниқ белгилаш, макроиктисодий прогнознинг бюджетни режалаштириш учун қўлланиладиган базавий (асосий) вариантни танлаш, прогноزلлаштирилаётган даромадларнинг макроиктисодий кўрсаткичлардаги ва солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларга бардошлилиги даражасига баҳо бериш лозим. Бу ички ва жаҳон иктисодиётидаги тебранишларни ҳисобга олувчи реалистик бюджетни олиш имкониятини беради.

Биринчи босқичда прогнозни ишлаб чиқиш "Иктисодиёт ривожланишининг бошланғич шартлари (гипотезалар)" таърифлашдан бошланади. Ушбу асосда икки хил прогноз: макроиктисодий сиёсатда иктисодиётнинг ривожланиши учун қулай имкониятлар яратадиган ижобий ўзгаришлар ҳақидаги фаразларни ҳисобга олувчи "оптимистик" прогноз ва макроиктисодий сиёсатда жорий тенденциялар сақланишини ҳисобга олувчи "пессимистик" прогноз ишлаб чиқилади. Бу вариантлар ўртасидаги фарқлар *тўғрив* аввало қуйидагилар хусусидаги фаразларда намоён бўлади:

- макроиктисодий сиёсатнинг таркибий ва институционал ислохотларни қўллаб-қувватлаш, инвестицион муҳитни яхшилаш, ишлаб чиқариш омилларининг самарадорлигини оширишга қаратилган воситаларининг ўзгариши. Бу ерда инфляция, валютани айирбошлаш курси, фойз ставкалари кўрсаткичлари, табиий монополиялар маҳсулот тартибга солинувчи нархларининг ўзгариши, ЯИМнинг энергияталаблик даражаси ҳисобга олинади. Баъзан бунга жамланган бюджет харажатларининг ЯИМ таркибидаги улуши ҳам қўшилади;

- у ёқни бу ислохотлар (масалан, пенсия ислохоти; солиқ ислохоти доирасида тақлиф қилинаётган чоралар ва бошқалар) ёхуд ҳукуматнинг муайян қарори (масалан, четдан маблағ жалб қилишдан воз кечиш) олиб келиши мумкин бўлган оқибатларга баҳо бериш;

- жаҳон бозоридаги беқарорликка қараб ташқи шароитлардаги ўзгаришлар миллий иктисодиётнинг ривожланишига кўрсатиши мумкин бўлган таъсирга баҳо бериш. Бунга

ҳом ашё ресурсларига экспорт нархлари ўзгаришларининг таъсирига баҳо бериш, ҳом ашё ресурслари экспортининг эҳтимол тутилган ҳажмлари, жаҳон иқтисодидётининг ўсиш суръатлари, шунингдек ташқи қарз бўйича мамлакат тўловларининг графиги киради.

Иккинчи босқичда асосий макроқўрсаткичлар прогнознини ишлаб чиқиш амалга оширилади. Бу жараён ҳам итерацион тарзда бажарилади. Макроқўрсаткичлар прогнозини ишлаб чиқиш юқорида келтирилган икки вариант бўйича амалга оширилади.

Ҳар бир вариант бўйича ЯИМдан фойдаланиш ва уни ишлаб чиқариш элементларининг ўзгариш баҳолари асосий тармоқлар бўйича (кўпинча эконометрик моделлар ёрдамида) тузилади. Давлат истеъмолнинг белгилашда жамланган бюджет номинал харажатларининг бошланғич баҳоларидан, истеъмол талабини прогностлаштиришда эса – бюджет секторига иш ҳақининг мўлжалланаётган ўзгаришидан фойдаланилади. Ишлаб чиқариш ва экспортга тармоқлар ҳамда товарлар гуруҳлари бўйича баҳо бериш ички ва ташқи бозорлар конъюнктурасини ҳамда ишлаб чиқариш имкониятларини (юқланмаган қувватлар мавжудлиги, инвестицион фаоллик, тармоқнинг молиявий ҳолатини) ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Олинган прогнозларнинг ҳар бирдан қолган қўрсаткичларни аниқлаш учун фойдаланилади. Масалан, ишлаб чиқариш прогнозларини ҳисобга олиб аниқланган даромадлар баҳоси ЯИМдан фойдаланиш счётида хусусий истеъмол прогнозига тузатиш киритишни талаб қилишни мумкин.

Айни шу босқичда макроқўрсаткичларнинг прогноз баҳоларидан келиб чиқиб бюджет сисёатига тегишли қўрсаткичлар: бюджет секторига иш ҳақини ўзгаришининг режалаштирилаётган қўрсаткичлари, давлат хизматларини молиялаштиришга жорий харажатлар миқдори ва давлат харидларининг ҳажмлари ҳам мувофиқлаштирилади.

Агар ҳисобий қўрсаткичлар дастлабки айрим баҳоларга (масалан, хусусий талаб, инвестициялар, экспорт ва импортга доир баҳоларга) зид бўлса, қўшимча итерациялар ўтказилади. Шу тариқа пировардида ЯИМни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш қийматларини мувофиқлаштириш таъминланади.

Солиқ қонунчилигига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолда, прогнозга шу ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда тузатиш киритилади. Тузатиш молия ресурсларини бюджет, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида тақсимлашнинг ўзгаришига ва уларга бўлган талабдаги тегишли ўзгаришларга асосланади. Ишлаб чиқаришга солиқ юки пасайганида, корхоналар олган ютуқ қўшимча капитал жамғариш, ходимларга қўшимча тўловлар, дивидендлар тўлаш ва захираларни кўпайтириш ўртасида (даромаддан фойдаланишнинг амалдаги таркибий тузиллишига мувофиқ) тақсимланади.

Шундан сўнг олдинги босқичда олинган асосий қўрсаткичларга мувофиқ иш билан таъминланганлар сон ва иш ҳақи, корхоналар даромади, аҳолининг даромадлари, истеъмол талаби ва бошқа қўрсаткичлар ҳисобланади.

Учинчи босқичда прогнозларнинг "оптимистик" вариантларини "пессимистик" вариантлар билан қиёсий таҳлил қилиш амалга оширилади. Бу прогнозлар биринчи вариантнинг реалистик хусусиятига урғу бериш учун зарур.

Макропрогноزلарнинг ишлаб чиқилган биринчи варианты Молия вазирлигига ҳамда бошқа вазирликлар ва идораларга келишиш учун юборилади. Идоралар (энг аввало Молия вазирлиги) муайян қўрсаткичлар (ёки уларнинг ўзаро мувофиқлик даражаси) хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини таърифлайди. Буцдан ташқари, прогноз Марказий банк ва ҳукумат экспертлари ўртасида муҳокама қилинади. Муҳокама натижаларига кўра қўрсаткичларга тузатишлар киритилиши мумкин.

5.3. Ўрта муддатли (перспектив) молиявий режани тайёрлаш

Бюджетни режалаштириш жараёнининг иккинчи босқичида Молия вазирлиги ўрта муддатли келажак доирасида ўрта муддатли молиявий режани ишлаб чиқади. Бу ҳужжат навбатдаги молия йили учун бюджет лойиҳаси билан бир вақтда мамлакат ижтимоий-

иктисодий ривожланишининг ўрта муддатли прогнозига мувофиқ шакллантирилади ва бюджетнинг даромадларини йиғиш, маблағ жалб қилиш ва бюджетнинг асосий харажатларини молиялаштириш имкониятлари ҳақидаги прогнозларни ўзида акс эттиради. Перспектив молиявий режа қонун йўли билан тасдиқланмайди.

Перспектив молиявий режа (ПМР) – мамлакат молиявий стратегиясининг кўп соғли элементларини боғловчи ҳужжат. Ундан бюджетни ишлаб чиқишда, муқобилларни текширишда, инвестицион қувватларга баҳо беришда фойдаланилади. ПМР жорий даромадлар ва харажатлар бюджетининг турли элементлари, инвестицияларга бўлган талаб, кафиликлар бериш ва ҳоказолар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тушунтириб бериши лозим. ПМРдан бюджет лойиҳасини шакллантириш, инвестицион қувватларга баҳо бериш, рискларга таъсирчанликни, бюджет-солик сисъатининг ворисийлигини таҳлил қилиш, бюджет параметрларига баҳо беришда фойдаланилади. У инвесторларни тушунтиришга кўмаклашади.

ПМР формати жорий ва капитал харажатлар бюджети турли модаларининг ўзаро алоқасига баҳо бериш имкониятини беради. Ушбу формат норматив талабларгагина эмас, балки бошқаруving амалдаги талабларига ҳам мувофиқ қилини лозим. ПМР шакллари бюджетга доир ҳисобот ахбороти ва прогноз маълумотлари билан тўлдирилади. ПМР ҳокимият ижрония органи томонидан бюджет циклининг бошида тасдиқланади. Ушбу ёндашув йиллик бюджетни кўп йиллик контекста киритиш ва айни вақтда бюджетни ўрта муддатли режалаштиришга нисбатан бошқа ёндашувларга хос бўлган муаммоларни четлаб ўтиш имкониятини беради. Бунда ўрта муддатли прогнозлаштириш шартлари ўта номуайянлиги туфайли дастлабки даврда илгари тасдиқланган параметрларга келгуси бюджет циклида бирон-бир чеклашлар жорий этилмаслиги керак. Шу билан бир вақтда ўрта муддатли молиявий прогнозларнинг ишончлилик даражасини аста-секин ошириш мақсадида ҳар йили амалдаги ва киёсий шароитларда перспектив режа параметрларини тақдим этиш, шунингдек, илгари тасдиқланган кўрсаткичлардан оғиш сабабларини асослаш ҳақидаги талабни киритиш лозим. Бинобарин, ПМР ўрта муддатли молия сисъатига мувофиқ келмайдиган бюджет қарорларини барвақт аниқлаш тизими бўлиб хизмат қилади. Мазкур ёндашув бюджет жараёнига янада очикроқ тус беради ва молиявий интизомни таъминлаш имкониятларини янада кенгайтиради.

Перспектив молиявий режа куйндаги мақсадларда ишлаб чиқилади: иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа ривожланишининг эҳтимол тугилаётган ўрта муддатли тенденциялари ҳақида ахборот бериш; ишлаб чиқилаётган ислохотлар, дастурлар ва қонунларнинг молиявий оқибатларини комплекс прогнозлаштириш; келажакда молия сисъати соҳасида тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш зарурияти ва имкониятларини аниқлаш; уюқ муддатли салбий тенденцияларни кузатиш ва тегишли чораларни ўз вақтида кўриш.


Шу билан бир вақтда ўрта муддатли молиявий режа кўрсаткичларидан ҳоқ органлари (маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари) иқтисодий жараён бошқаришда салбий тенденцияларни аниқлаш, бюджетнинг харажатлар ки шакллантиришда бюджет сисъатининг барқарорлиги ва ворисийлигини таъмин давлат сисъатини комплекс прогнозлаштириш ҳамда баҳолаш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечиш бўйича аниқ чоралар кўриш зарурияти ва имкониятларини аниқлаш учун фойдаланади. Ўрта муддатли молиявий режа параметрлари иқтисодий ривожланиш йўналишларига мувофиқ қилини лозим. Шу туфайли ҳам бюджет харажатларининг муддатли режалаштириш ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнозига асослашнинг уларнинг кўрсаткичлари ўзаро боғлиқлини дарқор.

Перспектив молиявий режа уч йил муддатга ишлаб чиқилади. Бунда: биричи йил – бюджет йили; келгуси икки йил – илгари сурилган иқтисодий сисъат натижалари кузатиладиган режа даври. Перспектив молиявий режани шакллантиришининг таъмин базаси жорий йил ҳисобланади. Перспектив молиявий режага ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг аниқлаштирилган ўрта муддатли прогноз

кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда тузатиш киритилади, бунда режа даври⁵ бир йил олдинга сурилади (11-расм)

Муайян йилда тузилган (яъни режалаштиришнинг муайян даврига мансуб бўлган) перспектив молиявий режа келгуси йилларда тузиладиган молиявий режалар учун ҳеч қандай оқибатларга сабаб бўлмайди ва уларни тузишда ҳисобга олинмаслиги ҳам мумкин.

11-расм. Перспектив молиявий режа



5.4. Давлат бюджетининг ўрта муддатли келажақ учун мўлжалланган кўрсаткичларини лойиҳалаш

Давлат бюджетининг ўрта муддатли келажақ учун мўлжалланган кўрсаткичларини лойиҳалаш навбатдаги молия йили учун мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш билан бир вақтда, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ўрта муддатли стратегиясига мувофиқ амалга оширилади.

Бюджет лойиҳасини тайёрлаш босқичида Молия вазирлиги навбатдаги молия йили учун мўлжалланган Давлат бюджетининг асосий кўрсаткичларини бюджетлар харажатларининг ҳамда ўрта муддатли келажақ учун мўлжалланган бюджетнинг макроаражадаги асосий даромадлари ва харажатлари лойиҳаларининг вазифа жиҳатидан таърифига мувофиқ ишлаб чиқади. Шу билан бир вақтда, навбатдаги молия йилида ва ўрта муддатли келажақда бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақини ҳамда пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларни индексация қилиш ҳақидаги таклифлар кўриб чиқилади.

⁵ "Режа даври" атамасининг мазмуни бу ерда "режалаштириш даври" атамасининг мазмуни билан мувофиқ келади.

Ушбу боскичда Молия вазирлиги тегишли ҳудудий молия органларига ўрта муддатли кесажакка мўлжалланган бюджетлараро муносабатларни шакллантириш методикаси ҳақида хабар беради. Амалда ўрта муддатли лойиҳаларни ҳамда вазирликлар ва идораларнинг таклифларни йиғиш ҳамда уларни ўрта муддатли бюджет лойиҳаларига бирлаштиришни Молия вазирлигининг тегишли ҳудудий бошқармалари амалга оширади.

Секторлар бўйича қатъий бюджет чеклашлари доирасида харажатларни ўрта муддатли режалаштириш (МТЭҒ)ни жорий этиш амалга оширилган мамлакатларда ўрта муддатли бюджетни тайёрлаш марказий бюджет органи (Молия вазирлиги) билан тармок органлари ва бюджет маблағларининг ўзга бош тақсимловчилари ўртасида яқин алоқада (Иктисодиёт вазирлиги кўмағида⁶) амалга оширилади. Бу ўзаро алоқа икки томонлама хусусият касб этиши лозим.

Бюджет даромадлари ва харажатлари умумий суммасини белгилашнинг макроктисодий жиҳатлари. Дастлабки боскичда Молия вазирлиги кенгайтирилган бюджет кўрсаткичлари лойиҳасини ишлаб чиқариш ва ҳукуматга кўриб чиқиш учун тақдим этади. Ушбу кўрсаткичлар давлат бюджети, ҳудудий бюджетлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг даромадлари, жами даромадлари ҳамда фойсиз харажатларининг прогноз миқдорларини ўз ичига олади. Бунинг учун даромадлар ва харажатлар манбаларини молиялаштириш миқдорлари белгиланади. Ҳар бир солиқ бўйича солиқ базаси айрим солиқлар йиғилишининг макроктисодий кўрсаткичлари ва баҳолари (одатда, тренд баҳолар) асосида белгиланади. Бюджет харажатларининг умумий миқдори ҳукумат олиб бораётган бюджет сисъатининг устувор йўналишларидан келиб чиқиб аниқланади.

БЎМРнинг асосий вазифалари солиқ-бюджет сисъатининг муқобил вариантларига баҳо бериш, фискал ва монетар сисъатни мувофиқлаштириш билан боғлиқ.

Бюджет даромадлари ва харажатларини прогноزلаштириш методологияси. Бюджет устида ишлашда давлат даромадлари ва харажатларининг тўғри баҳорилган прогнозлари жуда муҳимдир. Бунда бюджет даромадлари ва харажатларининг ҳар бир моддасига ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, демографик вазият динамикаси, солиқ солиши, дотациялар ва нафақалар тизимларидаги қондаларнинг ўзгариши қандай таъсир кўрсатишига баҳо бериш талаб этилади. Яхши ривожланган бюджет тизимида бюджетнинг ҳар бир моддаси бўйича даромадлар ва харажатларни белгиловчи омилларни тавсифлаш учун озми-кўпми мураккаб математик формулалар қўлланилади. Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ва jisмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи, шунингдек, қўшилган қиймат солиғи билан боғлиқ ҳолда математик шаклда солиқ солиши тизими қондаларига амал қиладиган мураккаб моделлар талаб этилади.

Қондалар тизимлари ҳеч қачон турғун бўлмайди. Солиқлар ва дотацияларни белгилловчи қондаларга ҳар йили ўзгартiriш киритилади. Бунда мазкур ўзгаришларнинг оқибатларини прогнозларда ҳисобга олишга ҳаракат қилиш лозим. Бу анча мушкул вазифа, чунки бу ерда тажрибага таяниш мумкин эмас. Янги қонда жорий этилиши натижасида фуқаролар ҳулк-атвори қандай ўзгаришини аниқ башорат қилиш кийин. Бундан ташқари, мазкур оқибатлар қай даражада тез намоён бўлишини тахмин қилиш ҳам анча оғир иш. Давлат даромадлари ва харажатлари ривожланишининг реалистик прогнозларни тузиш учун аниқ математик моделлар ва ишончли статистикагига эмас, балки қондалар ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўзгариши натижаларини тушуниш учун зарур тажрибани ўзлаштирган ва интуицияни ўзида ривожлантирган ходимлар ҳам зарур.


Улар бюджет-сисъат чеклашлар, шунингдек, бюджетни "юқоридан пастга" қараб шакллантириш модели қўлланилганида алоҳида аҳамият касб этади. Прогнозлар ўта сифатли бўлмаса, бу усулларни қўллаш самара бермайди. Мазкур усулларни қўллаш ҳукумат, вазирликлар ва маъмурият харажатларининг доимо мавжуд бўладиган оғишларни учун жавобгарликни ўз зиммасига олиши лозимлигини назарда тутати. Оғишлар жуда

⁶ Кўпгина ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий ва бюджет сисъатини ишлаб чиқиш вазифаси фақат битта вазирликка (Молия вазирлигига) юклатилган.

катта бўлса, жавобгарликни ўз зиммасига олиш мумкин бўлмайди. Бу ерда парламент аралашини ва бюджетга уни ижро этиш жараёнида ўзгартиришлар киритишига тўғри келади. Натижада мақбул бюджет-сиёсий интизомига амалда эришилмайди.

Солиқ-бюджет сиёсатига доир асосий қарорларнинг қисқа ва ўрта муддатли оқибатларига баҳо бериш молиявий дастурларни тайёрлаш ҳозирги замон назариясига асосланган комплекс макроиктисодий моделлар асосида амалга оширилиши лозим. Бу ўрта муддатли келажак учун мўлжалланган давлат бюджети параметрларини шакллантиришнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш ўрта муддатли прогнозларини фискал сиёсатнинг ўрта муддатли кўрсаткичлари билан мувофиқлаштириш имкониятини берувчи макроиктисодий моделини ишлаб чиқишни талаб этади. Шундай қилиб, моделдан бюджетни ўрта муддатли режалаштириш ва прогнозлаштириш сифатини ошириш учун фойдаланилиши мумкин (12-расм).

12-расм. Бюджетни режалаштириш тизимида фискал сиёсатнинг ўрни



Бундай моделга қўйиладиган асосий талаблар:

- интеграллик, яъни солиқ, бюджет, қарз ва монетар сиёсатнинг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари, ЯИМ кўрсаткичларини бир-бири билан боғлаш;
- моделини қувватлаш ва ундан фойдаланишнинг соддалиги (ахборот базасини янгилашга қўйиладиган талабларнинг чекланганлиги, моделини ўзлаштиришга қўл вақт талаб этилмаслиги);
- моделининг мослашувчанлиги, яъни ундан турли режимларда фойдаланиш мумкинлиги (масалан, харажатлар динамикасини қайд этиш ёки бюджет балансини белгилаш; стериллаш учун зарур маблағларни ҳукуматнинг МБдаги маблағлари ҳисобидан топиш ва ҳоказо).

Шундай қилиб, асосий йўналиш уч ёки тўрт йилга мўлжалланган бюджет прогнозларини тузиш бўлса-да, вақти-вақти билан узоқроқ даврларга мўлжалланган, жамиятдаги чуқурроқ тенденцияларга, хусусан демографик вазият динамикасига таянувчи

прогнозлар ҳам талаб этилиши мумкин. Бундай ҳолларда аҳолининг ўсиши ва унинг ёш тузилиши (ўқувчилар, меҳнатга қобилиятли фуқаролар, нафақахўрлар) динамикасини камраб олувчи ҳисоб-китоблар талаб этилиши ва келажақда иқтисодий сиёсатнинг муҳим омилларига айланиши мумкин.

Бюджет харажатларини белгилашга нисбатан ёндашувлар. Бюджет харажатларини белгилашга нисбатан икки асосий ёндашув мавжуд.

Биринчи ёндашув вазирликларнинг уларга “юқоридан” туширилган харажатлар лимитларига мувофиқ тузилган бюджет талабларига асосланади. Бунда ахборот, қарорлар ва уларга асосланган ҳужжатлар оқими асосан “юқоридан пастга” қараб ҳаракатланади.

Иккинчи ёндашув харажатлар базавий ёки таянч даражасининг ўсишига асосланади (“ўсишли бюджетни режалаштириш”).

Бу ёндашувларнинг умумий жиҳати шундаки, иккаласининг ҳам таянч нуктаси бўлиб харажатлар базавий (таянч) даражасининг ҳисоб-китоби хизмат қилади. Ўрта муддатли бюджет доирасида харажатларнинг базавий даражалари харажатларнинг ўтган йилги баҳоларини бир йил олдинга ўтказиш (аниқлаштириш) йўли билан ҳисобланади.

Ғарбий Европанинг айрим мамлакатларида XX асрнинг 70-80 йилларида анча самарасиз бюджет сиёсати олиб борилган: харажатлар ва солиқ солиш даражаси жадал суръатларда ўсиб борган, бюджет тақчиллиги эса жуда катта бўлган. Ўтган аср 90-йилларида Ғарбий Европа мамлакатларида давлат молиясини соғломлаштириш амалга оширилди, бюджетни тайёрлаш жараёнига янги усуллар киритилди. Натижада бу ерда айрим мамлакатлар бюджет жараёнининг “юқоридан пастга” ҳаракат билан тавсифланадиган, амалда яхши самара берган моделларига ўтди.

Сўнгги йилларда кўпгина ривожланган мамлакатлар бюджетни шакллантиришнинг янги тартибини жорий этдилар. Улар “пастдан юқорига” қараб ҳаракатланувчи бюджет ўрнига “юқоридан пастга” қараб ҳаракатланувчи бюджетни шакллантирмоқдалар. Бу ҳукумат бюджет жараёнини бюджет-сиёсий мақсадларини ёки чеклашларни (маблағ жалб қилиши эктнёж, солиқлар даражаси, харажатлар даражаси ва бошқалар) белгилашдан бошлашни аниқлатади.

Кўпгина мамлакатларнинг бюджет жараёнидаги ўзгаришларни умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, илгари бюджетни унинг таркибий қисмларидан тортиб, яхлит бюджетни олган бўлсалар, эндиликда яхлит бюджетдан бошлаб, унинг таркибий қисмларини олмоқдалар. Ҳўнда қилиб айтганда, мамлакатларнинг ҳукуматлари одатда кўйи турувчи маъмурий тузилмаларда юзага келувчи маблағларни қаддан ташқари каттик бириктириш ҳолларига йўл қўймасликка ҳаракат қилмоқдалар.

Албатта, бу ўта жўн тавсиф. Бирон-бир ҳукумат бюджет қисмлари бўйича қарор қабул қилишда яхлит бюджетни эътибордан соқит этолмайди. Айни вақтда, биронта ҳам ҳукумат бюджет-сиёсий чеклашларни уларнинг доирасида зарурий харажатларни амалга ошириш мумкин эканлигига ишонч ҳосил қилмасдан тасдиқлай олмайди. Бу бюджет жараёнининг “юқоридан пастга” модели соф ҳолатда бирорта ҳам мамлакатда қўлланилмаслигини аниқлатади. Изчил бюджет жараёни сиёсий муҳитда яшаб қолиши учун уни шакллантиришга нисбатан икки ёндашув уйғунлаштирилиши лозим.

“Сирпанувчи бюджет” усулини амалга оширишнинг тўлиқлик даражаси ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Кўп йиллик бюджетни режалаштиришга нисбатан тўлақонли ёндашувлардан бири кўп йиллик сирпанувчи бюджетдир. Бунда ҳукумат парламентга солиқ тушумларини йиғиш ва бюджет харажатлари бўйича кўп йиллик режани тақдим этади. Мазкур ёндашув Германия ва Англияда амалга оширилган. Кўп йиллик бюджетлар қабул қилинган ёки тақлиф этилаётган фискал қарорлар қийматинингига ақс эттирувчи кўп йиллик прогноз баҳолари билан таққослаганда бир қанча афзалликларга эга. Энг муҳими, кўп йиллик бюджетлар бўлгуси фискал қарорлар ёки бўлгуси фискал сиёсатнинг ўта муайянлигини таъминлайди. Бундан ташқари, кўп йиллик бюджетлар бу фискал қарорлар ёки чоралар мамлакатнинг ўрта муддатли молиявий стратегиясига мувофиқ қилишининг

кафолати бўлиб хизмат қилади. Мазкур элементлар бирикмаси изчил ишлаб чиқилган молия сиёсатини таъминлайди.

Макроиктисодий прогнозларни ўрта муддатли бюджет жараёнига самарали татбиқ этиш учун уч даражада бир қатор институционал ўзгаришларни амалга ошириш тавсия этилади.

а) Молия вазирлигида макроиктисодий прогнозлаштириш ва бюджетни режалаштиришнинг ўзаро алоқасини таъминловчи экспертлар гуруҳини ташкил этиш. Бу гуруҳ учта мувофиқлаштирувчи функцияни бажаради:

- бюджетни шакллантириш жараёнида сифатли прогнозларни тайёрлашда қабул қилинадиган нисбий иктисодий фаразлар ҳусусида ягона бир фикрга келиш ва уларни иктисодий ривожланишнинг кузатилаётган ҳамда кутилаётган тенденциялари нуктаи назаридан қайта кўриш;

- ўрта муддатли прогнозларни бюджетни режалаштириш соҳасида ихтисослашган мутахассисларга (шу жумладан, даромадлар ва харажатлар соҳаларидаги сиёсат учун жавобгар шахсларга) кўриб чиқиш учун бериш, прогнозларни улар билан муҳокама қилиш ва бюджетни режалаштириш учун эҳтимол тутилган оқибатлари ҳусусида ягона бир фикрга келиш;

- бюджетнинг у ёки бу вариантларини амалга оширишнинг макроиктисодий оқибатларини муҳокама қилиш, шунингдек, тесқари алоқа каналларидан ахборот олиш. Бу бюджет сиёсати соҳасида қилишилмаган қарорлар қабул қилиниши натижасида юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олиш имкониятини беради.

б) Прогнозлаштириш масалаларини муҳокама қилиш учун Молия вазирлиги, Иктисодиёт вазирлиги, Марказий банк ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг вакилларида идоралараро экспертлар гуруҳини ташкил этиш. Бу гуруҳ бир неча йил олдинга мўлжалланган макроиктисодий прогнозлар ва тегишли давр учун бюджетни режалаштириш ўртасидаги алоқаларга доир техник масалаларни муҳокама қилиши, бу алоқаларни яхшилаш бўйича ўз фикр-мулоҳазалари ва тавсияларини тақлиф этиши лозим. Бу Молия вазирлиги бошқа ташкилотлар ишининг натижаларини олиш билан қиёяланмасдан, техник тафсилотларни муҳокама қилиш жараёнининг тўлақонли иштирокчисига айланishi учун зарур.

в) Кенг, асосан сиёсий даражада барча манфаатдор тарафлар иштирокида мунозара форумини ташкил этиш. Мақсад – уларга бир неча йил олдинга мўлжалланган макроиктисодий прогнозлар ҳақида ахборот бериш. Бу прогнозларни амалга ошириш натижаларининг мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланиши учун оқибатларини ҳисобга олиш ва сиёсатнинг тегишли вариантларини танлашга кўмаклашади. Мазкур форум доирасида макроиктисодий прогнозларни тузишнинг техник жиҳатлари эмас, балки уларнинг натижалари энг муҳим сиёсий вазифалар нуктаи назаридан муҳокама қилинади.

5.5. Бюджет маблагларини тақсимловчилар учун бюджет харажатларининг лимитларини шакллантириш

Бюджетни режалаштиришнинг бу босқичида ҳар бир вазирлик, идора – бюджет маблагларини тақсимловчи бўйича бюджет харажатларининг индикатив лимитлари белгиланади.

“Сиртанувчи бюджет” усули амалга оширилганида, одатда, ҳар бир тармоқ вазирлиги молиялаштириш бўйича ўз талабларини (бюджет буюртмаларини) ўзи учун белгиланган харажатларнинг лимитлари доирасида тайёрлайди. Вазирликлар бўйича харажатларнинг лимитларини Молия вазирлиги давлат сиёсатининг устувор вазифалари, давлат харажатларининг умумий лимити ва ўтган йил харажатларининг аниқлаштирилган баҳоларидан келиб чиқиб белгилайди.

Бошқача айтганда, вазирликлар бўйича лимитлар харажатларнинг ўтган йилги базавий даражаларини янгилаш ва уларга фискал стратегиядаги ўзгаришларни ёки сиёсий ҳолатлардаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритиш йўли билан белгиланади. Бунда тармок вазирликлари бўйича харажатларнинг лимитлари ёки кўп йиллик бюджетнинг бутун даврига (Канада, Англия), ёки фақат келгуси йилга (Германия) белгиланиши мумкин.

Тармок вазирликлари молиялаштиришни талаб этувчи кўп сонли лойиҳаларни киритишлари мумкин. Бюджет муассасалари қўйиб берса молиялаштириш учун жуда кўп қўлдан кўрайдиган ва бу кўпинча бюджет тақчиллигига олиб келади. Бунга йўл қўймаслик учун Ҳукумат республика даражасида ҳам, худудий даражада ҳам бюджет харажатларига чеклашлар белгиланиши лозим. Бу лимитлар ёки чеклашлар ҳар йили ҳукумат даромадлари билан ички ва четдан жалб қилинган маблағлардан келиб чиқиб белгиланиши керак. Энг муҳими – бюджет харажатлари чеклашларининг тегишли даражасини белгилаш керак.

Шундай қилиб, бюджет маблағлари янада самарали ишлатилишини таъминлаш мақсадида, нормативлар (натурал ва молиявий) ва лимитлар қўлланилади.

Тармок вазирликлари молиялаштиришни талаб этувчи кўп сонли лойиҳаларни киритишлари мумкин. Бюджет муассасалари қўйиб берса молиялаштириш учун жуда кўп қўлдан кўрайдиган ва бу кўпинча бюджет тақчиллигига олиб келади. Бунга йўл қўймаслик учун Ҳукумат республика даражасида ҳам, худудий даражада ҳам бюджет харажатларига чеклашлар белгиланиши лозим. Бу лимитлар ёки чеклашлар ҳар йили ҳукумат даромадлари билан ички ва четдан жалб қилинган маблағлардан келиб чиқиб белгиланиши керак. Энг муҳими – бюджет харажатлари чеклашларининг тегишли даражасини белгилаш керак. Шундай қилиб, бюджет маблағлари янада самарали ишлатилишини таъминлаш мақсадида, нормативлар (натурал ва молиявий) ва лимитлар қўлланилади.

Вазирликлар ўз бюджет буюртмаларини Молия вазирлигига юбордилар. Бу ерда буюртмалар кўриб чиқилади, ҳукумат молиявий стратегияси ва устувор сиёсий ҳолатларга мувофиқлик нуктадан назаридан таҳлил қилинади. Тармок вазирликларининг талабларини мавжуд ресурслар билан мувофиқ ҳолатга келтириш учун Молия вазирлиги бىзан улар билан иккала тарафини ҳам қаноатлантирадиган бир қарорга келиш учун муокаралар олиб боришга мажбур бўлади.

Ўсишли бюджетни режалаштириш муайян лимитларга асосланган бюджетни режалаштиришнинг муқобилидир. Ўсишли бюджетни режалаштиришнинг энг соф шаклига Австралия ва Янги Зеландияда дуч келиш мумкин. Ўсишли бюджетни режалаштиришда харажатларнинг базавий даражаси харажатларнинг ўтган йилги баҳоларини янгилаш йўли билан белгиланади.

Ушбу ёндашувда вазирликлардан улар ўз бюджет лойиҳаларини харажатларнинг ўрнатилган лимитлари доирасида нишлаб чиқиш талаб қилинмайди, лекин улар ишнинг асосий йўналишлари бўйича ўз тақчилларини тайёрлашлари ва бу йўналишларни амалга ошириш ресурсларнинг базавий тақсимланишидан қай тарзда фарқ қилишнинг кўрсатишлари талаб этилади. Бунда тармок вазирликлари ўз бюджетда маблағларни тежаш учун имкониятларни мустақил топиллари ва шунинг ҳисобидан янги дастурларни амалга ошириш ёки амалдаги дастурларни кенгайтиришни молиялаштиришлари лозим. Агар вазирликлар ўз бюджетлари доирасида маблағларни тежаб қолишга муваффақ бўсалар, тежалган маблағлар уларнинг ихтиёрида қолади, яъни улардан бу маблағларни "қумумий қозон"га қайтариш талаб қилинмайди. Шунинг эъзига вазирликлар ва идораларда бюджет маблағларини тежаш ва самарадорлигини оширишдан манфаатдорлик пайдо бўлади.

Бюджетни шакллантириш жараёнида бюджет буюртмаларини (вазирликлар бюджетларининг лойиҳаларини) ёки харажатларнинг кўп йиллик кўрсаткичларини тайёрлаш жараёнига молия вазирлиги раҳбарлигининг ҳусусиятида ҳам жиддий фарқлар кузатилади. Масалан, Германия молия вазирлиги вазирликлар бўйича

молиялаштиришнинг умумий лимитларинигина эмас, балки айрим тоифадаги харажатлар миқдорининг юқори чегарасини ҳам белгилайди. Худди шунингдек, Австрия молия вазирига ҳам вазириликлар бўйича харажатларнинг умумий лимитларини ва “меҳнатга ҳақ тўлаш” моддаси бўйича харажатларнинг лимитларини белгилайди. Британия Ҳамдўстлиги мамлакатлари бошқача ёндашуви қўйилади. Бу ерда ресурсларни тақсимлашда вазириликларга қўпроқ эркинлик бериш бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Шундан сўнг ҳукумат давлат органлари – бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг ҳар бирига бюджетдан маблағ ажратиш лимитларини белгилайди. Улар эса ўз навбатида, ўзларининг устувор вазифаларидан келиб чиқиб, олинган лимитларни тобе бюджет маблағларини олувчилар ўртасида тақсимлайдилар.

5.6. Ўрта муддатли даврга мўлжалланган Давлат мақсадли (бюджет) дастурларини ишлаб чиқиш

Ҳукумат бюджет лойиҳасининг асосий параметрларини кўриб чиққач, ижро этувчи ҳокимият ваколатли органи навбатдаги молия йилида Давлат бюджетидан молиялаштирилиши лозим бўлган Давлат мақсадли дастурлари (матнда кейинги ўринда мақсадли дастур деб юритилади) рўйхатини шакллантиради, келгуси йилда ва ўрта муддатли келажақда уларни молиялаштириш ҳажмларини келишади.

Мақсадли дастур – ижро этувчи ҳокимият муайян органи ваколатларига қирувчи қарорлар доирасида ижтимоий муҳим натижаларга эришишга қаратилган ўзаро боғланган талбирлар мажмуи.

Давлат мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш тартиби мамлакат Ҳукуматидаги қарори билан белгиланади. Навбатдаги йил учун бюджет лойиҳасини тайёрлаш жараёнида Давлат мақсадли дастурлари рўйхатини ишлаб чиқиш ва шакллантириш ижро этувчи ҳокимият органи – бюджет маблағларини тақсимловчи томонидан ўрта муддатли даврга мўлжалланган мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш Стратегиясига мувофиқ амалга оширилади.

Тасдиқлаш ва бюджет маблағлари ёки давлат бюджетдан танқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш учун тақлиф қилинаётган ўрта муддатли мақсадли дастур қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- дастур параметрларини техник-иқтисодий асослантиришни;
- ўрта муддатли келажақда эришилиши лозим бўлган мақсадли параметрларни;
- мақсадли дастурни амалга оширишнинг қутилаётган ижтимоий-иқтисодий (экологик) натижалари прогнозини;
- мақсадли дастурларни молиялаштириш ҳажмлари ва манбаларини йиллар бўйича тақсимлаш ҳақидаги маълумотларни.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган мақсадли дастур молиялаштириш ҳажмлари ва манбаларини йиллар бўйича тақсимлаш ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим. Бу талаб амалда бюджет жараёнига қўп йиллик бюджетлаштириш усуруни киритади.

Олдинги молия йилларида бюджетлар таркибида тасдиқланган мақсадли дастурларнинг молиялаштириш навбатдаги молия йилидан олдинги йилларда очилган лойиҳаларида қуйидагилар кўрсатилади:

- кўрсатилган дастурларнинг ҳар бирини тасдиқлашда қабул қилинган Давлат бюджети маблағларининг тақсимланишига мувофиқ навбатдаги молия йили учун мўлжалланган молиялаштириш ҳажми;

- мамлакат Ҳукумати навбатдаги молия йили учун мўлжалланган Давлат бюджети бўлимидаги қонун лойиҳаси таркибида тақлиф қилган навбатдаги молия йили учун молиялаштириш ҳажми;

○ кўрсатилган дастурларнинг ҳар бирини тасдиқлашда қабул қилинган жадвалга мувофиқ ўтган йиллар учун, шунингдек, жорий молия йили учун молиялаштириш ҳажми;

○ ўтган йиллар учун амалда молиялаштириш ҳажми, шунингдек, жорий молия йилида қўйилаётган молиялаштириш;

○ кўрсатилган дастурларнинг ҳар бирини тасдиқлашда қабул қилинган жадвалга мувофиқ навбатдаги молия йилидан кейин келувчи молия йиллари учун мўлжалланган молиялаштириш ҳажми;

○ навбатдаги молия йилидан кейин келувчи молия йиллари учун мўлжалланган молиялаштириш ҳажми.

Мақсадли дастурлар қабул қилинганидан сўнг ижро этувчи ҳокимиятда юзага келадиган бирдан-бир мажбурият – уни навбатдаги йил учун ва узоқ муддатли келажақ учун бюджет лойиҳаларини тайёрлашда ҳисобга олиш зарурияти, лекин бунда у деярлик чекланмаган эркинликка эга бўлади: ижро этувчи ҳокимият ваколатли органи навбатдаги молия йилида Давлат бюджетидан молиялаштирилиши лозим бўлган Давлат мақсадли дастурлари рўйхатини шакллантиради, келгуси йилда ва ўрта муддатли келажақда уларни молиялаштириш ҳажмларини келишади.

Ўрта муддатли мақсадли дастурларни тайёрлашга қўйиладиган асосий талаблар. БЎМРни тайёрлаш босқичида қуйидаги қийинчиликлар туғилиши мумкин:

• вазирликлар ва (ёки) идоралар фаолиятининг дастурий тузилиши бюджет ҳужжати форматига ўтказилганида муайян техник муаммолар юзага келади;

• қонун чиқарувчилар дастурларнинг мақсадларини даражалаштириш ҳусусида камдан-кам ҳолда ягона бир тўхтамага келадилар; бунинг устига, улар айни бир дастур мақсадларини турлича талқин қилишлари мумкин ва бу харажатларнинг устувор йўналишларини таълашга таъсир кўрсатади;

• келгуси йил учун бюджет буюртмаларини тузишда ҳисобга олиш талаб этиладиган дастурларнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик даражасига баҳо бериш учун зарур маълумотлар йўқлиги бюджетни режалаштиришни жорий этиш йўлида жиддий тўсиқ бўлиши мумкин.

Бунинг учун БЎМР давлат мақсадли дастурлари ўртасида ресурсларни тақсимлаш уларни амалга оширишнинг аниқ натижаларига боғлаб ва давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг ўрта муддатли устувор вазифаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозимлигини назарда тутати.

Мақсадли бюджет дастурларига қўйиладиган янги талаблар ўрта муддатли келажаққа мўлжалланган режалаштириш муаммоларини аниқлаш, мақсад ва вазифаларни белгилаш, тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, ресурсларга бўлган эҳтиёжларни асослаш ва буларнинг барчасини эришиш мўлжалланган натижалар (мақсадли кўрсаткичлар) билан бевосита боғлаш орқали амалга оширишдан иборат.

Умуман олганда, мақсадли бюджет дастурини тайёрлашда қуйидаги кетма-кетликка риоя этилиши лозим: жамиятнинг ушбу соҳадаги эҳтиёжлари → давлат бошқарушининг тегишли функцияси → ресурслар → фаолият → бевосита (тўғридан-тўғри) натижалар → пировард натижалар → самарадорлик кўрсаткичлари.

Мақсадли бюджет дастурлари бюджетни режалаштириш субъектлари томонидан белгиланган фаолият соҳаларида давлат сиёсатини амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсад ва вазифаларига эришилишини таъминлаш, давлат бюджетни харажатларнинг унумдорлигини оширишга қаратилган.

Давлат идорасининг бюджет дастурлари икки хил бўлади:

• тасдиқланадиган идоравий мақсадли бюджет дастури (матнда кейинги ўрииларда идоранинг бюджет дастури деб юритилади) – давлат бюджети маблағларини бош тақсимловчи олдиде турган, ўлчанувчан мақсадли индикаторлар билан тавсифланган муайян тактик вазифани ечишга қаратилган ўзаро боғланган тадбирлар мажмуи. Идоранинг мақсадли дастури мустақил ҳужжат ҳисобланади, унинг айрим қоидалари ва

параметрлари бюджетни режалаштириш субъекти фаолиятининг натижалари ҳамда асосий йўналишлари тўғрисидаги маърузага киритилади;

• тахлилий идоравий бюджет дастури (матрида кейинги ўринларда идоранинг тахлилий дастури деб юритилади) – бюджетни режалаштириш субъекти фаолиятининг давлат бюджети маблагларини бош тақсимловчи олдидан турган, ўлчанувчан мақсадли индикаторлар билан тавсифланган муайян тактик вазифани ечишга қаратилган фаолиятининг натижалари ва асосий йўналишлари тўғрисидаги маърузани тайёрлашда тахлилий мақсадларда ажратиладиган тадбирлар мажмуи.

Бюджет мақсадли дастурларини ишлаб чиқишга қўйиладиган асосий талаблар:

• бюджет маблагларини тақсимловчи фаолиятининг соҳасига мувофиқ мақсадларни аниқ таърифлаш;

• мақсадга эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун ресурсларга бўлган эҳтиёжни лозим даражада асослаш;

• бюджетни режалаштириш субъекти ихтиёрида бўлган бюджет муассасалари ўртасида ваколатлар ва ресурсларни аниқ ажратиш;

• дастурга баҳо бериш учун кўрсаткичлар тизимининг мавжудлиги;

• дастурни амалга оширишнинг кутилаётган миқдорий натижаларини таърифлаш;

• бюджет дастурининг тўлиқ қийматини баҳолаш;

• бюджет дастурини амалга ошириш қийматининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

• дастурни амалга ошириш бевосита натижасининг қийматини (дастурни амалга оширишнинг иқтисодий самарадорлигини) ҳисоблаш;

• бюджет дастури доирасида бевосита ва билвосита харажатларни ажратиш.

Мақсадли бюджет дастури бўлимларининг мазмуни.

1. **Дастур паспорти** – ушбу бўлимда дастурнинг барча бўлимлари мазмуни қисқача баён этилади.

2. **Муаммо тавсифи** – дастур қайси муаммони ечишга қаратилган бўлса, шу муаммонинг қисқача тавсифи. Муаммони тавсифлашда унинг аҳамиятига ургу берувчи статистик маълумотлар келтирилиши, шунингдек, уни ечишга қаратилган муайян ҳаракатлар бўлмаган ҳолда муаммони вазиятнинг келгузи ривожланиши билан боғлиқ ҳавфлар кўрсатилиши мумкин. Муаммо тавсифи дастурнинг тегишли бўлимида таърифланган мақсад ва вазифалар билан узвий боғлиқ.

3. **Бюджет дастурининг асосий мақсад ва вазифалари** – мақсад ва вазифалар таърифларини тавсифлаб беради. Мақсад таърифи дастурни амалга оширишнинг ушбу соҳадаги давлат стратегиясига мувофиқ келувчи кутилаётган ижтимоий муҳим пировард натижасини ўзида ақс эттириши лозим. Бунда белгиланган мақсад ҳокимият органининг тегишли норматив-ҳуқуқий ва расмий ҳужжатларда мустаҳкамланган ваколатлари ва имкониятларига мувофиқ келиши керак. Мақсад дастурни амалга оширишнинг барча йўналишларини камраб олиши лозим. Дастурнинг хусусиятига қараб, мақсадлар бир нечта бўлиши мумкин. Аммо мақсадлар сони ҳалдан тапқари кўплиги дастурнинг амал қилиш доираси асоссиз равишда кенгайтишига олиб келиши мумкин. Мақсадларни ишлаб чиқишга қўйиладиган асосий талаблар:

• релевантлик: мақсад бюджетни режалаштириш субъектининг ваколатлари соҳасига мувофиқ келиши лозим;

• ўлчанувчанлик: мақсадга эришганлик миқдорий индикаторлар ёрдамида текширилади;

• эришиш имконияти: мақсадга ўрта муддатли келажақда эришиш мумкин бўлиши керак.

1-мисол. Соғлиқни сақлаш вазирлиги мақсадларининг таркибий тузилиши

1-мақсад. Соғлиқни сақлаш хизматлари аҳоли учун очиклигини таъминлаш

- 1.1-вазифа. Ихтисослашган тиббий ёрдамнинг очиклик даражасини ошириш.
- 1.2-вазифа. Одатдаги тиббий ёрдамнинг очиклик даражасини ошириш.
- 1.3-вазифа. Санатория-курорт ёрдамининг очиклик даражасини ошириш.

2-мақсад. Аҳолининг соғлиқни сақлаш хизматларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш ва уларнинг сифатини ошириш

○ 2.1-вазифа. Соғлиқни сақлаш хизматларининг сифатини ошириш.

○ 2.2-вазифа. Ташхис қўйиш ва даволашнинг махсус усулларини ва мураккаб тиббий технологиялардан фойдаланишни талаб этувчи ўта технологик тиббий ёрдам билан аҳолининг таъминланганлик даражасини ошириш.

○ 2.3-вазифа. Аҳолининг дорн-дармонларга бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш.

○ 2.4-вазифа. Она ва боланинг соғломлик даражасини ошириш.

3-мақсад. Касалланиш даражасини пасайтириш ва соғлиқка таҳдид солувчи бошқа ҳолатларнинг олдини олиш

○ 3.1-вазифа. Аҳолининг санитария-эпидемиологик фаровонлигини ҳамда табиий офатлар ва ҳалокатлар юз берган ҳолда фавқулодда тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш.

○ 3.2-вазифа. Ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга йўлиқиш даражасини пасайтириш.

Бюджет мақсадли дастурини амалга ошириш мантиқини ишлаб чиқишда жамулжам ҳолда амалга оширилиши қўйилган мақсадга эришиш имкониятини берувчи вазифалар таърифланиши лозим. Вазифалар мақсадга эришишнинг айрим йўналишларини конкретлаштиради, уларни ечиш эса муайян муддатда мақсадга эришишни таъминловчи миқдорий ўлчанадиган натижалар олинишини аниқлатади.

Мақсад ва вазифаларни таърифлашда қуйидаги типик хатоларга йўл қўймасликка ҳаркат қилиш керак:

• зарурий натижанинг маъхум тавсифи келтирилган таърифдан фойдаланиш (“вазиятни яхшилаш”, “шароитлар яратиш” ва ҳоказо);

• таърифда ушбу соҳада махсус касбий билимларга эга бўлмаган шахсларга тушунарсиз атамалар ва тушунчалардан фойдаланиш;

• режалаштириладиган натижа талқини нуктаи назардан таърифнинг ноаниқлиги;

• таърифда мазкур мақсад ёки вазифага эришиш оқибатлари ҳисобланувчи ўзга мақсадлар, вазифалар, ҳолатларни ва натижаларни кўрсатиш;

• мақсад ёки вазифа ўз-ўзига эришиш усуллари ва воситалари тавсифи ҳисобланадиган таърифдан фойдаланиш.

Вазифаларни таърифлашда йўл қўйиладиган типик хато шундан иборат: вазифалар давлат сиёсатининг пировард натижаларини тавсифламайди. Масалан, вазифа куйидагича таърифланган: *«Аҳолига сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида моддий-техника базасини такомиллаштириш»*. Аммо мақсадли дастурда ҳар бир вазифанинг амалий ечими, шу жумладан, моддий-техника базасини такомиллаштиришни ҳам назарда тутати. Шу сабабли мазкур вазифани алоҳида ажратишдан воз кечиш таъкиф этилади.

4. Дастурнинг амалга оширилишидан кутиладиган натижалар тавсифи ва мақсадли индикаторлар – ушбу бўлимда дастур амалга оширилиши натижасида олинмадиган ижтимоий муҳим асосий натижалар ҳақида аниқ тушунча берилди. Режалаштириладиган натижалар имкониятга қараб миқдорий ўлчаш мумкин бўлган мақсадли кўрсаткичлар тизими орқали ифодаланади. Бўлимда мақсадли кўрсаткичлар таърифи ва уларнинг режалаштириладиган қийматлари келтирилади. Мақсадли кўрсаткичларнинг қуйидаги турлари фарқланади:

- дастур бевосита натижаларининг кўрсаткичлари (outputs) – кўрсатилаётган бюджет хизматларининг ҳажми, сифати ва олувчилар учун очиклик даражасига баҳо бериш учун имконият яратади (масалан, тиббий ёрдамнинг ҳар хил турлари билан аҳолининг қамраб олинганлик даражаси, тиббий муассасалардаги ўринлар сони, тиббий ёрдам кўрсатишининг ўртача вакти);

- дастур пировард натижаларининг кўрсаткичлари (outcomes) – ушбу бюджет хизматлари уларни олувчиларга кўрсатилиши натижасида эришиладиган ижтимоий муҳим натижага баҳо бериш учун имконият яратади (масалан, ўлим ва касалланиш даражасининг пасайиши, умрнинг ўртача узунлиги ошиши).

Мақсадли кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишда пировард натижаларнинг кўрсаткичлари, улардан фойдаланишнинг иложи бўлмаган ҳолда – бевосита натижаларнинг кўрсаткичлари устун қўйилиши лозим. Бевосита натижаларнинг кўрсаткичларини аниқлашда қийинчиликлар тутилган ҳолда дастурни амалга ошириш жараёнини тавсифлаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланишга йўл қўйилади:

- жараён кўрсаткичларидан (амалга оширилалган тадбирлар моҳиятини ва уларнинг муҳим миқдор ва сифат кўрсаткичларини тавсифлайди);

- ресурслар кўрсаткичларидан (дастурларни амалга оширишда фойдаланиладиган моддий ва номоддий активлар миқдори ҳамда сифатини тавсифлайди).

Давр муддати нуктан назаридан мақсадли кўрсаткичлар якуний (дастурни амалга ошириш охирида эришилади) ва оралик (дастурни амалга оширишнинг айрим давлари: ой, чорак, йил охирида) бўлиши мумкин.

Фойдаланиш учун тақлиф этиладиган мақсадли кўрсаткичлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- адекватлик: кўрсаткич мақсадга эришиш ёки вазифани ҳал этиш йўлидаги тараққиётни аниқ тавсифлаши ва юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг барча муҳим жиҳатларини қамраб олиши лозим;

- объективлик: ҳисобот қийматларининг яхшилангани ишларнинг ҳақиқий ҳолати ёмонлашган ҳолатдагина юз бериши мумкин бўлган кўрсаткичлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди;

- тушунарлилик: кўрсаткичи таърифи ушбу соҳа мутахассисларига ҳам, бошқаларга ҳам тушунарли бўлиши керак;

- ишончлик: бошланғич ахборотни йиғиш ва унга ишлов бериш усули олинган маълумотларнинг аниқлигини мустақил мониторинг ва дастурга баҳо бериш жараёнида текшириш имкониятини бериши лозим;

- тежамлик: ҳисобот маълумотларини олиш мумкин қадар кам харажатлар билан амалга оширилиши лозим; қўлланилаётган кўрсаткичлар имкон қадар ахборотни йиғиш ва унга ишлов беришнинг мавжуд дастурларига асослангани керак;

- киёсийлик: кўрсаткичларни танлаш маълумотларин узлуксиз жамғариш ва айрим давлар учун, шунингдек, имкониятга қараб, халқаро амалиётда қўлланиладиган кўрсаткичлар билан уларнинг киёсийлигини таъминлаш заруритидан қелиб чиқиб амалга оширилиши лозим;

- ўз вақтидалик ва мунтазамлик: ҳисобот маълумотлари аниқ белгиланган даврийлик билан ҳамда ахборотни йиғиш ва ундан фойдаланиш муддати ўртасида маълум вақт оралиги билан олиниши лозим;

- аниқлик: кўрсаткични ўлчашдаги хатоликлар бюджетни режалаштириш субъектининг фаолият натижалари ҳақида нотўғри тасаввур ҳосил бўлишига олиб келмаслиги керак;

- ноёблик: мақсадга эришиш кўрсаткичлари ушбу мақсадга тегишли бўлган айрим вазифаларнинг ечимини тавсифловчи бир нечта кўрсаткичлар бирикмасидан иборат бўлмаслиги керак.

Кўрсаткичларнинг мақсадли кийматлари куйидагиларга мувофиқ белгиланиши мумкин:

- кўрсаткичнинг ўтган даврлардаги кийматларига;
- тўғридан-тўғри ҳисоблаш усулига. Бунда мақсадли киймат муайян вазифани юзага келтирган муаммо тўлиқ ечилганлигини аниқлашнинг асосий шартлари бўлиши керак;
- ўхшаш дастурларнинг кўрсаткичларига;
- бошқа ижро этивчи ҳокимият органлари (ташкилотлар)нинг "энг мақбул амалиёт"га ўрнатилган кўрсаткичларига, шу жумладан, хусусий (тижорат) ташкилотларнинг кўрсаткичларига;
- ривожланган мамлакатлардаги ўхшаш кўрсаткичлар, халқаро рейтинглар ва мамлакатларaro таққослашларда қўлланадиган бошқа кўрсаткичларнинг кийматларига.

Микдор кўрсаткичларига эришиш жараёни мониторинг ўтказиш ҳамда дастурда у ёки бу вазифани ечиш учун режалаштирилган ҳаракатларнинг самарадорлик даражасига баҳо бериш йўли билан кузатиб боради.

Бюджет мақсадли дастури доирасида таърифланган мақсадлар, вазифалар ва фаолият кўрсаткичларининг таркибий тузилиши бюджетни режалаштириш субъектининг мазкур соҳадаги ваколатларига мувофиқ келиши лозим.

5. Дастур тадбирлари рўйхати ва тавсифи – бўлим дастурининг эълон қилинган мақсад ва вазифалари доирасида амалга ошириш режалаштириладиган тадбирлар рўйхатини ўзида ақс эттиради. Ҳар бир тадбир учун куйидагилар келтирилиши лозим:

- аниқ ва лўнда таърифланган номи;
- тадбир таркибини ақс эттирувчи кискача тавсифи (масалан, тадбир доирасида бажариладиган ишлар; харид қилинадиган ускуналар рўйхати; амалга ошириладиган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг мавзулари);
- мазкур тадбирни амалга ошириш муддати (бошлаш ва тугаллаш саналари);
- молиялаштиришнинг тахминий ҳажми ҳар бир йилнинг амалдаги нархларида, молиялаштириш манбалари (республика бюджети, вилоят бюджети, маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари манбалар) ва маблағларни сарфлаш йўналишлари (жорий фаолият, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, инвестицион харажатлар, субсидиялар ва субвенциялар) кўрсатилган ҳолда.

Тадбирларни режалаштириш, одатда, инерцион (базавий) ва инновацион (кутилаётган) молиялаштириш доирасида амалга оширилади.

6. Дастурни амалга ошириш муддати – бўлим бюджет мақсадли дастурини амалга ошириш муддатлари ва босқичлари ҳақидаги ахборотни ўзида ақс эттиради. Ақсарият ҳолларда дастурни амалга оширишга киришиш санаси календарь йилнинг бошланиши, яъни тегишли йилнинг 1 январи билан мувофиқ келади.

7. Дастурни амалга оширишнинг ижтимоий, иқтисодий ва экологик оқибатлари тавсифи, рискларга баҳо бериш – ушбу бўлимда куйидагилар келтирилади:

- дастур амалга оширилган тақдирда юз бериши мумкин бўлган асосий ва қўшимча ижтимоий, иқтисодий ва экологик оқибатлар номи ва кискача тавсифи;
- юз бериши мумкин бўлган ижтимоий, иқтисодий ва экологик оқибатлар баҳоси;
- бюджетни режалаштириш субъектининг стратегик мақсадларига эришишга бюджет мақсадли дастури қўшувчи ҳиссасининг умумий баҳоси;
- дастурнинг амалда эришилган натижалари дастлабки режалаштирилган натижалардан олғишига таъсир этиши мумкин бўлган ташқи омиллар рўйхати.

Ушбу бўлим доирасида дастур натижаларининг бюджетни режалаштириш субъектининг стратегик мақсад ва вазифаларига эришиш учун аҳамияти белгиланиши, шунингдек дастур ижрочилари назорат қила олмайдиган ва мақсадли кўрсаткичларга эришишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ташқи омиллар таҳлил қилиниши лозим. Ушбу омиллар белгиланганидан сўнг навбатдаги қадам – дастур натижаларига

уларнинг салбий таъсирини пасайтириш мақсадида уларга таъсир кўрсатиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

8. Бюджет маблағлари сарфланишининг самарадорлик даражасига йиллар ёки босқичлар бўйича баҳо бериш – ушбу бўлимда бюджет маблағлари сарфланиши самарадорлик даражасининг таҳлили келтирилади. У олинган натижаларни бунга сарфланган маблағлар билан нисбатлашни назарда тутди ва қуйидаги кўрсаткичларни ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади:

- иқтисодий самарадорлик: дастур доирасидаги фаолият бевосита натижаси кўрсаткичи ва унга эришиш харажатлари қийматларининг ўзаро нисбати;
- ижтимоий самарадорлик: фаолият пировард натижаси (фаолият ижтимоий муҳим самараси) кўрсаткичи ва фаолият бевосита натижаси кўрсаткичи қийматларининг ўзаро нисбати;
- ижтимоий-иқтисодий самарадорлик: фаолият пировард натижаси кўрсаткичи ва унга эришиш харажатлари қийматларининг ўзаро нисбати.

Самарадорлик кўрсаткичлари самарадорликнинг йиллар бўйича динамикасини бузиб кўрсатмаслиги учун ҳар бир йил харажатларини муайян базавий йил нархларига нархлар дефляторларининг индекслари ёрдамида келтириш лозим.

9. Дастурнинг самарадорлигига (унинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда) баҳо бериш методикаси – бўлимда режалаштирилган мақсадли кўрсаткичларга эришиш жараёни мазкур дастур доирасида амалга оширилган харажатлар ҳажмига боғлаб қандай назорат қилиниши, амалда эришилган натижаларнинг режалаштирилган натижалардан оғиш сабаблари қандай таҳлил қилинишининг тавсифи келтирилади.

Одатда, режалаштирилган мақсадли кўрсаткичларга эришиш жараёнини назорат қилиш учун амалда эришилган натижалар режалаштирилган натижалар билан солиштирилади ва амалда эришилган натижаларнинг режалаштирилган натижалардан мутлақ ва нисбий оғишлари қайд этилади. Айни шу амаллар амалга оширилган харажатлар ҳажмига нисбатан ҳам баҳарилди.

Шундан сўнг иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ҳисобланади. Дастурнинг самарадорлик даражасига баҳо бериш учун мазкур даврда эришилган самарадорлик кўрсаткичлари ўтган йилларнинг кўрсаткичлари билан солиштирилади; ижтимоий-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари бошқа мамлакатлардаги ўхшаш кўрсаткичлар билан таққосланади.

Амалда эришилган даража режалаштирилган даражадан (ёки ўтган йиллар даражасидан ёнги бошқа мамлакатлардаги ўхшаш кўрсаткичлардан) сезиларли даражада оғгани аниқланган тақдирда бундай тафовутга сабаб бўлган ички ва ташқи омиллар таҳлили амалга оширилади. Ушбу таҳлил якунларига кўра мазкур бюджет мақсадли дастурнинг мақсадлари, вазифалари, аниқ мақсадга қаратилган индикаторлари тизими ва харажатлари ҳажмига тузатиш киритиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Дастурнинг самарадорлик даражасига баҳо бериш методикаларининг тавсифи қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- дастурнинг самарадорлик даражасига баҳо бериш кўрсаткичлари номини, уларнинг ўлчов бирликлари ва ҳисоб-китоб алгоритмининг;
- кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилиш учун маълумотлар манбаларини;
- дастурнинг самарадорлик даражасига баҳо бериш учун маълумотларни йнгиш ва таҳлил қилиш учун масъул орган, муассаса ёки ташкилотни;
- дастурни амалга ошириш учун масъул шахсларга ва бошқа манфаатдор тарафларга дастурнинг самарадорлик даражаси ҳақида маълумотларни бериш муддатлари ва тартибини.

10. Зарур ресурсларга бўлган эҳтиёжларни асослаш – бўлим айрим тадбирларни ва умуман дастурни амалга ошириш учун зарур молиявий маблағларни молиялаштириш манбалари (республика бюджети, вилоят бюджети, маҳаллий бюджет ва бюджетдан

ташқари манбалар) ва маблағларни сарфлаш йўналишлари (жорий фаолият, илмий-тадқиқот ва тажриба-қонструкторлик ишлари, инвестицион харажатлар, субвенциялар ва субвенциялар) кўрсатилган ҳолда ўзига ақс эттиради.

Режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш учун зарур ресурсларга бўлган эҳтиёжни баҳолаш молиялаштиришнинг икки варианты – амалдаги мажбуриятлар бюджети ва олинаётган мажбуриятлар бюджети учун бюджет харажатларининг вазифа жиҳатидан ва иқтисодий таснифлари моддаларини ажратган ҳолда амалга оширилади.

Амалдаги мажбуриятлар бюджети деганда қабул қилинган норматив-ҳужужий ҳужжатлар, тузилган шартномалар ва битимлар ёки амалдаги бюджет дастурлари билан кайд этилган харажатларга оид мажбуриятлар тушунилади. Олинаётган мажбуриятлар бюджети – бу навбатдаги молия йили учун бюджетни шакллантириш жараёнида бевосита қабул қилинувчи қарорлар муносабати билан юзага келадиган харажатларга оид мажбуриятлар. Бундай қарорларга иш ҳақини кўпайтириш, ижтимоий нафақаларнинг миқдорларини ошириш мисол бўлиши мумкин.

Амалдаги мажбуриятлар бюджети ва олинаётган мажбуриятлар бюджетини ажратиш қўшимча бюджет харажатлари зарурлигини асослаш тартиб-таомилларини жорий этишни назарда тутлади.

Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш принциплари жорий этилаётган шароитларда ресурсларни бюджет харажатларининг вазифа жиҳатидан ва иқтисодий таснифлари моддалари бўйича тақсимлаш дастур қайси мақсадли кўрсаткичларга эришишга қаратилган бўлса, шу мақсадли кўрсаткичлар билан (тўлиқ ёки қисман) боғланиши лозим. Молиялаштиришнинг зарурий ҳажминини аниқлашда, одатда, шуларга ўхшаш тадбирларни молиялаштиришнинг жорий даражаси асос сифатида олингани мумкин. Белгиланган мақсадли кўрсаткичларнинг қийматлари ва молиялаштиришни оид имкониятларига қараб бу асосга тузатиш киритилади. Дастурни бошқариш учун зарур ресурслар алоҳида ажратилади.

Ақсарият ҳолларда дастурни ишлаб чиқувчи баён этган ресурсларга бўлган эҳтиёж мавжуд молиялаштириш ҳажмидан ортиқ бўлади. Бундай вазиятда харажатлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Бунга шу жумладан, куйидаги ёндашувларни қўллаш ҳисобига эришилади:

- бюджет хизмати кўрсатиш стандартини бюджет жавобгарлигининг кафолатланувчи минимуми сифатида белгилаш ва маъмур стандарт бажарилишининг назорат қилиш;

- хизматлардан фойдаланувчиларнинг хусусиятларининг ҳисобга олиш механизмининг яратиш – молиялаштириш ҳажмининг асослаш ва хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш учун;

- бюджет харажатларининг шакллантиришнинг жон бошига норматив принципининг қўллаш;

- хизматлар кўрсатишга контрактлар тузиш (контрактнинг энг қулай шартларининг тақлиф қилган ижрочилар билан);

- дастурлар доирасида молиявий маблағларни бошқариш (ресурсларни кайта тақсимлаш) учун имкониятларини излаш;

- бюджет ваколатларини белгилаш ва куйин турувчи бюджетлар учун дастурларнинг бажаришга субвенциялар жорий этиш.

11. Мақсадли дастурни амалга оширишни бошқариш тизимининг тавсифи – ушбу бўлим дастурни бошқариш тизими ҳақида куйидаги ахборотни ўзида ақс эттиради:

- дастурни амалга ошириш ва унинг мақсади, вазифалари ҳамда тадбирларининг тасдиқланган мақсадли кўрсаткичларига эришиш учун жавобгарлар;

- дастурнинг муайян тадбирини амалга ошириш учун, маъмур тадбирининг бажарилиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичларга эришиш ва уни амалга оширишга йўналтирилган ресурслардан фойдаланиш учун жавобгарлар;

- дастур тадбирларини молиялаштириш учун жавобгарлар;

- дастур амалга оширилишининг мониторинги учун жавобгарлар;
- дастурни амалга ошириш жараёни тўғрисида (бошқарув, бухгалтерия ва статистик) ҳисоботни шакллантириш учун жавобгарлар.

Бундан ташқари, мазкур бўлимда дастурни бошқариш бўйича қарорлар қабул қилишнинг умумий принциплари белгиланиши ва мониторинг тизимини ташкил этиш бўйича қадамлар таърифланиши лозим.

5.7. Бюджет харажатларининг лимитларини мақсадли дастурларнинг кўрсаткичлари билан мувофиқлаштириш

1. Бюджет харажатларини вазирликлар ва идоралар ўртасида тақсимлаш. Харажатларнинг муайян умумий лимити негизида давлат сисъатининг асосий йўналишлари бўйича бюджетдан молиялаштириш лимитлари шакллантирилади ва улар келгусида бюджет маблағларини тақсимловчилар – вазирликлар ва идораларнинг мақсадли дастурлари, кичик дастурлари ва фаолият турларини амалга ошириш харажатларини асослаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадбирларнинг узибу босқичи бюджет лойиҳасининг узил-кесил вариантини янада муфассалроқ тайёрлашда муҳим ўрин тутати. Бу босқичда ҳар бир таркибий бўғин бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг қутилаётган лимитлари негизида ўз ишининг муфассал режаларини туза бошлайди. Бунда у асосий эътиборни пировард натижаларни асослаш, фаолият унумдорлигини ошириш, маблағларни тежашга қаратади. Режалар қўйдан юқорига бир неча вариантларда тақдим этилиши мумкин. Масалан, ажратиладиган маблағлар лимитлари доирасидаги тадбирлар режаси ва қўл маблағ талаб қиладиган, лекин пировард натижалар ва унумдорлик сезиларли даражада ўсишини таъминлайдиган режа.

Тобе бўлинмаларнинг “режалар тўплами” раҳбарият томонидан ташкилотнинг устувор вазифаларига мувофиқ кўриб чиқилиши бюджетлаштиришнинг навбатдаги босқичида маблағларнинг лимитларини қайта тақсимлаш имкониятини беради. Бу бюджет жараёни даражаларининг ҳар бирида бюджет лойиҳасини тайёрлашда юз бериши мумкин.

2. Вазирликлар томонидан бюджет буюртмаларининг шакллантирилиши. Бюджетни режалаштириш бюджет жараёнига киритувчи муҳим ўзгаришлардан бири вазирликлар ўз бюджет буюртмаларини тайёрлашлари билан боғлиқ. Бюджетдан маблағлар олинига буюртмалар ва харажатларни асословчи ҳужжатлар мақсадли бюджет дастурлари жиҳатидан тузилади.

Мақсадли бюджет дастури вазирлик ва (ёки) идоранинг харажатлар ва даромадлар сметаси ҳақидаги ахборот манбаи ҳисобланади. Бу сметаларда режалаштирилаётган харажатлар барча манбалардан олинадиган даромадлар билан қопланади. Мазкур сметалар тасдиқланганидан сўнг ҳукумат бюджетига киритилади ва унинг даромадлар ва харажатлар қисмларини ташкил этади. Бундан ташқари, ҳужжатнинг иккинчи қисмига вазирлик ва (ёки) идора дастурлари фаолиятининг юридик асослари ҳақида ахборот (қонунилар, президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ва бошқалар) киритилиши мумкин.

3. Вазирликлар ва идораларнинг харажатларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш. Вазирликлар ва идоралар ўз мақсадлари ва вазифаларини, шунингдек мақсадларга эришиш ҳамда вазифаларини ҳал қилиш технологиясини белгилар эканлар, мақсадли дастурларга мувофиқ ўзларининг харажатларга бўлган эҳтиёжларини қайд этадилар. Йил бошида қўйилган мақсадлар уларни молия йили охирида бажариш натижалари билан солиштирилади. Вазирлик фаолиятининг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик даражасига берилган баҳолар бўлгуси давр харажатларга оид эҳтиёжларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Вазирлик дастурда белгиланган мақсадларга эриша олмаса, бу уни молиялаштиришни қисқарттириш ва бўшаган маблағларни самаралироқ дастурларга ўтказиш учун асос бўлиши мумкин. Бу ҳолда вазирликлар

нафакат молиялаштиришни кўпайтиришга, балки аввалги ҳажмларда молиялаштиришга бўлган ҳуқуқни ҳам йўқотадилар.

4. Бюджет лойиҳасини келишиш. Вазирликлар томонидан бюджет буюртмаларни тақдим этишнинг ягона шакли бюджет лойиҳаси кўрсаткичларини вазирликларнинг вакиллари ва Молия вазирлиги ўртасида икки тарафлама ва кўп тарафлама асосда келишишни анча енгиллаштиради. Бундан ташқари, бюджет органи ихтиёрига буюртмаларнинг асослилиги ҳақида анча муфассал ахборот тушиши ҳам бюджет жараёнини келишишни енгиллаштиради.

Айрим идоралар учун бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг лимитлари билан бир қаторда улар фаолиятининг унумдорлик кўрсаткичлари ҳам белгиланиши лозим. Бундай кўрсаткичларни танлашда улар у ёки бу идора ишига амалда боғлиқ эканлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Унумдорлик кўрсаткичлари статистик ҳисоботга кириши ёки қолун йўли билан белгиланган бошқа тартиб-таомилларга мувофиқ аниқланиши лозим.

Учинчи босқичда марказий бюджет органи ва бюджет маблағларини бош тақсимловчилари (БМБТ) ўртасидаги ўзаро алоқа хусусияти икки тарафламалик билан белгиланади. БМБТ бюджет харажатларининг белгиланган лимитларидан келиб чиқиб ўрта муддатли келажак учун харажатлар дастурларини молиялаштиришга бюджет буюртмаларини шакллантиради ва уларни марказий бюджет органига юборади¹.

Шу тарика “пастандан юқорига” қараб ўзаро алоқа амалга оширилади. Марказий бюджет органи таклиф этилган дастурларнинг самарадорлик даражасига қиёсий баҳо бериш асосида таклиф қилинган дастурларни молиялаштириш хусусида ўз нуқтан назарини шакллантиради ва тегишли қарорлар ишлаб чиқади. Агар БМБТ ушбу қарорга рози бўлмаса, марказий бюджет органи ва БМБТ ўртасида муҳокамалар натижасида баҳсли масалалар рўйхати шакллантирилади. Бу масалалар марказий бюджет органи ва БМБТ, шунингдек, Ҳукумат ва вазирликларнинг вакилларидак тузилган “келишув комиссияси” томонидан ҳал қилиниши лозим.

Келгуси йилга ва ўрта муддатли келажакка мўлжалланган бюджет лойиҳалари бўйича келишилмаган масалалар молия вазири раҳбарлигидаги идоралараро ҳукумат комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Келгуси бюджет йилида харажатлар кўрсаткичлари бюджет ижроси ҳақидаги бошланғич маълумотлар, натижаларга берилган баҳолар ва ижтимоий-иқтисодий сиёсатдаги ўзгаришлардан келиб чиқиб қайта кўрилиши мумкин. Аммо бунда қайта кўришнинг пухта ишда қилган мезонлари ва тартиб-таомилларни амал қилиши лозим, акс ҳолда ўрта муддатли бюджетлаштириш ўз мазмунини йўқотади.

Шундай қилиб, БМБТ дастурларини молиялаштиришнинг келишилган ҳажмлари асосида марказий бюджет органи бюджет лойиҳасини тузади ва уни Ҳукуматга юборади.

5. Бюджет лойиҳасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш. БУМР бюджетларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнини ўзгартиришни назарда тутаяди. Бу ўзгартириш бюджетлар лойиҳаларини тайёрлаш даврида қонун чиқарувчилар ролининг ўзгариши билан боғлиқ. Дастурларнинг устувор вазибаларини келишишда уларнинг фаол ролини ҳисобга олганда, бюджетларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёни одатда бюджетни режалаштиришга нисбатан одатдаги ёндашувга қараганда қамроқ вақтни олади ва нисбатан енгилроқ кечади.

Молия вазирилиги тайёрлаган бюджетни кўриб чиққач, Ҳукумат уни тасдиқлайди ва мамлакат Парламентининг муҳокамасига киритади.

6. Бюджет ижроси устидан назорат. Бюджет ижроси ва бюджет харажатлари устидан назорат дастурий-мақсадли ёндашувларда ташқи соҳадан ички соҳага – маблағлар мақсадли ишлатилиши устидан назоратдан, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиқнинг мақсадли кўрсаткичларига эриштирилиши устидан назоратга ўтади. Бунда бюджет ижроси устидан назорат жараёнида икки ҳужжат – бюджет ижроси тўғрисида ҳисобот ва

¹ Бюджетни тайёрлаш ва ижро этиш замонавий усуллари жорий этилган ва маромига етказилган мамлакатларда БМБТ харажатлари, шу жумладан маъмурий ва капитал харажатлар, одатда, дастурлар бўйича тақсимланади.

вазирликлар фаолиятининг натижалари тўғрисида ҳисобот айниқса муҳим роль ўйнайди. Бу ҳисоботларда ақс эттирилган маълумотлар сиёсий қарорлар қабул қилиш ва қелғуси давр учун бюджет лойиҳаларини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Назоратга бўлган эҳтиёж амалга оширилаётган дастурлар ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигининг мониторинги ва уларга баҳо бериш механизмлари ва тартиб-таомиллари яратилишига олиб келди. Хусусан, баҳо беришнинг бир неча турлари мавжуд: бошқарув жараёнларига баҳо бериш; ижтимоий (пировард) натижага баҳо бериш; ижтимоий (пировард) натижага эришишга дастурнинг ҳиссасига баҳо бериш; “ҳаражатлар – натижалар” таҳлили ва “ҳаражатлар – самарадорлик” таҳлили.

Турли мамлакатлар амалиёти бюджетни режалаштириш учун зарур ахборотни йиғиш ва таҳлил қилиш жуда оғир ва сермеҳнат жараён эканлигини кўрсатади. Тегишли ахборот тизимларини яратиш ва ривожлантириш одатда бир неча йил давом этади. Мақсадли кўрсаткичлар, чеклашлар, бюджет лимитлари, пировард натижалари бўйича маълумотларнинг ягона банки ва бухгалтерия ҳисоботи бу муаммони ечиш имкониятини беради; ушбу маълумотлар банки билан ахборотдан фойдаланувчилар ва уни етказиб берувчилар – жамоатчилик, парламент, ҳукумат, вазирликлар ва идоралар ўзаро алоқа қилишлари лозим.

Бошқарувга доир ва молиявий ахборотнинг қўшма таҳлили алоҳида кўникмаларни талаб этади. Вазирликлар ва идораларда давлат ҳаражатлари ҳақидаги ахборотнинг мониторинги ва қелаётган маълумотлар таҳлили учун жавоб берувчи, шунингдек бюджет ҳаражатларининг самарадорлигини ошириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқувчи махсус бўлимлар ташкил этилиши лозим. Ушбу бўлимларнинг ходимлари иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳа секторлари бўйича бюджет ҳаражатларининг самарадорлик даражасини донимий асосда кузатиб боришлари керак. Юқори малакали ходимлардан ташқари, бўлимлар олинган натижалардан ҳаражатлар ва бюджет жараёни соҳасида давлат сиёсатига тузатишлар киритиш учун фойдаланиш имкониятини берувчи муайян маъмурий ресурсга эга бўлишлари лозим.

6-боб. БЮДЖЕТНИ ЎРТА МУДДАТЛИ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ САМАРАДОРЛИК ДАРАЖАСИГА БАХО БЕРИШ

6.1. БЎМРнинг самарадорлик даражасига баҳо беришга қўйиладиган асосий талаблар

Амалда давлат бюджети давлат маблағларидан конкрет фойдаланиш режаси ҳисобланади. Айни шу режани амалга ошириш чоғида бюджет харажатларининг самарадорлигини аниқлаш зарурияти туғилади. Бу қуйидаги саволларга жавоб топишни назарда тутати: давлат пуллари нимага сарфланди, бу харажатлар қандай натижа берди, пировард натижалар ва амалга оширилган харажатларнинг ўзаро нисбати қандай?

Бюджет харажатларининг самарадорлиги кенг тушунча бўлиб, у иқтисодий баҳолардан ташқари ижтимоий ва сиёсий баҳоларни ҳам ўз ичига олади. Шу сабабли уларнинг самарадорлигини харажатлар ва даромад каби миқдор кўрсаткичлари билан ўлчаш мумкин эмас. Бюджет харажатларининг самарадорлигини қисқа давр доирасида ҳам ўлчаб бўлмайди. Ижтимоий соҳага бюджет харажатларини молиялаштиришнинг самарадорлик даражасига баҳо бериш учун иқтисодиётнинг корпоратив сектори мезонларини ("шу ерда ва ҳозир даромад олиш") қўллаш ноўрингина эмас, балки мантиққа зид ҳамдир.

Масалан, таълим, соғлиқни сақлаш, фундаментал илмий тадқиқотлар ва бошқа соҳаларга бюджет харажатларининг самарадорлиги, яъни инсонга давлат пуллари киритиш миллатнинг фаровонлигини сақлаш, шунингдек келажақда мамлакатнинг яшовчанлигини таъминлаш учун талаб этилади. Ижтимоий соҳа ва фаннинг юқорида зикр этилган тармоқларини давлат томонидан етарли миқдорда молиялаштирмаслик миллатнинг интеллектуал, илмий-техникавий ва маданий-маънавий негизларига болта уриқдан бошқа нарса эмас.

Давлат сиёсатининг мақсад вазибаларига эришиш учун бюджет ресурсларидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти барча мамлакатлар учун ошиб бормоқда. Zero, фуқаролар янада сифатлироқ ва арзонроқ ижтимоий хизматларни, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлиги ҳамда очик ва ошқоралигини оширишни талаб қиладилар. Бозор иқтисодиётига ўтаётган ва ривожланаётган мамлакатларга келсак, бу стратегик вазибани ечишда тараққиёт ривожланишнинг узок муддатли мақсадларига эришиш шартларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда қўлгина мамлакатлар ижтимоий молияни бошқариш тизимини модернизация қилиш йўлида жиддий қадамлар ташлядилар. "Қатта саккизлик" мамлакатларида янгича ёндашувлар масъулиятли бюджет-солик сиёсатини юритишга, молиявий барқарорликни, давлат харажатларининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида ўрта ва узок муддатли бюджетни режалаштиришга эътиборни ҳамда солиқ тўловчиларнинг маблағларидан фойдаланиш натижалари учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутати.

"Қатта саккизлик" мамлакатлари Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар ижтимоий молия соҳасида амалга оширган таҳлилий ва услубий материаллар, кодекслар ва қўлланмаларни тайёрлаш, шунингдек эришилган тараққиёт мониторинги ва тегишли техник ёрдам кўрсатиш борасидаги тадбирларда иштирок этдилар. Бу мамлакатлар бозор иқтисодиётига ўтаётган ва ривожланаётган мамлакатларга бюджет ислоҳотини амалга оширишда ёрдам кўрсатиш ташаббусини қўллаб-қувватламоқдалар.

Ҳозирги вақтгача тўлланган амалий тажриба асосида ижтимоий молияни бошқариш соҳасини янада ривожлантириш ва унинг самарадорлигига баҳо беришга ишончли замин яратиш учун умумэътироф этилган принциплар, стандартлар ва мезонлар таърифланди.

Ҳар бир мамлакатда ижтимоий молияни бошқариш уч даражада асосланган қарорлар қабул қилиш ва уларни самарали амалга оширишга қаратилиши лозим:

- макродаражада бюджет-солиқ ишнинг режалаштириши: йиғиладиган солиқлар ва режалаштирилган харажатларнинг умумий ҳажми, профицит, тақчиллик ва ҳоказоларнинг ҳажми, шунингдек нетто-қарзлар ёки захиралар ҳажми;

- солиқ солиш ҳамда давлат секторини ривожлантириш соҳасида устувор вазибаларни белгилаш: сиёсий максдалларини, солиқ солиш бўйича аниқ чораларни белгилаш, харажатларни тақсимлаш йўналишларини танлаш;

- бюджет ва унинг ижросини батафсил ишлаб чиқиш: бюджетни режалаштириш ва қабул қилиш, ижро этиш, назорат қилиш, мониторинг, ҳисобдорлик, бюджетлар аудити, активлар ва мажбуриятларни бошқариш, маблағ жалб қилиш ва солиқ солиш.

Ижтимоий молияни бошқаришнинг учала даражаси ҳам бир-бири билан узвий боғлиқ. Айнан шу сабабли солиқ ва бюджет сиёсатининг устувор вазибаларини нотўғри белгилаш ва (ёки) бюджетларни ишлаб чиқиш ва ижро этишдаги камчиликлар макродаражада бюджет-солиқ ишнинг режалаштиришнинг самарадорлик даражаси пасайишига олиб келиши мумкин.

Макродаражада солиқ-бюджет ишнинг режалаштиришнинг самарадорлигини белгиловчи омиллар:

- режалаштирилган бюджет тақчилликнинг жониз миқдори даражасида балансланган ва бюджетни молиялаштириш манбалари давлат мажбуриятлари ва инфляцияга жиддий таъсир кўрсатмайди;

- бюджет даромадлари солиқ юқини ошириш ҳисобига эмас, балки солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқ сиёсатида иқтисодий ўсишни таъминлашда рағбатлантирувчи функцияларни юклаш ҳисобига шаклланади;

- бюджет харажатлари уларни оқилона режалаштириш ҳисобига иқтисодиётнинг ўсишини қувватлашга энг катта талабни яратади.

Ўз навбатида, макродаражадаги беқарорлик нафақат ушбу даражадаги бюджетнинг самарадорлигини, балки кейинги икки даражада ижобий натижаларга эришиш имкониятини ҳам йўққа чиқариши мумкин.

Бюджет харажатлари ва умуман давлат бюджетининг самарадорлигини миқдор жиҳатидан ўлчашнинг хусусияти шу билан белгиланадики, уларнинг кўрсаткичлари бюджетнинг жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий роли билан боғланади. Давлат бюджети ЯИМ ҳажми, инфляция суръати, инвестициялар ҳажми, ижтимоий соҳа тармоқларининг ривожланиши, аҳоли даромадлари, экспорт ва импортнинг ўзаро нисбати ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлган муҳим макроиқтисодий воситалардан бири ҳисобланади. Бунда бюджет тақчиллиги ва профицити, давлат қарзининг мавжудлиги ҳам муҳим ўрн тутди. Ушбу контекстда бюджет асосан иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани давлат томонидан тартибга солиш воситаси сифатида амал қилади. Макроиқтисодий муаносиблик ва бунда эришилган ижтимоий соҳа ривожланишининг ижобий динамикаси давлат бюджетининг самарадорлигини белгилайди.

Бюджет харажатларининг самарадорлик даражасига баҳо беришда муайян талабларга риоя этилиши лозим. Уларнинг энг муҳимлари:

- бюджет харажатларининг самарадорлигини аниқлашнинг умумий методологик принципларини, мамлакат иқтисодиёти, молия ва бюджет тизимининг реал ҳолати ва фаолият кўрсатиш шартларини ҳисобга олувчи илмий ёндашув;

- агар яқин давр ва келажак учун мўлжалланган бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари аниқ белгиланмаган, баш максдаллар ва биринчи даражали вазибалар таърифланмаган бўлса, харажатлари самарали бўлиши мумкин эмас. Бунда илгари сурилаётган чоралар ва қабул қилиш мўлжалланаётган қарорларнинг асослиги қабул қилинаётган қарорлар муносабати билан давлат харажатларининг умумий қийматинингива

эмас, балки узок муддатли молиявий оқибатларини ҳам аниқлаш имкониятини берувчи тегишли ҳисоб-китоблар билан кўллаб-қувватланиши лозим;

• бюджетлаштиришнинг унумдорлиги бюджет тармоғининг ислох қилинишига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу борадаги тадбирлар бюджет ташкилотлари мақомини ва уларнинг фаолият кўрсатиш принципларини ислох қилиш, давлат аҳолига кўрсатаётган хизматлар сифатини ошириш, хизматлар кўрсатишни молиявий таъминлашнинг янги шаклларига ўтиш, бюджетларни ижро этиш таомилларини такомиллаштиришни, шунингдек бюджетлараро муносабатларни ислох қилишни назарда тутилади. Бу бюджет соҳаси ходимларининг касбий маҳорати даражасини юксалтиришни талаб этади.

Бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш йўналишларидан бири давлат хизматлари турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги ташкилотлар томонидан “пул истеъмолчи изидан боради” принципига мувофиқ кўрсатилишига имкон бериши мумкин бўлган механизмларни яратишдир. Бу борада бозор муҳитида фаолият кўрсатишга қодир давлат муассасаларини ўзга ташкилий-ҳуқуқий шаклларга айлантириш имконияти назарда тутилиши лозим. Бундай қайта тузишнинг моҳияти бундай ташкилотларни молиявий таъминлаш мажбуриятини давлат зиммасидан соқит этишдир. Давлат бошқаруви тизими самарадорлигининг умумий мезони сифатида инсон капитали, иқтисодийёт ҳамда турмуш даражаси ва сифатининг ўсишини белгиловчи бошқарувининг унумдорлиги (натижаларга кўра бошқариш) эътироф этилади.

Бундан ташқари, натижаларга эришилиши ҳақидаги маълумотлардан давлат бошқарувининг барча даражаларида қарорлар қабул қилиш жараёнида фаол фойдаланиш ҳам муҳимдир. Бунинг учун эришилган натижалар ҳақида ахборот бериш самарали тизимини ишлаб чиқиш зарур. Бундай маълумотлардан давлат органлари фаолиятининг стратегик ва оператив режаларини ишлаб чиқиш ёки уларга аниқлик қиритиш, шунингдек тўпланган тажрибадан сабоқлар олиш учун фойдаланилиши лозим.

БўМРнинг самарадорлиги давлат органлари ва жамият ўртасидаги ўзаро алоқалар даражасига боғлиқ. Бу қуйдагиларни аниқлатади:

- давлат органларининг ҳисобдорлик тизимини такомиллаштириш. Бунинг учун давлат бошқаруви сифатини тавсифловчи кўрсаткичлар мониторингининг ишончли тизимини яратиш (мазкур тизим БўМР ва НЙБни жорий этишнинг муҳим натижаларидан бирига айланади) ва жамоатчилик бу маълумотлар билан танилиши учун кенг имконият яратиш лозим;

- бюджет жараёнининг очик ва ошқоралик даражасини ошириш, шу жумладан фуқароларни давлат органлари фаолиятининг натижалари ва давлат бошқарувининг барча даражаларида бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ҳақида ҳукм чиқариш имкониятини берувчи ахборот билан таъминлаш;

- турли босқичларда бюджет жараёнини амалга оширишга фуқаролик жамияти институтларини жалб қилишнинг самарали воситаларини яратиш (тесқари алоқа механизмларини шакллантириш, бюджет хизматлари сифатига жамоатчилик томонидан баҳо бериш тизимини яратиш, Ҳукумат дастурий ҳужжатларини яратишда фуқаролик жамияти иштирокининг тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш ва ш.к.). Бошқача айтганда, бюджет харажатлари ва умуман бюджетнинг самарадорлик даражасига баҳо беришда жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш муҳимдир, чунки айнан аҳолининг кенг қатламлари давлат томонидан кўрсатиладиган бепул ижтимоий хизматларнинг пириовард истеъмолчилари ҳисобланади.

Шундай қилиб, бюджет жараёнининг самарадорлик даражасига баҳо бериш, бир томондан, давлат бошқарувининг самарадорлигини ошириш ва бюджет секторини реструктуризация қилишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бошқа томондан эса, кенг тарқибий ва институционал ислохотларнинг суъратлари ва йўналишларига боғлиқ бўлади. Ижтимоий-иқтисодий ва бюджет сисъатининг муштараклигини

таъминлаш давлат ўз функцияларини бажаришнинг самарадорлигини оширишнинг асосий шarti ҳисобланади.

6.2. БЎМРнинг самарадорлик даражасига баҳо беришнинг асосий турлари ва элементлари


Кўпгина мамлакатлардаги бюджет жараёни тажрибаси дастурларда белгиланган бюджет харажатларининг унумдорлигига баҳо бериш яхлит ва таъсирчан тизимини яратиш мумкинлигини кўрсатади.

Унумдорлик кўрсаткичларига чеклашлар мавжудлиги туфайли дастурларга баҳо бериш самарали бюджетлаштиришнинг муваффақияти учун муҳим аҳамиятга эгадир. Дастурларга баҳо беришда унумдорлик кўрсаткичлари, мустахкам назарий база, таҳлилий асослашдан ва дастур натижалари ҳақида аниқ хулоса чиқариш имкониятини берувчи бошқа усуллардан фойдаланилади.

Бюджетни ўрта муддатли режалаштиришнинг самарадорлигини баҳолашга маълум вақт мобайнида ишончсизлик билан қаралган. Бу 1970 ва 1980 йилларда кузатилган баҳо бериш усулларини қўллаш билан боғлиқ муаммоларни акс эттирган. Ҳақда баҳо бериш кўпинча ўз вазифалари четарасидан четга чиққан ва қарорлар қабул қилувчиларнинг эҳтиёжлари билан эмас, балки ўз ички динамикаси билан бошқариладиган тармокка айланган. Баҳолашни ўтказиш хаддан ташқари узок давом этувчи жараёнга айланган. Натижада қарорлар қабул қилувчилар баҳолашни натижалар олингунга қадар ўтказишга мажбур бўлганлар ва бу уларни амалда фойдасиз қилиб қўйган. Кўпинча улар хаддан ташқари илмий бўлган. Баъзан бундай баҳолашларнинг асосий тавсияси қўшимча тадқиқотлар ўтказиш бўлган.

Бюджет жараёнига баҳо бериш ҳозирги вақтда ўзининг тикланиш даврини бошдан кечирмокда. Бу ерда “яловбардор”, албатта, Чили ҳисобланади – баҳо бериш айна шу мамлакатда 1997 йил бюджетни тайёрлашда ахборот бериш воситаси сифатида киритилди. Кейинчалик Чилига бошқа мамлакатлар эргашди. 2007 йил Австралияда жорий этилган “Стратегик назорат доираси”да айрим энг муҳим дастурларни назорат қилиш ва ҳар йили комплекс текширувлар ўтказиш белгиланди. Канадада дастурларнинг ресурслари сарфланишини текшириш учун Ҳазначилик кенгаши раҳбарлигида “Стратегик назорат” тизими жорий этилмокда. Унинг мақсади яхши самара бермаётган дастурларни аниқлаш ва уларнинг ресурсларини энг самарали дастурлар ўртасида қайта тақсимлашдир.

13-расм. Бюджет дастурларига баҳо бериш турлари



Жаҳон амалиётида бюджет дастурларининг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик даражасига баҳо бериш турлари ва амалиётининг принципал схемаси қўлланилади. Келтирилган схемага (13-расм) мувофиқ баҳо беришларнинг қуйидаги турлари фарқланади:

1. **Бошқарув жараёнларининг самарадорлик даражасига баҳо бериш:** дастур мақсадларига эришиляптими, амалга оширилаётган ҳаракатлар қону ҳужжатларига, дастур чораларига, касбий стандартларга ва истеъмолчиларнинг умидларига мувофиқми, деган саволларга жавоб олиш имкониятини беради.

2. **Ижтимоий (пиловард) натижасига эришишига дастур қўйган ҳиссасига баҳо бериш** – дастурнинг соф эффеқтига баҳо бериш, яъни дастурнинг таъсирига бошқа омиллардан алоҳида баҳо бериш. Пиловард натижасига таъсир кўрсатган ташқи омиллар маълум бўлган ҳолда қўлланилади.

3. Ижтимоий (пировард) натижага баҳо бериш: мўлжалланган максалларга қай даражада эришилганини кўрсатади. Асосий эътибор эришилган ижтимоий натижаларга баҳо беришга қаратилади. Бунда мазкур натижаларга фахат ушбу дастурни амалга ошириш чоғида эришилганини ёки бунга қандайдир ташқи омиллар (бошқа дастурлар) ҳам кўмаклашганини – аҳамиятга эга эмас.

4. «Харажатлар - натижалар» таҳлили ва «харажатлар - самарадорлик» таҳлили. «Харажатлар - натижалар» таҳлили барча харажатлар ва натижаларни аниқлашга (одатда пул ҳисобида) қаратилган. «Харажатлар - самарадорлик» таҳлили бир максалда эришиш ёки бир вазифани бажариш қийматига баҳо беради ва максалларга эришишнинг энг тежамли усулларини танлаш учун қўлланилади.

БЎМРнинг самарадорлик даражасига баҳо бериш тизимининг асосий элементлари сифатида куйидагилар қўлланилади:

- **Харажатларнинг кўрсаткичлари** бевосита натижа берувчи дастурга киритилган молиявий ёки ўзга ресурслар ҳажмини тавсифлайди. Харажатларнинг кўрсаткичлари, масалан, умумий харажатларни, ишлатилаётган ресурслар тўпلامини ёки муайян тадбирга ажратилган ресурслар ҳажмини тавсифлаши мумкин. Харажатларнинг кўрсаткичларига мисоллар: тўлиқ иш куни банд бўлган ходимлар сони; амалда бажарилган инсон-соатлар сони; умумий эксплуатация харажатлари; меҳнатга ҳақ тўлашга, асбоб-ускуналар харид қилишга, бинони ижарага олишга сарфланган пул маблағлари.

- **Бевосита натижаларнинг кўрсаткичлари** кўрсатилган хизматлар ёки бажарилган ишлар ҳажми, сифати ва унумдорлик даражасини тавсифлайди. Улар кўрсатилган хизматларнинг самарадорлик даражасини ўлчамайди – бу бошқа кўрсаткичлар ёрдамида бажарилади. Жорий бевосита натижаларни ўтган даврларнинг натижалари билан солиштириш фаолиятдаги камчиликларни ёки, аксинча, унинг барқарорлигини аниқлаш имкониятини бериши мумкин. Бевосита натижалар ҳажми кўрсаткичлари уларнинг миқдор жиҳатини ўлчайди. Бундай кўрсаткичларга мисоллар: берилган полиция ҳисоботлари сони; берилган рухсатномалар сони; бартараф этилган газ чиқиши ҳолатлари сони; ўқув юки соатлари сони; таъмирланган йўллар юзи; фавқулодда чақирувлар бўйича чиқишлар сони; қайта ишланган ахлат оғирлиги (тонна ҳисобида) ва б.

- **Бевосита натижаларнинг сифат кўрсаткичлари** дастур доирасида амалга оширилаётган тадбирларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва мослашувчанлигини тавсифлайди. Бундай кўрсаткичларга мисоллар: маълумотлар базасига тўғри киритилган ахборот фонзи; хатоларнинг жонз фонзига ривож этиш даражаси; лицензиялардаги хатолар билан боғлиқ харажатлар. Рақамлар сифат кўрсаткичларини аниқ акс эттирмайди, танланган ҳар бир позиция учун сифатга ҳар томонлама баҳо бериш эса ҳар бир муайян ҳолда синчиклаб ўрганишни талаб этади.

- **Самарадорлик кўрсаткичлари** ишлатилган ресурслар ҳажмига нисбатан бажарилган иш ҳажмини тавсифлайди. Бу кўрсаткичлар кўпинча кўрсатилган хизмат бирлигига нисбатан харажатлар қийматини ўзида акс эттиради. Одатда улар “бир аризага ишлов бериш харажатлари”, “йўл тўшамининг бир километрини таъмирлаш харажатлари”, “бир ўқувчига таълим бериш харажатлари” ва ҳоказолар деб аталади. Кўрсаткичлар тескари нисбат билан ифодаланиши ҳам мумкин: “1 инсон-соатда ишлаб чиқарилган бирликлар сони” ёки “бир соат мобайнида ишлов берилган ҳужжатлар сони”. Самарадорлик кўрсаткичларига мисоллар: хизмат кўрсатишга жалб қилинган ходимлар сонига нисбатан хизматдан фойдаланувчилар сони; дастурнинг бир тингловчисини қайта тайёрлаш харажатлари; бир шикоят бўйича қарор қабул қилиш учун талаб этиладиган вақт (сифат кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин); бир ҳисоблагични таъмирлаш харажатлари.

- **Ижтимоий аҳамиятга мўлик пировард натижаларнинг кўрсаткичлари** муайян дастур доирасидаги фаолият ёки жараён қўйилган максалларга қай даражада кўмаклашганини тавсифлайди. Улар жамида (айрим фуқаролар ёки ижтимоий гуруҳлар)

давлат органи – бюджет дастурлари маъмурининг фаолиятдан кўрайдиган самарага баҳо беради. Пировард натижалар – амалда эришилган натижалар йиғиндиси ва уларнинг жамиятдаги вазиятга таъсири. Ишонни ривожлантиришга қаратилган хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ дастурлар одамлар хулқ-атвори, билимлари ва кўникмалари, яшаш шароити, маҳоми ва шу қабилада ўзгаришлар билан тавсифланувчи натижаларга эга бўлиши мумкин. Бу кўрсаткичлар одамларнинг билимлари ёки кўникмаларини, уларнинг ижтимоий хулқ-атвори андозалари ёки яшаш шароитларини ақс эттиради. Бундай дастурнинг бевосита натижалари кўрсаткичлари ўтказилган ўқув курслари сони, уларнинг сифатидан қаноатланган тингловчиларнинг фоиз нисбати ва уларнинг тайёргарлик даражасидир. Пировард натижаларнинг кўрсаткичларига мисоллар: битирув имтихонларида мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан юкори балл олган ўқувчилар фоизи; ёнгииларда одам ўлиши ҳоллари сонининг камайиши; такрорий жиноят содир этувчилар сонининг камайиши; йўлларда одам ўлиши даражасининг пасайиши.

Баъзан бевосита ва пировард натижаларнинг кўрсаткичлари ўртасидаги фарқи аниқлаш жуда қийин. Бевосита ва пировард натижалар бир хил бўлган ҳоллар ҳам учрайди. Аммо аксарият ҳолларда уларни ажратиш мумкин. Буни конкрет мисолларда кўриб чиқамиз.

3-жадвал. Мақсад ва вазифаларни белгилаш ҳамда унумдорликка баҳо беришга мисоллар

Атама	Таъриф	Мисол
Харажатлар	Зарурий ресурсларга баҳо бериш	1) Ахлат йиғиштириш машиналари харид қилиш 2) Кўча супурувчилар штатини кўпайтириш
Бевосита натижа	Кўрсатилган хизматлар ҳажми	3) Ахлат ўз вақтида ва мунтазам равишда олиб кетилишини ташкил этиш 4) Кўчалар ва ҳовлилар мунтазам равишда тозаланишини ташкил этиш
Пировард натижа	Хизматлар кўрсатиш натижаси	5) Шаҳарда ободончилик даражаси ва атроф-муҳит сифатидан қаноатланган аҳоли сонининг кўпайиши
Самара (эффeкт)	Пировард натижалар таъсирида узок муддатли ўзгаришлар	6) Шаҳар ҳокимият органлари имижининг яхшиланиши
Унумдорлик	Натижанинг кўйилган мақсадларга мувофиқлик даражаси	7) Атроф-муҳит ҳолатидан қаноатланган аҳоли сони 5% га кўпайган
Самарадорлик	Натижа бирлигига нисбатан харажатлар	8) Атроф-муҳит ҳолатидан қошиққан аҳоли сонини кўпайтириш харажатлари 15% га қисқарган

Бюджетлаштириш учун унумдорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқишда кўриб чиқишни талаб этадиган бир қанча масалалар мавжуд. Масалан:

- Таълим соҳасида эришилган пировард натижаларнинг кўрсаткичлари ўқувчиларнинг тегишли тавсифларига кўра фарқ қилиши мумкин: масалан, ўқувчилар эришган пировард натижаларни турли мактаблардаги ўқшаш ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар билан солиштириш. Бундай тузатишсиз мактаб “Йиғма маълумотлари”

мактабнинг пировард натижага эришиш даражасини тавсифлашдан кўра кўпроқ ўқувчилар таркибининг ижтимоий-иқтисодий мақомини акс эттириши мумкин.

• Хизмат бирлигига лисбатан фаолият ёки муайян хизматни кўрсатиш харажатлари минтакалар ёки миқозларнинг турларига кўра сезиларли даражада фарқ қилган жойда унумдорлик кўрсаткичлари бу ҳолатни минтакалар ва (ёки) миқозларнинг турлари бўйича фарқлашлар йўли билан намоён этиши мумкин. Бу харажатлардаги бундай фарқлар тенг ҳуқуқлилиқ каби сиёсий омиллар билан қай даражада қафолатланишини таҳлил қилишда ёрдам беради.

Асосий манфаатдор тарафлар, хусусан бюджетга оид қарорлар қабул қиладиган ва самарали бюджетлаштиришнинг асосий бўғини ҳисобланадиган тарафлар учун унумдорликнинг аҳамиятини ошириш учун нима қилиш мумкин?

Бунга эришиш учун энг аввало индикаторларни танлаб олиш керак. “Энг мақбул амалиёт”ни йўлга қўйган айрим ҳокимият органлари натижаларни ўлчашда дастуриламал бўлиб хизмат қиладиган мезонларнинг яхши тўпламларини ишлаб чиққанлар. Буюк Британияда белгиланган “SMART” мезонлари бунга яхши мисол бўлиши мумкин. Улар қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади: специфик (Specific), ўлчанувчан (Measurable), эришиш мумкин (Achievable), муҳим (Relevant) ва вақтда режалаштирилган (Timed).

Марказда қарор қабул қилувчи ва доим вақт тақчиллигини ҳис этувчиларга фойдали бўлиш учун дастур натижалари ҳақида ахборот етарли бўлиши керак. Масалан, ўн индикаторни ўз ичига олган тўпламдан икки-учта муҳим дастурий индикаторлар фойдаланроқ бўлиши мумкин. Тафсилотлар марказдан кўра дастурларнинг менежерларини кўпроқ қизиқтиради.

Бу ерда ишлаб чиқилган *умумлаштирувчи* кўрсаткичлар диққатга сазовор янгилик ҳисобланади. Улар дастурнинг унумдорлигига тавсиф берувчи бир ёки бир нечта умумий рейтинглар ҳақидаги ахборотни ўз ичига олади. АКШ Дастурга рейтинг усулида баҳо бериш воситаси (PART) доирасида ишлаб чиқилган дастурларнинг унумдорлик кўрсаткичлари амалда яхши самара берган. PART тизимида АКШ Молия вазирлиги (Бошқарув ва бюджет бўлими) 5 йиллик давр учун барча ҳукумат дастурлари рейтингини ўтказишни режалаштирган. Ҳар бир дастур 1-4 шкала бўйича, самараландан самарасизгача бўлган доирада рейтинг олади (хулоса чиқариш учун ахборот етарли бўлмаган ҳолда қўлланиладиган “натижалар кўрингани йўқ” рейтингни ҳам бор). Бу жами рейтинглар уларнинг замирида ётувчи батафсил кўрсаткичлар ва баҳолардан кўра мазмунлироқ ва тушунарлироқ бўлиши лозим. Дастурларнинг рейтинглари уларни олиш сабаблари кўрсатилган ҳолда эълон қилинади (ExprestMore.gov вебсайтида).

Шунга қарамай, бу унумдорликнинг жамланган кўрсаткичлари қўллашнинг бошқа йўналишларида улкан имкониятларга эга эмас, деган маънони аңлатмайди. Миллий ҳукуматлар томонидан ишлаб чиқилган субмиллий ҳокимият даражалари учун унумдорликнинг жамланган индикаторлари бунга мисол бўлиши мумкин.

Бу ерда сўнгги йилларда Буюк Британияда яратилган “Унумдорликни ҳар томонлама баҳолаш” (CPA) тизими, айниқса, диққатга сазовор. Ушбу тизим доирасида миллий ҳукумат органи (Аудиторлик комиссияси²) Англиядаги ҳар бир маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи учун унумдорликнинг жамланган рейтингларини 0-4 юлдуз шкаласи бўйича тузади. Бу рейтинглар икки соҳада қўлланилади. Биринчи соҳа ҳисобдорлик билан белгиланади: рейтинглар эълон қилинади ва ёмон рейтинг олинган ҳолда сиёсий босим кучли бўлиши мумкин. Иккинчи қўлланиш соҳаси – бу миллий

² Миллий аудит бошқармаси билан адаштирманг.

³ Жамланган рейтинглар икки мезонга мувофиқ тузилади: “бошқа ўзини ўзи бошқариш органлари билан таққослаганда натижалар” ва “ҳаракат йўналиши” (яъни натижалар яхшиланганими?). Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш натижаларининг умумий рейтингларига қўшимча тарзда Аудиторлик комиссияси ҳам айрим фаолият йўналишлари рейтингларини тузади (турар жой; атроф-муҳит; имтиёзлар; маданият пилос “Ресурслардан фойдаланиш”). Қараг: <http://www.auditcommission.gov.uk/cpa/index.asp>.

хукумат томонидан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун асос СРА рейтингларидан натижалари қониқарли бўлмаган маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини йўлга солиш мақсадда миллий ҳукуматнинг аралашуви заруриятини аниқлаш, шунингдек, қайси тузилмалар, айниқса, самарали ишлаётгани ва шу боис, бошқарув соҳасида қўшимча эркинликлар билан тақдирланиши мумкинлигини аниқлаш учун фойдаланилади.

СРА воситаси замирида бошқа бир жуда фойдали восита ётади. Бу маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш фаолиятини тўлиқ қамраб олувчи стандартлаштирилган кўрсаткичлар тизими. Улар “ўхшаш билан ўхшаш” принципига мувофиқ унумдорликни таққослашни амалга оширишга кўмаклашади. Британия тизими ҳозир Аудиторлик комиссияси томонидан ишлаб чиқилган 198 стандарт индикаторлар тўпламидан иборат¹⁹. Шунга ўхшаш восита Австралияда мамлакат ҳукумати функцияларига тааллуқли бўлган стандартлаштирилган индикаторларни таъминлаш учун ишлаб чиқилган.

Агар унумдорлик кўрсаткичлари марказда бюджетга оид қарорлар қабул қилувчилар учун муҳим бўлса, марказ ўзи ва жамоатчилик учун ҳисоботлар тузишда қўлланиладиган асосий кўрсаткичларни белгилашда бевосита иштирок этиши муҳимдир. Кўпинча тармок вазирликлари унумдорлик кўрсаткичлари тизимини ўзиникидек қабул қилишлари лозимлиги ва айни шу сабабдан уларга кўрсаткичларни танлашда кўпроқ эркинлик берилиши зарурлиги жуда тўғри таъкидланади. Айни вақтда Молия вазирлиги ўзи ҳар бир тармок вазирлигидан олмоқчи бўлган кўрсаткичларни танлашда бевосита иштирок этиши лозим. Бу Молия вазирлиги имкониятлари учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Ижтимоий сектор хизматларининг зарурлиги ва сифати ҳусусида фуқаролар баҳоси ижтимоий самарадорлик (пировард натижалар)нинг муҳим мезонидир. Ижтимоий сектор хизматларининг пировард фойдаланувчилари саналган фуқаролар фикрини мунтазам ўрганиш аҳоли ва сиёсатчилар (маъмурият) ўртасидаги икки томонлама алоқанинг муҳим воситасидир. У ижтимоий сектор ташкилотлари ва муассасаларини уларнинг хизматларидан аҳолининг қониқиб даражаси ҳақидагина эмас, балки уларнинг ишнинг яхшилаш йўллари ҳақида ҳам ахборот билан таъминлайди.

Тадқиқотларнинг натижалари ижтимоий сектор хизматларига нисбатан фуқароларнинг нисбий мойилликларини аниқлаш имкониятини беради. Ушбу мойилликлар ва турли дастурларнинг молия ресурслари билан таъминланиши ҳақидаги ахборот асосида “муҳимлик – таъминланганлик” матрицасини тузиш мумкин (6.2-расм).

6.2-расм. “Муҳимлик – таъминланганлик” матрицаси

Муҳимлик ↑	Эътибор зарур (B)	Исботланган муваффақият (A)
	Вазиятдаш чикиш имконияти (D)	Ресурслар мавжуд (C)
	Таъминланганлик →	

A – таъминланиш юксак даражада ва фуқароларнинг талабларига жавоб беради. Фуқароларнинг талабларини аниқлаш ва уларни тўла қондиришга муваффақ бўлинди.

B – таъминланиш паст даражада, фуқаролар эса бу хизматга муҳтож. Бинобарин, эҳтиёж ва уни қондириш даражасини мувофиқ ҳолатга келтиришга кўпроқ эътибор берилиши лозим. Ушбу хизматини кўрсатишга танлов эълон қилиш ёки аутсорсингни қўллаш учун қулай имконият.

C – таъминланиш юқори даражада, лекин фуқаролар хизматга бундай ҳажмда муҳтож эмас. Ресурслар хизматлари фуқароларнинг мойилликларига кўпроқ мувофиқ келадиган секторларга (масалан B га) ўтказилиши лозим.

¹⁹ Қаранг: <http://www.audit-commission.gov.uk/performance/>; <http://www.local-pi-library.gov.uk/index.html>.

D – таъминланиш паст даражада, лекин фуқаролар ҳам хизматга муҳтож эмас. Вазият ундан “чиқиш имконияти”ни, яъни хизмат кўрсатишни тўхтатиш, маблағларни тежаш ва бўшаган ресурсларни фуқароларнинг талабларига жавоб берадиган хизматларга ўтказиш имкониятини беради.

4-жадвал. Самарадорлик кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Таъриф	Мисол	Изоҳ
Харажатлар индикаторлари (Input Indicators)	Талаб этиладиган харажатларга миқдорий баҳо бериш (одатда харажатлар ва вақт сарфи)		
- молия ресурслари		- умумий операцион харажатлар; - умумий капитал харажатлар	Айрим бюджет маълумотларини натура кўришида ифодалаш қийин
- бошқа ресурслар		- умумий тўлақонли эквивалент - асбоб-ускуналар	
Ишлаб чиқариш индикаторлари (Output Indicators)	Берилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар) ҳажми		
Жараён ўлчагичлари (Process Measures)	Дастур доирасида бажарилган оралик вазифалар	- ўқувчилар таълим даражасини махсус таснифлаш учун олган баҳолар	Ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари учун муҳим, лекин аҳоли ва назорат органларига самарадорлик кўрсаткичлари муҳимроқ
Ишлар ҳажми ўлчагичлари (Workload measures)	Ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар	- прогуллар сонининг камайиши; - ўқини тугатган талабалар сони; - бажарилган хизматлар сони; - хизмат кўрсатилган истеъмолчилар сони; - ўтказилган кардиологик операциялар сони	Ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари учун муҳим, лекин самарадорлик кўрсаткичларидан камроқ даражада

Натижа (Outcome Indicators)	Натижа – бу фуқаролар учун ўта муҳим бўлган, ижро этувчи ҳокимият органи ва дастурнинг ўзидан сиртдаги воқеа (ёки вазият)		
Оралик натижа (Intermediate Outcomes)	Оралик натижа қўйилган мақсадга эришишга элтиши кутилади. Фуқароларнинг кониқиш даражасини, хизматлар ўз вақтида кўрсатилганин ёки бошқа сифат кўрсаткичларини ўлчаш индикаторлари кўп учрайди	- талабаларнинг тест баллари; - ўқиш вақтида тугатган талабалар фоизи; - талабалар ёки ота-оналарнинг кониқиш даражаси	Дастурни бажариш жараёни учун муҳим бўлиши мумкин. Дастур натижага бошқа омиллар билан таққослаганда қанча хисса кўшганини аниқлашда кийинчиликлар туғилиши мумкин
Яқуний натижа (End Outcomes)	Хизматни кўрсатиш ва (ёки) харажатларни амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий муҳим мақсадларга эришиш даражаси	- университетларга қабул қилинган талабалар сони; - олий ўқув юртлири битирувчиларининг ишга киришга тайёрлиги	Яқуний натижалар аҳолига муҳим бўлсада, улар доим ҳам давлат органлари назорати остида бўлавермайди. Яқуний натижалар ҳақида ахборот йиғиш махсус усулларни (масалан, аҳоли ўртасида сўров ўтказиш), тайёрланган экспертлар, технологияларни талаб этиши мумкин
Келтирилган кўрсаткичлар (Unit-Cost Ratios)			Муайян ижро гуруҳлари ва фаолият турлари учун мос келувчи барча ресурсларни ажратиш қийматини ҳар томонлама ҳисобга олмасдан амалга оширилиши мумкин эмас

Иқтисодий самарадорлик ўлчагичлари (Efficiency measures)	Олий таълим муассасасининг ўқишни тутатган битирувчилари сонига харажатлар	Олий таълим муассасасининг ўқишни тутатган бир битирувчисига харажатлар қиймати	Натижалардан эмас, балки битирувчилар сонидан фойдаланувчи иқтисодий самарадорлик ўлчагичлари реал самарадорлик ҳақида ахборот бермайди. Кўрсатилаётган хизмат сифатини оширишга харажатларни амалга оширишда ҳам кўпинча юксак даражада самарадорликка эришилди
Унумдорлик ўлчагичлари (Productivity measures)	Битирувчилар ёки натижалар сонига харажатлар ҳажмига бўлинади	Психологик тайёрлаш бўйича махсус таълимга баҳо бериш	Битирувчилар сонидан эмас, балки натижалардан фойдаланувчи иқтисодий самарадорлик ўлчагичлари реал самарадорлик ҳақида ахборот беради

6.3. Натижалар ҳақида ахборот

Дастурларни амалга ошириш жараёнида эришилган натижалар ҳақида тизимли ахборотни ишлаб чиқиш учун таянч нуқтаси бўлиб, ҳар бир дастур учун қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган стандарт шаклда ахборот бериш хизмат қилиши лозим:

- дастур мақсадлари ҳақида (улар аксарият ҳолларда *пировард натижалар* бўлиши лозим);
- асосий конкрет натижалар (хизматлар) ва фаолият, шунингдек, ушбу конкрет натижалар (хизматлар) кўрсатилиши лозим бўлган шартлар ва (ёки) субъектлар ҳақида;
- дастурнинг "интервенция мантики", яъни дастур доирасидаги фаолият ва конкрет натижаларга мақсадларга эришиш сифатида қараш имкониятини берувчи сабаблар занжири ҳақида;
- муайян қўшимча ахборот, шу жумладан асосий янги дастурий таълиму тарбиялар.

Бошқача айтганда, мазкур ахборот муайян турдаги хизмат учун "ишлаб чиқариш занжири" ҳақидаги маълумотларни, яъни киритилган ресурслардан фаолиятга, ундан – конкрет натижаларга ва ниҳоят, улардан – *пировард натижаларга* элтувчи сабаблар занжирини ўз ичига олиши лозим.

Навбатдаги кадам – дастурда белгиланган мақсадларга эришиш даражаси ҳақида ахборот. Албатта, бу ишда фойдаланиладиган бир қанча тахлилий усуллар бор (масалан, харажатлар ва афзалликлар таҳлили, узоқ давом этадиган такрорий кузатувлар). Аммо,

амалий нуктаи назардан, натижалар ҳақидаги ахборотнинг икки энг муҳим тонфаси – бу улуғдорлик кўрсаткичлари ва баҳолардир.

Таълиқланган методикадан катъи назар, ресурслар ва натижалар ўртасидаги муносабатларда номуайялик натижалар ҳақида сифатли ахборот олишда жиддий муаммо туғдиради. Бу номуайялик, хусусан, ишлаб чиқариш занжирининг икки муҳим жиҳатида намоён бўлади:

- конкрет (амалий) ва пировард натижалар ўртасидаги муносабат: конкрет натижалар ёрдамида эришилаётган пировард натижалар турли миқозлар учун ва вақт ўтиши билан “контекстуал омиллар” – миқоз ёки ташкилот муҳит хусусиятларининг хизматнинг самарадорлик даражасига таъсири туфайли фарқ қилиши мумкин. Таниш мисол – ўқувчиларнинг оилавий ҳолати (масалан, ота-онасининг маълумот даражаси ва тил билиши) омилнинг мактабда ўқиш натижасида олинган билимлар сифатидаги пировард натижага таъсири;

- амалий натижалар билан уларни яратувчи ресурслар ва фаолият ўртасидаги муносабат: айни шу ресурслар ва (ёки) фаолият айни шу амалий натижаларни турли ҳажмда яратишлари мумкин. Бунга кўп сонли омиллар, шу жумладан, харажатлардаги ички фарқлар ва “турли жинслилик” таъсир кўрсатиши мумкин¹¹.

Бу дастурга оид қисқача ахборот бериш, унда мазкур дастур доирасида эришилаётган амалий ва (ёки) пировард натижаларга таъсир кўрсатувчи энг муҳим омилларни, шу жумладан:

- амалга оширилаётган дастурнинг пировард натижаларига таъсир кўрсатишга қодир бўлган асосий контекстуал омилларни;

- хизматлар кўрсатишга ўртача харажатларга таъсир этиши мумкин бўлган миқозлар ёки бошқа шунга ўхшаш омиллар таркибида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни кўрсатиш мақсадга мувофиқ эканлигини тасдиқлайди.

6.4. Ташкилот фаолияти натижаларига баҳо бериш

Ташкилот фаолиятига берилган ҳар қандай баҳо бу фаолият қай даражада самарали эканлигини аниқлашга қаратилган. Бюджетни бошқариш фаолиятига баҳо беришдан олдин энг аввало молия органлари фаолиятининг самарадорлигини, самарадорликни ўлчаш усулларини, шунингдек, мазкур баҳо бериш натижаларидан кейинги бюджет циклларида фойдаланиш имкониятларини аниқлашга доир бир неча саволларга жавоб бериш зарур.

Ташкилот фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш хусусида шуни қайд этиш лозимки, илгари самарадорлик сарфланган ресурслар билан олинган натижа нисбати сифатида тушунилган. Ушбу топ ёндашувга мувофиқ баҳо бериш натижаси сифатида техник самарадорлик (technical efficiency) аниқланган. Техник самарадорлик кўрсаткичи тақсимлаш самарадорлиги (allocative efficiency) кўрсаткичидан анча фарқ қилади – уни ҳисоблашда сарфланган ресурслар ҳажмининг физик ўлчовлари эмас, балки харажатлар (costs) қўлланилади.

Ҳозирги вақтда давлат харажатларини бошқариш фаолиятининг самарадорлик даражасини ўлчашнинг уч асосий усули мавжуд:

1) **Индекслар таҳлили (ratio analysis)**. Ушбу таҳлил ташкилот фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини ўтган даврларнинг кўрсаткичлари, шунингдек, ўхшаш ташкилотларнинг кўрсаткичлари билан таққослашдан иборат. Шу мақсадда давлат хизматларининг ҳар бир тури учун ишлаб чиқариш бирлигига нисбатан харажатлар,

¹¹ Харажатлардаги ички фарқлар узоқ ҳудудларда хизматлар кўрсатиш харажатларидаги фарқларга нисбатан бўлиши мумкин. Турли жинслилик фаолиятидаги фарқларда намоён бўлади ва одатда, миқозларнинг эҳтиёжларидаги фарқлар билан белгиланади. Бунга муайян табиий ҳолатларда (масалан, сон суяги синашда) қарияларга тўлиқ тузалиш учун айни шу таъхис қўйилган ўртача ёш одамга қараганда интеллигентлар даволаш талаб этилиши мисол бўлиши мумкин.

шунингдек унумдорлик индекслари (киритилган ресурслар билан ишлаб чиқарилган маҳсулот нисбати) ҳисобланади. Самарадорликни ўлчашнинг энг содда ва арзон усули бўлган индекслар таҳлилининг имкониятлари анча чекланган. Хусусан, у ташкилотда менежментнинг ҳолатига таъсир кўрсатувчи объектив омилларни бошқа ташкилотлар ёки ўтган даврларга нисбатан ҳисобга олиш имкониятини бермайди. Самарадорликка баҳо беришнинг ушбу усулидан давлат хизматларини кўрсатувчи агентликларга эмас, балки давлат ишлаб чиқариш ташкилотларига татбиқан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

2) **Регрессион таҳлил.** Ушбу усул молия органлари фаолиятининг самарадорлигига баҳо беришда анча кенг қўлланилади. У фаолият натижалари кўрсаткичларини киритиладиган ресурсларни таъсирловчи омиллар тўплами билан солиштириш ва натижалардаги тебранишларни омилларнинг тебранишлари ёрдамида тушунтиришни назарда тутади. Ушбу усулнинг камчилиги шундаки, у ташкилот фаолияти натижасидаги ўзгаришларнинг бош сабабини аниқлаш имкониятини бермайди.

3) **Data envelope analysis** ("Маълумотлар пакетлари таҳлили"). Бу усул нисбатан яқинда пайдо бўлган ва намунавий тузилишли ташкилот учун харажатлар ва ишлаб чиқариш нисбатини таҳлил қилишдан иборат. Ташкилот фаолиятининг унумдорлиги муайян даражадан past бўлса ёки унинг харажатлари самарали деб эътироф этилганидан юқорирок даражада қайд этилган бўлса, у самарасиз деб топилди. Бу усул замонвий эканлигига қарамай, фаолиятнинг самарадорлик даражасига баҳо беришнинг санаб ўтилган барча усулларига хос камчиликларга эга. Унинг ўз камчилиги – самарали деб топиладиган кўрсаткичлар қийматларини танлашнинг субъективлиги.

Ташкилот фаолиятининг самарадорлик даражасига баҳо беришнинг муайян методикасини қўллаш ушбу ташкилот фаолияти кўрсаткичлари тўпланими талаб этади. Бу кўрсаткичлар ташкилот фаолияти мақсадларининг тўпланими акс эттириши, шунингдек, специфик, маълум даражада яхлитланган ва микродорий ўлчанувчан бўлиши лозим.

Марказий ва маъмурий агентликлар самарадорлик даражасига баҳо бериш ва ахборот йиғиш мақсадларини ҳар хил тасаввур қилдилар. Тўғридан-тўғри бюджет харажатларини амалга ошириш учун маъмурий агентликлар нуктан назаридан, ташкилот фаолият ҳақида ахборот унинг ўз фаолиятини режалаштириш, вазифаларни белгилаш ва иш вақти, ишчи кучи ва материаллар янада самаралироқ тақсимланишини таъминлаш учун қўлланилиши лозим. Тадқиқот натижаларидан юзата желувчи муаммолар ҳақида менежерларга хабар бериш учун фойдаланишни даркор. Буздан мақсад – маъмурий муаммоларни тезкорлик билан ечиш. Марказий молия органлари нуктан назаридан, ташкилот фаолияти натижаларидаги тараққиёт ва унинг ресурслар ҳолатига ҳамда Улардан келгусида фойдаланилишига таъсири, айниқса, диққатга сазовордир. Марказий агентликларга олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган бюджет сиёсати вариантлари, шунингдек, ажратилаётган фондлар қисқаришининг ташкилот фаолияти кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш зарур.

Давлат операцияларини бошқаришда давлат ҳокимияти қуйи турувчи органлари фаолиятининг сифатига баҳо бериш (*evaluation*) алоҳида ўрин тутади. У қўпича аудит (ички ва ташқи), инспекцион текширувлар, бошқарув таҳлили, фаолият мониторинги, бюджетни режалаштириш, харажатга оид сиёсат ва харажатларга дастурларнинг таҳлилини ўз ичига олади. Бюджет менежментида фаолият сифатига баҳо беришнинг асосий мақсади агентликлар фаолияти ва харажатлар дастурларини амалга оширишнинг самарадорлигини оширишдан иборат. Давлат харажатларини бошқаришда фаолият сифатига баҳо бериш дастурни амалга ошириш сабабларини, дастурни амалга ошириш жараёни ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, дастурни амалга оширишнинг кучли томонлари ва камчиликларини аниқлаш, шунингдек, бажарилган таҳлил асосда дастурни амалга оширишнинг самарадорлигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш, дастурни амалга ошириш натижаларининг қўйилган вазифаларга мувофиқлигини текширишдан иборат.

Бюджет менежментининг замонавий усуллари орасида бюджет идораларини энг яхши кўрсаткичлар билан солиштириш асосида бошқариш алоҳида ўрни тутати. Бу усул ҳозирги вақтда давлат сектори фаолиятининг унумдорлигини оширишнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади, ушбу бошқарув усулининг жорий этилиши эса таққослаш ташкилот фаолияти самарадорлигини оширишнинг кучли омил бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Энг яхши кўрсаткичлар билан солиштириш асосида бошқариш доирасида амалга ошириладиган ҳаракатларнинг умумий схемаси куйидагича: 1) тармоқда энг яхши кўрсаткичларга эга ташкилотни аниқлаш; 2) мазкур ташкилот бундай натижаларга эришишига кўмаклашган усулларни ўрганиш; 3) ўз ташкилотининг самарадорлигини ошириш режаларини ишлаб чиқиш; 4) режаларни бажариш; 5) фаолият натижаларининг мониторинги ва уларга баҳо бериш.

5-жадвал. Фаолият натижаларига баҳо бериш

Шартли Соғлиқни сақлаш вазирлигига нисбат		
1. Мақсадларни кўйиш	1-стратегик йўналиш	Фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлаш
	1-мақсад	Она ва бола соғлигининг ҳолатини яхшилаш
	Мақсадли индикаторлар:	1. Она ўлими кўрсаткичини пасайтириш (тирик туғилган ҳар 100 минг гўдакка нисбатан) 2. Гўдаклар ўлими кўрсаткичини пасайтириш (тирик туғилган ҳар мингта гўдакка нисбатан)
2. Фаолиятни режалаштириш	1-вазифа	Ҳотин-қизларга тиббий ёрдам кўрсатишни тақомиллаштириш
	Бевосита натижа (Хизматлар кўрсатиш) кўрсаткичи	Профилактик кўриклар билан камраб олинган бола туғиш ёшидаги аёллар улуши (%)
3. Ҳаражатларни асослаш	Бюджет дастури	Оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш
	Ҳаражатлар кўрсаткичи	Бир аёлни профилактик кўриқдан ўтказиш қиймати (сўм)
4. Фаолият натижаларига баҳо бериш	Сифат кўрсаткичи	Олинган тиббий ёрдамдан қониқиб даражаси (сўровдан ўтказилган аёллар сонига нисбатан фоиз ҳисобида)
	Самарадорлик кўрсаткичи	Бевосита натижанинг амалга оширилган ҳаражатлар билан нисбати сифатида ҳисобланади
	Пировард натижа кўрсаткичи	Она ўлими кўрсаткичининг пасайиши (тирик туғилган ҳар 100 минг гўдакка нисбатан)

7-606. ЎЗБЕКИСТОНДА БЮДЖЕТНИ ЎРТА МУДДАТЛИ РЕЖАЛАШТИРИШНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАР

7.1. Платформалар усули

“Давлат молиясини бошқариш ислохотининг стратегияси”ни амалга оширишда жохон амалиёти синовидан ўтган “платформалар усули” қўлланилади. Бу усулнинг молияни шундан иборатки, ҳар бир “платформа”да ислохотнинг ўзаро боғланган ва бир-бирини тўлдирувчи элементлари амалга оширилади. Жамулам ҳолда улар ижтимоий молияни бошқариш сифатини ошириш йўлида ташланган улкан кадам ҳисобланади ва кейинги “платформа” сари олға кадам ташлаш учун мустақкам замин яратади.

Давлат бошқаруви секторини ўзгартириш шундай платформалар тизминини яратини талаб этади. Бу платформаларнинг ҳар бири мустақил қимматга эга бўлади (яъни аниқ натижалар тўпламини таъминлайди) ва ислохотни янада ривожлантириш учун асос ҳисобланади.

Ислохотни амалга ошириш йўлида олға силжиш имкониятини берувчи мустақкам платформани яратиш бир-бирини тўлдирувчи тадбирлар мажмуини амалга оширишни тақозо этади.

Бюджетни режалаштириш жараёнини ислох қилиш учун бир нечта платформаларни “тузиш” талаб этилади.

1-платформа. Ислохот жараёнини бошлаш: Молия вазирлиги талабига биноан бюджетни режалаштириш субъектлари ўз фаолиятининг режалаштирилган натижалари ҳақида маълумотлар тақдим этишлари лозим, бунда мазкур талабларни бажаришга рағбатлантирувчи омиллар яратилиши керак.

2-платформа. Тахлилий базани ва ресурсларни натижалар билан боғлаш қўникмаларини такомиллаштириш ҳамда уларни самарали бошқаришга рағбатни кучайтириш.

3-платформа. Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш талабларига мувофиқ ахборот оқимларини ташкиллаштириш; бюджет жараёнининг барча босқичларида ислохотнинг институционал инфратузилмасини яратиш.

4-платформа. Бюджет жараёнининг ресурслар ва натижаларни самарали бошқаришни таъминловчи ислох қилинган элементларининг барчаси бирлаштириш ва уларни ресурсларни бошқарувчи менежерлар натижаларни бошқаришга ҳам амалда ваколатли бўлишлари учун бюджет жараёнининг асоси сифатида мустақкамлаш.

1-платформа.

Биринчи босқичда бюджетни тайёрлаш соҳасида илгари бошланган ислохотларни охирига етказиш ва мунтазам бюджет жараёнига киритиш зарур. Натижага йўналтирилган ўрта муддатли бюджетлаштириш бюджетни режалаштириш жараёнининг асосий шаклига айланади ва унинг негизида бутун бюджет жараёни ташкиллаштирилади. Бюджет ресурсларини тақсимлаш тўғрисида қарорлар улардан фойдаланиш натижалари ҳақидаги ахборот асосида қабул қилинади, ресурслар ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишлари билан боғланади.

Шу билан бир вақтда норматив-ҳуқуқий ва услубий базани янгилашга қаратилган тадбирларни амалга оширилади, кенг қўламли ислохотни амалга ошириш йўлидаги тўқсанларни бартараф этиш чоралари қўрилади. Молия вазирлиги кўрсатмаларига мувофиқ бюджет муассасалари бюджетни ижро этиш ва ҳисобот босқичларида молиявий менежмент замонавий тизимини жорий этишга қаратилган ҳаракатларнинг аниқ режаларини ишлаб чиқади.

“1-платформа” – ислохотларни амалга ошириш йўлидаги муҳим кадам, чунки жорий этилган новациялар бюджет жараёнининг ажралмас қисмига айланиши зарур. Ақс ҳолда ислохотлар хаддан ташқари маҳаллий хусусият касб этиши, бюджет жараёнига эса ана эски самарасиз усуллар қайтиб келиши мумкин.

“1-платформа”да яратилган шаронтлар негизда, “2-платформа” доирасида менежерларга НИБ форматада ва тегишли назорат шаронтларида ишлаш имкониятини берувчи тизимлар ва жараёнлар жорий этилади. Ушбу босқичнинг мақсади ресурсларни самарали бошқариш йўлида мавжуд барча тўсиқларни бартараф этишдир. Асосий урғу бюджетни ижро этиш ва ҳисобот замонавий тизимлари ва тартиб-таомилларини, шунингдек, натижага йўналтирилган ўрта муддатли бюджетлаштириш талабларига жавоб берувчи ахборот ва ҳисоб юритиш тизимларини жорий этишга берилди. Бу менежерларга ресурслар ва натижаларни бошқариш ваколатларини бериш, мазкур бошқарувнинг самарадорлигини таъминловчи ҳисобдорлик тизимини яратиш учун замин ҳозирлаш имкониятини беради.

Бундан ташқари, мазкур босқичда навбатдаги босқич – аудит ва баҳо бериш тизимларини ислоҳ қилиш учун зарур шаронтлар яратилади.

“3-платформа” такомиллаштирилган тартиб-таомиллар, “2-платформа” доирасида жорий этилган ахборот ва назорат тизимлари негизда ташкиллаштирилади. Мақсад – менежерлар молиявий менежмент ва натижаларга эришиш борасида ўз вазифаларини бажариш сифатига баҳо бериш механизмларини жорий этиш. Замонавий аудит тизимлари фаолиятини таҳлил қилиш таомилларига қўшиб жорий этилади. Халқаро тажриба бу ўзгаришларни фақат “3-платформа”да амалга ошириш мумкинлигини кўрсатади. Zero бу босқичда менежерлар ресурсларини самарали бошқариш учун етарли ваколатларга эга бўладилар, уларнинг ҳаракатлари эса ортиқча бюрократик таомиллар билан чекланмайди. Бундан ташқари, аудиторлар ички назорат тизимларининг самарадорлигини текшириш имкониятига бу тизимлар яратилган ва ишлайдиган шаронтлардагина эга бўладилар. Шундай қилиб, “3-платформа” доирасидаги ишлар бюджетни режалаштиришдан бошланган ва бюджетни НИБ форматада янада самаралироқ ижро этиш орқали таҳлил ҳамда баҳо бериш босқичига ўтиб келган ва қайтиб бюджетни сифатли режалаштиришга уланган занжирни туташтиради.

Платформалар кетма-кетлиги молиявий менежмент тизимларини тубдан ислоҳ қилган бошқа мамлакатлар тажрибасига асосланади. Масалан, бюджетни ижро этиш ва натижаларга эришиш учун ҳисобдорлик тизимини ислоҳ қилиш олдин (1) жавобгарлик ва мажбуриятларни лозим даражада тақсимлашни; (2) жавобгарлик юклатилган ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни; (3) харажатлар ва натижалар учун жавобгар бўлган ходимлар ва уларнинг раҳбарлари харажатлар ва натижалар ҳақида тегишли ахборотни олиш имкониятига эга бўлишни таъминлашни тақозо этади. Худди шунингдек, аудит тизимларини такомиллаштириш компьютер тизимларига киритилган ахборот ва аудиторлик досьесининг сифатига бевосита боғлиқ.

Шундай қилиб, тақлиф қилинган платформалар энг аввало ислоҳот кейинги босқичлари муваффақиятнинг гарови ҳисобланадиган ўзгаришларни амалга ошириш йўли билан олга ҳаракат қилишни таъминлайди.

7.2. БЎМРни жорий этишнинг дастлабки шартлари

“Ўрта муддатли бюджет фаолияти” категориясининг услубий, ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатларини аниқ тушуниш, ушбу асосда бюджетга доир муносабатлар мажмуи изчил фаолият кўрсатиши ва ривожланиши учун бюджетни ўрта муддатли режалаштиришнинг таъсирчан воситасини яратишга ўтиш, Ўзбекистонда мавжуд бюджет жараёнини БЎМР принципларига асосланадиган замонавий бюджет жараёнига айлантириш бўйича чора-тадбирларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш зарур.

Бунинг учун бир қанча услубий ёндашувлар, муддатлар, амалдаги қонунчилик қоидаларини қайта кўриш, шунингдек, янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш ва ўрта муддатли бюджетлаштиришни изчил жорий этиш талаб қилинади. Шу билан бир вақтда, ўрта муддатли режалаштириш имкониятлари анча узок муддатларда ва

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг барқарорлиги ва изчиллиги шароитларида рўёбга чиқарилиши мумкин.

Ўзбекистонда БЎМРни самарали жорий этишнинг асосий шартлари ва мўлжаллари қуйидагилардир:

1. БЎМРни ижтимоий харажатларни бошқариш соҳасида белгиланган муддатлар билан шу жумладан йиллик бюджет циклида синхронлаштириш зарурати, зеро БЎМРнинг асосий мақсади – сиёсат ва устувор вазифаларни амалга ошириш учун янада мустақкамрок замин яратиш. Бунга “сирпанувчи уч йиллик” жараёнини жорий этиш йўли билан эришиш мумкин. Бунда бир циклнинг 2 ва 3 йиллари кейинги циклнинг 1 ва 2 йиллари бошига айланади. БЎМР бунга икки цикл ўртасида изчил алоқа мавжуд бўлган ҳолдагина эришиши мумкин. Айрим ҳолатлар юз бериши режаларда оғишларга сабаб бўлиши ва 2, 3 йил режаларига ўзгартиришлар киритишни талаб этиши мумкин, лекин бунинг учун сабаблар аниқ ва равшан бўлиши керак. Айтиш мумкин БЎМРни тайёрлашда 2 ва 3 режалар учун реалроқ режаларни белгилаш ва йиллар ўртасидаги алоқаларни аниқроқ тушунтириш лозим. Бу мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши устувор вазифаларининг узоқ муддатли муфассал таҳлили сифатли тайёрланишига боғлиқ бўлади ва ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг маблаглар бўйича қулай йўналишини танлашни белгилайди.

2. Даромадлар олиш ёки харажатларни амалга ошириш прогнозидан оғиш рискинни бошқариш таомилларини белгилаш. Прогнозлар ва харажатлар лимитлари мумкин қадар реалистик бўлиши учун ўта оптимизмдан ҳам, пессимизмдан ҳам узоқ юриш керак. Буниг учун тайёрланган харажатлар режаларида оғишларга ўз вақтидан чора кўришнинг ишончли таомилларига эга бўлиш лозим.

3. Бир циклдан бошқа циклга ўтишда харажатлар лимитлари мумкин қадар барқарор бўлиши керак ва бу лимитлар даражасининг молиявий доирада қатъий белгиланган сиёсат ва устувор вазифалар билан изчил алоқаси мавжуд бўлиши лозим. Харажатлар лимитларида оғишларнинг кўпчилиги харажатларни режалаштириш ва бюджетни ижро этиш қонкурсиз бўлишига олиб келади. Бир циклдан бошқа циклга ўтишда ўзгаришлар минимал бўлиши ва ташқи омиллардаги ўзгаришларни ва конкрет сиёсий ўзгаришларни акс эттириши лозим. Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш талаб этилади:

- ўрта муддатли режалаштириш циклининг дастлабки босқичида харажатларнинг реал ва барқарор лимитларини кўп йиллик бюджетлар лойиҳаларининг ўта аниқ моделлари асосида белгилаш;

- прогнозлаштирилган даромадлардан оғишлар юз берганида харажатларнинг аниқ ва тушунарли жараёнини олдиндан белгилаш мақсадида рискларни бошқариш режасини тайёрлаш. Бу ҳолда харажатлар лимитлари мавжуд ресурсларнинг реалистик ҳажми доирасида белгиланиши мумкин. Бунда харажатлар лимитларини белгилаш жараёни очик ва ошқора бўлиши, муайян параметрлар ҳамда омилларга асосланиши, уларга ҳар қандай ўзгартиришлар киритиш аниқ ва объектив зарурятни талаб этиши лозим;

- харажатларга оид мажбуриятлар реестрини яратиш ва уни бюджет жараёни билан боғлаш ҳамда мавжуд бюджет маблаглари доирасида қайси мажбуриятлар ва қай даражада бажарилиши мумкинлигига баҳо бериш.

4. Мавжуд ресурсларга ва харажатларга оид талабларга баҳо беришда асос бўладиган ахборот оқимларининг ишончлилиги ва ўз вақтида олиниши. Маълумотлар ишончли эмаслиги бир циклдан бошқа циклга ўтишда беқарорликка олиб келади. Бу жорий ва бўлғуси вазиятни нотўғри тушунишга асосланувчи лойиҳалар ва қарорлар қабул қилиш учун яхши таянч нуқтаси бўлмайди. Ахборот оқимлари маълумотларининг ишонччилигини таъминлашда статистик маълумотлар олиш, уларни соддаштириш ва сифатни назорат қилиш жараёнларини қайта кўриш ишларини кучайтириш; биринчи даражали аҳамият касб этади.

5. БЎМР жараёни жорий (асосий) харажатларнинг ўзгармас устуворликларини танқидий таҳлил қилишга стимуллар яратиши лозим. У нисбатан муҳимроқ янги мажбуриятларни молиялаштириш учун жорий харажатлардан маблағларни ажратиш имкониятини кўриб чиқишга рағбатлантириши, эскирган ва самарасиз мақсадларга харажатлар тақсимланишининг олдини олиш керак. Шу сабабли қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- дастурларнинг мақсадларига эришиш учун дастурларнинг амалдаги мажбуриятларга ва тақлиф қилинаётган янги мажбуриятларга дахлдор ресурслари ўртасида маблағларни янада аниқроқ ажратиш ва тақсимлаш;

- БЎМРни тайёрлашда тadbирлар кийматининг ишончли ҳисоб-китобини ўтказиш. Бу энг муҳим дастурлар давлат сиёсатининг устувор вазифаларига мувофиқ биринчи навбатда бажарилиши учун бюджет маблағларини даражалаштириш жараёнини энгиллаштиради;

- бюджетнинг ошқоралигини ва натижалар ҳақидаги ахборотнинг очиқлигини таъминлаш бўйича аниқ талаблар қонуни даражасида белгиланмаган бўлса-да, мазкур омил натижага йўналтирилган бюджетни ўрта муддатли режалаштириш технологиясига ўтишда биринчи даражали аҳамият касб этади. Ечим сифатида бюджетнинг очиқлигини таъминлаш бўйича батафсил талабларни, шу жумладан, молия органларининг ахборот порталларини ташкил этиш, ахборотни ифодалаш шакли ва аҳоли билан ўзаро алоқаларга қўйиладиган талабларни шакллантириш тақлиф қилинади;

- бюджетни ҳисоб-китоб қилиш, дастурларни таҳлил қилиш, унумдорликни кузатиш жараёнларининг формалаштирилган тавсифи бўйича батафсил услубий тавсияларга эга бўлиш керак. Жараёнлар тавсифини мамлакат даражасида ишлаб чиқишни ташкил этиш, норматив-ҳуқуқий асосга киритиш, пилот лойиҳалар доирасида минтакаларни жалб қилиш тавсия этилади.

6. БЎМР жараёни харажатларга оид янги мажбуриятлар учун дастурларни таъминнинг стратегик доирасини таъминлаши ва бу мажбуриятларнинг мамлакатни ривожлантириш стратегияси ҳамда унга эришиш мақсадлари билан алоқасини кўрсатиши лозим. БЎМР сиёсат, стратегия ва бюджетдан маблағ ажратишни бирлаштиришга ҳаракат қилади. У стратегиялар ўртасида ҳам, мазкур стратегиялар доирасида айрим мажбуриятлар ўртасида ҳам, молиялаштириш манбаларидан катъи назар, муросан мадора йўлларини кидириши керак. Бунинг учун қуйидаги тadbирларни амалга ошириш талаб этилади:

- Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўрта муддатли стратегиясини тайёрлашни ташкиллаштириш ва Ҳукумат ресурсларга оид ўрта муддатли чеклашларни ҳисобга олган ҳолда бюджет сиёсати муқобилларини таъминлаш жараёнини белгилаш;

- молиявий ва бошқарув стратегиясини таъминлаш учун умумий молиявий доирани белгилаш ва амалга ошириш;

- вазирликлар ва идораларга тармоқ сиёсатини тайёрлаш ҳамда ўрта муддатли бюджет дастурларини ишлаб чиқиш учун зарур бюджет-иқтисодий таҳлил амалга оширишга қўйиладиган талабларни белгилаш.

7. Маъқуллашган харажатларга оид янги мажбуриятлар бюджетни самарали ижро этиш учун жавобгарликни белгилашга асос сифатида аниқ бўлиши учун БЎМР ва бюджет жараёни муштарақ бўлиши керак. Ҳар қандай бюджет тизимида харажатларга бўлган эҳтиёжлар уларни молиялаштириш учун мавжуд ресурслардан ортқ бўлади. Харажатларни тасдиқлаш борасида аниқлик мавжуд бўлмаса, амалга ошириш самарасиз бўлади, ресурслар беҳуда совурилади. Реал натижаларга эришиш учун жавобгарликни кучайтириш мақсадида қуйидаги тadbирларни амалга ошириш талаб этилади:

- БЎМРга асосланган бюджет тақлифларини таърифлашда ва харажатларга доир янги тақлифларни белгилашда раҳбарият ва сиёсий жараён иштирокчилари самарали

қатнашишлари лозим, зеро БҰМР ресурсларни сафарбар этиш ва тақсимлаш юзасидан янада самаралироқ қарорлар қабул қилишни назарда тутлади;

- жамиятнинг фаол сиёсий иштирокини таъкил этиш, шу жумладан, сиёсий вазифалар бўйича қарорларни очик қабул қилиш – масалан, парламент аъзолари учун амалий семинарларни мунтазам ўтказиш воситасида;

- дастурларнинг сиёсий вазифаларга мувофиқлигини ва 3 йил мобайнида мавжуд бўлган ресурслар реалистик тушунилишини таъминлаш;

- бюджет маблағларининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Тежаб қолинган маблағлар бюджетлаштиришнинг бошқа устувор йўналишларини ривожлантириш мақсадида қайта тақсимланиши мумкин;

- БҰМРни амалга ошириш жараёни устидан сурункали мониторингни таъкил этиш.

7.3. БҰМРни жорий этиш чора-тадбирларини амалга ошириш тартиби ва кетма-кетлиги

Ислохотларни амалга оширишда жорий этиладиган янгиларнинг изчиллигига алоҳида эътибор бериш лозим. Ислохотни амалга ошириш бўйича барча кадамларни ҳам бир вақтда ташлаш керак эмас. Бунинг сабаби шундаки, бир томондан, ислохот иштирокчиларининг ўзгаришларга муносабати ислохотларни амалга оширишнинг интенсивлик даражасини чеклайди. Бошқа томондан, ҳаракатлар изчиллигининг бузилиши, айрим тадбирларни ҳали уларга замин яратилмай туриб амалга оширишга уринишлар ислохотнинг самарадорлигини сезиларли даражада пасайтиради. Ислохот асосий босқичларининг кетма-кетлигини пухта режалаштириш ва сўнгра ўзгаришлар жараёнини самарали бошқариш лозим. Халқаро тажрибага мисол б-жадвалда келтирилган.

Айрим мамлакатларда қўйилган натижаларга эришилмаганга баъзи бир кадамлар ҳаддан ташқари эрта ташлангани сабаб бўлган.

1. Молия вазирлигининг функциялари ва вазифаларини белгилаш. Халқаро тажриба айти шу вазирлик ижтимоий молияни самарали бошқаришни йўлга қўйишни таъминловчи асосий принципларни жорий этиш жараёнини бошқаришни лозимлигини кўрсатади. Бу функцияни бажарар экан, Молия вазирлиги қуйидагиларни таъминлашни лозим:

• БҰМРни жорий этиш босқичларининг кетма-кетлигини ва олға силжишдан олдин ҳар бир босқичда бажариш талаб этиладиган тадбирларнинг ўзаро боғлиқлигини ("платформалар" назарияси¹²);

• бюджет интизомига ва бюджет лимитларини секторлар бўйича белгилаш итератив таомилларига қатъий риоя этган ҳолда бюджетни ўрта муддатли режалаштиришни ўтқиш;

• молиявий менежментнинг янги усулларини жорий этиш, шу жумладан, сўтлар режаси ва бюджет таснифини такомиллаштиришни, шунингдек, идораларда молиявий ахборот самарали тизимларини яратиш бўйича методик тавсиялар тузиш, бунда улар Ҳазначиликнинг ривожланаётган ахборот тизимлари билан ўзаро алоқа қилиши зарурлигини ҳисобга олишни;

• бюджет маблағларини олувчиларнинг улар фаолиятининг асосий йўналишлари, БҰМРни амалга ошириш натижалари тўғрисидаги Маърузалари сифатини оширишни ва уларнинг бюджет жараёнидаги ролини мустаҳкамлашни;

• НИБ талабларига ва идораларнинг бошқарув қарорларини қабул қилишда эркинлиги кенгайиши туфайли юзага келувчи имкониятларга мувофиқ БҰМРни ижро этиш жараёни устидан ишончли мониторинг ҳамда ҳисобот тизимини яратишни.

¹² Бюджет ислохотини бир қатор изчил платформалар сифатида ифодалаш гоёсини Bannock Consulting компанияси консултанти, "Давлат бюджети ислохоти" ва "Маъмурий ислохот II: давлат харажатларини бошқаришни такомиллаштириш" лойиҳаларининг етакчи эксперти [Интером Брук илгари сурган.

2. БЎМРнинг макропрогнозлар билан мувофиқлигини таъминлаш ва бюджет маблағларини тақсимлаш. Бунга эришиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

- Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўрта муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш. Бу Стратегия Ҳукуматнинг мамакат ижтимоий-иқтисодий сиёсатини ўрта муддатли келажақда амалга ошириш мақсад ва вазифаларини белгиловчи дастуриламалга айланиши лозим. Ўрта муддатли Стратегия доирасида макроиқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишлари (солик-бюджет, пул-кредит, ташқи иқтисодий, ижтимоий сиёсат ва бошқалар)ни ҳисобга олган ҳолда макроиқтисодий прогнозни, шунингдек, демографик вазият, меҳнат бозори параметрлари, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларининг ўзгариш прогнозларини ишлаб чиқиш амалга оширилди.

- Даромадлар ва харажатларнинг ажратилган моддалари бўйича Давлат бюджети (уч йиллик) ва солик-бюджет сиёсати параметрларининг прогнозини тайёрлаш. Ушбу ҳужжат макроқўрсаткичларнинг берилган прогнозига мувофиқ бюджетнинг чегараси ва имкониятларини белгилайди.

- Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш ва макродаражада рискларни бошқариш воситалари ва тартиб-таомилларини такомиллаштириш. Бу Давлат бюджетининг макроиқтисодий прогнозлар билан баланслиги таъминлашни, перспектив молиявий режа ва бюджетни режалаштириш субъектлари учун бюджет харажатлари лимитлари ўртасида изчил алоқа ўрнатишни, жорий ва капитал харажатларни ягона режалаштиришни назарда тутди.

- Бюджет маблағларини бош тақсимловчилар томонидан иқтисодиёт тармоқлари ва секторларининг ривожланишини таъминловчи тармоқ мақсадли бюджет дастурлари, бюджет маблағлари ҳисобидан уларни молиялаштириш тадбирлари мажмуи ва ҳажмларининг ишлаб чиқилиши. Бунда дастурларни тайёрлаш уларнинг иккочилари томонидан бюджет харажатларининг зарурлигини асословчи молиявий ҳужжат ҳисобланади.

- Дастурлар учун бюджет маблағларини бюджетлаштириш субъектлари ўртасида уларнинг дастурларига мувофиқ тақсимлаш. Бунинг учун:

- макродаражада харажатларни режалаштириш бўйича методик кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш, БМБТ учун амалдаги харажатларга оид мажбуриятларнинг лимитларини белгилаш;
- таъинловда ютган БМБТ дастурлари ўртасида улар асослаб берган харажатларни бюджетдан молиялаштириш тартибини тайёрлаш;
- бюджет мақсадли дастурларини режалаштириш ва тасдиқлаш ҳамда бюджетни тузишда жорий ва капитал харажатларни бирлаштириш лозим.

3. Ахборот-услубий базани такомиллаштириш. БЎМРга ўтиш жараёнида бюджетни режалаштиришни ахборот билан таъминлашга қўйиладиган талаблар кучайтирилади. Бу энг аввало бюджетни режалаштиришни автоматлаштириш тизимларига тегишли. Бунда тизимга энг аввало режалаштириш янги усулларига тез мослашувчанлик талаблари қўйилади. Мамакатда режалаштириш ва таҳлил методикалари лозим даражада ишлаб чиқилмагани туфайли, ҳисоб-китоб ҳамда таҳлил методикаларини амалга жорий этиш энг қўп вақтни олади.

Муаммонинг ечими сифатида молия органларига бюджетни режалаштиришни ва таҳлил қилишни автоматлаштиришнинг янги мослашувчан усулларига мумкин қадар тезроқ ўтишни тавсия этиш мумкин. Бунда автоматлаштирилган усулларни мамлакат миқёсида барча вазирликлар, идоралар ва минтакалар учун мажбурий деб белгилашга шояилмаслик керак. Бунинг ўрнига турли даражадаги ахборот тизимларини бирлаштиришни таъминлаш мақсадида очик бюджет маълумотларига қўйиладиган умумий талабларни ишлаб чиқиш зарур.

Бюджет маълумотларни сифатига талаблар кучайишини кутиш лозим. Яна бир муҳим омил – таҳлилда турли санбалардан олинган бюджет ахборотидан фойдаланиш. Бу

бюджет дастурларини ижро этиш натижаларининг мониторингини ўтказиш зарурияти билан белгиланади.

Бюджет ҳужжатлари шаклларини такомиллаштириш зарур. Бунинг учун бюджетнинг очкилик ва бюджет ҳужжатларининг аниқлик даражасини ошириш, сиёсатчилар ҳамда жамоатчиликка бюджет ресурсларидан фойдаланиш бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида фаол иштирок этиш имкониятини бериш зарур. Бюджетни ифодалаш ва унга тушултириш хати шаклини қуйидаги йўللар билан такомиллаштириш керак:

- ҳар йили қабул қилинадиган бюджет тўғрисидаги қонунга ўзгартиришлар киритиш, бюджетни расмий тасдиқлаш бюджет харажатларининг идоравий таснифига мувофиқ амалга оширилишига эришиш, бунда бюджет маблағларини сарфлаш ва натижаларга эришиш учун жавобгарликни бюджетни режалаштириш субъекти ҳамда БМБТ ўртасида тақсимлаш;

- бюджет мақсадли дастурлари харажатларининг режалаштирилган натижалар ва уларнинг кўрсаткичлари билан алоқасини аниқлаш учун функционал тасниф харажатлари моддалари ва турлари даражасидан фойдаланиш.

Молия вазирлиги бюджет ислохоти иштирокчилари қуйидаги талабларни бажаришлари учун зарурий шароитларни яратиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, методик кўрсатмалар ва тавсияларни ишлаб чиқиши ҳамда уларни тасдиқлаш ҳамда қўллашга қўмаклашиши лозим:

- молиявий назоратни такомиллаштириш ва унинг унумдорлигини ошириш мақсадида бюджет маблағлари сарфланишининг самарадорлигини текшириш методикасини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, шунингдек, давлат секторига бюджет харажатлари унумдорлиги аудити самарали тизимини ташкил қилиш. Бу назорат органларининг ҳаракатларини бюджет маблағларидан самарасиз ва унумсиз фойдаланиш ҳолларини аниқлашга йўналтириш имкониятини беради;

- республика бюджети лойиҳасига тушултириш хатини тузиш бўйича методик кўрсатмаларни янгилаш;

- пировард ва бевосита натижалар ҳамда уларнинг кўрсаткичларини таърифлаш бўйича такомиллаштирилган методик кўрсатмалар ишлаб чиқиш;

- БМБТ томонидан харажатларга оид мажбуриятлар реестрини тузиш бўйича методик кўрсатмаларни, мазкур реестрни Молия вазирлигига тақдим этиш, реестр лойиҳаларини тасдиқлаш ва унда ифодаланган ахборотдан бюджет харажатларининг лимитларини белгилаш ҳамда бюджетни шакллантириш бўйича иш олиб боришда фойдаланиш тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш;

- бюджетдан маблағ ажратишни асословчи ҳужжатларни тузиш бўйича методик кўрсатмаларни ишлаб чиқиш;

- Давлат мақсадли (бюджет) дастурларини ишлаб чиқиш бўйича методик кўрсатмаларни юқорида зикр этилган тартиб-таомиллар жорий этилиши натижасида олинмадиган сифатли ахборот асосида ишлаб чиқиш.

БЎМР ахборот инфратузилмасини яратиш замонавий принципларига мувофиқ, Молия вазирлигининг давлат муассасалари, бизнес тузилмалари, фуқаролик жамияти ва бошқа бошқарув органлари билан ўзаро алоқаси барча зарур ресурсларни олинганга имконият яратувчи *ягона ахборот портали* орқали ташкил этилиши мумкин. Давлат бошқаруви органи ресурсларини порталга бириктириш қуйидаги афзалликларга эга:

- давлат органи хўжалик юритувчи субъектлар билан мунтазам равишда, тезкорлик билан ва очик ўзаро алоқа қилишни таъминлайди, вақт ва маблағларни тежаш учун имконият яратади. Портал хўжалик фаолиятини тартибга солишининг кўпгина масалалари (рўйхатдан ўтказиш, лицензиялаш, солиқлар, субсидиялар ва бошқалар)ни ечиш учун "ягона дарча" концепциясини амалда мужассамлаштириш имкониятини беради;

- фуқароларга ижтимоий хизматлар ва таъминот уларга қай ҳажмда берилаётгани ҳақида тўлиқ ҳамда объектив ахборот бериш учун имконият яратади;

- Ҳукумат сиёсати, ташаббуслари ва дастурларини қўллаб-қувватлаш бўйича ишга фуқаролар ҳамда ташкилотларни фаол жалб қилади;

- кундалик масалаларни ечишда ҳам, мураккаб масалаларни ечишда ҳам давлат тузилмаларининг ўзаро алоқасини оптималлаштиришни таъминлайди.

4. Ҳисоботни ва натижалар устидан назоратни такомиллаштириш. Бюджет маблағларини тақсимлашнинг янги шаклларига ўтиш янги назорат усуллари ва ҳисобот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан яқин алоқада амалга оширилиши лозим. Ушбу тизим нафақат молиявий ҳисоботни, балки бюджет маблағларини тақсимловчилар ва олувчилар фаолиятининг пировард натижалари тўғрисидаги ҳисоботни ҳам ўз ичига олиши керак. Мақсадли бюджетлаштиришга ўтилганда бюджет ресурсларидан мақсадли фойдаланиш эмас, балки бюджетдан молиялаштириладиган тадбирларни амалга ошириш ажулари бўйича эришилган натижалар назорат объектига айланади.

Бюджет маблағларини сарфлашнинг самарадорлиги устидан тўлиқ назорат тизими қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- Натижалар мониторинги
- Стандарт ҳисобот
- Самарадорлик аудити – ҳисобот ҳужжатлари аудити
- Тармок дастурлари ва сиёсатининг самарадорлик даражасига баҳо бериш

Бюджет харажатлари унумдорлигининг мониторинги. Дастурий-мақсадли бошқарувда шу жумладан ижтимоий натижаларни, яъни бажарилган ишлар ва тадбирлар жамиятда асаган ўзгаришларни ўлчаш муҳимдир. Бунинг учун унумдорлик кўрсаткичлари тизимларини ишлаб чиқиш ва мазкур кўрсаткичлар мониторингини ташкил этиш лозим. Бундай кўрсаткичлар тизимлари бевосита натижани тавсифловчи кўрсаткичларнигина эмас, балки кўрсатилган хизматлар сифатини, хизматлардан фойдаланувчиларнинг фикрини тавсифловчи кўрсаткичларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Мониторинг – бу хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома, дастур, вазифа ва ҳоказоларни бажариш жараёнини тавсифловчи кўрсаткичларнинг жорий қийматларини вақти-вақти билан ўлчаш ва қайд этишдир. Буларга сарфланган ресурслар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ҳажмларининг кўрсаткичлари қиради. Мониторинг ишларининг боришига баҳо бериш ва ишга зарурий тузатишларни тезкорлик билан киритиш учун бошқарув органларини зарурий ахборот билан таъминлаш мақсадида ўтказилади.

Мониторингни ташкил этиш учун кўрсаткичларни, уларни ўлчаш жараёнини ишлаб чиқиш зарур. Баъзан натижаларга статистик ишлов бериш тартибини, уларни талқин қилиш қондаларини, олинган ахборотни тизимлаштириш ва сақлаш қондаларини, фойдаланувчилар ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишларини таъминлаш тартибини белгилаш талаб этилади.

Мониторинг:

- бажарилган ишлар ҳажминини ва фаолиятнинг эришилган натижаларини назорат қилиш;

- ишлар графигига риоя этилиши, дастурни амалга ошириш жараёнида юзага келган муаммолар, амалга оширилган харажатлар ва бажарилган ишларнинг мувофиқлиги ҳақида ахборот олиш;

- мақсадли бюджет дастурларини амалга ошириш жараёнига ўз вақтида тузатишлар киритиш;

- таққослаш учун бюджет харажатлари унумдорлиги ва самарадорлиги кўрсаткичларининг базасини шакллантириш имкониятини беради.

Бюджет харажатлари унумдорлиги мониторингини жорий этиш учун куйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

- хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги ҳар бир шартнома, мақсадли дастур, вазифа, тармоқнинг комплекс ривожлантириш режаси учун кўрсаткичлар ва уларнинг мақсадли қийматларини белгилаш. Уларнинг орасида ташкилот фаолиятига хизматлардан фойдаланувчиларнинг муносабатини бевосита ақс эттирувчи кўрсаткичлар бўлиши керак;

- ахборот манбаларини, маълумотлар йиғиш усулларини, уларни тақдим этиш, рўйхатдан ўтказиш, сақлаш ва қайта ишлаш учун масъул шахсларни, фойдаланувчиларни рўйхатдан ўтказишнинг даврийлигини белгилаш;

- мақсадлар, вазифалар, БМБТ ҳисоботлари унумдорлик кўрсаткичларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш устувор йўналишлари билан мувофиқлигини таъминлаш;

- бюджет харажатлари унумдорлиги ва самарадорлиги кўрсаткичлари ягона базасининг шакли ҳамда мазмунини белгилаш. База кўрсаткичлари бевосита натижа, пировард (ижтимоий-иқтисодий) натижа кўрсаткичларини, аҳоли ўртасида ўтказилган хизматлар сифатига доир сўровлар натижаларининг кўрсаткичларини, хизматлар киймати кўрсаткичларини ўз ичига олиши лозим;

- мониторинг тизимининг маълумотлар йиғиш шаклини белгилаш. Мониторинг натижаларининг йиғма электрон жадвали тузилиши лозим. Бу жадвал куйидагиларни ўз ичига олиши керак: режалаштирилган натижа, уни тавсифловчи индикатив кўрсаткичлар, оралиқ натижалар (факт), пировард натижа (факт), режалаштирилган натижага эришмаслик сабаблари ва кўрилган чоралар;

- мониторинг натижалари ҳақида жамоатчиликка ахборот бериш тартибини белгилаш.

Стандарт ҳисобот. Бюджет маблағларини бош тақсимловчилар, бюджет маблағларини олувчилар, бюджет хизматлари кўрсатувчи нодавлат тузилмалар ўз фаолияти натижалари тўғрисида стандарт шаклдаги ҳисоботни вақти-вақти билан тайёрлашлари ва юқори турувчи бошқарув органларига тақдим этишлари лозим. Бу ҳисобот бюджет маблағларини тақсимловчилар ва олувчилар фаолиятининг йўналишлари тавсифини ҳамда эришилган натижалар ҳақида ахборотни ўз ичига олиши керак. Ҳисоботлар бюджет маблағларини тақсимловчилар ва олувчилар учун белгиланган мақсадларга қай даражада эришилаётганини ўзида ақс эттириши лозим. Фаолият натижалари тўғрисидаги барча ҳисоботлар жамоатчилик учун очик бўлиши керак. Ҳисобот мазмуни турли субъектлар учун ҳар хил бўлади:

- Бюджет муассасаси давлат вазифасини бажариш тўғрисида ҳисобот тақдим этади. Бюджет муассасасининг ва ижтимоий буюртмани бажарётган ташкилотнинг раҳбари белгиланган вазифа ёки шартнома доирасида иш кўралди. Уларнинг ҳисоботи бажарилган ишлар ҳажмлари кўрсаткичларини, хизматлар кўрсатиш сифати ва регламентларига риоя этилишини тасдиқловчи маълумотларни ўз ичига олиши лозим.

- Танлов натижаларига кўра танланган хизматларни етказиб берувчи хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномани, техник топшириқни бажариш тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

- Мақсадли дастур маъмури мақсадли дастурни бажариш натижалари тўғрисида ҳисобот тақдим этади. Дастурлар маъмури дастур мақсадларига эришиш учун жавобгар бўладилар. Улар дастур доирасида бажарилган ишларнинг ҳажми ва мақсадларга эришишни ақс эттирувчи кўрсаткичлар бўйича ҳисобот беришлари лозим.

- Тармоқнинг ривожланиши учун масъул бўлган давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари – бюджет маблағларини бош тақсимловчилар ҳар йили фаолият натижалари ва асосий йўналишлари тўғрисида маърузалар тайёрлайдилар. Тармоқ ижро этувчи ҳокимият органи тармоқни ривожлантириш сиёсатини ишлаб чиқади.

Тармоқ органи маърузаси ижтимоий мақсадларга эришишни ҳақидаги ахборотни ўзида аке эттириши ва пировард натижаларга кўра баҳолагани лозим.

Фаолият натижалари тўғрисида ҳисоботларни давлат бошқаруви амалиётига жорий этиш ННБга ўтиш шароитида бюджет ресурсларидан фойдаланилиши устидан назоратни енгиллаштиради, ҳокимият органларига бюджет харажатлари самарадорлигининг ички ва ташқи аудитини вақти-вақти билан ўтказиш имкониятини беради.

Натижалар бўйича ҳисоботни ижтимоий молияни бошқариш амалиётига жорий этиш учун:

- бюджет жараёни ишироқчилари (бюджет маблағларини бош тақсимловчилар, тақсимловчилар ва бюджет маблағларини олувчилар) учун натижалар тўғрисида ҳисобот шаклларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш;
- мониторинг, статистик кузатишлар маълумотларига мувофиқ натижаларнинг кўрсаткичларини ҳисоблаш тартибини тасдиқлаш;
- натижалар тўғрисида ҳисоботни тайёрлашга маблағларни бюджетда назарда тутиш лозим.

5. Бюджет харажатларининг самарадорлиги аудити. Бюджет харажатларининг самарадорлиги аудити маҳаллий даражада фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисоботларнинг ишончлилигини текшириш, мақсадли дастурлар ва тармоқ сиёсатининг самарадорлигига доир ҳисоботлар ва баҳолашларнинг сифатини ошириш мақсадида ўтказилиши лозим.

Самарадорлик аудити – ҳокимият органлари ва бюджет маблағларини олувчилар фаолиятининг натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни текшириш. Текширувлар ҳисобот маълумотларининг тўлиқлиги, тўғрилиги ва ишончлилигини, бюджет маблағлари сарфланишининг самарадорлигига баҳо бериш тартиб-таомиллари тўғри қўлланилганини ва ҳисоботларда фаолиятнинг унумдорлиги хусусида чиқарилган хулосаларнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун ўтказилади.

Самарадорлик аудити мақсадли дастурлар мазмунини белгиловчи сабаблӣ боғланишлар ҳақидаги гипотезаларнинг, тармоқ сиёсати мақсад ва вазибаларнинг тўғрилигини текширмайди.

Бюджет харажатларининг самарадорлиги аудити икки хил – ташқи ва ички бўлади. Ички аудит асосан ташкилотнинг ўз кучи билан ўтказилади ва ташкилотни бошқариш сифатини оширишга қаратилади. Ташқи аудит вакиллик ҳокимиятининг назорат-ҳисоб палаталари, мустақил аудиторлик ташкилотлари, мустақил экспертлар томонидан ўтказилади. Бюджет маблағлари сарфланишининг самарадорлиги аудитини ўтказиш текширувда ишироқ этувчи аудиторлардан юксак малакага эга бўлишни талаб қилади.

Бюджет маблағлари сарфланишининг самарадорлиги аудитини ижтимоий молияни бошқариш амалиётига жорий этишга қуйидаги омиллар монелик қилади:

- бюджет маблағларини тақсимловчилар ва олувчилар фаолиятининг натижалари ҳақида норматив белгиланган стандарт ҳисоботнинг йўқлиги;
- давлат ҳокимияти органлари ва бюджетдан маблағ олувчи бошқа субъектлар ишига баҳо беришни тўлиқ ҳажмда бажаришга қодир бўлмаган малакали мутахассислар озлиги. Самарадорликни теширишни амалга оширувчи аудиторлар нафақат молиявий-иқтисодий билимларга, балки текширилайётган соҳаларда махсус билимларга ҳам эга бўлишлари керак;
- давлат ва маҳаллий даражаларда самарадорлик аудитини ўтказишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ва услубий база пухта ишлаб чиқилмагани.

Самарадорликнинг ички ва ташқи аудитини жорий этишдан олдин ижтимоий молияни бошқариш амалиётига фаолият натижалари ва маблағлардан фойдаланишнинг самарадорлиги тўғрисида стандарт ҳисобот жорий этилиши лозим.

Самарадорлик аудити амалиётини кенг тарқатиш учун:

- самарадорлик аудити стандартлари ва уни ўтказиш методикаларини ишлаб чиқиш;
- самарадорлик аудитини ўтказиш тартибни белгиловчи норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишга ва самарадорлик текширувларини ўтказишга бюджет маблағларини маҳаллий бюджетда назарда тутиш талаб этилади.

6. Дастурларнинг ва тармок сисёатининг самарадорлигига баҳо бериш. Айрим ҳолларда мақсадли дастурларни ишлаб чиқишга асос бўлган ижтимоий ҳодисалар ўртасидаги сабабий боғланишлар ҳақидаги фаразларнинг тўғрилигини, тармокнинг ривожланишини бошқарувчи ҳокимият органи олиб бораётган сисёат асосларининг тўғрилигини текшириш талаб этилади. Бундай зарурият дастур мониторинги ёки тармок ривожланиши асосий кўрсаткичларининг мониторинги жараёнида кўрсаткичларнинг қўтилаётган кийматларидан қўтилмаган ва тушунтириб бўлмайдиган оғишлар аниқланганида тутилади.

Бундай ҳолларда дастурларнинг самарадорлигига ёки сисёатнинг самарадорлигига баҳо беришни амалга ошириш талаб этилади. Самарадорликка баҳо беришда текширувчи ташкилот ҳисоботларни ва берилган қўшимча материалларни текшириш билан чекланмайди, балки зарурий тадқиқотлар, масалан, социологик тадқиқотларни мустақил ўтказди, амалга оширилаётган дастурнинг жамиятга таъсирига баҳо беради ва дастурга асос бўлган гипотезанинг тўғрилигини текширади.

Сисёат ёки дастурнинг самарадорлигига берилган баҳо амалга оширилаётган сисёат ёки мақсадли дастурларнинг асосий қондаларини ўзгартиришга доир муҳим иқтисодий ва сисёий қарорлар қабул қилиш учун асос бўлади. У ижтимоий ҳодисалар ва жараёнлар ўртасида мавжуд муҳим алоқаларни аниқлаш, мақсадли ва комплекс дастурларни шакллантиришда хатоларни четлаб ўтиш имкониятини беради.

Самарадорликка баҳо беришни ўтказиш маблағлардан мақсадли фойдаланилишини текширишга қараганда қўпроқ вақт ва ресурслар сарфини талаб этади. Дастурлар ва сисёатларнинг самарадорлигига баҳо бериш самарадорлик аудитидан анча қиммат туради ва юқори малакали мутахассислар иштирокини талаб этади. Ҳозирги вақтда маҳаллий бошқарув амалиётида дастурларга баҳо беришни амалга оширишнинг ягона ва умум эътироф этилган методикаси йўқ.

Дастурлар самарадорлигига баҳо беришни назорат-ҳисоб палаталари, мустақил аудиторлар, маъмуриятлар томонидан махсус тузилган муваққат ишчи гуруҳлар амалга ошириши мумкин.

Халқаро бюджет амалиётида йиллик молиявий режаларнинг бажарилиши тўғрисида қонунчилик (вакиллик) ҳокимияти органлари олдида ҳисобот бериш тизими мавжуд бўлиб, у режаларни бажаришга миқдорий баҳо беришни ҳам ўз ичига олади.

НИБга ўтиш жараёнида бош муаммо мақсадли кўрсаткичларни танлаш ҳисобланади.

Демократик жамият ва бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадларига эришишда Ҳукуматнинг роли ўз фаолияти билан қўйилган мақсадларга эришилишини таъминловчи бозор ва фуқаролик жамияти субъектлари ривожланиши учун зарурий шароитларни яратишдан иборат. Бу, мисол учун, собиқ шўро режа тизимида кенг қўлланилган ва натижалари ҳаммага яхши маълум бўлган миқдор кўрсаткичлари эмас, балки сифат кўрсаткичлари биринчи ўринга қўйилишини лозимлигини аниқлади. Айни шу сабабли талаб этиладиган кўрсаткичлар сифат жиҳатидан ва ишончлик даражасига кўра мақсадлар тавсифига мувофиқ бўлиши лозим.

7. Бюджет ташкилотларида молиявий менежмент сифатини тестлаш тизимини яратиш. Бюджет муассасаларидаги молиявий менежмент сифатини таққослаш ва бу баҳодан уларнинг ислохотда иштирокини рағбатлантириш учун фойдаланиш қуйидаги тadbирларни амалга оширишни талаб этади:

- молиявий менежмент сифатининг йиллик тестларини барча бюджет ташкилотларида уларга қўйиладиган талаблар бажарилишининг самарадорлигига ва ислохотининг кейинги боскичларига тайёрлик даражасига баҳо бериш учун жорий этиш;

- хар йили молиявий менежмент сифатига доир тестларни ўтказиш, бунда аниқ баҳолаш мезонларидан фойдаланиш ва уларга ислохотни амалга оширишда эришилган тараққиётга мувофиқ тегишли тузатишларни киритиш, талабларни ўзгартириш, янги талабларни киритиш ва эскиларини бекор қилиш;

- тестларнинг натижаларидан Молия вазирлиги томонидан ислохотни амалга оширишга рағбатлантирувчи омилларни ишлаб чиқишда фойдаланиш, бунда ўзларига ажратилган ресурслардан самаралироқ фойдаланаётган бюджет муассасаларига бошқарув борасида кўпроқ эркинлик бериш.

8. Кадрлар малакасини ошириш. БЎМРни самарали жорий этишни таъминлаш учун Ҳукуматнинг барча даражаларида бюджетни ўрта муддатли режалаштириш бўйича сиёсий мажбуриятлар олиншини таъминлаш, тармоқ стратегик режаларини ишлаб чиқиш бўйича тезлик имкониятларни ёки кадрларнинг билимларини ривожлантириш, БЎМРни қувватлаш учун бюджетни бошқариш тартиби ва графигини жараёнга жорий этиш зарур.

Бюджет тизимининг мақсадли ҳолати мақсадларни, қўйилган натижаларни ва дастурларнинг самарадорлигини таърифлаш, унумдорлик индикаторларини ишлаб чиқиш, ўрта муддатли молиявий режалаштириш каби элементларни ўз ичига олади. Буларнинг барчаси энг аввало вазирликларнинг бошқарув бўғини ходимлари ва молиявий тахлилчилар *малакасига* юксак талаблар қўйишни назарда тутлади.

Молия органлари ва вазирликларнинг ходимлари малакасини зарурий даражага етказиш учун таълим жараёнини ташкил этиш жуда оғир иш. Аини вақтда, вазирликларнинг кадрлар таркибини янгилаш ҳам, масалан, давлат хизмати ходимларининг маош даражаси унча юқори эмаслиги туфайли жиддий муаммолар юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Кадрларни бошқариш борасида натижа учун ходимларнинг жавобгарлиги назарда тутилган, лекин дастурларнинг унумдорлигига қараб ходимларни мукофотлаш назарда тутилмаган.

Ўзгаришлар жараёнига тайёрлаш мақсадида ходимларни ўқитиб-ўргатиш кенг қўламли вазифа ҳисобланади ва пухта режалаштириш ва бошқаришни талаб этади. Шу туфайли ҳам Молия вазирлигининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- бошқа таълим муассасалари ва вазначилик билан ҳамкорликда молиявий менежмент масалалари бўйича таълим ҳамда маслаҳат бериш билан шугулланадиган марказий бўлинма ташкил этиш;

- конкрет талабларни ҳисобга олиб, бюджет муассасалари ходимларига таълим беришни, шунингдек, бюджет муассасалари учун бюджет ижроси ва ҳисоботни ислох қилиш масалалари бўйича ўқитувчилар тайёрлашни ташкил этиш ва ўтказиш;

- марказлаштирилган тартибда таълим бериш амалга оширилганидан сўнг бюджет муассасаларига ўз таълим дастурларини яратиш ва ходимларга молиявий менежментни тўлақонли ўргатиш режаларини ишлаб чиқиш талабини қўйиш.

Молия вазирлиги молиявий менежмент сифатини яхшилашга менежерлар рағбатини кучайтириш мақсадида аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши ва у қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- молиявий менежмент сифатини текшириш жараёнида олинган сабоқлардан фойдаланиш;

- бошқарув борасида эркинликни кенгайтиришга асосланган рағбатлантирув тизимини қонун йўли билан мустаҳкамлаш;

- рағбатлантирув тизимини бюджет муассасаларига нисбатан қўллашни тавсия этиш (шу жумладан, бюджетни режалаштириш субъекти ва унга тобе бўлган тузилмалар ўртасидаги муносабатларда);

• молиявий менежмент ислохоти бюджет ижроси ва ҳисобот боскичларида амалга оширилишига қараб молиявий менежментга қўйиладиган талабларни янгилаш ва кучайтириш.

9. Бюджет муассасаларини бошқариш ташкилий тузилмасини бюджет муассасаларида зарурий ўзгаришларини амалга ошириш йўли билан такомиллаштириш. Бунда менежерлар ресурслардан фойдаланиш ва натижаларга эришиш учун жавобгар бўладилар. Ушбу мақсадга эришиш куйидагиларни назарда тутадик:

• бюджетни режалаштириш субъектлари белгиланган вазифаларни амалга оширишга, ресурслардан самарали фойдаланиш ва натижаларга эришишга қодир бўлган иерархиявий бошқарува тузилмасини ташкил этишлари лозим;

• бюджет муассасаларининг ташкилий тузилмаси шундай ўзгартирилиши керакки, хизматлар кўрсатиш фаолиятини бошқарувчи менежерлар харажатлар учун ҳам, натижалар учун ҳам шахсан жавобгар бўлсинлар;

• бюджет муассасалари қонкрет натижаларга эришиш, тегишли фаолиятни амалга ошириш ва ресурслардан фойдаланиш учун жавобгарликни муайян операцион (бюджет) менежерларига юклатишлари ҳамда уларнинг ваколатлари ва мажбуриятларини белгилашлари лозим;

• бюджет муассасалари ички молиявий назорат замонавий тизимини яратишлари, шу жумладан ваколатлар ва вазифаларни белгилашлари, шунингдек, ички текширувлар, давлат харидларини бошқариш, даромадларнинг ягона бюджет ҳисобварагини юритиш ва ҳоказоларнинг тартиб-таомилларини белгилашлари зарур;

• бюджет жараёнининг барча иштирокчилари самарали молиявий менежментни таъминлаш учун бухгалтерия ҳисобини юритишлари ва молиявий ахборот тизимини ислох қилишлари лозим. Бу амалга ошириладиган тўловлар ҳисобини ўз вақтида юритиш, ресурсларни режалаштириладиган ва амалда эришилган натижалар билан боғлаш, активлардан самарали фойдаланишни, шунингдек, менежерлар бошқарув ҳамда бухгалтерия ахборотидан бюджетни, фаолият ва натижаларни бошқариш воситаси сифатида фойдаланишларини ўз ичига олади;

• бюджет муассасалари бюджет ижроси ва ҳисоботни боскичма-боскич ислох қилиш учун ҳаракатларнинг кенгайтирилган режаларини тайёрлашлари лозим;

• ресурслардан фойдаланиш ва натижаларга эришиш учун жавобгар бўлган операцион (бюджет) менежерларини тайинлаш тартиб-таомиллари ишлаб чиқилиши, уларнинг ваколатлари ҳамда мажбуриятлари белгиланиши, шунингдек, операцион менежерларга зарурий бошқарув ахборотини бериш самарали тизимини шакллантириш зарур.

**6-жадвал. БЎМРни жорий этишга нисбатан ёндашувлар
(ҳалқаро тажриба мисолида)**

1-босқич. Бюджетни режалаштириш: ўрта муддатли давр ва натижаларга қараб мўлжал олиш	
1. Макродаражада ижтимоий молиянинг барқарорлиги	Ижтимоий молиянинг узок муддатли барқарорлигини таъминловчи аниқ ва қонун йўли билан мустаҳкамланган қондалар билан тавсифланади
2. Жорий ва капитал харажатларни режалаштиришнинг бирлиги	Қамада 3 йил муддатга жорий ва капитал харажатларни қўшма режалаштириш. Капитал харажатлар тўғрисида қарорлар уларнинг жорий харажатларга таъсирини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши лозим.

<p>3. Ўрта муддатли молиявий режалаштириш</p>	<p>Ўрта муддатли “сирланувчи” бюджетни режалаштиришни бюджет жараёнига тўлиқ (макродаражада ва тармоқ даражасида) жорий этиш. Даромадлар ва харажатларнинг асосланган лойиҳалари 3 йил олдига тузилади. Йиллик бюджет лойиҳаси уч йилликнинг биринчи йилига мувофиқ келади. Бу бюджет лойиҳаларининг барқарорлигини, рискларни бошқариш ва ўзгарган шароитларга мослашиш имкониятини таъминлайди. Муфассал ишлаб чиқилган методикалар бюджет даромадларининг ўрта муддатли прогнозини макроиктисодий ривожланиш сценарийлари билан боғлашни, ижтимоий-иктисодий прогнознинг базавий сценарийсини танлашни ва макроиктисодий параметрлар ўзгарганида бюджет прогноزلаштириладиган даромадларининг барқарорлик даражасига баҳо беришни осонлаштиради.</p>
<p>4. Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш</p>	<p>Дастурларни амалга ошириш ва нодастурий фаолиятнинг қутилаётган натижаларини бюджетга киритишни, молия ва соҳа департаментлари, идоралар раҳбарларининг тадбирлар ва уларнинг натижалари харажатлар билан асосан боғланишини таъминлаш учун самарали ўзаро алоқасини буюради.</p>
<p>5. Харажатларни ажратиш ва бюджет маблағлари маъмурларининг мустақиллиги</p>	<p>Режалаштиришнинг ўрта муддатли даври ҳамда бюджетдан маблағлар ажратилишининг нисбатан юксак даражаси натижалар учун катъий ҳисобдорлик белгиланганида бюджет муассасаларининг мустақиллиги ва жавобгарлигини кучайтиради. Бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг энг кўп ҳажмлари камда 3 йил муддатга белгиланади ва зарур ҳолда, ҳар йили уларга тузатиш киритилади. Бюджет харажатларининг муфассал тузилишини идоралар белгилайди.</p>
<p>2-босқич. Бюджетни ижро этиш; натижалар учун жавобгарлик</p>	
<p>1. Натижалар учун учун жавобгарлик ва бюджет муассасаларида ҳисобдорлик тизими</p>	<p>Катъий ҳисобдорлик мавжуд бўлган ҳолда ваколатлар бериш ва натижалар учун жавобгарлик юқлашни буюради. Ваколатлар ва жавобгарликни тақсимлаш идоравий норматив ҳужжатларда мустаҳкамланган. Ҳа аниқ ҳусусиятга эга ва тақдорлашларга йўл қўймайди. Тармоқ вазириликлари ва идораларнинг раҳбарлари ва ходимлари жорий фаолият учунгина эмас, балки натижаларга эришиш учун бюджет маблағларидан қандай фойдаланилгани учун ҳам шахсан жавобгар бўлади.</p>
<p>2. Бюджет маблағларини лимитлар доирасида тасарруф этиш эркинлиги</p>	<p>Идоралар ва уларнинг соҳа департаментлари ўз ихтиёрига берилган бюджетдан режалаштирилган натижаларга эришиш учун қачон ва қай тарзда фойдаланишни мустақил ҳал қиладилар.</p>
<p>3. Харажатларни молиялаштириш графиги</p>	<p>Харажатларни молиялаштириш графигига катъий риоя этиш. Идоралар режалаштирилган бюджет маблағларини газначиликдан график бўйича, шунингдек, қутилмаган ҳолатлар билан асосланган талабномага биноан оладилар. Бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажми фавқулодда ҳоллардагина қисқартирилиши мумкин. Бунда пул маблағлари газначиликнинг тўлов тизими ҳисобварақларида жамланиши ва уларнинг сальдосидан оптимал фойдаланиш таъминланади.</p>

4. Давлат хизматларини кўрсатиш тўғрисида битим	Хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги битимлардан кенг фойдаланиш. Икки даражада тузилади: молия вазирлиги (хукумат) ва тармоқ вазирликлари ўртасида; тармоқ вазирликлари ва уларга тобе агентликлар ва хизматлар ўртасида. Харажатларга оид мажбуриятларини келишилган ҳолда режалантириш, ижро этиш ва натижаларга эришишни таъминлайди, тарафларга ҳаракатлар учун анча кенг эркинлик беради.
5. Давлат харидлари таомиллари	Танлов асосида апелляция бериш ҳуқуқи билан амалга ошириладиган давлат харидлари таомилларининг очик ва ошкоралиги. Бир йилдан ортиқ муддатга контрактлар тузиш имконияти бюрократик харажатларни қисқартиради.
6. Ички назорат	Бюджет муассасаларида ички назорат мавжудлиги. Ички назорат ташкилотдаги бошқарув жараёнини тўлиқ камраб олади, барча раҳбарлар ва ходимлар томонидан амалга оширилади, ташкилот тежамлилик, самаралилик ва унумдорлик принципларига мувофиқ фаолият кўрсатишини таъминлайди. Бошқарув эркинлиги беришни назарда тутати, лекин бунда қонунга, ахлоқий стандартларга ва ҳисобдорлик талабларига риоя этилиши, шунингдек, молиявий зарарлар, сунистёмоллар ва коррупция рисклари минималлаштирилиши лозим.
3-босқич. Юриштир ва ҳисобот: очиклик ва ошкоралик	
1. Харажатлар таснифи ва бухгалтерия ҳисоби	Функционал таснифнинг мослашувчанлигини, бюджетдан маблағ ажратиш ва ундан фойдаланиш натижаларини боғлашни, шунингдек харажатлар ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқ юриштириш назарда тутати. Бунда олинadиган ахборотдан бюджетга доир ва бошқарув қарорлари қабул қилишда фойдаланилади.
2. Бошқарув ҳисобини юриштир принциплари	Идораларда бухгалтерия ҳисоби билан бир қаторда конкрет натижалар учун жавоб берадиган ходимлар, шунингдек, бутун идора бюджетининг ижроси учун жавобгар бўлган олий раҳбарият учун зарур ахборотни жамловчи бошқарув ҳисобини юриштир. Бошқарув ҳисоби бюджет дастурлари қийматини белгилаш имкониятини ҳам беради.
3. Активлардан самарали фойдаланиш	Вақти-вақти билан активлар қийматини қайта баҳолашни амалга ошириш, бу қайта баҳолашни бухгалтерия балансида қайд этиш ва активлардан фойдаланиш тўғрисида қарорларни уларнинг муқобил даромаддорлигини ҳисобга олган ҳолда қабул қилишни талаб этади.
4. Ҳисоботнинг очик ва ошкоралиги	Бюджетдан фойдаланиш ҳақидаги ахборотнинг, шу жумладан, бюджет харажатларининг унумдорлиги кўрсаткичларининг очиклигини назарда тутати. Идора фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботлар уларнинг молиявий ҳисоботи билан бирга эълон қилинади ва парламентга тақдим этилади. Мазкур ҳужжатнинг ишончлилиги ташқи аудит бўйича олий давлат органининг хулосаси билан тасдиқланади.
4-босқич. Аудит ва мониторинг самарали тизимини яратиш – ижтимоий молияни масъулиятли бошқаришнинг зарурий шарт	
1. Ички аудитни ташкил этиш	Идораларда фақат олий раҳбариятга ҳисобдор бўлган ички аудит хизматлари мавжудлигини назарда тутати. Уларнинг вазифаси –

	<p>олий раҳбариятнинг идорани бошқариш ва унинг олдига қўйилган мақсад ва вазифаларга эришишга қаратилган ҳаракатларнинг доимий қўллаб-қувватлаш. Ички аудит хизмати идора раҳбарияти хайъати таркибига кирувчи аудит қўмитасига ҳам қўмаклашади. Бу қўмита таркибига раҳбарият вакилларида ташқари шу жумладан, молияни бошқариш соҳасида тажрибага эга бўлган мустақил экспертлар киритилади. Қўмита вазифаларига энг долзарб муаммоларни аниқлаш ва уларни ечиш йўлларини таклиф қилиш қиради.</p>
<p>2. Ички аудит функциялари</p>	<p>Ички аудит менежмент, ички назорат ва рискларни бошқаришнинг сифати, ташкилот мақсад ҳамда вазифаларига эришишга улар қўшган ҳисса ҳақида мустақил ва объектив хулоса чиқариши лозим. Бу хулоса олий раҳбарият эътиборига ҳавола этилади. Ички аудит олий раҳбарият жорий этган қондалар ва таомиллар бажарилишига баҳо бериш бўйича олий раҳбарият ҳамда аудит қўмитаси билан келишилган ҳаракатлар режасини бажаришни, шунингдек, ички ва ташқи ҳисоботнинг тўғрилиги, ҳисобдорлик тизимининг самаралилиги, ташкилот фаолиятининг қонунга мувофиқлиги, ходимлар ҳуқ-атворининг идорада қабул қилинган ахлоқ стандартларига мувофиқлигини аниқлашни назарда тутати. Ички аудит функцияларига идоранинг барча раҳбарларига ўз ишини яхшилашга қўмаклашувчи тавсиялар бериш ҳам қиради. Ички аудитнинг муҳим функцияси идора ҳисоботларининг тўғрилигини текширувчи ва тасдиқловчи давлат ташқи аудит органи билан фаол ҳамкорлик қилишдир.</p>
<p>3. Мониторинг ва баҳо бериш</p>	<p>Бошқарув жараёнининг ажралмас қисми. Мониторингнинг давомлилиги идора фаолиятининг хусусияти билан белгиланади, лекин у, одатда, қаида ҳар ой ўтказилади ва бу тузатиш қиритувчи чораларни ўз вақтида қўриш имкониятини беради. Идоралар амалдаги ҳаракатлар ва натижаларнинг режага мувофиқлигига ярим йиллик ва йиллик баҳо беришларни ҳам амалга оширади. Молия вазирлигининг тармоқ бўлимлари идора фаолиятининг мониторингини ва унга баҳо беришни амалга оширади. Ички ва ташқи ярим йиллик баҳо беришларнинг натижаларидан ҳисобот йили бюджетини ижро этиш соҳасида бошқарув қарорлари қабул қилиш учун, йиллик баҳоларнинг натижаларидан эса – келгуси бюджетларни режалаштириш ва ижро этишни яхшилаш учун фойдаланилади.</p>
<p>4. Аудит ва самарадорлик</p>	<p>Молиявий аудитдан ташқари идора фаолияти асосий йўналишларининг иқтисодий, ижтимоий ва ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги аудитини давлат ташқи аудит органи томонидан амалга оширишни назарда тутати.</p>

5-босқич. Идорада молиявий менежмент шартлари ва асослари

1. Молиявий менежментни норматив-ҳуқуқий тартибга солиш ва институционал қўллаб-қувватлаш	Давлат секторда бюджет жараёнининг барча босқичлари учун молиявий менежмент стандартлари ва кондаларини белгилловчи норматив-ҳуқуқий тартибга солишнинг мавжудлиги. Молиявий менежмент масалалари бюджет жараёнини ва унинг айрим босқичларини тартибга солувчи қонунлар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Замонавий молиявий менежмент бошқарувнинг барча даражаларида менежерларга ресурсларни тасарруф этиш ва улардан фойдаланиш натижаларига эришиш учун ваколатлар бериш ҳамда жавобгарлик юклашни назарда тутати. Марказий молия органи (Молия вазирлиги)да молиявий менежмент масалаларини тартибга солувчи махсус таркибий бўлима фаолият кўрсатиши лозим.
2. Бюджет муассасалариянинг ташкилий тузилмаси ва уларда ваколатлар ва вазифаларнинг тақсимлангани	Бюджет муассасаларида молиявий менежмент доирасида ваколатлар ва вазифаларни тақсимлашнинг идоравий ҳужжатларда мустаҳкамланган тизимини таъминловчи мослашувчан ва самарали ташкил тузилманинг мавжудлиги. Бу тизимнинг муҳим жиҳатлари конкрет операциялар менежерларга (улар бюджет менежерлари ҳамдир) фаолият, тегишли бюджетлар ва натижаларни бошқариш бўйича ваколатлар бериш жавобгарликни юклаш, ўз ваколатлари доирасида бошқарув қарорлари қабул қилувчи операциялар менежерларнинг ва идора бюджетини бошқарувчи, операциялар менежерлар ишини мувофиқлаштирувчи ҳамда умумий назоратни амалга оширувчи молия департаментининг функцияларини аниқ белгилашдир.
3. Ахборот технологияларини жорий этиш	Идораларда менежмент жараёнларини самарали ташкил этишга кўмаклашувчи юқсак электрон технологиялар, идоралар электрон тизимларининг йўлга қўйилган самарали ўзаро алоқаси мавжудлиги (бюджет ҳисобини юритиш ва ҳисобот идоравий тизими билан марказий молия органининг тўлов тизими ўртасида). Ўзаро мувофиқ келувчи ва реал вақт режимда ўзаро алоқа қилувчи тизим мавжудлиги; бу маълумотларнинг тўла мувофиқлигини ва соҳа бўлиmlарининг раҳбарлари молиявий кўрсаткичларни тезкорлик билан олишини таъминлайди.
4. Самарали молиявий менежмент учун кадрлар салоҳиятини ривожлантириш	Иши кенг маънодаги молиявий менежмент билан боғлиқ бўлган давлат хизмати ходимларини тайёрлаш самарали тизимнинг мавжудлиги билан тавсифланади.

Шундай қилиб, ўрта муддатли асосда бюджетларни шакллантириш заруряти умум эътироф этилган бўлиб, БЎМРни жорий этишнинг дастлабки шартларига ва бу борада тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш кетма-кетлигига боғлиқ. Ўз-ўзидан равшанки, ижтимоий молия соҳасида қабул қилинаётган қарорларнинг ўрта муддатли оқибатларини ҳисобга олиш келажакда бекарорликка йўл қўймасликка, айрим секторлар ва тармоқларда бюджет харажатларининг унумдорлигини оширишга, шунингдек, бюджет ресурсларини секторлар ўртасида ва ҳар бир сектор доирасида тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг самарадорлигини таъминлашда ёрдам беради.

ХУЛОСАЛАР ВА ТАВСИЯЛАР

1. Ўзбекистон Республикасида бюджет жараёнини ташкил этиш асослари, унинг норматив-ҳуқуқий базаси ва босқичларини таҳлил қилиш, шунингдек, мавжуд бюджет тизimini. Давлат бюджетининг тузилиши ва уни прогноз қилиш усулларини ўрганиш Давлат бюджетини режалаштириш методологиясида бюджет маблағларидан изчил ҳамда самарали фойдаланиш имкониятларини чекловчи айрим камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Жорий сметали режалаштириш молиялаштириш натижаларини белгилаш муаммосини амалда четлаб ўтади. Бошқача айтганда, харажатларнинг ўзи натижалар сифатида амал қилади. Бюджетни режалаштириш бир йил билан чегараланади ва бу бюджет сиёсатини ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг жорий йил доирасидан четга чиқувчи устувор вазифалари ва максалларига эришишга йўналтириш имкониятини бермайди. Натижада ўрта ва узок муддатли келажакда амалга оширишни мўлжаллаб қабул қилинадиган миллий ва тармоқ дастурлари аксарият ҳолларда, бюджет имкониятлари билан боғланмайди. Жорий (амалдаги) бюджет ҳам инвестиция дастури билан лозим даражада боғланмаган.

2. Давлат секторига бюджетни ўрта муддатли режалаштиришни жорий этиш эҳтиёжлари қуйидаги омиллар билан белгиланади:

- мамлакатнинг яқин йиллардаги молиявий имкониятларини («бюджет чеклашларини») ва режа билан қамраб олинган ҳар бир йил учун бўш маблағларнинг ялли қийматини аниқлаш зарурияти билан. Ушбу қиймат инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва қарзга хизмат кўрсатишнинг умумий имкониятини намоиш этади;
- узок муддатли капитал қўйилмалар дастурларини амалга ошириш вазифалари билан. Улар аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун зарур шароитларни яратувчи инфратузилмани ривожлантириш имкониятларини белгилайди;
- жорий бюджетларни мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ўрта муддатли молиявий режаларда ақс эттириладиган стратегик максалларига йўналтиришнинг аҳамияти кучайганлиги билан.

3. Қуйидагилар Ўзбекистонда бюджетни ўрта муддатли режалаштиришга ўтиш шартлари ҳисобланади:

- барқарор иқтисодий ўсish ва уни ўрта муддатли ва узок муддатли келажакда қувватлаш зарурияти;
- Солиқ кодексини янги таҳрирда ҳамда ўрта муддатли келажакка мўлжалланган солиқ сиёсати концепциясини қабул қилиш доирасида солиқ тизimini барқарорлаштириш;
- аҳоли фаровонлигини оширишнинг ўрта муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш ва ўрта муддатли келажакка мўлжалланган бошқа миллий дастурларнинг мавжудлиги.

4. Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш (БЎМР) ёки натижага йўналтирилган ўрта муддатли бюджетлаштириш (НЙЎМБ) ҳозирги вақтда давлат молиясини бошқариш ислохотининг бош элементи сифатида кенг миқёсда эътироф этилган.

5. Мамлакат иқтисодиётида бюджетни ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқиб, давлат харажатларини бошқариш бюджет сиёсатининг муҳим қисми ҳисобланади ва мамлакат ривожланишнинг ўрта муддатли истиқболи ва бюджетни режалаштириш, БЎМР жараёнини бошқариш, қўлланиладиган бюджет даромадлари ҳамда режаларини режалаштириш ва прогноزلантириш усуллари, қонунчилик базасининг ҳолати-шунингдек бюджетни тасдиқлаш ва ижро этиш, бюджет ижросини назорат қилиш жараёnlари билан кўп жиҳатдан белгиланади.

6. БЎМРни амалга жорий этишда бюджетни ўрта муддатли режалаштириш борасидаги халқаро тажрибани, чет мамлакатларида БЎМРни жорий этишнинг институционал жиҳатларини ўрганиш, энг муҳими – БЎМРни жорий этиш борасида тўпланган ижобий тажрибадан зарур сабоқлар олиш улкан аҳамият касб этади.

7. Ўрта муддатли бюджет дойиҳасини тайёрлаш жараёнини ташкил этишда куйидагиларни амалга ошириш зарур: ўрта муддатли комплекс режалаштириш боскичларини белгилаш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўрта муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш, ўрта муддатли (перспектив) молиявий режани тайёрлаш. Давлат бюджети параметрларини лойиҳалаш, бюджет маблағларини тақсимловчилар учун бюджет харажатларининг лимитларини шакллантириш, бюджет сисъатининг устувор вазибаларини келиб чиқиб давлат максадли (бюджет) дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек бюджет харажатлари лимитларини максадли дастурларнинг параметрлари билан мувофиқлаштириш чораларини кўриш.

8. БЎМРнинг ахамияти шундаки, у харажатларни давлат сисъатининг устувор йўналишлари билан боғлаш ва уларни бюджетда мавжуд маблағлар билан чеклаш имкониятининг берувчи асосини яратадн. БЎМР ресурсларни ижтимоий-иқтисодий сисъатининг устувор йўналишларига мувофиқ тармок дастурларини амалга ошириш учун секторларнинг ресурсларга бўлган эҳтиёжлари билан боғловчи узлуксиз жараёндир.

9. БЎМР бюджетнинг жами даромадлари ва харажатларини макроиқтисодий прогноزلаштириш асосида юкоридан пастга қараб ишлаб чиқиладиган лойиҳаларини, шунингдек, давлатнинг молиявий мажбуриятлари ва умумдавлат ахамиятига молик максадли дастурларни, уларни амалга ошириш қийматларининг жорий ва ўрта муддатли баҳоларини ўз ичига олади.

10. Бошқа мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққанда, БЎМРни жорий этиш перспектив молиявий режа (ПМР), харажатларга оид мажбуриятлар реестри (ХМР), Фаолият натижалари ва асосий йўналишлари ҳақида маърузалар (ФИАЙМ), асослангирилган бюджет бувортмалари, тушунтириш хатларини бир-бири билан боғлашни ва бюджет жараёнига киритишни таъминловчи ўрта муддатли бюджет режаларини тайёрлаш методикаларини белгилайди.

11. БЎМРни жорий этиш учун молиявий менежментнинг замонавий тартиб-таомиллари ва жараёнларини БМБТ бюджет ижроси ва ҳисобот амалиётига жорий этишга киришни учун барча зарур шароитларни яратиш, Молия вазирлиги норматив базани янгилашни, тегишли базавий методикалар яратилишини таъминлаш¹³, шу жумладан, БМБТ молиявий менежментни бюджетни ижро этиш ва ҳисобот боскичларига жорий этишни режаларини ишлаб чиқишни, уларни кўриб чиқишни ва тасдиқлашни тартибга солувчи норматив ҳужжатни тайёрлаш зарур.

12. Молиявий менежментнинг замонавий тартиб-таомиллари ва жараёнларини БМБТ бюджет ижроси ва ҳисобот амалиётига жорий этиш бўйича норматив ҳужжатлар ва базавий методикаларни ишлаб чиқиш куйидаги масалаларни ўз ичига олиши лозим: ҳар бир идорала харажатлар ва натижаларни "юкоридан пастга" қараб бошқариш учун ваколатларни бериш ҳамда жавобгарликни юклаш, ушбу жараёнга катъий ҳисобдорлик тизимини жорий этиш, шунга мувофиқ идораларнинг ташкилий тузилмасини ўзгартириш; ички назоратни бутун ташкилотни қамраб олувчи ва самарали молиявий менежментни таъминловчи жараён сифатида жорий этиш; НЙЎМБ принципларига мувофиқ бюджетни ижро этиш ва ҳисобот юритиш имкониятининг берувчи бошқарув ҳисоби тизимини ривожлантириш; замонавий молиявий менежмент талабларига жавоб берувчи ахборот технологияларини жорий этиш.

13. БЎМРнинг унумдорлиги унинг самарадорлигига баҳо бериш йўли билан аниқланади. Шу жиҳатдан ташкилот фаолияти даражасида БЎМРнинг самарадорлигига баҳо беришга нисбатан асосий методик талабларни тайёрлаш ва баҳоларнинг ахборот базасини тақомиллаштириш улкан ахамиятга эгадир.

¹³ Ушбу базавий методикалар асосида БМБТ ўз фаолияти хусусиятларини акс эттирувчи ўз йўриқномаларини ишлаб чиқиши лозим.

14. Ўзбекистон Республикасида БЎМРни жорий этиш тадбирлари мажмуини ишлаб чиқишга, БЎМРни жорий этиш чора-тадбирларини амалга ошириш тартиби ва кетма-кетлигини белгилашга алоҳида эътибор бериш лозим.

Шундай қилиб, БЎМРни ишлаб чиқиш ва жорий этиш давлат харажатларининг самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Бюджет жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари локал даражада самара бериши ҳам, кенг миқёсда туб ўзгаришларга олиб келиши ҳам мумкин. Натижага йўналтирилган бюджетлаштиришни ёки дастурий-мақсадли бюджетлаштиришни жорий этиш айнан шундай ўзгаришларга олиб келади. У бюджет жараёнининг барча босқичлари мазмунинигина эмас, балки давлат харажатларини бошқариш концепциясини ҳам ўзгартиради.

Адабиётлар

1. Финансы: учебник для вузов / Под ред. проф. М.В. Романовского, проф. О.В. Врублевской, проф. Б.М. Сабанти. – М.: Юрайт-М, 2004.
2. Финансы и кредит / Под ред. А.Ю. Казака. Екатеринбург, 1994.
3. Б.М. Сабанти. Теория финансов: Учебное пособие. 2-е изд. – М.: Издательство «Менеджер», 2000.
4. Финансы, денежное обращение и кредит: уч. пособие / А.Ю.Казак и др.; Под ред. А.Ю.Казака. – Екатеринбург: РИФ «Солярис», 2001.
5. Финансы и кредит: Учебник / Под ред. проф. М.В. Романовского, проф. Г.Н. Белоглазовой. – М.: Юрайт-Издат, 2004.
6. Основы теории финансов / Под ред. Л.А. Дробозиной. М., 1995.
7. Шеховцев Г.Л. Бюджет социалистического государства: на примере бюджета СССР. М., 1983.
8. Финансы: Учеб. пособие / Под ред. проф. А.М. Ковалевой. – 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2003.
9. Общая теория финансов: Учебник / Л.А. Дробозина, Ю.Н. Константинова, Л.П. Окунева и др.; Под ред. Л.А. Дробозиной. – М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1995.
10. Финансы. Денежное обращение. Кредит / Под ред. Л.А. Дробозиной. М., 1997.
11. Государственные и территориальные финансы / Под ред. Л.И. Сергеева. Калининград, 2000.
12. Финансы / В.М. Родионова, Ю.Я. Вавилов, Л.И. Гончаренко и др.: Под ред. В.М. Родионовой. – М.: Финансы и статистика, 1993.
13. Ковалёва Т.М. Бюджет и бюджетная политика в Российской Федерации: учебное пособие / Т.М. Ковалёва, С.В. Барулин. – М.: КНОРУС, 2005.
14. Вознесенский Э.А. Финансы социалистических государств. – М., 1982.
15. Вознесенский Э.А. Финансы как стоимостная категория. – М.: Финансы и статистика, 1985.
16. Якобсон Л.И. Государственный сектор экономики: экономическая теория и политика: Учебник для вузов. – М.: ГУ ВШЭ, 2000.
17. Брюммерхофф Д. Теория государственных финансов / Пер. седьмого немецкого издания / Под общей ред. А.Л. Кудрина, В.Д. Дзгоева – Владикавказ: Пионер-Пресс, 2001.
18. Стиглиц Дж. Ю. Экономика государственного сектора / Пер. с англ. – М.: Издво МГУ: ИНФРА-М, 1997.
19. Циммерманн Х. Муниципальные финансы: Учебник / Пер. с нем. – М.: Издательство «Дело и Сервис». – 2003.
20. Государственные финансы: теория и практика центрально-европейских стран на переходном этапе развития. – Б.: Фонд «Сорос-Кыргызстан», 1999.
21. Wildavsky A. Budgeting: a Comparative Theory of Budgetary Process, Little Brown and Company: Boston Toronto, 1975.
22. Mikessel J.L. Fiscal Administration: Analysis and Applications for the Public Sector, The Dorsey Press: Chicago, 1986.
23. И.В. Блауберг Проблема целостности и системный подход. – М.: Эдиториал УРСС, 1997.
24. Мыльник В.В., Титаренко Б.П., Волочинко В.А. Исследование систем управления: Учебное пособие для вузов. – 3-е изд. – М.: Академический Проект: Трикста – 2004.
25. Яндиев М.И. Финансы региональных органов власти – М.: Финансовый издательский дом «Деловой экспресс», 1999.

26. Методическое обеспечение среднесрочного финансового планирования в регионах и муниципальных образованиях / Сер. «Проект «Финансовое планирование»». – СПб., ГП МЦСЭИ «Леонтьевский центр», 2004.

27. Межбюджетные отношения и экономический рост в муниципальных образованиях. Серия «Научные доклады: независимый экономический анализ», №152. М.: Московский общественный научный фонд; Институт реформирования общественных финансов, 2004.

28. Бюджетные системы Беларуси, Казахстана, России и Украины: сравнительный анализ / под ред. В. В. Климанова. – М.: Едиториал УРСС, 2004. (Общественные финансы; Вып. 4)

29. Принципы управления общественными финансами на субнациональном уровне: Сборник докладов / Под ред. А.М. Лаврова. – М.: КомКнига, 2005. (Общественные финансы; Вып. 8.)

30. Лавров А.М. Бюджетная реформа в России: От управления затратами к управлению результатами. – М.: КомКнига, 2005. (Общественные финансы; Вып. 10.)

31. Финансовая помощь местным бюджетам: региональное законодательство / Под ред. В.В. Климанова. – М.: Едиториал УРСС, 2004. (Общественные финансы; Вып. 3)

32. Бюджетная система Российской Федерации: Учебник / О.В. Врублевская и др.; Под ред. О.В. Врублевской, М.В. Романовского. – 3-е изд., испр. и перераб. – М.: Юрайт-Издат, 2004.

33. Общественные финансы Калининградской области: российско-европейская перспектива / Институт Восток-Запад. – М.: МАКС Пресс, 2004.

34. Бушмин Е.В., Плиева В.И. Методика казначейского исполнения субфедеральных и местных бюджетов. Порядок проведения оценки при выборе технологии казначейского исполнения бюджета и формирования государственного заказа. – М.: Лесарарт, 2002.

35. Данилин А.В. Электронные государственные услуги и административные регламенты: от политической задачи к архитектуре «электронного правительства». – М.: ИНФРА-М, 2004.

36. Электронное правительство: рекомендации по внедрению в Российской Федерации / Под ред. В.И. Дрожжинова, Е.З. Зиндера. – М.: Эко-Трендз, 2004.

37. История Министерства финансов России: В 4 т. – Т. IV / Авторский коллектив. – М.: ИНФРА-М, 2002.

38. Цыгичко В. Основы прогнозирования систем. – М.: Финансы и статистика, 1986.

39. Черников Д. Макроэкономическая теория // Российский Экономический Журнал. – 1995. - №9.

40. Иваницкий В.П., Пешина Э.В. Становление российской системы государственных минимальных социальных стандартов / Отв. ред. акад. В.П.Иваницкий. Екатеринбург: Изд-во Урал. гос. экон. ун-та, 2000.

41. Пешина Э.В. Социальные расходы регионального бюджета: механизм регулирования / Научн. ред. Г.А. Ковалева. – Екатеринбург: Изд-во Урал. гос. экон. ун-та, 2002.

42. Толковый словарь современных бюджетных терминов. М., 1999.

43. Финансово-экономический словарь / Под ред. М.Г. Назарова. М., 1995.

44. Большой экономический словарь / Под ред. А.Н. Азрилияна. – 5-е изд. доп. и перераб. М.: Институт новой экономики, 2002.

45. Словарь аудитора и бухгалтера / Л.Ш. Лозовский и др. М., 2003.

46. Краткое пособие по бюджету Российской Федерации и основным моментам бюджетного процесса / Центр Фискальной Политики, 2004. (<http://www.fpccenter.ru/themes/basic/materials/document.asp?folder=1586&matID=2590>)

47. Внедрение среднесрочного финансового планирования в бюджетный процесс Российской Федерации – М.: Центр Фискальной Политики, 2002.

48. Концепция реформирования бюджетного процесса в Российской Федерации в 2004-2006 годах / «Российская газета» № 113 (3490) 1 июня 2004 г.

49. Региональное финансовое планирование: обзор зарубежного и российского опыта / Сер. «Проект „Финансовое планирование“». – СПб.: ГП МЦСЭИ «Леонтьевский центр», 2003.

50. Бюджетирование, ориентированное на результат: международный опыт и возможности применения в России – М.: Центр Фискальной Политики, 2002.

51. Аналитический обзор международного опыта применения принципов Кодекса лучшей практики. Возможности их использования в Российской Федерации – М.: МБРР, 2002.

52. Обзоры расходов и качество управления бюджетами субъектов Российской Федерации: Методические рекомендации / Под ред. В.В. Онищенко и В.В. Климанова. — М.: Эдиториал УРСС, 2001. (Региональные финансы / Ред. А.М. Лавров; Вып. 1).

53. Программы реформирования региональных финансов: первые результаты / Под ред. А.М. Лаврова. Составитель В.В. Климанов. — М.: Эдиториал УРСС, 2001. (Региональные финансы; Вып. 2).

54. Эффективность бюджетных расходов на региональном уровне / Под ред. А.М. Лаврова. — М.: Издательство «Весь Мир», 2003. (Региональные финансы; Вып. 5).

55. Кодекс надлежащей практики по обеспечению прозрачности в бюджетно-налоговой сфере (пересмотрен 28 февраля 2001 года) / Международный валютный фонд, 2004. (<http://www.imf.org/external/np/fad/trans/code.htm>)

56. Методические рекомендации и проекты методик в виде типовых инструкций, регламентирующие планирование соответствующего вида (тематический отчет) / Сер. «Проект «Финансовое планирование»». – СПб., ГП МЦСЭИ «Леонтьевский центр», 2004.

57. Заостровцев А.П. Кодекс лучшей практики среднесрочного финансового планирования // Материалы конференции «Среднесрочное финансовое планирование в субъектах Федерации и муниципальных образованиях». – СПб., МЦСЭИ «Леонтьевский центр», 18-19 ноября 2004 г.

58. Local Government Budgeting Toolkit / Materials to Accompany Remarks of Michael Schaeffer, Sudan Budget Workshop, August 6, 2003

59. Dall Forsythe. Performance Management Comes to Washington: A Status Report on the Government Performance and Results Act. The Nelson A. Rockefeller Institute of Government, 2000.

60. Judd Metzgar and Rowan A. Miranda. Technology for Financial Planning and Forecasting // ERP and Financial Management Systems, Chapter 12.

61. Типовой закон «О государственных (муниципальных) закупках субъекта Федерации». Тематический отчет консорциума «ПРОСПЕКТ» - «ПАКК» (заказчик – «Фонд реструктуризации предприятий») в рамках контракта № RFTAP/QCBS/3.5. «Региональная система бюджетных закупок». Москва, Июль 2004.

62. Кодекс лучшей практики закупок. Тематический отчет консорциума «ПРОСПЕКТ» - «ПАКК» (заказчик – «Фонд реструктуризации предприятий») в рамках контракта № RFTAP/QCBS/3.5. «Региональная система бюджетных закупок». Москва. Июль 2004.

63. Оценка потребности регионов-участников второго этапа в ресурсах, необходимых для обеспечения прогнозируемых потребностей населения территории в бюджетных услугах, в натуральных показателях на срок до 10 лет. Тематический отчет в рамках контракта №RFTAP/QCBS/3.1.1 от 19.09.2002 г. СанктПетербург, 2003.

64. Results and Performance Accountability, Decision-making and Budgeting / Fiscal Policy Studies Institute. – New Mexico, 2003.

65. Кодекс лучшей практики в сфере управления региональными финансами (для субъектов Российской Федерации) с пояснениями / Тематический отчет в рамках контракта №RFTAP/QCBS/2.2: Москва: Standard&Poors, 2004.

66. Руководство по управлению региональными и муниципальными финансами (проект) / Институт Восток-Запад, Институт Реформирования Общественных Финансов, Институт Финансово-Экономического Мониторинга. Апрель 2005 г.

67. Концепция распределения финансовых трансфертов органам местного самоуправления (концепция бюджетного сотрудничества) / Москва, Центр фискальной политики, 2003.

68. Модель расчета индекса бюджетных расходов муниципальных районов (городских округов) / Москва, Центр фискальной политики, 2005.

69. Модель расчета дотаций из регионального фонда финансовой поддержки муниципальных районов (городских округов) / Москва, Центр фискальной политики, 2005.

70. Методика установления единых нормативов отчислений в местные бюджеты от федеральных и региональных налогов, подлежащих зачислению в бюджет субъекта федерации / Москва, Центр фискальной политики, 2005.

71. Модели расчета подушевых дотаций бюджетам поселений и оценки расходных обязательств (пояснительная записка) / Москва, Центр фискальной политики, 2005.

72. Стюарт Маклеод. Справочное пособие по теме «Государственное бюджетирование» / Программа Европейского Союза EUROPEAID 113768/D/SV/RU.

73. Brown, Michael Barratt, 1995 Model of Political Economy, Second Edition, London: Penguin Book.

74. Hon David Butcher. Global and Regional Experiences in Public Sector Reform (Good Governance in Politics, Government and Corporate Sectors in the Republic of Korea).

75. Kenneth A. Smith, Rita H. Cheng. Assessing Reforms of Government Accounting and Budgeting. November 5, 2004.

76. Станислав Прокофьев. Казначейская система исполнения бюджета Франции - Журнал «Бюджет», июнь 2003 - С. 58-60

77. Наша цель - стабильность финансовой системы (интервью с Татьяной Нестеренко). Журнал «Бюджет» октябрь, 2003. С. 38-40

78. Российская модель бюджетного федерализма - интервью с Алексеем Лавровым. Журнал «Бюджет». Август 2003 - стр. 4-8; сентябрь 2003 - С. 10-14

79. Г.В. Курьяндская Межбюджетное регулирование на региональном уровне в условиях реформы местного самоуправления. Доклад на конференции в Кисловодске. 30 июль 2004 года.

80. А.М. Лавров Стратегия и тактика реформы межбюджетных отношений в Российской Федерации // Совершенствование межбюджетных отношений в России. Научные труды. №24Р. Москва: Институт экономики переходного периода. - С. 7-82.

81. А.М. Лавров Бюджетная реформа 2001-2007 годов: от управления затратами к управлению результатами // Принципы управления общественными финансами на субнациональном уровне: Сборник докладов. Под ред. А.М. Лаврова. - М.: КомКнига, 2005. - С. 7-52.

82. Н.П. Грацианова Совершенствование механизмов формирования эффективной бюджетной политики региона // Проблемы совершенствования бюджетной политики регионов и муниципалитетов России и стран Северной Европы: Материалы Пятой ежегодной международной научно-практической конференции. Кн. I. - Петрозаводск: Изд-во ПетрГУ, 2005.

83. Новые экономические механизмы административной реформы // Сборник материалов по бюджетированию, ориентированному на результат. - Москва: Министерство финансов РФ, Департамент бюджетной политики, 2003. - с. 76-83.

84. Бюджетирование, ориентированное на результат: цели и принципы // Сборник материалов по бюджетированию, ориентированному на результат. - Москва: Министерство финансов РФ, Департамент бюджетной политики, 2003. - С. 6-16.

85. Рекомендации по совершенствованию практики регионального и местного бюджетно-финансового управления. / Москва: Фонд социальных проектов, 1999.

86. Портал как инструмент государственного управления. Информационный бюллетень Microsoft. Специальный выпуск. 2002 г.

87. Влияние сектора информационных технологий на национальную экономику и перспективы создания «электронного правительства». Информационный бюллетень Microsoft. Выпуск № 15.

88. Совершенствование деятельности органов государственной власти и местного самоуправления на основе использования информационных технологий. Часть 2. Информационный бюллетень Microsoft. Выпуск № 13.

89. Интернет-порталы органов государственной власти как ключевая составляющая «электронного правительства». Информационный бюллетень Microsoft. Выпуск № 10.

90. Концепция реформирования бюджетного процесса в Российской Федерации в 2004-2006 годах. Одобрена постановлением Правительства РФ от 22 мая 2004 г. № 249.

91. Грин Н.М., Косяков И.А., Сидоров М.А. Автоматизация управления бюджетным процессом региона // Архитектура информационных систем. Сборник. Выпуск №1/2004. Москва: Высшая школа экономики – С. 40-48.

92. Косяков И.А. Совершенствование процесса планирования бюджета региона // Актуальные проблемы современной науки: Сб. трудов 5-й Международной конференции молодых ученых и студентов. Естественные науки. Часть 31. Секция: Экономика (от А до К) – Самара: Изд-во СамГТУ, 2004. – С. 109-112.

93. Косяков И.А., Ключев Ю.Б. Оценка качества планирования бюджета региона // Социально-экономические аспекты реформ в России: проблемы, пути их решения (в Сибирском и Дальневосточном регионах): Матер. междунар. науч.практ. конф. – Улан-Удэ: Изд-во ВСГТУ, 2004. – С. 65-69.

94. Косяков И.А. Комплексный подход к организации процесса планирования бюджета региона // Сборник трудов Всероссийской конференции молодых ученых по институциональной экономике. – Екатеринбург: Институт экономики УрО РАН, 2004. – С. 178-182.

95. Косяков И.А. Методика формирования региональной системы бюджетного планирования // Антикризисный менеджмент в XXI веке: достижения, проблемы, перспективы: Сборник статей международной научно-практической конференции. – Пенза, 2005 год. – С. 55-59.

96. Косяков И.А. Свойства системы финансов как органичной системы // Основные направления, опыт и проблемы инновационного, финансового и экономического развития субъектов хозяйствования: материалы межрегиональной научно-практической конференции. – Киров: Изд-во ВятГТУ, 2005. – С. 42-45.

97. Косяков И.А. Систематизация элементов методологий бюджетирования и выработка рекомендаций по проведению бюджетной реформы в РФ на основе опыта США // Современный российский менеджмент: состояние, проблемы, развитие: сборник статей IV международной конференции. – Пенза, 2005. – С. 129-138.

98. Бюджетирование, ориентированное на результат (БОР) и среднесрочное планирование расходов (ССПР) – вводный курс/ учебные материалы семинара / Институт Мирового банка/ Ташкент/ Узбекистан/ 2007 г. 29-30 март.

99. Основные направления бюджетной стратегии Республики Узбекистан на 2008 г. и среднесрочную перспективу/ доклад в рамках проекта «Реформы государственных финансов»/ ПРООН/ Ташкент/ 2007 г. с. 54

100. Концептуальные и методологические аспекты применения новых подходов в планировании бюджета. /ПРООН/ Ташкент/ 2008 г. с.37

**БЮДЖЕТНИ ЎРТА МУДДАТ
РЕЖАЛАШТИРИШ**

Босишга рухсат этилди 23.12.2011 й.

Ҳажми А5

Адади 30 дона.

Шартнома № РО/0006/11, РО/0453/11

2011 йил 09 декабр буюртма № 972

МЧЖ «NORI» босмахонасида чоп этилди
Ўзбекистон Республикаси, 100017, Тошкент шаҳри, Ц-4, 35-уй